

НАРЗУЛЛА ЙЎЛДОШЕВ

**БУХОРОДАГИ АЙРИМ  
АВЛИЁЛАР ТАРИХИ**

НАРЗУЛЛА ИУЛДОШЕВ

# БУХОРОДАГИ АЙРИМ АВЛИЁЛАР ТАРИХИ

«Бухоро» нашриёти

БУХОРО — 1993.

мадлар ва шоирларнинг қабрлари в қадамжолари мавжуддир. Уларнинг табаррук қабрларини зиёрат қилганлар ва хотираларини эслаб турганлар. Кўпгина Илоҳиёт олимлари ва айрим тарихчилар уларнинг фаолиятлари ва қилган ишлари туғрисида асарлар қолдириб кетганлар.

Минг афсуски Советлар ҳукмронлиги даврида вилоят, шаҳар ноҳия ҳакамлари «Инқилоб номи билан» ҳамда динга қарши кураш шiori остида турли баҳоналар билан қарор ва буйруқлар чиқариб халқ томонидан асрлар давомида эъзолаб келинган кўпгина авлиқаларнинг муқаддас мазорлари ва қабрларини ер билан текисладилар. Халқ меъморлари томонидан асрлар давомида бунёдга келтирилган муқаддас жойлардаги ажойиб архитектура ёдгорликлари бўлган мақбаралар, хонақоҳлар, минорлар, 10-15 қаватли пушталар (қабрлар) вайрон қилинди. Агар 20-30 йилларнинг «инқилобий руҳини янги социалистик, пролетар маданий қуриш шiori остида бу ишлар қилинган бўлса, 50-70-80 йилларнинг 1 ярмида ҳам давом этди.

Масалан, 1960 йилларда XIV аср архитектура ёдгорлиги бўлган Хожа Убон мақбараси ўша даврда Рометан район партия комитетининг биринчи котиби вазифасида ишлаган Воҳидов буйруғи билан портлатилди.

Бухоро шаҳрида «Дарвозан мазор» ёнида қабристон, у ерда XIV асрдаги Ислон ҳуқуқшунослиги олими Абу Бақри Исҳоқ Калободи XIX аср иккинчи ярмида яшаган олим, шоир Аҳмади Дониш қабри ўнлаб Бухоронинг йирик олимларининг қабри ва 15 қаватдан иборат бўлган пушталар тамомила ер билан текисланиб, у ерларга турар жойлар — участкалар берилди. Яқинда таги пуштадаги — Турки жандидаги 10-12 қаватли пушталар йиқитилиб, ҳозир унинг ўрнига болалар боғчаси қуриш мулжалланмоқда. Яқин 10 йиллик мобайнида Халифа Худойдот мақбараси, Сардоба, (усту ёпилган шифобахш чашма), мазор, унинг ёнидаги Эшон Имло мақбараси, масжид, Бухоро амирларининг айримларининг қабрлари ер билан текисланиб ўрнига мактаб, шахсий уй-жой участкалари қурилди. Бундай ми-соллар ҳадисиз-ҳисобсиздир.

Кейинги йилларда кўпгина шаҳар, район ва қишлоқларда меҳнат кашларининг (шу жумладан диндорларнинг ҳам) қарори билан зиёратгоҳлар — «Муқаддас жой» лар қайтадан тикланди ва уларни таъмирлаш ишлари жонланиб кетди. Бундай мазор, қадамжоларнинг очилишга сабаб ўша жойдаги авлиё даражасига кўтарилган жасадларнинг азиз руҳларини эслаш бўлса, иккинчидан, Расул улло саллалоҳу алайҳи ва саллам айтганларидек: «зиёрат кунед гўристонро ки он чо охиратро ба хотиратон биёрат» (ал Жомий ас-сағир).

**Мазмуни:** «Мозорларни зиёрат қилинг, то ки у ерлар охиратни едингизга солсин».

Бухоролик биринчи профессорлардан, Илоҳиёт илмини ва Ислом тарихини мукаммал билган Абдурауф Фитрат (1886-1938) ўзининг араб шрифтида форс-тожик тилида ёзган «Раҳбари Нажот» (Петроград, 1915 й) китобида «энди авлиёларнинг зиёрати хусусида озгина бўлса ҳам тўхталиб ўтмоқчимиз» деб Қуръон оятлари ва ҳадислардан мисоллар келтириб, мозор ва авлиёларни зиёрат қилиш албатта ҳар бир мусулмон учун зарур, деб ҳисоблайди. Айрим кишилар Расул уллоҳнинг бу ҳадисларидаги ҳикматларни нотўғри тушунадилар. — деб деб ҳисоблайди А. Фитрат юқоридаги исарида — Қабристонларни зиёрат қилиш деган сўз уларни сиғиниш, улардан мадад кутиш деган маъно чиқмайди, аксинча, авлиёларга сиғиниш ва улардан мадад кутишни Қуръони Карим ва пайгамбар ҳадисларида қаттиқ қораланади.

«Бизлар, — деб ёзади Фитрат. — ғўристонга зиёратга борсак ҳам, у ердаги ётганларнинг хотирасини ёдга олиш учун бормасдан, балки, ўлганлардан мадад истаб борамиз. Авваламбор шуни англаш керакки, бундай «зиёратлар бизлар учун фойдасиздир, чунки ҳеч бир авлиё ҳеч қачон бирор кишига мадад беролмайди. Бундай зиёратлар шаръан мамнў (ман қилинган) ва ҳаромдир. Бундай зиёратлар сабабидан биз гуноҳкор бўламиз. Шунин билан керакки, аввало бундай зиёратлар ҳеч вақт ва ҳеч қачон бизларнинг ниятларимизни рўёбга чиқармайди ва мадад ҳам бермайди.

Қабрларни зиёрат қилишдан мақсад, — деб ёзади А. Фитрат, — киши ҳар қанча ўзига мағрур, мутақаббир бўлишига қарамасдан, ғўристондаги мингларча тупроқ остида ётганларни куриб, мумкин эмаски бундай кишилар мағрурликни тарқ қилмасалар. Шунингдек, охират ўйловига тушмасликлари мумкин эмас. Шу муносабат билан пайгамбаримиз ўз умматларига қабрларини зиёрат қилишга ижозат берганлар. А. Фитрат бирдан-бир мададкор оллоҳ таоллоҳ, — дейди ва ўз фикрини тасдиқлаш учун Қуръон оятларини ва ҳадислардан бир қанча мисоллар келтиради:

«Тасдиқи боло». Таржима. Шуморо ба жазои худо соҳибе ва мададкоре нест (Қуръони Карим оятларидан). Мазмуни: Тангри сизга жазо бермоқчи бўлса, уни сақлайдиган ва мададкорлик қиладиган топилмайди.

**Еки:**

**Таржима:** Вақтеки худо дар ҳақи як қавм бади хоҳад ради он мумкин нахоҳад шуд, ва он қавмро ғайр аз худо, нигоҳдораиде нест (яъни, агар он қавм аз кирдори худ товба кунад, мумкин аст-ки худо боз онҳоро нигоҳдори намояд). (Қуръон оятларидан).

**Мазмуни:** — Агар таггри бир қавм ҳақида ёмонликни истаса, у қавмнинг қутулиши мумкин эмас ва у қавмни офатларидан сақлайдиган фақат ху одир. (Агар у қавм ўз қилмишларидан тавба қилса, ажаб эмас-ки таггри уларга мададкорлик қилса).

Пайгамбар ҳадисларидан бирида А. Фитрат қуйидаги матн парчасини келтиради: Таржима:

«Хуш доред! Мардумонеки пеш аз шумо омада буданд, гўрҳон пайгамбарон ва авлиёҳояшонро масҷид интихоз (Интиҳоб Н. И.) карданд. Хуш доред! Шумо қабри касеро масҷиди интихоз накунед. Ўғини дар сари қабри касе рафта намоз нагузаред-ки ман шуморо аз ин кор манъ мекунам (Муслим «Китоб ал-масҷид»).

**Мазмуни:** Ҳушёр бўлинг! Мадомки сизлардан олдин келганлар ўз пайгамбарлари ва авлиёларининг қабрларини масҷид интиҳоб қилдилар. Ҳушёр бўлинг! Сизлар ҳеч кимнинг қабрини масҷид қилманг, яъни ҳеч кимнинг қабрига бориб намоз ўқиманг мен сизларнинг бу ишларингизни ман қиламан. «Айрим қорилар (Қуръонни ёд қилиб қироат қилувчилар) айтадиларки, — деб ёзади А. Фитрат, — биз авлиёларнинг қабрида бошқаларнинг матлабини ҳосил қилиш учун намоз ўқиймиз. Бундай шафъе (бирор кишига ёрдам берувчи, воситачи) келтириш ва восита бўлиш ҳам авлиёлардан мадад тилаш билан баробардир. Илгари будиараст (мушриқ) лар ўз будларидан мадад тилар эдилар. Агар, бизлар ҳам фалон авлиёдан шафъе ва восита настаб, зиёрат ва таъзим бажо келтирсак, мусулмонлар билан мушриқ ўртасида ҳеч қандай фарқ қолмайди. Мусулмонларнинг бу тариқа эътиқодлари жонз эмас, шунинг учун ҳам қуръон оятлари ва муқаддас китобларда авлиёлардан мадад тилаш куфрлик, катта гуноҳ деб ёзилган.<sup>1</sup>

Айрим муътабар ҳисобланган диний китобларда ўтган шахсларни илоҳийлаштириш, уларни авлиё ва бузрукворлар даражасига кўтариш, қабрларни муқаддаслаштириш ва улардан мадад тилаш урф-одатларни қаттиқ қоғалайди. Ҳатто бу ишларни бажарганларни кофирлик деб ҳисоблайди.

Бухоро музейи фондларида сақланаётган айрим диний қўлёзмаларда ҳам мазорларга сиғиниш, уларга бориб фарзанд талаб қилиш ёки касалларнинг шифо тилаши, турли ҳожатларни чиқаришга, мушкулларнинг осон бўлишига умид боғлашни тамомила рад этади. Ма салан, «Фатовийи азизи» деган китобда бундай дейилган: «Ўлганлардан гоийбона ёки қабрлари ёнида туриб мадад сўраш шубҳасиз бидъат-

---

1. А. Фитрат, Раҳбари Нажот. Петроград. 1915 (араб имлоси, тожик тилида) 15 бет.

дир, бу иш саҳобалар<sup>1</sup> ва тобиъинлар<sup>2</sup> вақтида йуқ эди, фуқаҳо (уламо) лардан кўлчилиги буни инкор этади».

«Мало-буду минҳ» деган яна бир диний китобда айтилишича: «Авлиёларнинг қабрларига сажда қилиш, улардан ҳожат сураш ва уларга назр аташ ҳаромдир».

Ислом руҳонийлари орасида энг муътабар диний китоблардан ҳисобланган «Миота масоил» деган асарда бундай иборалар ёзилган: «Қабрга сажда қилиш, уни ўпиш, қўлни унга текизиб юзга суртиш ва қабрларда ётган жасаддан ҳожат сураш, қабристонда чироқ ёқиш — буларнинг ҳаммаси ҳаромдир. Қабр ҳузурига бориб, ўз ҳожатларини сураш, масалан, фарзанд, касалликдан шифо, давлат-мандлик сураш, бало ва мусибатларнинг даф бўлиши ва шунга ўхшашларни қабр эгасининг ўзи беради, деб талаб қилинса, бу хил ишлар, албатта, шаккоклик ва қуфрдир». «Бандасига ва унинг барпо ётган ўйига сиғинмоқ гуноҳи азимдир, Расулиллоҳ саҳобаларидан бири ҳазрати Умар билан бирга Мадинадан Маккага сафар қилишга ётган экан. Карбало даштида бир зум ором истаб, ёлғиз дарахт соясида дам олишибди. Ниҳоят, нафасларини ростлаб, йўлга равона бўлишгач пайғамбаримиз ҳазрати Умарга: Эй Умар, бориб мен, ҳозир соясида ўлтирган дарахтни кесиб келурсан», дебдилар.

Ҳазрати Умар сурабдилар: «Эй Муҳаммад, сен ўзинг бизга қиёмат қойин чоғида бир дақиқа қолганда ҳам дарахт эқмоқни буюргансан, не сабабдан, бутун нСаҳройн Кабирда яратганининг каромати билан турган дарахтни кесурман?».

Шунда Расулиллоҳ: «Замонлар ўтар, бир вақтлар келиб, умматларим, шул дарахт соясида пайғамбаримиз ором олган эканлар, деб унга сиғинадилар. Шул боис эътиқоднинг замирида ёлғиз яратганининг ўзи турмоғи лозим. Одамзод ва унинг суратига сиғиниб яшаган фуқаронинг касаси оқармағай». <sup>1</sup>

XIX аср тарихчиси Ҳақимхон ўзининг «Мунтахаб ат-товарих» деган китобида шундай ёзган эди:

Қўқон хони Олимхон (1800-1809 сохта Саид ва шайхларга қарши кураш олиб борди. Шунингдек, у туғларда, мазорлардаги дарахтларга латта боғлаш, авлиёларга, қадамжо, мазорларга сиғинишга қарши чиқади. Бундай урф-одатлар ислом руҳига тўғри келмайди деб айтган эди. Олимхон ислом динининг доклиги учун, диний урф-одатларни

1. Саҳобалар (асҳоблар) — Муҳаммад пайғамбарнинг яқин сафдошлари.

2. Тобиъинлар. Саҳобалардан сўнг ислом аконди, шарнати ва анъаналарини давом эттирганлар, саҳобаларнинг издошлари.

1. Ёқуббек Яқвалхўжаев, Ватандан айри тушмасин йўлинг. «Ўзбегим» (Ватан серияси). Т. 1992, 105 бет.

тўла бажарилиши учун курашди. Ҳақиқий диний билимга эга бўлган уламоларни ҳурмат қилар эди. Ҳатто узининг синглиси Офтобойимни Ўрта Осиёнинг машҳур эшонларидан бири бўлган Маъсумхонга хотинликка берган эди.

Унинг бундай тадбирлари авлиёпараст, мутаасиб, сохта суфий, дарवेश ва эшонларга, ҳамда реакцион сарой амалдорларига ёқмас эди. Шунинг учун Олимхон Реакцион кучлар қурбони бўлган эди.

Шундай қилиб мазорпарастликка қарши айрим ҳукмрон синф, уламоларнинг кўпчилиги ва ҳатто меҳнаткаш халқ вакиллари курашиб келган эдилар. Бироқ амалда айрим мутаасиб ва назрхурлар моддий, сиёсий, идеологик манфаатларини назарда тутиб авлиёларга, ҳатто жонсиз предметлар (дарахт, туг ваҳоказолар) га сизинишни тарғиб этадилар ва ҳар томонлама рағбатлантирадилар.

Қуръони каримдан ва ҳадислардан хабарсиз бўлган, ўз манфаатлари йулида муккасидан кетган айрим сохта дин аҳллари ислом динининг ақида ва қондаларига ва диннинг руҳига қарама-қарши ўлароқ, авлиёларга сизинишни жорий қилдилар. Натижада, турли тарихий ёки афсонавий шахсларни илоҳийлаштира бошлаганлар, турли авлиёларга сизинишни ҳадан ташқари кўпайтириб юбордилар. Шу тариқа Ислом динига қабрларни, муқаддас мазорларни, улар ёнидаги дарахтлар, тошлар, туглар ва шу каби нарсалардан мадад сўраш, уларга сажда қилиш кабилар айрим маҳаллий руҳонийлар томонидан ислом динига киритилди ва асрлар мобайнида урф-одатга айлантирилди. Кейинги йилларда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний назорати бир қанча фатволар берди, бу фатволар қадимжоларга сизиниш мусулмонлар учун ҳаром деб айтилди.

Саид Аброр Мақсуднинг «Ширқдан сақланайлик» деган мақоласида («Ислом нури», жаридаси I-II рабъъус сонни 1411 йил ҳижрий, 16-30 октябрь 1990 йил). «Муқадас динимиз инсонларни ҳар хил ирим-сиримларга берилмасликка, динда йўқ ҳар хил хурофий одатларни қилмасликка чақиради...Қабрлар олдида намоз ўқиш, қабр устига, мойит чиққан хонага шам қўйиш, қабр устига супирги, чойнак, носа ва бошқа нарсаларни қўядилар. Одамлар қабр устига лавҳалар қўйиб, Қуръон оятлари ва бошқа нарсаларни ёзадилар. Баъзилар қабрларни тавоф қиладилар. Буларнинг барчаси Исломга зид ва нотўғри. Умуман олганда, мана шуларни қилганлар Расулулоҳ буюрган ва айтганларига зид иш бўлиб, катта гуноҳкор бўладилар», — деб ёзилган.

Мазорпарастлик Исомиядан анча олдинроқ, энг қадимги замонда — жоҳилият даврида пайдо бўлган ва урф-одат қолдиги сифатида бизнинг замонамизгача етиб келган. Ислом дини мазорларга сизиниш, тумор, эзиб ички, кўзмунчоқлар тақиш, дарахт ва тошларга ишониб сажда қилишни бидъат деб ҳисоблайди.

Жалолиддин Суютий йирик муҳаддис (ҳадис илми билан шугулланувчи олим) ларнинг тўпламларидаги минглаб ҳадислардан танлаб оlib, «Аль Ҳомиъ ас Сағир» номли ҳадислар тўпламини ёзиб чиқди. Мана шу тўпламда бидъат ва хуруфотлар ҳақидаги пайғамбаримиз кўрсатмаларида шундай жумлаларни ўқиймиз:

«Бидъат ва хуруфотга берилган одам то уларни тарк этмагунча унинг қилган савобли ишларини тангри қабул қилмайди». (Аль Ҳомиъ ас Сағир). Еки тўпламда «Тангрига суюниш ўрнига бошқа сеҳру-жоду, туморларга ихлос қилган кишини оллоҳ таолоҳ ʘ ҳолига ашлаб қўяди (яъни, ёрдам беролмайди)» деб ёзилган. Айрим ҳолларда диндорлар мазор ва авлиёларга молларни элтиб қурбонлик қиладилар. «Аль Ҳомиъ ас Сағир» деб аталган Ҳадислар тўпламида «Мазорларга, азиз авлиёларга қурбонлик қилиш Исломда йўқ» дейилган.

Расул уллоҳ марҳумлар шаънига муболага билан мадҳия, марсия, ривоят ва афсоналар айтишни ман этган булсалар ҳам, аммо кўпчилик авлиёлар шарафига бир-бирига қарама-қарши афсоналар яратилган. Биз тарихий манбалар ва далилларга асосланмаган афсоналарни рад этишга ҳаракат қилдик. Чунки бундай афсоналар ўша авлиёдан моддий манфаатдор бўлган, сохта муллалар ва назрхўрлар гомонидан тўқиб чиқарилган уйдирмалардир.

Биз бу қўлёзмада Бухорода яшаган Илоҳият донишмандлари, Илмфан арбоблари, тариқат машоихлари вафотидан сўнг халқ асрлар давомида уларни авлиё даражасига кўтарган, пок руҳларини эъзозлаган ва хотираларини эслаб турган, қабрлари зиёратгоҳга айланган буюк зотларни айримларини қисқача таржимаи ҳоллари ва фаолиятларини ёритишга ҳаракат қилдик. Чунки ҳозирги авлоднинг кўпчилиги уларнинг босит ўтган ҳаётларидан беҳабардирлар. Шунинг учун биз ёритаётган авлиёларнинг кўпчилиги биринчи маротиба ҳозирги имло билан ёзилапти.

Уларнинг тариқатлари, асарларини таҳлил қилиш алоҳида тадқиқотлар талаб қилади, шунинг учун бу ҳақда биз кўп тўхтаб туришни лозим кўрмадик. Уларнинг босит ўтган фаолиятлари вақтидаги тарихий воқеаларга кўпроқ аҳамият бердик.

Биз Бухоро ва унинг атрофидаги авлиёлар тарихи билан 1950 йилдан бери шугулланиб келамиз. Кўпгина тадқиқотлар олиб борилди, ўнлаб кексалар билан ва шу масала билан алоқадор кишилар билан суҳбатлар олиб бордик.

Ислом динида «Муқаддас» жойлар ва уларнинг мазорларига сикиниш тарихий, социал-синфий жиҳатдан бир неча турларга бўлинади.

1. Исломгача бўлган оташпарастлик ва мажусийлик давридан қолган, ислом дини айрим руҳонийлар томонидан ўз манфаатларига мослаштирилган қадамжо, авлиё ва уларнинг мазорларига сикини-



ши: Сиёвуш Вали, Қучқор ота, Ҳазрат Аюб, Хожа Убон, Хожа Ғо-  
йноб, Хожа Аспгардон, Ҳазрат Хизир, Хожарушной, Моҳитобон,  
Жонмарди Қассоб, Бурхи (Бурки) Сармаст, Чилдухтарон, Биби  
Махсумайи пок, Қизбиби қабилар шулар жумласидандир.

2. Сўфизм — тасаввуф диний оқим наояндаларининг айримларини муқаддаслаштириш ва уларнинг қабрларига сиғиниши: Абу Ҳафс Кабир-Ҳазрати Имом, Абу Абдулло Ибн Ҳафс Сағир, Хожа Гунжори, Абу Бақир Исҳоқ Калободи, Турки Жанди, Санд Абул Ҳасани Побанд, Абу Ҳамид Ибн Муҳаммад ал-Газолий, Юсуф Ҳамадоний, Зиндафил Аҳмади Жомий, Хожа Абдул Холиқи Гиждувони, Имом Қозихон, шайх Пажмидин Қубро, Шайхул Олам-Боҳарзи, Хожа Орифи Ривғари, Хожа Али Рометани, Бобойи Самоси, Мири Кулол, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор, Хожа Порсо, Жубор хожалари, Хожа Давлат, Хожа Ниҳол, Шайх Мирзо Ҳошим, Сўфи Дехқон, Мавлоно Шариф, Халифа Худойдот, Эшон Имо ва бошқалар.

Сўфизм таъсирида бўлган шоирлардан хожа Исмаил Абдурахмон Мушфиқий, Мавлоно Амири ва бошқалар авлиё даражасига кўтарилиши тарихи.

3. Айрим ҳукмдорлар ва уларнинг амалдорларини авлиё даражасига кўтариб, уларнинг мазорларига сиғиниш — Имом Қутайба, Бобоқамбар, Ғозийн, Исмоил Сомоний, Жиннат Макон (амир Шоҳмурод) ва бошқалар.

4. Хунармандлик билан шуғулланган, кейин «авлиё» даражасига кўтарилган кишиларнинг қабрига сиғиниш. Уста руҳи, Бобои порадуз, Шайх Рангрез, Пирмуҳаммад Жувозкаш, Хожа Булғор, Хожа Сабатбоф ва бошқалар.

5. Ҳукмронларнинг сиёсий-диний ҳокимиятига қарши кураш олиб борган кишиларни меҳнаткаш халқ томонидан авлиё даражасига кўтарилиш тарихи ва уларнинг мазорларига сиғиниш (Маҳмуд Таробий, Шукурбек, аҳли Намадпуш ва бошқалар).

### **ИСЛОМ ДИНИДА БИДЪАТ ДЕБ ҲИСОБЛАНГАН МАЖУСИЙЛИК ДАВРИДАГИ СИҒИНАДИГАН ЖОЙЛАРНИ МАҲАЛЛИЙ УРФОДАТ СИФАТИДА ТИКЛАНГАНЛИГИ ТАРИХИ.**

Мусулмон руҳонийлари исломиятгача бўлган ибтидоий дин формаларини умуман тан олмайдилар. Қадимий ибтидоий одамларнинг дин формаларидан бири бўлган фетишизмдан ташқари, анимизм формаси ҳам мавжуд бўлган. Анимистик тасаввурлар ибтидоий жамиятда пайдо бўлиб, жон ва руҳларга ишониш демақдир. Қадимги одамлар руҳлар кишилар ва ҳайвонларнинг ҳаётига, теварак атрофдаги оламнинг предметлари ҳодисаларига таъсир кўрсатиб тургани деган тушунчага ишонганлар. Анимистик тасаввурлар кейин-

чалик диний эътиқодларга асос бўлди. Принцип жиҳатдан аниқ ҳам қандай динга хосдир.

Урта Осиёда Исломи диний урф-одатларнинг энг характерли хусусияти шундан иборатки, Муқаддас жойларга сизинишда Исломигача бўлган қолдиқлар сақланган. Бутун Урта Осиёдаги каби Бухорода Иломигача Муқаддаслаштирилган кишилар ва уларнинг мазорларини илоҳийлаштириш одатлари сақланган. Бундай мазорлар қишлоқларда, шаҳарларда, аҳоли яшайдиган пунктларда шаклланган. Мажусийлик даврида сизиниб келинган бундай қадамжоларни Иломи дини гарчи бидъат деб ҳисобласа ҳам маҳаллий халқ эски урф-одат шаклида улардан воз кеча олмади, аксинча, маҳаллий руҳонийлар уларнинг айримларига сизинишни вожиб деб фатволар бердилар. Мажусийлик давридаги қадамжоларга турли афсона ва ривоятлар туқиб, уларни замоналаштирдилар. Мана шундай мажусийлик давридан қолган қадамжолардан Бухоро Аркининг асосчилари бўлган тарихий шахслар Афросиёб ва Сиёвүш бўлиб ҳисобланади.

#### а) Сиёвүш, Қайхисравлар афсонавий ёки тарихий шахсларми?

Филология фанлари доктори, профессор Х. Дониёров ўзининг «Афросиёб: афсонавий ёки тарихий шахс» деб аталган мақолаларида тарихий манбалар асосида Афросиёбни тарихий шахс эканлигини исботлаб беришга ҳаракат қилади. Афросиёб ҳақиқатан Туронда ҳукмронлик қилгани ва авлодларини сажараларини тарихий далиллар орқали ёзилганлиги таҳсинга сазовордир.

Афросиёб Пойканд, Ромтин (Қўргон Рометан) каби шаҳарларни бино қилган ва гоҳи вақтларда шу жойлардаги ҳисорларга туриб қолган. Наршахийнинг ёзишича Афросиёб Эронийлар билан жуда кўп жанглар олиб борган.

Бошқа тарихий манбаларга қараганда, Бухоро шаҳристонини ҳам Афросиёб бино қилган. У Бухоро воҳасига келганда фақат Ромитандан бошқа жойда турмаган. Сиёвүшнинг ўгли Қайхисрав отасини қонини талаб қилиб, кўп лашкар билан келганида, Афросиёб шу Ромтин қишлоғини ҳисор қилиб турган. Қайхисрав икки йил шу ҳисор атрофини ўраб турган ва унинг рўпарасида бир қишлоқ бино қилиб, бу қишлоқни Ромүш деб атаган. (Бу қишлоқ ҳозир ҳам шу ном билан аталади. Н. Й.). Қайхисрав Ромүш қишлоғида оташдараствлар ибодатхонасини қурди. Қайхисрав икки йилдан кейин Афросиёбни тутиб ўлдирди.

Афросиёбнинг гўри Бухорода маъбад дарвозаси (ҳозирги «Ҳазра-

1. Қаранг: Шарқ юлдузи, № 7, 1991 йил, 191-194 бет, Фан ва турмуш, 1991 йил, № 3.

рати имом» дарвозаси) да Хожа Имом Абу Ҳафси Кабир тепалигига туташган катта тепалик устидадир. Яқин вақтларгача бухороликлар IX асрда яшаган ҳуқуқшунос олим ва авлиё Абу Ҳафс Кабир қабрини зиёрат қилиш билан бирга, муқаддас қадамжо, Бухоро шаҳрини бино қилувчилардан бири сифатида Афросиёб қабрини ҳам зиёрат қилар эдилар. Аммо советлар ҳукмронлиги даврида 1950 йилларда маҳаллий партия ва совет раҳбарлари динга қарши кураш баҳонаси билан Афросиёб тепалигини бузиб, йул ўтказдилар. Абу Ҳафс Кабир мақбараси, Афросиёб авлиёси ва бошқа меъморчилик обидалар бузиб ташланди. Сиёвуш ҳам Афросиёб каби тарихий шахс бўлиб, у Эрондаги Аҳмонийлар сулоласининг қадимги подшо-ларидан бири Кайковуснинг ўғлидир.

Наршахий ва бошқа тарихий манбаларда ҳикоя қилинишича, ўғай онаси Судоба Сиёвушга ошиқ бўлади. Мақсадига эришолмагач, унга тўхмат қилади. Отаси уни даҳшатли синовдан утказди, бу синовдан соғ-саломат ўтганлиги сабабли унинг гуноҳсизлиги маълум бўлади. Отаси Сиёвушни Эрон қўшинларига бошлиқ қилиб Турон подшоси Афросиёб билан қарши жангга юборди. Аммо Афросиёб билан Сиёвуш ўртасида сулҳ шартномаси тузилиб, Афросиёб бу сулҳни ишонарли бўлиш эвазига Сиёвуш ҳузурига ўз яқинларидан юз кишини гаровга юборди. Бу воқеани эшитган Кайковус ғазабланиб, дарҳол гаровга олинганларни ўлдиришга ва Афросиёб билан уруш-ни давом этдиришга фармон беради.

Сиёвуш отасини бундай фармонини бажаришдан бош тортиб, ноҳақ бегуноҳ ўлимга ҳукм қилинган кишилар билан Афросиёб ҳузурига боради. Афросиёб уни ўз фарзандидек кутиб олиб, Сиёвушга ўз қизи Фарангисни никоҳлаб беради. Афросиёб ўз мулкани ҳаммасини унга беришга қарор қилади. Бу вилоят ўзига вақтинча берилганлиги туфайли. («аз баҳри онки ин вилоят уро орияти буд»). Сиёвуш бу ерда ўзидан бирор ёдгорлик қолдиришни истайди. Шундай қилиб, у Бухоро Ҳисорини бино қилди. Кўпроқ ўша жойда туради-ган бўлди. Афросиёбнинг биродари Каршюз у билан Афросиёб ўртасида ёмон гап юргизди ва натижада Афросиёб Сиёвушни ўл-дирди.

Наршахий ёзишича, Сиёвуш ана шу Ҳисор (Арк) нинг Шарқий дарвозадан кираверишда «Дарвозайи Гўриён» деб атаган «Сомон-фурушлар» дарвозасининг ичкарасида дафн қилинган. Шунинг учун

1. Бухоронинг ўн бир дарвозаси советлар даврида йўқотиб юборил-ган. Шу жумладан «Ҳазрати имом Абу Ҳафс Кабир» дарвозаси ҳам 1930-40 йилларда вайрон қилиб ташланган эди.

1. Китоби тарихи Наршахи. Когон босмаҳонаси. (тош босма). 1909 йил, 6-бет.

Бухоро оташпараствлари уша жойни азиз тутадилар ва унга атаб ҳар бир эриак киши ҳар йили навруз кунн қуёш чиқишидан олдин уша жойда биттадан хуроз суюди. Бухоро аҳомисини Сиёвушнинг ўлдирилишига бағишлаб айтган марсиялари бўлиб, у барча вилоятларга машҳурдир. Куйчилар унга мослаб куй басталаганлар ва қўшиқ қилиб айтадилар. Қўшиқчилар уни «оташпараствлар йиғиси» дейдилар. «Бу гаплар бўлганига ҳозир уч минг йилдан ортиқдир». — деб ёзади Наршахий.

Сиёвушнинг отаси Кайковус Эрон подшоси (Аҳмонийлар сулоласидан) бўлганлигини тарихий манбалар тасдиқлайди. Унинг ўгли Сиёвуш ҳам, Сиёвушнинг ўгли Қайхисрав ҳам афсонавий шахслар бўлмасдан, балки тарихий шахслардирлар. Чунки Сиёвушнинг ҳалокатидан кейин ундан қолган лғона ўғил бобоси Кайковус тарбиясида бўлган, уни ёшлигидан бошлаб Афросиёбга қарши адоват руҳида тарбиялайди. Бобоси Кайковус вафотидан кейин Кайхисрав Эрон подшоси бўлиб, Афросиёб билан жанглар олиб борган. Ниҳоят юқоридаги айтганимиздек, у Ромтинни икки йил қамал қилиб, Афросиёбни шу жойда ҳалок қилиши табиийдир.

Кайхисрав милоддан аввал 550-530 йилларда подшолик қилган. Унинг подшолиги даврида Урта Осиёнинг Бактрия, Хоразм, Сугд каби катта территориясини эгаллайди. Шунинг учун ҳам Беруний ўз асарида Сиёвушни Хоразмда яшагани ва унинг ўгли Қайхисрав Хоразмда подшолик қилгани ҳақида гапиради. Бу афсона эмас, ҳақиқат. Хокки Кайхисрав Сугд (Самарқанд, Бухоро, Насаф, Кеш каби), Хоразм, Бактрия вилоятларини ўз ҳукмронлиги остида олган эди. Ундан олдин эса Афросиёб Туронда ҳукмронлик қилган даврда ҳам Хоразм унинг тасаруфида бўлган, шунинг учун Сиёвушнинг култи Хоразмда кенг тарқалган. Эрон шоирлари ва тарихчилари баъзи асарларида, — деб ёзади Х. Доннёров, ўзининг мақоласида — Афросиёбни (Сиёвушни ҳам Н. Й.) атайлаб афсонавий сиймога акс эттирилиши баъзи бир Европа ва рус тарихчилари нуқтаи назарига таъсир қилган (ёки бошқачароқ айтганда, уларнинг айримларига жуда кўл келган). Яъни, шунн ҳам, таъкидлаш керакки, Урта Осиё ва Шарқ тарихини билимдони академик В. В. Бартольд ўзининг дастлабки мақолаларида Афросиёбни Туроннинг афсонавий шоҳи деб атаган эди. Бу фикр кўпгина тарихчилар учун утиб бўлмас чегара ёки Турон тарихига баҳо бериш мезонига айланиб қолди». (Шарқ юлдузи № 3, 1991 й, 194 б).

Шарқ тарихчилари ўзларининг асарларини ёзганда турли афсоналардан ҳам фойдаланганларки, уларнинг тўғри ва нотўғрилигини ўқувчиларга ҳавола қилганлар. Масалан, Муҳаммад Жаъфар Наршахий Афросиёб тўғрисида қуйидаги афсоналарни келтиради: «Форсийларнинг китобларида айтилишича, Афросиёб икки минг

йил яшаган. У жодугар бўлиб, Нуҳ подшонинг болаларидандир». (Наъшахи 1956. 2 бет).

Х. Дониёров ўзининг юқоридаги мақоласида ёзганидек, «Афсоналар масаласига келганда шуни айтиш керакки, Шарқ адабиётида тарихий шахслар сиймосини афсонавий тусда ёритиш мезонлардан бири бўлган». Масалан, Хожа Баҳоуддин, Хожа Уббон, Имом Қозихон, Абдул Холиқи Гиждувоний — Хожайн Жаҳон, Хожа Гунжорий, Абу Бакр Исҳоқ Калободи, Саид Абу Ҳасани Побанд, Хожа Аҳрор, Исмоил Сомоний, Амир Темур каби олим, машойиҳ, ҳукмдорлар ҳақида қанчадан-қанча афсоналар, ривоятлар мавжуд. Профессор Дониёров тўғри таъкидлаганидек, «Уларга суяниб биз буюк зотларни тарих саҳифасидан чиқариб ташлашимиз керакми? Аксинча, афсоналарнинг айримлари тагида маътум ҳақиқатлар бўлади, уни биз теран англаб олмоғимиз керак». Аммо айрим афсоналар ҳам бўладики, уларга ишониш мумкин эмас. Масалан, Афросиёбнинг икки минг йил яшаганлиги, уни жодугарлик билан шугулланиш қабилар шулар жумласидандир.

«Шарқ тарихини ва адабиётининг ана шу хусусиятини мантиқини В. В. Бартольд кейинчалик тушуниб етиб, Афросиёбнинг тарихий шахс эканлигини билвосита (унинг авлодлари орқали) бўлсада, тан олган эди. (Х. Дониёров, ўша асар. 119 бет).

Мажусийлар динда асосий масала дунёда доимо бир-бири билан курашувчи икки қарама-қарши ибтидо — яхшилиқ ва ёмонликдир. **Яхшилиқ** — ёруғлик тангриси Ахурамазда (Армузд) деб аталади. **Ёмонлик** — қоронғулик тангриси Аҳраман гавдалантирилган.

Сиёвуш ва унинг ўғли яхшилиқни ўзларида гавдалантирсалар, Сиёвушнинг отаси Кайковус, ўғай онаси Судоба, Афросиёб ва унинг биродари Қаршюз қабилар ёмонликни ўзларига мужассамлаштирган шахслар қаторига кирганлар.

Демак, Бухоро мажусийлари Сиёвушни муқаддас шахс сифатида унга сажда қилганлар. Исломи дини Бухорога кириб келгандан кейин ҳам гарчи Исломи динида мажусийлар қабрини сажда қилиш бидъат ҳисобланса ҳам, маҳаллий халқлар, айниқса, Бухоро, Хоразм, Самарқанд халқлари Сиёвушни ноҳақ шайид бўлганлар қаторига киритиб, уни қабрини зиёратгоҳга айлантирганлар, ҳатто унга «Вали» (мадақдор, муқаддас шахс) лақабини берганлар.

XVIII аср ўрталарида Манғитлар сулоласи даврида Арkning Шарқ томони амирлар ўрдасига айлантирилгач, Шарқ томонидаги «Дарвозан Гўрион» беқитилиб, ягона дарвоза, дарвозан Регистон қолдирилган. Сиёвушнинг қабри ҳам қадимги Гўрион дарвозасидан Регистон дарвозаси ёнига, Ногорахона тагида кўчирилади. У ердаги махсус ҳужрада унинг қабрини ясайдилар ва туг кўтардилар, Сиёвуш

Вали қабрини зиёратга келганлар учун. Регистон дарвозасидан кирганда ўнг томонида махсус зинапоаялар орқали юқорига чиқиб, Сиёвуш қабрини зиёрат қилганлар. Зиёратчиларга амир саройи ва унинг ўрдаси орқали йўл беркитилган.

Шундай қилиб, Сиёвуш қабри Исломиятгача ва ундан кейин ҳам авлиё, муқаддас шахс — бегуноҳ қурбон бўлган. Арзни бино қилган киши сифатида эъзозланган. Юқоридаги далиллардан ташқари, Сиёвуш замонидан давом этиб келаятган (айримлари сал ўзгатириб сақланган). Маҳаллий урф-одатлар борки, улар ҳам Сиёвушни тарихий шахслигини тасдиқловчи далиллар бўлиб ҳисобланади.

**Биринчи далил** шундан иборатки, Арзнининг Шарқий дарвозаси — «Сомонфурушлар дарвозаси» Сиёвуш кўмилгандан кейин Гўрион дарвозаси деб атаганлар. Қадимги Суғд ва форс тилида қабр «Гур» деган маънони билдиради, «Гўрион» деган сўз, «унинг қабри» яъни, «Сиёвушнинг қабри» деган маънони билдиради. Агар Сиёвуш Арзнининг Шарқий томонидаги дарвозага яқин кўмилганда, дарвозайни Гўрион деган ном қўйилмас эди.

**Иккинчи далил:** Сиёвуш ҳалокатидан кейин бухоролик мажусийлар Сиёвушнинг ўлимига атаб «Муғлар йиғиси» деган марсиyani куйга солиб, қўшиқ қилиб айтганлар. Шунинг қолдиги сифатида ҳозир ҳам ўлган кишиларни яхши ишларини эслаш учун махсус тайёргарликка эга бўлган оймуллолар чақириб, Марсия айтиш одати сақланиб қолган. (Бундай кишиларни Бухорода «гуянда» ҳам деб айтадилар).

**Учинчи далил:** Наврўз куни эрталаб қуёш чиқмасдан олдин мажусий эркаклар Сиёвуш қарига зиёратга келиб, биттадан хўроз қурбонлик қилганлар. Шундай одат ҳозирги замонда бироз ўзгартрилиб сақланган. Наврўзда ҳар бир бухоролик биртадан товуқ ёки хўроз (кўпроқ қолларда хўроз) қурбонлик қилиб, уни паловнинг тагига ётқизганлар. Буларни Бухороликлар «Қозон тўлди» деб атаганлар. Бу одат 1940 йилларгача бухороликлар орасида кенг тарқалган эди. Аммо ҳозирги даврда бу одатни айрим бухороликлар давом эттирмақдалар.

Бу далиллар ҳам Сиёвуш култи билан боғлиқ бўлган маросимлар, урф-одатлар бизнинг замонамизгача халқ орасида етиб келганини кўрамыз. Бу урф-одатлар Ислom дини билан ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Энди Бухоронинг ёши масаласига келганда, Совет даврида нашр этилган турли адабиётларда, ҳар хил саналар кўрсатилган. Айрим Совет тарихчилари Наршахийнинг Бухоро тарихида келтирилган сана «Бу гаплар бўлганига ҳозир 3 минг йилдан ортиқдир» деган гапларини асос қилиб олмоқдалар. Агар Наршахий китобининг ёз-

ган вақтини қўшиб ҳисобласак 4000 йилдан ортиқ вақт ўтган бўлади.

Аммо кўпгина Совет археологлари бундан 4 минг йил авал Урта Осиёда умуман шаҳар ёки Шаҳристон типдаги жойлар бўлмаган деган фикрни илгари сурганлар. Ҳатто, Ўзбекистоннинг кўзга кўринган археологлари — Шишкин, Толстов, Я. Гуломов, А. Аскарров, А. Муҳаммаджонов ва бошқалар ҳам шундай фикрларни тасдиқлаганлар. Айрим тарихчилар 1960 йилларгача В. В. Бартольдга суяниб, Бухоро эрамининг бошлари, яъни бундан 2 минг йил бурун пайдо бўлган деб таъкидлаган эдилар. Аммо марҳум академик Я. Гуломов бошчилигида Ўзбекистон археологлари бундан қаноатланмасдан, Бухоро шаҳри ва унинг атрофларида археологик қазув ишларини олиб бордилар. Бухоро шаҳрида Абдуллоҳон Тими ва Абдулазизхон мадрасаси ёнидаги майдонликка Инқилоб Ахроов бошчилигида археологик қазув ишлари олиб борилди. Аҳроров у ердан 2500 йилга доир моддий ёдгорликлар чиққанлигини эълон қилди-ю, аммо бу масалани кенгроқ ёзиб чиқмади. Эштинимизга қараганда, Н. Аҳроровнинг келтирган далилларини Ўзбекистон фаиллар Академияси археология институтини илмий кенгаши тасдиқламаган эмиш. 1970-80 йилларда А. Муҳаммаджонов раҳбарлигида шаҳарнинг бир неча жойларида археологик қазув ишлари олиб борилди. Айниқса, уларнинг энг каттаси Мирн Араб мадрасаси билан «Тоқи Заргарон» ёнида ўтказилган археологик қазув ишлари, шунингдек Арк тепасидан, Минорайи Калоннинг Жаубий томонидан катта бир ҳовли ичидан Шурф козилиб, шуларга асосланиб, хурматли профессор А. Муҳаммаджонов «Бухоро шаҳри ёшини 2300» деган хулосага келади. Бу тўғрида маҳаллий матбуотнинг саҳифаларида «Фан ва турмуш» ойномаси ва бошқа тўплам ҳамда журналларда бир неча мақолалар эълон қилди. А. Муҳаммаджоновнинг Бухоронинг ёши ҳақида баён қилган фикрлари нисбий характерга эга бўлиб, бу далиллар тўла ечилмаган масала деб ҳисоблашга асосимиз бор.

Бухоро шаҳри ўзининг ташкил бўлишидан бошлаб, ҳозирга қадар ўрни ўзгармасдан, турли сабабларга қўра вайрон бўлиб, харобазорларга айланган бинолар устига қаватма-қават бир неча қатламдан иборат янги бинолар қурила берган. Самарқанд, Қарши, Хўжанд ва Урта Осиёдаги айрим қадимги шаҳар ва шаҳристонлар вайрон қилинган ва хароба ҳолда келганда, халқ шаҳарнинг қадимги жойини қолдириб, ундан сал нарироқда янги шаҳристон ва кейинчалик шаҳар барпо этган. Масалан, Самарқанддаги Афросиёб, Қаршидаги Насаф, Хўжанддаги «Александрия эсхата», яъни «Энг четдаги искандария» қабилар шулар жумласидандир. Шунинг натижасида бу шаҳарларда археологик қазув ишлари кенг миқёсда олиб бориш имкониятига эга.

Бухоро шаҳрида эса бундай имкониятлар бўлмаганлиги, шаҳарда бинолар зич жойлашгани сабабли шаҳарда кенг қўламда археологик қазув ишлари олиб борилмади. Шунинг учун Бухоро шаҳрида археологик қазилмалар учун танланган жойлар қўзлаган мақсадни рўйга чиқармади, десак хато қилмаган бўламиз. Чунки археологик қазув учун танланган ҳар иккала жойлар (Инқилоб Аҳроров ва А. Муҳаммаджонов раҳбарликларидаги) Бухородан оқадиган Мосаф дарёсининг кенг ва катта ўзинининг урни ёки қиргоқлари бўлиб, 15-20 метр чуқурликдан кейин дарёнинг таги торф ва балчиқ лойка қатламлари чиқа бошлади. У ерлардан 2300 йилнинг ёдгорликлари чиқди холос. Минорайи Калон жанубидаги баландликдан 150-200 метр узоқликдаги ҳовлида қазилган Шурфдан V-VII асрга доир бўлган моддий ёдгорликлар чиқди. Бунинг асосий сабаби бизнингча Наршахий китобида баён этилган. Бухоронинг ҳозирги Коммунарв кўчасидан оқиб келган рўд (дарё ўзони) нинг ҳозирги Мири Араб, Минорайи Калон, масжиди Жомъенинги жанубидаги, яъни рўднинг сул қирғоғидаги баландликка Турк шаҳзодаси Шери Кишвар VI асрда шаҳристон қурган бўлиши эҳтимол қилинади. Шунинг учун Минорайи Калон жануби томонидаги шурфдан милоннинг VI асригача бўлган археологик топилмаларни чиқмаслиги табиий бир ҳолдир.

Энг қадимги Бухоро шаҳристони дарёнинг ўнг қирғоғидан баландликдан Шимол томонидаги эски Бозор, масжиди Тагиманбофон, зиндонин олий, Бозори чўбдаги бўлган каттагина территорияларни ўз ичига олган. Аммо бу ерларда аҳоли зич жойлашгани учун археологик қазув ишлари олиб борилмади.

Бизнингча, ҳатто Афросиёб ва Сиёвуш қурган куҳандиз (Арк) дан олдинроқ ҳам ҳозирги Бухоро территориясида халқ ўрнашган, дастлаб қишлоқ (Работ) кейинчалик шаҳристон шаклида бўлган.

Наршахий китобида Бухоронинг пайдо бўлиши қуйидагича ҳикоя қилинади:

Муҳаммад ибн Жаффар ан Наршахий бу фаслни ўз китобида келтирмаган. Аммо Абу Ҳасан Абдураҳмон ибн Муҳаммад ан Нишопурий «Ҳазон ул улум» китобида (бу китобнинг бирор нусхаси ҳам ҳалигача топилмаган) шундай келтирган: Ҳозирда Бухоро ўрнашган бу мавзе илгарини ботқоқлиқ бўлиб, унинг баъзи ерларини Тўқайзор, дарахтзор ва кўкаламзарлар ташкил этган, айрим жойлари шундай бўлганки, бирор ҳайвон ҳам оёқ қўйишга жой топмаган... Самарқанд томонидан бир катта дарё борки, уни «Рўди Мосаф — Мосаф дарёси» деб атайдилар. Бу дарёга кўп сув йиғилган, у бир талай ерларни ювиб-ўпириб, кўп лойқаларни суриб келган ва натижада, бу ботқоқлик тўлиб қолган. Сув кўп оқиб кела берди. Лойқаларини то Битик (Чоржўй, рўпарасида Аму дарё қирғоғида жойлашган қишлоқ), Фараб (Аму дарё қирғоғидаги қадимги шаҳристон

Бухоро  
И.И.И. 492725  
01.01.2011



булиб. «Работи Тоҳир ибн Али» номи билан ҳам машҳурдир) гача суриб келтира берди. Сўнг сувнинг тошиб келиши тўхтади. Бухоро ўрнашган жой аста-секин текис ерга айланди ва шундай қилиб, у катта дарё Сугд ва бу лойқалар билан тўлган мавзе Бухоро бўлиб қолди... Ҳар томондан одамлар йиғилиб, у жой обод бўлди. Аве улар чодир ва ўтовларда турар эдилар, сўнг вақт ўтиши билан одамлар йиғилиб иморат қурдилар. Яна Наршахий китобининг бошқа бир жойида Абул Ҳасан Нишопурийнинг «Хазон ул улум» да айтилишича, Бухоро қўҳандизининг, яъни Бухоро Ҳисорини (Аркни) бино этган киши Сиёвуш дейилади. Китобда «Бу гапларга уч минг йилдан ортиқроқ вақт ўтди» деб ёзилади. Бухоро Қўҳандизи (Арк) ни бино қилган Афросиёб, бошқа бир жойда Сиёвуш деб ёзилади. Афросиёб ҳам, Сиёвуш ҳам бир даврда ўтган тарихий шахслар бўлиб, милоддан аввал VI-V асрларда ўтган. Аркни бино қилишда иккаласининг хизмати сингган бўлиши мумкин. Арк бундан 2500-2600 йил авал Аҳмонийлар сулоласи даврида бино қилинган деган хулосага келиш мумкин. Арк бино қилинган даврда Бухоронинг қадимги шаҳристони мавжуд бўлган. Чунки Сиёвуш ва Афросиёб, Қўҳандиз ва (Арк) ни ҳеч ким бўлмаган жойда бино қилмаганлар, шунинг учун Бухоронинг қадимги шаҳристони Қўҳандиздан анча илгари пайдо бўлган.

Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарига келсак, бу китобни бир неча китоблар ва таржимонлар баъзи жойларни қисқартириб, айрим жойларида ўзларидан, Нишопурий ва бошқа муаллифларнинг асарларидан қўшимчалар киритганлар, ки Наршахий томонидан араб тилида ёзилган китобнинг асл нусхаси ҳалигача топилган эмас.

Шунинг учун Наршахий китобида бир-бирга қарама-қарши бўлган тарихий фактлар кўп учрайди. Бухоро тарихини ўрганиш учун археологик қазув ишлари олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Афсуски, Бухорода археолог мутахассислар деярли йўқ даражада. Шунинг учун Бухоро давлат университетининг тарих факультети олдида археология мутахассислари тайёрлайдиган группа очиб мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, Бухоро шаҳрида археологик база бўлиши ҳозирги даврнинг энг муҳим, долзарб масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бухоро ва унинг туманларида қишлоқлардаги юзлаб тепаликлар қадимда шаҳристон ва истеҳкомлар бўлган жойлар ҳозир айирон қилиниб, пахта ерларига қўшилмоқда.

## б) ЖОНМАРДИ ҚАССОБ

Бухоро шаҳрининг собиқ Тўпхона гузарига Жонмарди қассоб деган «Муқаддас» жой бўлиб, бу мазор исломгача мавжуд бўлган ва Урта Осиёда кенг тарқалган қадамжолардан бири бўлиб ҳисобланади. Ю. В. Кнорозовнинг мақоласида «Жумард қассоб»

номи билан аталган мазор Хоразмда ҳам борлигини ёзади. Унинг фикрича, мажусийлар Джумарди қасобин Гавомард сифатида талқин қилганлар<sup>1</sup>. Исломогача Ўрта Осиёда Гавомард култи кенг тарқалган бўлиб, мажусийлар Гавомардни ярим ҳўкиз, ярим инсон шаклида тасаввур қилганлар. Гавомард инсонларга уй қуриш ва металдан фойдаланиш ва қасобликни ўргатган деб тасаввур қилинади.

О. Г. Сухарева ҳам Ўзбекистонда бир неча Жонмарди қасоб мазори бор, уларнинг ҳаммаси энг қадимги халқлар сигинадиган жойлар бўлган,<sup>2</sup> деб ёзади. Хоразмда қасоблар санжада қилинадиган «Муқаддас» кишилاردан бири Жонмарди қасоб ҳақида Г. П. Снесарев анчагина материаллар тўплаган. Унинг ёзишича, Жонмарди қасоб мақбараси Хўжейли яқинидаги Миздахкан деган жойда бўлиб, ана шундай Жонмарди қасоб мазор ва мақбаралари Ўзбекистон территориясида ўнлаб бўлган.

Снесаревнинг Кўҳна Урганчдан ёзиб олган дала материалларига Жонмарди Қасоб ҳақида қуйидагича ривоят келтиради: Жонмарди Навиширван (Сосонийлар династиясидан бўлган подшо Хисрав Ануширван) замонида яшаган эмиш. кундузи қасоблик кечаси подшонинг яширин жосуси вазифасини бажарган экан, ёмон одамларни подшога рўбару қилар экан.

Жувонмарднинг отаси Ҳушанг шоҳ деб аталади, бошқа афсоналарга қараганда, Ҳушанг шоҳ Жамшеднинг отаси бўлган (Авеста китобида). Шоҳномадан эса Жамшид Ҳушанг шоҳни невараси деб аталади ва ҳоказо. Ҳушанг шоҳни девлар 18 йил олиб қочиб кетганлар. 18 йилдан кейин қўшинлар томонидан озод қилинган. Асирликда бўлган йилларида Ҳушанг шоҳ девлардан 72 ҳўнарни ўрганган. Булар — мол териларидан кийим тикиш, жун тўқиш, эгар ясаш, тоғлардан темир қазиб олиш, пўлат, чўян эритиш, ҳамир қориш, нон пишириш, соч олдириш ва ҳоказо кўп нарсаларни ўрганган экан. Бир кун девлар Ҳушангшоҳга ҳўкиз терисини ёпишиши ва молни қандай қилиб сўйиш усулини унга ўргатган эканлар. Ҳушангшоҳ ўрганган нарсаларини инсонларга ўргатган эмиш. Ҳушангшоҳнинг давомчиси Жомард бўлган экан, уни Хоразм шоҳи қул сифатида сотиб олган экан. У Хоразмликларига заргарлик ишларини, дурадгорлик ҳўнарини, гишт пишириш усулини, тоғлардан олтин, кумуш, темир ва бошқа металллар қазиб олишни ўргатган, деган ривоятлар келтирилади.

1 Ю. В. Кнозоров. Мозор-Шамун-Наби. Советская этнография. 1989, № 2, 96-97 стр.

2 О. Г. Сухарева. Квартальная общины позднефеодалного города Бухары М. 1976 г., стр. 223.

Жомардининг Устахурдак деган шогирди заҳарлаб ўлдиради, унинг жасади Дархон отага кумилган экан.<sup>1</sup>

Шундай қилиб, Жомарди-қассоб қabri Хоразм воҳасининг бир неча жойларида тарқалган.

Кўҳна Урганч афсонасининг аҳамияти шундаки, бу афсона Шохнома афсоналаридан бироз ўзгартириб олинган бўлиб, Жовамар мажусийлар давридаги Гавомардининг номи бўлиб, маҳаллий тилларда ўзгартирилиб олинган. Масалан, Бухоро шаҳрида Жуванмарди Қассоб десалар, Хоразмда Жомард, Жумард каби номлар билан атаганлар.

Бу номларнинг ҳаммаси Гайомарт (гавомард) номлари билан аталадиган Жомард, Мажусийларнинг тасаввурида ярмиси одам, ярмиси ҳўкиз шаклидаги ярим худоларидан бири бўлган. Буларнинг ҳаммаси мажусийларнинг тотемистик дин формаларидан биридир. Тотемизм — ибтидоий жамият динининг илк формаларидан бири бўлиб, Шимолий Америка ҳиндуларининг тилида «унинг уруғи» демакдир. Тотемизмдаги асосий нарса муайян турдаги ҳайвонлар, ўсимликлар, буюм ёки ҳодиса билан бирор гурппадаги кишиларнинг умумий келиб чиқишига ва қон-қариндошлигига ишонишдир. Аждод ҳайвон, унинг сурати ёки симболи шунингдек, кишилар гуруппаси тотем деб аталади. Тотем кишиларнинг қудратли ҳимоячиси бўлиб, уларни озиқ-овқат билан таъминлаб туради. Тотем сарқитлари ривожланган динларда сақланиб қолган, одамларнинг жони ворлар ва ҳайвонлар билан қон-қариндош бўлиш ҳақидаги эртанлар ва шу хилдаги диний афсоналар қадимги тотемизмдан қолган афсоналардир.

Хоразмда Г. Н. Снесарев томонидан ёзиб олинган афсоналарнинг бирида Джумард қассоб ўзининг уйда пайгамбар ва «Муқаддас» кишиларни йиғиб, улар шарафига зиёфат ўтказади. Биринчи палов товоғини (лаганини) энг ҳўрматли меҳмонга келтирганларида, Жумард ташқарига, бошқа уйга чиқиб кетади. Меҳмонлар ҳайрон бўлиб, ундан сабабини сўраганларида, шу қатордаги уйда унинг отаси ўтирганини, отаси эса ёввойи чўчқа шаклида эканлигини, у бу даврага кела олмаслигини айтади. Ҳазрат Али Жумард отасини одам қиёфасига айлантирган экан. Бу афсона биринчидан тотемизмдан қолган қолдиқ бўлса, иккинчида, Ҳазрат Алининг Хоразмда, умуман, Ўрта Осиёга оёғи етган эмас.<sup>2</sup>

Масалан, Бухоро кексаларининг орасидаги ривоятларга қараганда, ҳайвонлардан фил бир замонлар одам қиёфасида бўлиб, нонвой-

1. Г. П. Снесарев. Реликты домусульманских верований и обрядов узбеков Хорезма. М. 1963. 297-298 стр.

2. Г. Н. Снесарев. Ўша асар. 300 бет.

лик қилар экан. Нонвой бўлганда ҳам тозаликка эътибор бермайдиган, ҳаром-ҳаришни фарқига бормайдиганлардан экан. Бурнини доимо енгчага (остинчага) артар экан. Бу ахволдан ғазабланган Оллоҳи таолло уни қарғаб, енгча бурнингга ёпишсин, рағидачалар қулогингга осилсин, тандирни эса умрбод елкангда олиб юргин, — деб айтган экан.

Тошбақа ҳам тарозудор бўлган, кишиларнинг ҳаққини тарозудан ургани учун худонинг қарғашига учраб, тарозунинг иккита палласи уни қоплаб олган экан ва ҳоказолар.

Бу шунчаки афсонавий ҳикоят, бироқ унинг мағзини чаққанда тандир ва унда пишириладиган нон муқаддас ҳисобланган, тошбақа мисолида айримлар ҳаққидан уриб қолиш энг ёмон жиноят ҳисобланган. Шундай қилиб, инсонлар орасидаги тотемистик қолдиқлар шундай афсоналарни келтириб чиқарган.

Шундай қилиб, қадимги мажусийларнинг ярим ҳукиз, ярим инсон тасаввурларидаги афсонавий Гавомард маҳаллий мусулмон руҳонийларни уни тамомила инсон сифатига киритиб, уни янги афсоналар билан безаб муқаддаслаштирганлар.

### в) ҚҶЧҚОР АТО

Бухоро шаҳридаги «Зиндобний олий» ҳовлисида Қўчқор Ато мазори бўлиб, бу мазор ҳам мажусийларнинг тотемистик дини қолдиғи сифатида Бухоро революциясигача давом этиб келган эди. Бухоро ниқилобидан сўнг зиндонда ётганлар озод қилинган, бу авлиёга мадад истаб келувчилар сони йилдан-йилга камайиб борди, кейинги 30-40 йилда гарчи зиндон музей бурчаги бўлса ҳам, томошабинлар кўплаб келсалар ҳам, Қўчқор Атони зиёрат қилувчилар, умуман топилмапти. Бунинг сабаби шундаки, Қўчқор атога кўпгина маҳбуслар ва уларнинг қариндошлари ўз эрлари, болалари, ака-укалари ва умуман қариндошларини бу даҳшатли зиндон азобидан қутулишларини сўраб, унга атаб Қўчқор қурбонлик қилганлар ва бошқа назрлар келтирганлар. Қачонки бу ерни зиндонлик хизмати тугаши билан Қўчқор атога келувчилар ҳам бўлмади. Революциягача бу авлиёни «Зўр» доб атаганлар. Бирор киши сувори (от, эшакка, аравада) зиндон олдидан ўтмаган. Суворилар албатта ўз от, эшакларидан тушиб, уларни етаклаб зиндон олдидан ўтиб кетганлар. Агар мазорга қурбонлик келтирадиган бўлсалар, у албатта қўчқор бўлиши, шунинг учун мазорда жуда кўп қўчқор шохлари осиб қўйилган эди.

Қўчқор ато мазори ҳам тотемизм билан боғлиқ бўлиб, мажусийлар сиғинишган шахслардан бир бўлган. Ҳикоя қилишларича Бухоро худотлар сулоласидан подшо Бидун замонида Қўчқор ато

подшо қўйларини боқувчи чупон бўлган. Подшонинг қўйлари бир кечада гойиб бўлган. Бундан газабланган Бидун Қўчқорни, яъни чупонни зиндонга ташлайди. Бир кун зиндонбон зиндон чуқурига келиб қараса, чупоннинг атрофини мингларча қўчқорлар ураб олган, у билан базму Жамшид қилаётган эканлар. Зиндонбон бу хабарни подшога етказибди. У келиб қараса — чуқурликда ҳеч нарса, ҳатто Қўчқор Ато ҳам кўринмас эмиш. Подшо кетгач бу воқеа яна тасвирланибди. Зиндонбон яна подшони хабардор қилибди. Аммо подшо келса гойиб булар экан. Подшо газабланиб зиндонбонни ўзини чуқурга ташлаган экан. Қўчқор ато ва унинг қўчқорлари гойиб бўлган экан.

Бу афсона исломиятгача оғиздан-оғизга айтилиб келган ва нарз-хурлар у афсонани ўзларига мослаштириб олганлар.

Зиндоннинг юқори қисмлари XVI-XVIII аср урталарида, қоровулхона эса XIX асрнинг биринчи ярмида бино қилинганлиги тахмин қилинади. Аммо чуқурлик исломиятгача бўлган деб тахмин қилинади. Қадимги халқ оғзаки ижодиётида зиндон деб аталган жойлар ҳовли, ёки ер устидаги бино сифатида эмас, балки, ҳар вақт «фалон газ чуқурликдаги қамоқхона» деб тушунилган.

Уругчилик тартиблари бузилиши даврида яратилган энг қадимги халқ оғзаки ижодиёти бўлган «Алпомиш» достони (эҳтимол илгарилари эртак сифатида учраган бўлиши мумкин) да Суҳайл Мاستон Алпомишнинг банди қилиб, саройга олиб келади, подшога қараб «сен подшосан, нима қилсанг ҳукмингни утказ, Муродхон тепанинг ковагида чуқур зиндон қаздирсанг, олиб бориб зиндонга ташласанг, зах ерда беш-ун кун, бир ой, бир йил ётар, чириб улиб кетар». Шунда Тайчахон қирқ қулоч зиндон қазишга буйруқ беради. Зиндон терминлари кўпгина ўзбек эртакларида ҳам учрайди. Зиндон сўзи жуда қадим замонлардан, уругчилик тузуми емирила бошлаб, қулдорлик давлатлари вужудга келган даврлардан бошлаб пайдо бўлган.

X аср тарихчилари Наршахий, Балъами, Табарий, Билазурий, Муқаддасий кабилар Бухоро зиндон тарихи тўғрисида ўз асарларида жуда саёз маълумот берганлар. Муҳаммад Жафар Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарида бу ҳақда шундай ҳикоя қилинади: «Араблар бостириб кирган йилларда Бухорода ҳоким бўлган араблардан Ҳафс ибн Хошим, Ҳасан Ибн Алой Сугдийнинг мулкларига эгалик қилиш учун уни қариндошлари билан бирга зиндонга ташлаб, кўп қийнайди. Улар 15 йил зиндонда ётадилар. Халқ қўзғолон кўтариб, уларни зиндондан озод қилади. Ҳафс Ибн Хошим Бухородан қочиб кетади.

Демак, Араблар Бухорога бостириб кирган йиллар ҳам зиндон борлигини Наршахий тасдиқлайди. Аммо у зиндон қаердалигини, унинг тузилиши ҳақида ҳеч нарса ўзмаган.

Бухоро шаҳрида яшаган кўпгина маҳаллий қариялар билан 1957 йил қилган суҳбатимизда. Уша пайтлари 92 ёшда бўлган Мир Атожон Миризомиров,<sup>1</sup> 80 ёшли Яхё Бобо Ботиров<sup>2</sup> ва бошқалар, ўз хотираларида ҳозир зиндон жойлашган тепалик «Арки баста» деб атаганлар. Шу жойда Бухорхудотнинг зиндони — чуқурлик ҳам бўлган деб эшитганмиз, деган ривоятларни келтирадилар. Зиндон Бухорхудот даврларида бўлган. Эҳтимол, Қўчқор атонинг ўша даврлардаги мажусийлар «Муқаддас шахс» сифатида яратганлар, кейинчалик ҳукмдорлар ва уларга хизмат қилган айрим рухонийлар Қўчқор атони мусулмонлаштиришга ҳаракат қилганлар, ва унга турли хил афсоналар тўқиганлар. Мусулмонлаштирилган афсоналардан бири шундай: «эмнш Қўчқор ато Бухоро амири томонидан «Сиеҳ чоғга» — «Қоронгу чуқурлик» ка қандайдир гуноҳи учун ташланади. Амирнинг тушида «Хожа хизр келиб, қўчқорни озод қил!», — деб айтадилар. Амир эрталаб бориб қараса, Қўчқор ғойиб бўлган эмнш. Амир чуқурлик олдида туг кутариб, унга атаб мақбара қурдирган экан.<sup>3</sup>

Қўчқорнинг илоҳийлаштирилиш ибтидоий одамлар орасида кенг тарқалган бўлиб, унинг қолдиги сифатида Ўрта Осиёда яшаган мусулмонлар орасида ҳам маҳаллий урф-одат сифатида сақланган. Бухоро ва Хоразм халқлари орасида Қўчқорни илоҳийлаштириш қолдиқлари бошқа уй ҳайвонларига нисбатан яққол сақланган. Утмишда Хоразм, Бухорода ёмон кўзлардан сақлаш учун Қўчқорни уйларда, боғлар ва узумзорларда боғлаб боққанлар, қўчқор кишиларни, ҳосилни, уйларни ёмон кўзлардан муҳофаза қилади деб уйлаганлар. Айниқса, болали ҳовлиларда қўчқор сақлаганлар. Болани тиши «якши» чиқсин учун Қозонда пиширилган қўчқор калласини бола боши устига иккига ажратганлар. Хоразмда катта ёшдаги эркакларнинг ишлари юришмаса, мол бозорига бориб, Қўчқорнинг бошини силаганлар. Шу йул билан улар ишимиз ривож топади деб уйлаганлар. Ўра Осиё халқлари ҳатто айрим ҳолларда ўз болала-

---

1. Мир Атожон Миризомиров. Бухоро шаҳрида 1867 йилда тугилиб, 1959 йилда вафот этган. Аҳмад Дониш шоғирдларидан бири. Шошмақомии батафсил эгаллаган. (унинг ҳақида Н. Иўлдошев, А. Қосимзода «Аҳмад Дониш» Шарқ юлдузи журнали, № 9 1959 йил, қаралсин).

2. Яхё Бобо Ботиров. (1876-1959) Пешку район, Майшоёк қишлоғидан. 1919 йилларда амир зиндонларида ётганлардан бири (Н. Иўлдошев «Яхё бобонинг айтганлари», Бухоро ҳақиқати, 1957 йил 5 ноябрь).

3. Яхё Бобо Ботиров оғзидан ёзиб олинган. 1957 йил.

рининг номларини ҳам Қўчқор деб атаганлар. Туйларда қўчқор уриштириш одатлари ҳам бўлган. Бухоронинг айрим жойларида кишилар ҳатто ҳовлиларида қўчқор калла-суягини осиб қўйганлар. Ўрта Осиёда Сузсанни, гилам, кигизлар ва ҳоказоларни Қўчқор шохн (тағалак) гуллари билан безаганлар, буни яхшилик гули деб ҳисоблаганлар.

Қадимги мажусийлар қўчқорни эъзозлаганлар, унга сизинганлар, шуларнинг қолган сифатида маҳаллий халқлар орасида ҳам Қўчқор ато, Қўчқор бобо каби мазорлар бўлган ва мазорлар тепасида қўчқор шохлари осиб қўйиш қадимги тотемизм қолдиқлари бўлиб ҳисобланади. Уларнинг кўпчилигини ислом дини билан ҳеч қандай алоқаси йўқ.

### г) ХОЖА ГОЙИБ

Бухоро шаҳрининг Хожа Гойиб кўчасида Хожа Гойиб мазори ва катта бўлмаган пуштаси (қабри) ҳам бор (пуштан Хожа Гойиб). Бу мазор унчалик баланд бўлмаган тепаликка жойлашган бўлиб, Бухоро халқининг эътиқодига қараганда бу жуда қадимий авлиёлардан бўлиб, Бухорода яшовчи кексалар билан суҳбат давомида бирор киши унинг исмини ҳам, лақабини ҳам эслай олмайди. Қадимги мажусийларнинг эътиқодига қараганда, «Муқаддас» кишилар ёки худолар ўлмайдилар, улар гойиб бўлади, деб қараганлар. Улар замонлар ўтиши билан яна ўз аждодига қайтиб келади, деб тасаввур қилганлар.

Кўпгина исменг мазорлар Гойиб ато, Гойиб бобо, Хўжа Гойиб каби номлар билан атаганлар. Масалан, Бухоро шаҳрида ва айрим районларида, Хоразм, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхандарё водийларида ҳам худди шундай аҳволни кўришимиз мумкин.

Айрим «Гойиб» бўлган «Муқаддас» кишиларни бошқа номлар билан ҳам аташлари мумкин. Масалан, Бухорода юқорида кўрганга нисбатан, Қўчқор ато, Бобойишергир, (Бухородан 3 км ғарби-жанубда, Шергирон қишлоғи), Хоразмда эса Султон Хўбби ва бошқалар гойиб бўлган, қачонлардир ўз халқига қайтиб келиши мумкин деб уларга сизинганлар. Бундай одатлар қадимги Шарқда мажусийлар орасида бўлган. Масалан, Сурияда Анодис ярадор бўлади ва гойиб бўлади. Унинг хотини Афродита узининг эри олдига оёқ яланг югуриб келади. Оқ гул буталарининг тиканлари унинг нозик оёқларини тилим-тилим қилади, унинг оёгидан оққан қон оқ гулларни қизил рангга киритган эмиш. Шунинг учун қизил ранг ҳосил худосининг ўлими тимсоли деб қаралган. Аммо Ўрта Осиёда қизил гул шодлик, баҳор байрами ҳисобланган, шунинг учун Бухорода «сайли гули сурх» исломистгача мажусийларнинг баҳорги, шодлик байрами бўлиб ҳисобланган. Ислом руҳонийлари бу байрамга интича диний

түс бериб, «сайли гули сурх» байрамларини купинча мазорларда, «Муқаддас» жойларда утказа бошлаганлар. Масалан, Баҳоддин мазорида ҳар йили «сайли гули сурх» байрами ўтказилган. Амир Аҳадхон, Олимхонлар даврида «сайли гули сурх» байрами купроқ амир саройи бўлган Ширбудин, Ситораи Мохи Хосада ўтказилган.

Хивада гарчи «сайли гули сурх» деб аталмасада, март ойидан кукламги экинлар бошланиши билан бу ерда ҳам Наврӯз байрами давом этган. Куча куйларда қизлар бир-бирларига гуллар тақдим этганлар.

Лаби Ҳавзи Арбоб гузарида Хожа Рўшноий мазори бўлиб, бу мазор ҳан ислом динига қадар оташпарастларнинг сигинадиган жойи ҳисобланган. Хожа рўшноий мазори унча катта бўлмаган гўрхона ва пишиқ гиштан ясалган соғонадан иборат бўлиб, бу ерга ҳомиладир аёллар, туғишдан олдин сигиниб келганлар. Улар мазорга шам ёқанлар ва қабрга мажусийларнинг динидаги ҳосилдорлик рамзи ҳисобланган тариқ сепганлар. Бундай урф-одатлар исломиятгача бор бўлган. Қадим замонлардан қолдиқ сифатида давом этган.

Рўшноий сўзига «хожа» титулини қўшилиши қадимги ибодат жойини персонификация<sup>1</sup> қилишдан бошқа нарса эмас эди.

## БУРҚИ САРМАСТ

Қадимги Зардуштий динидан қолдиқ сифатидаги авлиёлардан бири Шофиркон районидagi Вардонзе тепалигидаги Бурқи Сармаст авлиёси ва мазори бўлиб ҳисобланади. Вардонзе тепалиги ва унинг атрофларини араблар босиб олганга қадар, Вардонхудо деб аталган феодаллар сулоласи ҳукмронлик қилган. X асрда яшаган

1. Персонификация. Мажусийлик динидаги «муқаддас» деб ҳисобланган жонсиз нарасаларни Ислом динида илоҳийлаштирган шахслар сифатида гавдалантириш. Масалан, Қадимги мажусийлар ойга сиғинганлар. Эски урф-одатни қолдиги сифатида ойга сиғинишни, ой юзли аёл (моҳ руҳ) билан алмаштирилган ёки қадимги мажусийлар кўзи ёришган аёлларни «Барушноий буромад» (ёруғликка чиқди) деб ёруғ — ой, қуёшга сиғинганлар ва улар шарафига махсус ибодатхоналар ясаганлар. Ислом динига қарама-қарши бўлган бундай илоҳийлаштирилган жонсиз предметлар эски урф-одатни давом этдириш сифатида «Ёруғлик худосини» Илоҳий шахсга айлантириб, Исломгача илоҳийлаштирилган жойларга «Хожа рўшноий», «Биби моҳруҳ» каби авлиёларга айлантирилганлар.

Яъни, мажусийлик даврида илоҳийлаштирилган жойлар Исломдан кейин персонификация қилинган, яъни муқаддас шахс сифатида гавдалантирилган.



Бухоро тарихчиси Муҳаммад Жаъфар Наршахийнинг ёзишича, Эронда сосонийлар сулоласидан бўлган Хисрав I (531-578) ёки Хисрав II (390-628) нинг фарзандларидан бири отасига ачкиқ қилиб, бу вилоятга келган. Унинг номи Шопур эди. «Пур» эрон тилида ўғил демакдир. (Шо — пур — шоҳнинг ўғли ёки шаҳзода). У Бухорога келганида Бухорхудот уни яшири қабул қилган. Шопур ов қилишни яшири кўрар эди. Бир куни овга чиқиб, у (шопурком) томонга бориб қолади. У вақтларда ўша ерда ҳеч бир қишлоқ ва обод жой бўлмади, ов қиладиган жой бўлган. Бу ер Шопурга ёқиб қолиб, уни сבוד қилиш учун улуш йўсинида ўзига беришни Бухорхудотдан сўраган. Бухорхудот бу мавзени Шопурга беради ва Шопур у ерда катта анҳор қазитиб, уни ўз номи билан яъни «Шопурком» деб атайди ва бу анҳор бўйлаб қишлоқлар ва қаср бино қилади. Бу теваарикки «Обавия қишлоқлари» дейдилар. Шопур яна Вардонзе қишлоғини бино қилди ва қаср қуриб, уни ўзи учун турар жой қилиб олди. Шопурнинг вафотидан кейин қишлоқлар унинг авлодига мерос бўлиб қолди. Қутайба Ибн Муслим (араб лашкарбошиси) Бухорони босиб олган вақтида (709 йил), Бардонзеда Шопур авлодидан Вардон худотлар ҳукмрон эди ва улуг подшоҳ бўлиб, Вардона қишлоғида турар, ҳамда Тугшода — Бухорхудот билан низолашар эди. Қутайба Вардон худот билан кўп жанглар қилишга тўғри келди. Вардон худот ўлгандан кейин Қутайба Бухорони олишга муваффақ бўлади. Бухорхудотлар сулоласидан Бухорони Тугшодага топширади, чунки Тугшода имон келтириб мусулмон бўлган эди.<sup>1</sup>

Вардонзедаги Бурқи Сармаст мазори ҳам Ўрта Осиёнинг бошқа жойларидагидек, қадимги Зардуштлиқ дини даврида пайдо бўлган. Бурқи Сармаст Ўрта Осиёнинг турли жойларида Девонан Бурх ёки Бурух (Кўна Урганча), Шайхи борх Девона (Қозогистонда, Буркут бобо (туркманларда) каби номлар билан атаб, унинг қабри а сийланганлар. Г. П. Снесаревнинг берган маълумотига қараганда, Девонан Бурхнинг Хоразм ва Кўна Урганч каби жойларда ўттиз тача мазори бўлган. Кўна Урганча унга тўқувчилар пири деб ҳисоблаганлар. Бурқи Сармаст ҳақида турли жойларда турлича афсоналар мавжуд. Ривоятларга қараганда, Бурқи Сармаст 40 йил бир оқда туриб, худодан дўзахни йўқ қилишни талаб қилган эмиш.

Бухороликлар орасида яна шундай урф-одат сақланганки, агар кишилар жон талвасасида бўлган вақтларида, уч маротиба «Е пириим Бурқи Сармаст» деган жумлани такрорласалар ёки дилларидан ўтказсалар худойи таолло ўзининг эркаси бўлган Бурқи Девона суфайли уларнинг гуноҳлари еңиллаштирилиб, жойларини жазнатга

## 1. Наршахий. Бухоро тарихи. 34-35 бетлар.

қилса ажаб эмас», — деган тушунча ҳам юқоридаги ривоятдан келиб чиққан бўлиши мумкин.

Бу авлиёнинг кўлгина белгилари ва унга туқилган афсоналар Урта Осиёнинг кўлгина ерларида маълум бўлган. Исломгача бўлган мифологик қаҳрамон ёмғир худоси бўлган Буркут бобога ўхшаб кетади. Туркманларнинг эътиқодича Буркут (Бурх) бобо ҳамма вақт ҳаёт, у осмонда яшайди. Бурх сармастнинг қўлида одамларни ўлимдан сақлайдиган махсус диний китоб бор эмиш. Бурки сармаст Азрил қўлидан кишиларни ўлимдан халос этар экан. Туркманларда Бурқидевона исломгача деҳқончилик култи сифатида тасвирланган. Қай ерда ёмғир керак бўлса, Бурқи девона булутларни у ёқдан бу ёққа юбориб турар экан. Бошқа бир афсонада Буркут бир тоғдан иккинчи тоққа кўчиб юрган пайтида асоси билан булутларни ҳам олдига солиб ҳайдар этан. Агар улар қашшаглик қилсалар, уларни асоси билан урар экан. момогулдуроқ ва чақмоқлар пайдо бўлар экан. Бундай афсона христиан дини (пайгамбар Илья) да, қадимги юнон мифологияси (худо Зевс) да ва бошқа халқларда турли вариантларда учрайди. Бундай афсоналар Ислам динига зид бўлиб, Қуръонда эса ёмғир ва чақмоқни оллоҳнинг ўзи юборади дейилган. Яна бир афсонада Мусо худонинг олдига бориб фарзандсиз бир одамга фарзанд бер деб сўрайди, аммо худо рози бўлмайди. Мусо худонинг рад жавобини ўша одамга етказди. У одам кўп йиллар гам чекиб йигизб юради. Бурқи Сармаст у одамнинг гам-алам чекаётганидан ачишиб, худонинг ҳузурига боради, ундан фарзандсиз одамга фарзанд беришни талаб қилади. Худо рад жавобини беради, лекин Бурқ ўз сўзида гуриб, ўша одамга битта, бўлмаса иккита, учтани, ниҳоят ҳисоб еттига борганда, оллоҳ «Тухта Бурқут, мен розиман», — деб жавоб беради. Бу одам етти ўғил кўради. Бир куни Мусо у одамни гурибдики, унинг уйида 7 та бола ўйнаб юрибди. Мусо «Бу болалар сенга қаердан пайдо бўлди» деб сўрайди, у одам эса «худо берди» деб жавоб беради. Мусонинг жаҳли чиқиб, худодан нега мен сўраганда бермадинг, демак Бурқи Сармаст мендан зўр эканда» дейди. Оллоҳ балаид тоғ устига Мусони ва Бурқини тақлиф қилиб, Мусога шу Саланд тоғдан настга ташлашга буюради. Жарликда иккита тоғ бир-бири билан уришаётган эди. Улар бир-бирларидан узоқлашиб, тезлик билан бир-бирларини шундай қаттиқ урар эдиларки, тоғлардан қизил, шил ва турли рангга товланиб олов чиқиб кетар эди.

Мусо бир неча маротаба ўзини жарликка ташлаш учун орқа отдин чопиб жарлик ёқасига келганда юраги дов бермай, ўзини ташламайди. Бурққа навбат келганда, ҳеч уйламасдан ўзини жарга ташлайди. Шу билан у худого содиқлигини исботлайди. Худонинг иродаси билан ҳеч зарар кўрмай жарликдан чиқади. Бошқа бир афсонада оллоҳ таолло Мусога уришаётган икки тоғни ажратишни (муросага келтиришни) буюради. Мусога ишонмаган худо унинг назорат қилиш учун Бурқини

юборади. Ҳақиқатдан ҳам, Мусо асосига суяниб, бу тоғларни нима қилишни билмасдан турган экан. Жаҳли чиққан тоғлар бир-бирига урилиб, улардан кук, қизил, алангалар осмонни тутар экан. Буруқ Мусога «Нега турибсан» деб савол беради. Мусо, «Мен нима қилишни билмасдан турибман», — деб жавоб беради. Буруқ икки тоғ орасига жарликка ўзини ташлаб, шунда Буруқ асосини бир-бирига елишган икки тоғ орасига тиқиб, уларни ажратиб бошқасини қўли билан итариб, ҳар иккаласини ҳам ўз ўрнига элтиб қўяди.

Бошқа бир афсонада Буруқи Сармаста оллоҳ томонидан юборилган махсус китоб бўлиб, бу китобда ўлган одамни тирилтириш дуоси бўлган экан. Бир вақтлар Буруқ бобонинг дўсти вафот этади. У дўстини тирилтириш ҳаракатига тушади. Худо томонидан жорий қилинган тартиб бузилмаслиги учун, оллоҳ Жаброилни унга юборади. Жаброил билан Буруқ бобо бир дарёнинг торғина кўприги устида учрашадилар. Жаброил: қаерга бораялсан?, — деб сўрайди. Буруқ, — дўстим ўлибди, шуни тирилтирмоқчиман. — дейди, унда Жаброил: — «дўстингни қандай тирилтирасан» — деб савол берибди. Буруқ қўлидаги китобни кўрсатган экан, Жаброил Буруқни қўлига бир урибди, китоб тез оқабган дарёга тушиб кетибди. Буруқ қўлида фақат китобнинг бир неча варағи қолган экан. Улар ҳозирги маълум бўлган дуолар экан. Илгари шифобахш дуолар кўп бўлган эмиш.

Яна бир афсонада бир одамни ягона ўғлини азроил келиб жонини олади. Буруқ бобо ўлган ўғилнинг отасини дод-фарёдларига раҳми келиб, унга ёрдам бермоққа бел боғлайди. У осмонга кўтарилиб Азроилдан ўлган ягона ўғил жонини қайтариб беришни сўраганда Азроил рози бўлмайди. Буруқ 7 та кишининг жони солинган Азроилнинг шишасини уриб сийради, жонлар учиб бориб, вафот этган 7 кишининг танасига кириб, 7 киши, шу жумладан ягона ўғил ҳам гирилади. Азроил худонинг олдига шикоятга боради. Худо «у девона» деб жавоб беради. У бир кишини жонини сўраганда дарҳол бериш керак эди, 7 та кишини тирилтирганига шукур қил, бўлмаса у сенга ҳам ҳужум қилиш мумкин эди, деб жавоб беради. Ўлган кишиларнинг тирилтириш ҳақидаги мифология (афсона) исломиятгача оташпарастлар, мажусийлар динларида мавжуд бўлган. Ҳатто қадимги Мисрда бундан 3-4 минг йил илгари «худо Осирис ва унинг хотини Исида» ҳақидаги мифологияда ёмонлик худоси Сет ўз биродари яхшилик ва ҳосилдорлик худоси Осирисни сандиққа солиб Нил дарёсига ташлайди. Осирисни хотини Исида бутун Нил қирғоғи бўйлаб, кўз ёшлари тўкиб, Осирисни қидиради. Унинг кўз ёшларидан дарёнинг суви кўлайиб, Осирисни тўлқин қирғоққа чўқариб ташлайди ва

Осирис тирилади. Табиатнинг тирилиши, ўсимлик оламини тирилишининг ҳар йил такрорланиши ҳам Осириснинг тирилишига доғлиқ деб ўйлаганлар.

Бурқи Сармаст ҳақидаги афсоналарнинг кўпчилиги уни типик сўфи сифатида талқин қилиб, «девона» сўзи шаҳарма-шаҳар юрувчи қаландарнома кишиларга нисбатан берилади. Бурқи Сармаст (девона) дейилишига сабаб, — деб ҳикоя қиладилар, Бухоро шаҳри, Шофиркондаги айрим қариллар — Бурқи Сармаст ҳамма вақт сафарда бўлган, оила ва мулки, уй-жойи бўлмаган, одамлар томонидан ҳади қилинган пул ва нарсаларни камбағал ва қашшоқларга улашиб берган.

Бухоро шаҳрида яшаган қариялар билан қилинган суҳбатда Бурқи Сармаст фақат худони ўйлаган, у чуқур жаҳрга тушган, унинг «ҳо, ҳу» си еру-осмонни ларзага келтирган. Бухоро ҳолвагарлари эса Бурқи Сармастни ўзларини пирлари деб билганлар, униси хотирасига бағишланган арвоҳи пир маросимларини ўтказганлар.

Бурқи Сармаст худонинг «девоноси» (эркаси) бўлган, кўпроқ чўл-бийбонларда пиёда юрган, худонинг иши билан маст бўлиб, оғзидан кўпиклар сачраган. Оғзидан ерга тушган кўпиклар натижасида чўлларда бех (қайнатганда махсус кўпик берадиган ўсимлик илзиди) лар ўсиб чиққан. Ҳолвагарлар турли ҳолвалар, нишаллоларни пиширганда мана шу Бехлардан фойдаланганлар.

Бурқи Сармастнинг қабрини илоҳийлаштириш туркманлар, ўзбеклар, қozoқлар, қирғиз ва тожиклар орасида кенг тарқалган. Ҳар қаерда унинг қабри ёки қадамжоси бўлган. Бу шахснинг қачон яшаганлиги ва ҳақиқий қабри қаерда бўлганлигини ҳатто диний китобларда ҳам баён қилинмаган. Юқоридаги афсоналар ва шунга ўхшаш мифологиялар руҳонийлар томонидан бошқа авлиёларга ҳам ўзгартириб қўллаганликларини кўрамиз. Масалан, Баҳоуддин ва Ғавсул-Аъзам кабилар бир оёққа турганликларни ҳақида афсона мавжуд. Бурқи Сармаст томонидан «қилинган» ишларни Баҳоуддин дўзахни йўқ қилишни худодан сўраганлиги ҳақида, Баҳоуддин ҳам Азронлининг жонлар сақланадиган шишасини уриб синдирганлиги ва бир қанча кишиларни тирилтирганлиги ҳақида турли афсоналар мавжуд. Бошқа бир афсонада Баҳоуддин ўз устози Мири Кулол чиллахоналаридан бирида қирқ кун бир оёққа туриши керак эди. Бир кун қолганда шайтон келиб Баҳоуддинни васвасага солади. Баҳоуддин Шайтоннинг васвасасига кириб, 30 кунда оёгини ерга қўяди. Бунга кўрган Мири Кулол «Эй бадбахт», агар яна бир кун оёгингни кўтариб турганингда Қазоғардон, яъни ўлимни даф қиладиган бўлар эдинг, бор энди сен «балоғардон», яъни балоларни даф

диган булар эдинг, энди сен балогардонлар кучига эгасан»<sup>1</sup> деган экан. Ғафсул Аъзам ҳам сувда «Ғукайтган кампирнинг Ғглининг жонини азронлдан тортиб олиб уни тирилтиради. Баҳоуддин ҳам. Ғафсулаъзам ҳам тарихий шахслар. Ғафсул аъзам (йирик ҳимоячи) лақабини олган киши XII асрдаги суфизмнинг қодирия йуналишининг ташкилотчиси Абдул Қодир Желоний бўлиб ҳисобланади.

Баҳоуддин ва Ғафсулаъзамлар суфизм — тасаввуфнинг нақшбандия ва қодирия йуналишларининг йирик вакиллари бўлганликлари учун, улар шундай афсоналарнинг қаҳрамонларига айландилар. Чунки ёмғир мутасадиси бўлган Бурқи Сармастга қараганда XII аср ва ундай кейинги асрларда Ғафсулаъзам ва Баҳоуддин кабилар диндорлар орасида анча оммалашган муқаддас шахсларга айланиб қоладилар. Энди Бурқи Сармаст ҳақидаги ривоят ва афсоналар Баҳоуддин ва Ғафсулаъзамга ўхшаган суфи, эшон ва пирларга секинлик билан ўта бошлади. Бундай ривоят ва афсоналар дарвешлар томонидан кенг тарғибот қилинади ва диний адабиётларда ҳам ўз аксини топади.

## БУХОРО ВА УНИНГ АТРОФЛАРИДАГИ АЕЛ АВЛИЕЛАР ТАРИХИ.

### а) ЧИЛДУХТАРОН

Ўрта Осиёнинг кўпгина шаҳар ва қишлоқларида Чилдухтарон ёки қирққиз номи билан боғлиқ бўлган кўпгина мазорлар, қадамжолар мавжуд. Бир Бухоро Вилоятининг 18 жойида шу номдаги қадамжолар мавжуд. Чилдухтарон ҳақидаги афсоналар турли хилда бўлса ҳам, аммо оқибати бир хил. Улар гойиб бўлганлар, уларни ер остида тирик деб ҳисоблайдилар. Биргина Бухоро шаҳрида икки жойда Чилдухтарон авлиёлари бўлган. Улардан бири Арк тепасида бўлса, иккинчиси Арkning шарқий томонидаги пастликда жойлашган. Чилдухтарон Меҳтар шоҳбек ва Арабон кучаларида Арkning шарқий томонидаги пастликка, кичик айвончада икки туғ кўтарилган бўлиб, афсоналарга қараганда, бу ерлар ботқоқлик бўлган. Одобсиз кишилар орасида яшашни хоҳламаган 40 қиз шу ботқоқликка гойиб бўлган.

Арк тепасида илгариги вақтларда Чилдухтарон мазори бўлмаган, фақат XIX асрнинг 60-йилларида Арк тепасида Чилдухтарон мазори пайдо бўлган. Шунинг учун бу Чилдухтаронга ҳеч қандай туғ, соғона ҳам, умуман «муқаддаслик» кўринишлари ҳам бўлмаган. 1959-1960 йилларда Бухоро амири Олимхон амакиваччаси ва амир-

1. Ислом дини муқаддас китобларида Қазони ва балоларни даф қиладиган фақат оллоҳ таолонинг қудратига боғлиқдир. Шунинг учун бундай афсонани Ислом уламолари тан олмайдилар.

лик даврида саркардалик мансабида ишлаган Мирбобо ва Россия императорлиги сиёсий агентлигида таржимон, Мирзо вазифаларида ишлаган Мирзо Аҳмадхон каби кишилар билан қилинган суҳбатда шундай ҳикоя қилган эдилар. Бухоро халқи ўртасида амир Ботирхон (амир жаллод номи билан машҳур бўлган Амир Насрулло (1826-1860) Шаҳрисабзни забт этиб, унинг ҳукмдорини ва бутун эркак авлодларини фожиаи равишда ўлдиради. Шаҳрисабз ҳукмдорининг синглиси Кенагасхонни ва унинг қирқ канизагини Бухорога — Аркка олиб келади. Кенагасхон акаси ва қариндошларининг Насруллодан ўчини олиш учун пайт пойлаб, бир кечаси унинг қулоғига симоб қуяди. Буни сезган Насрулло ўлими олдида Кенагасхон ва 40 канизагини қудуққа ташлатади. Улар 40 газлик қудуқнинг тагига боргунча жасадлари ўткир сихларга тегиб, тилка-пора бўлган. Ана шуларнинг шарафига Арк тепасида кейинчалик «Чилдухтарон» (Қирқ қиз) номи берилган ва уларнинг арвоқларини ёдлаб, Аркдаги пастки хизматкорлар табақаси шам ёққанлар ва уларнинг арвоқларини ёслаб турганлар, кейинроқ эса бу жой ҳам Муқаддас жойлардан бирига айланган ва «Чилдухтарон» деган ном билан аталган. Революциягача амир Музаффар, Аҳад, Олим ва улардан олдинги ҳукмдорлар саройдаги хизматкорлардан қаттиқ ранжиса, уларни Чилдухтарон қудуғига ташлаганлар. Агар сарой хизматкорларидан бирортаси кўринмаса, саройдагилар, унинг қудуққа ташланганлигини сезганлар.

Революция арафасида халқ орасида катта обрўга эга бўлган инқилобчи жадидларнинг кўпгина намояндаларини Амир Олимхон яширин шу қудуққа ташлаттирган. Ҳозирги даврда бу қудуқ кўмилиб кўтган, аммо Чилдухтаронга атаб пишиқ гиштдан қилинган гўмбазли хонанинг вайроналари сақланган.

Навметон (Бухоро райондаги «Ленинизм» колхоз) тепалигининг яқинида ундан пастроқ тепалик бор. Афсоналарга қараганда, бу ерда яшаган қирқ қиз «қофирлардан» қочиб гойиб бўлган эмиш.

Шофиркон район «Қизил Байроқ» колхоз территориясидаги тепалик ҳам қирққиз деб аталади. Унинг шундай деб аталишига сабаб, ҳамма вақт чўлдан ёвлар келиб қишлоққа ҳужум қилган, қишлоқлардаги эркаклар қурол кучи билан уларни даф қилар эканлар. Иттифоқо, эркаклар янги ариқ чиқариш мақсадида ҳашарга кетдилар. Қишлоқ қизларидан 40 таси ўз оталарини ҳарбий кийимларини кийиб, қуролланиб ёвга қарши қурашадилар ва ҳалок бўладилар, уларнинг шарафига тепаликка махсус мазор қилиб, уларнинг руҳига сиғинганлар. Бу тўғрида шу қишлоқ кексалари, айниқса, Маҳмудов Ҳасан шахсий пенсионер) 1963 йилда ҳикоя қилиб берган эдилар.

Бу афсонада бир оз ҳақиқат бор. Чунки Жилвон аригидан шимол томони чўл бўлган, шу чўлдан кўчманчи қабилалар ҳамма вақт

қишлоқларга ҳужум қилиб турганлар ва қишлоқларни талаб, хотин-қизларни асир қилиб олиб кетганлар. Бундай воқеалар тарихда маълум. Гап шундаки, қадим замонларда исломиятгача хотин-қизлар уруғ ҳаётида асосий ўринларни эгалаганлар.

Шунинг учун аёл «авлиё» лари исломиятгача мавжуд бўлган, кейинроқ маҳаллий халқ урф-одат қолдиғи сифатида мана шундай аёл «авлиё» ларни улуғлаб турли афсоналар яратганлар.

Исломиятгача шарқ халқлари, шу жумладан Ўрта Осиё халқлари кўп худоларга ишонганлар. Улардан бири — Анахита ҳосилдорлик худоси деб ҳисобланган. Анахита худоси аёл образида тасвир этилган. Исломиятгача ёзилган ва бизгача стиб келган китоблардан бири Авеста (Авосто) китобида бошқа худолар билан бир қаторда Анахита аёл худоси ҳақида шундай сўзлар ёзилган. Анахита ҳамма эркакларни устиради, бутун аёллар учун оналик кўрагини яратган, аёлларнинг осон кўз ёриши учун бутун чораларни кўради, бола туғилиши заҳоти она кўрагини сўт билан тўлдирди. Жанбаскала оташпарастрларни ибодатхонасидан Анахит култини тасвирлаб, ясалган кўпгина ҳайкалчалар топилган.

#### **6) ҚИЗ БИБИ ЁКИ ҲАЗРАТ БИБИ ДЕБ АТАЛГАН АВЛИЁЛАР ТУҒРИСИДА АФСОНАЛАР ВА ҲАҚИҚАТ.**

Ҳондор туманидаги Сомончуқ қишлоғи яқинидаги Биби маҳсумайи Пок ёки Қизбиби, шу тумандаги Варахша жамоа хужалиғи территориясида Қизбиби, Бухоро туманидаги Навметан тепалиғи ёнидаги Ҳазрат биби ёки Қиз биби, Бухоро шаҳридаги Бибимоҳруй, Моҳитобон (айримлар буларни ҳам Қиз биби ёки Ҳазрат биби деб атайдилар) ёки Бухоро туманидаги Чорбақр қишлоғига яқин Моҳи Тобон тепалиғи ва авлиёси каби кўпгина фақат аёллар синадиган авлиё ва қадамжолар мавжуд бўлиб, улардан фарзанд, сихат-саломатлик, бойлик, мустаҳкам оила каби истакларни сўраганлар.

Уларнинг ҳаммасини Қиз биби ёки Ҳазрат биби деб аталишига сабаб, диндор аёлларнинг тасаввурига қараганда, улар умрларининг охиригача бикир ўтганлар, яъни эрга тегмаганлар.

Чорбақр яқинидаги «Моҳи Тобон» тепалиғи 1984 йилида канал ўтказиш баҳонаси билан унинг тупроқлари канал қирғоқларида ётқазилади ва шундан фойдаланилган Ўзбекистон ФА археология институти ходимлари билан Бухоро давлат педагогика институтининг умумий тарих кафедраси илмий ходимлари ва студентлар отряди иштирокида археологик қазилма ишлари олиб бордилар. Бу тепаликдаги «Муқаддас» деб аталган «Моҳи Тобон» қабрини очганда кўпроқ сопол идишларнинг синиқлари чиқди. Уларнинг кўпчилиги

милоддан аввал II-I асрларда исломиятгача онд моддий ёдгорлик бўлиб ҳисобланади. Оташпараст мажусийлар ойнинг туғилиш даври, чақалоқлик, балагатга етилиш (14 кунлиги), яъни Моҳи Тобонлик даври, қариллик ва ўлиш даврларига ажратганлар. Эски ой ўлади, унинг ўрнига янги бошқа ой туғилади, деб ҳисоблаганлар. Бу туғилган янги ой ҳам ўша даврларни ўз бошидан кечиради, деб ўйлаганлар. Бошқа бир афсонада қадимги одамлар ойни гузал қиз сифатида, қуёшни эса гузал йигит сифатида тасаввур қилганлар, қуёш ҳамма вақт қиз орқасидан қувиб, унга ета олмайди, кундуз кунлари қуёшнинг равшан нури ва ҳароратидан ой ўзини ланага олади, қечқурунлари эса юзини ҳар кечаси оз-оздн очиб, 14-16 кунларида бутунлай дурахшон бўлиб, юзини очиб, қуёшни қидиради. Қуёшни тополмай, яна секин-секин юзини бекита бошлайди деб тасаввур қилганлар. Бундай афсона Бухоро халқлари орасида огиздан-огизга кўчиб, бизнинг замонамизга етиб келган. Айрим мусулмон халқлари орасида урф-одат шаклида оташпараст мажусийлик давридан қолган қолдиқ сифатида янги ой чиқишини хурсандлик билан, ҳатто карна-ю-сурнай чалиб қарши олганлар.

Кўпгина Шарқ халқлари қадим замонлардан (эраминдан олдин 3 мингинчи йилларда) дастлабки ўз йил ҳисобларини ой ҳаракати билан ҳисоблаганлар. Бундай йил ҳисоблари қамарий (ой) йил ҳисоби бўлиб, шамсий (қуёш) йил ҳисобидан 10-12 кун қисқа. Шунинг учун қамарий йил ҳисоби кўчманчи календарь бўлиб, фасллар бўйлаб қишдан-қузга, қуздан-баҳорга баҳордан ёзга сурилиб боради.

Ислом динидаги ҳижрий йил ҳисоби қадимги мажусийларда мавжуд бўлган қамарий календарь асосида тузилган, деҳқончилик ишларида яраманганлиги учун Ўрта Осиё қадимги деҳқонлари ўзларининг шамсий календарига асосланган йил ҳисобларига эга бўлганлар. Бу календарь баҳорги тун-куннинг баробарлиги 21 мартдан бошланган. Муҳаммад Жаффар Наршахийнинг «Бухоро тарихи» (X аср) китобида оташпараст деҳқонлар янги йилни шу кундан бошлаганлар, (яъни 21 мартдан) буни «Наврўзи кишоварзон», яъни деҳқонлар янги йили деб атаганлар.

Шундай қилиб, оташпараст мажусийлар Осмон жисмларига — қуёш, ой ва юлдузларга ҳам сиғинганлар.

Ойни муқаддас деб оилиб, унинг шарафига ибодатхоналар қурганлар, ҳатто қурбонлик ҳам сўйганлар. Қадимги мажусийларнинг осмон жисмларига бўлган эътиқодлари маҳаллий мусулмонларнинг моворпарастлик урф-одатларига айлана борган. Қадимги мажусийларнинг ойга сиғинишлари ва унга аталган ибодатхоналари мусулмончилик даврида Моҳи Тобон (дурахшон ой) номи билан аёл авлиёларига айланган. Уларга аёллар сиғина бошлаганлар, улардан мадад истай бошлаганлар.



Агар Хоразмда аёлларнинг осон туғиши учун Амбар она ёрдам беради, деб ишонсалар. Бухоро шаҳрида Ҳса Биби Моҳ рўҳ (Моҳрўй) «авлиё» си худди шундай вазифани ижро этган. Бу мазор Бухоро шаҳридаги Масжити Бесутун маҳалласида жойлашган бўлиб, бу мазор илгарилари «обу-оташ» ҳаммоми билан ёнма-ён бўлган. Мазорда қўтос думидан қилинган туғ бўлиб, бу мазор ҳомиладор аёлларнинг ҳомийси деб ишонганлар. Шунинг учун туғишдан аввалроқ аёллар бу мазорга келиб сиғинганлар. Мазор олдида нова (тарнов) қўйилган бўлиб, пахтанинг катта бўлагини ўзлари билан олиб келиб, новага тўшаганлар, ва ҳомиладор аёлларни новага ётқизиб, ўша жойдаги назрхўр аёллар бир челакдан новага сув қўйган. Новадаги сув тез оққани каби ҳомиладор аёл ҳам тез ва осон туғиши учун шундай қилганлар. Сув тегмаҳон оҳори пахтани новага тўшаганларини сабабини қари кампирлар шундай ҳикоя қиладилар: «Биби Моҳрўҳни ўзлари, ойдек олпоқ, пахтадек юмшоқ бўлганлар. Шунинг учун ярим чорак (бир кило) оҳори пахта у киши учун зиёратчилар албатта олиб келганлар».

Хоразмда ҳомиладор аёллар туғишлари яқинлашганда Амбар онага таб уйлариининг тўрт бурчагига пахта бўлакларини маълум баландликка осиб қўйганлар. Уларнинг фикрича, Амбар она «олпоқ», «юмшоқ» бўлган, у оқ нарсага ўтиради, шунинг учун Амбар онани шу уйга кадам ранжида қилиши учун юмшоқ пахтани олдинроқ осиб қўйиш керак деб ўйлаганлар.<sup>1</sup>

Ҳомиладорлик ва бола туғиш билан боғлиқ бўлган бундай урф-одатлар ислом дини билан ҳеч қандай алоқаси бўлмасдан, бола туғилишидаги анимистик диннинг қолдиқлари сифатида Ўрта Осиё халқларининг кўпчилигида сақланиб қолган ва маҳаллийлаштирилган урф-одатдан боқа нарса эмас.

### БИБИ МАҲСУМАИПОК.

Бола талаб аёлларнинг ҳам сиғинадиган Муқаддас жойлари бўлган. Булардан бири Жондор тумани Сомончуқ қишлоғи территориясида жойлашган Биби Муҳсумайпок ёки Қизбиби мазори билан боғланган.

Афсоналарга қараганда, «Биби маҳсумайпок» бикир ўтган экан, шунинг учун уни қиз биби деб атайдилар. Қизбиби кофирлар келганда уларга кўзим тушмасин деб гойиб бўлган экан. У ўлмаган. Ҳозир ҳам тепалида яшар экан, фарзандсиз фарзанд тиласа, унинг тилагини бажо келтирар эмиш. Тепалик икки қисмга бўлинган бў-

---

1. Г. П. Снесаров. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. М. 1968, стр. 240-241.

либ, биринининг баландлиги тахминан 15-20 метрча келади. Иккинчиси эса 8-10 метрча. Бу тепаликларда қадим замонларда аҳоли яшаган. Ундан топилган моддий ёдгорлик, эрамиздан олдинги III-I асрлардаги сопол идиш ва турли уй-рўзгор буюмлари ва танга пуллари бўлиб, исломнитгача қадим замонларда кишилар шу жойларда яшаганлигидан далолат беради.

Тепаликнинг шарқий томонидан, яъни иккинчи тепалик оралигидан 4-5 метр кенгликда текислик жой бор. Баланд тепаликни шарқий томони тик бўлиб, агар иккинчи тепаликка яқин келиб, маълум жойдан баланд овоз билан чақирсангиз, акс садо баланд тепаликнинг деворига урилиб, охириги сўз қайтиб келади.

Бундан фойдаланган нарзхўрлар бу жойни «авлиё» га айлантириб, бир неча юз йиллардан бери жаҳолатга қолган диндор аёлларни алдаб келганлар. Бу жой узоқ вақтлардан бўён фарзандсиз аёлларнинг зиёратгоҳ жойи бўлган. Фарзандсиз аёллар «авлиё» дан нажот тилаб келишган. Зиёрат қилиб катта наэрлар берганлар. Бу авлиёга Бухоро областидан эмас, ҳатто Ўзбекистоннинг бошқа областларидан ҳам. Тожикистон, Туркменистоннинг айрим жойларидан ҳам бидъат урф-одатларига ишонувчи аёллар умид билан зиёратга келишган.

Бу ердаги наэрхўрлар келган аёлларни «авлиё» нинг улугвор қудратини мақтаганлар, келган кишининг қандай мақсади бор эканини аввал билиб олганлар. Сўнгга «авлиё» нинг қудратини кўрсатишга киришганлар. Наэрхўр зиёратга келган аёлни тепалик атрофидан уч марта айлантиргач, тепалик устидаги гордан эмаклаб тушишга ва ўша жойнинг ўнг томонидаги чуқурликдан қўлни узатиб, олдинроқ наэрхўр томонидан ёшириб кўйилган мунчоқ ёки ошиқни ҳовучига олиб чиқишни буюрган. Албатта, зиёратга келган аёл ўша чуқурчадан ошиқ ёки мунчоқ қўлига олиб чиққан. Кейин зиёратчи аёлни чақирадиган жойга олиб борилган. Агар аёл қўлида ошиқ олиб чиққан бўлса, бўлажак фарзанд ўғил бўлади. Агар аёл қўлида мунчоқ олиб чиққан бўлса, қиз бўлади, деб олдинроқ наэрхўр башорат қилган ва «ҳозир биби Маҳсуманпок ҳам буни каромат киладилар» деб айтган.

Тепаликни деворига қараб баланд овоз билан «биби Маҳсуманпок, Ассалому алейкум», деб чақирганда, у ердан охириги сўз, «алейкум» деган сўз қайтиб келган. Агар зиёратчи аёл горнинг ковагидан ошиқ олиб чиққан бўлса, наэрхўр «фалончихонга худо қиз берадимини, ўғил» деб чақирган, тепалик томонидан «ўғил» деган сўз қайтиб келган.

Агар зиёратга келган аёл горнинг ковагидан мунчоқ олиб чиққан бўлса, унда наэрхўр аёл салом-алиқдан сўнг «фалончихонга худо ўғил берадимини, қиз» деб чақиради. Тепалик томонидан «қиз» деган

овоз эшитилади. Бу сирлардан ҳайратга тушган зёратчилар ҳақиқатни тушунолмади. «Биби Маҳсуманпок тирик, ғойиб бўлган эканлар» деб янада умид боғлаганлар. Аслида эса, улар назрхўрнинг охириги сўзи тепаликдан қайтиб келган акс-садо эканлигини тушунмаганлар. Дин ҳомийлари бўлган сохта эшонлар ва назрхўрлар бу «авлиё» ҳақида кўпгина афсоналар тўқиганлар. Гўё эркак киши бу «авлиё» га борса, у одам, албатта бирор шикаст кўради, агар тепалик устидаги йўлак гордан ўтмоқчи бўлса, эркак кишини қисиб, у одам гордан чиқа олмайди деган сафсаталарни тўқиганлар.

Шунингдек горнинг йўлагидан эманлаб ўтаётганда, зиёратга келган аёл ҳеч қандай гуноҳ қилмаслиги керак, яъни ўзининг эрига нисбатан хиёнат қилмаган бўлиши керак, акс ҳолда гор уни икки томонидан қисиб, ҳатто улдириши мумкин, деган гапларни назрхўр аёл олдинроқ тушунтириб қўйган. Табиийки, хиёнат қилган аёл гордан ўтишдан кўрқиб, турли баҳоналар билан зиёратчи аёлга кўп пул бериб, фақат чақирини сўраган. Зиёратчи аёл эса уни талабини бажариб чақирадиган, махсус жойдан бир икки қадам нарироқдан чақирганда «Биби маҳсуман покдан садо чиқмаган, яъни акс-садо келмаган. Унда назрхўр аёл, мана кўрдингизми, сизни нопок эканлигингизни ҳатто авлиёлар ҳам тасдиқламоқда» деб жавоб берган.

Эрига хиёнат қилган аёлнинг бўйига бола бўлмаслигини, бундан кейин ҳам акс-садони фойдасизлигини сезган назрхўр белгиланган жойдан сал узоқроқдан чақирган, натижада овоз чиқмаган, зиёратчи аёл тақдирига таян бериб кетган.

1960 йилда асар муаллифи ва шу қишлоқ ўқитувчиси Норов Ашурбой билан бир неча маротаба «Биби Маҳсуманпок» авлиёсида кузатишлар олиб борганмиз. Йўлак гордан ҳам бир неча бор ўтганмиз ва айрим вақтларда назрхўр томонидан олдинроқ ташлаб қўйилган мунчоқ ва ошиқларни олганмиз. Тепалик махсус жойдан туриб «Ашурбой буёққа келинг» деб қичқирганда тепалик томонидан «келинг» деган овоз баралла эшитилган.

Назрхўр отин-бувилар Улуғ Ватан уруши йилларида ҳам бу «авлиё» дан ўнманфаатлари йўлида фойдаланганлар. «Биби Маҳсуман пок» авлиёсини назрхўрлари ака, ука, фарзандлари ва эрлари фронтга кетган айрим-бирим-сиримга ишонувчи аёлларни алдаб, уларнинг топган туганларини қоқиб олганлар.

Уруш йилларида авлиё назрхўрлари урушга кетган кишиларни «ҳозирми», «ғойиб» деб чақириб, соддадил аёлларни алдаб келганлар. Улар урушга кетган кишиларнинг кўпчилигини ғойибга чиқарганлар. Лекин шу кишиларнинг кўпчилиги фронтдан ярадор бўлиб, ёки соғ-саломат қайтиб келганлар. 1960-1965 йилларда Улуғ Ватан уруши йилларида назрхўрлар томонидан «ғойиб» деб башорат қилинган кишилар билан сўхбат ўтказдик. Улардан Бухоро шаҳридан

Ш. Қурбонов, Н. Ахмедов, К. Бобожонов каби уруш ветеранларини курсатиш мумкин.<sup>1</sup>

«Қизбиби» деб аталган мазорлардан яна бири Жондор туманининг «Варахша» колхози территориясида жойлашган маданий ёдгорликлар бўлиб ҳисобланган мадрасалар ва бир неча ҳужралардир. Бу бинолар XVI асрда қурилган бўлиб, «Қизбиби» мақбараси алоҳида хона қилиб гумбаз тарзида ишланган. Гўёки Қизбиби турмушга чиқмаган экан. Шунинг учун ҳам уни «биби Маҳсуман пок» деган эмишлар. Қиз биби ҳақида кўпгина бир-бирига қарама-қарши афсоналар тўқилган. Улардан бири гўёки қиз бибининг отаси ҳоким бўлиб, асли араблардан Саид авлодига мансуб бўлган, онаси Биби Шарифа ўз даврининг аслзодаларидан бўлган. Бу қиз илм-фандан хабардор бўлиши билан хизирлик хислатига ҳам эга бўлган. Ривоятларга қараганда Абдулло Ямани (Мири араб) Қиз-бибига совчи юборган эмиш. Қиз эса совчиларга «орқаларингга қайтинглар, Мири араб вафот этди» деган. Совчилар келсалар, ҳақиқатдан ҳам Мири араб вафот этган эмиш.

Бошқа бир ривоятга қараганда «Қиз биби Муҳаммад пайгамбарнинг қизи бўлган» деб айтадилар. Агар Қиз биби Муҳаммад пайгамбарнинг қизи бўлганда эрамининг VII-VIII асрнинг биринчи ярмида яшаган бўлиши керак. Абдулло Ямани яшаган (XVII аср) даврида Қиз-биби қарийб 900-1000 ёшга кирган бўлади. Археологик қазилма ишлари олиб борилмаганлиги сабабли, бу ернинг ҳақиқий тарихи ҳалигача ўрганилмаган.

Фақатгина Бухоро ва Жондор туманларининг 3 жойида Қиз биби, Ҳазрат биби, Биби Маҳсуман пок номлари билан аталадиган аёл авлиёлари бўлиб, ҳар уччаласига ҳам бир-бирига яқин бўлган афсо-

---

1. Бухородаги аёллар авлиёлари ва қадамжолари тарихи. 1950-80 йилларда даврий матбуот ва журналларда муаллиф томонидан 15 дан ошиқроқ мақолалар чоп қилинган. Масалан, Н. Йўлдошев «Жонзон ўлкамизнинг тарихини чуқурроқ ўрганайлик» (Бухоро ҳақиқати 1 ноябрь 1958 йил) — «Святые места», (Советская Бухара 3 апреля 1959 г). «Бу ерлар муқаддас жойларми?» (Бухоро ҳақиқати 15-16 май сонлари 1959 йил), «Муқаддас жойлар сирин» (Бухоро ҳақиқати 29 сентябрь, 1965 йил), «Бобо Қамбар муқаддас жойми?» (Бухоро ҳақиқати, 2 февраль, 1972 йил), «Меъморчилик ёдгорликлари қандай илоҳийлаштирилган» (Бухоро ҳақиқати 11 август, 1987 йил), Н. Йўлдошев ва бошқалар «Ислом динида мазорпарастлик ва унинг авлиёларига шигиниш Т. 1959 йил, Н. Йўлдошев, Х. Ҳакимов «Муқаддас жойлар сирин, Т. 1989 йил ва бошқалар.

налар туғилган ва ҳар учачласи ҳам ғойиб бўлган деган оташпа-  
растлик диний қолдиқларига асосланади.

Ҳозирги даврда юқорида номлари келтирилган аёл авлиёларига  
аҳён-аҳёнда видеоларни учратиш мумкин. Масалан, Қизибинни  
внёрат қилиш ва ундан мадад тилаш учун ҳамма ёқдан Андижон,  
Наманган, Самарқанд ва Ўзбекистон, Тожикистоннинг бошқа жой-  
ларидан прим-сиримга ишонган аёллар келмоқдалар.

## ИСЛОМДАГИ ДИНИЙ-ФАЛСАФИИ ОҚИМ — СУФИЗМ (тасаввуф) БИЛАН БОҒЛИҚ БУЛГАН АВЛИЕ, ҚАДАМЖОЛАР ТАРИХИ.

Суфизм (арабча сўф — жуи сўзидан олиндиб, сўфи жуниўш, малла-  
пўш деган маънони билдиради). Ислои динидаги турли куришишлари-  
даги фалсафий таълимот бўлиб, VIII-IX асрларда араб мамлакат-  
ларида вужудга келган. Энг қадимги мистик идеяларнинг ламоянда-  
лари Паластинада яшаган, Робиъа ал Адавия (вафоти 135 йил  
ҳижрий). Абу Ҳасим (вафоти 150 йил ҳижрий) бўлиб, Робиъа  
оллоҳга муҳаббат руҳи билан яшаш гоҳини кўтариб чиққан даст-  
лабки аёллардан бўлиб ҳисобланади. У «фақат ягона оллоҳ муҳаб-  
батга сазовор бўлиб, бу дунёдаги бутун борлиқни унинг йўлига  
қурбон қилиш ва бутун умидни худодан тилаш керак, чунки бутун  
дунёдаги нарасалар оллоҳ таолога боғлиқдир», деган гоҳни кўтариб  
чиқади.

Робиъа ҳақида қуйидаги ривоятлар келтирилади:  
«Бир кун Робиъа касал булади. Басрадан Ҳасан, Балхдан Шақиқ  
уни кўриш учун келдилар. Ўз-ара суҳбатда Ҳасан — «Оллоҳнинг  
«Худонинг жазоларидан лаззат олмаган одамнинг ишончини ҳақиқий  
эмас» деб айтади. Шунда Шақиқ бу сўзни кучайтирмоқчи бўлиб,  
«Худонинг жазоларидан лаззат олмаган одамнинг ишончи ҳақиқий  
эмас» деб айтади. Шунда Робиъа уларнинг ҳар иккаласининг  
гапларини рад этиб айтадики, «Оллоҳ таолони мушоҳада қилганда  
унинг жазоларини унутган кишининг ишончи ҳақиқий эмас».

Бир кун Робиъадан «Сен шайтонни ёмон кўрасанми?», деб савол  
берган эканлар, у «йўқ» деб жавоб берган экан. Сўрабдилар, «нима  
учун?» у ўз жавобида «чунки менинг худога бўлган муҳаббатим шун-  
чалик кучли ки, кеча-кундуз унинг ишқи билан банд бўлганим учун,  
мен шайтон ҳақида ўйлашга, уни ёмон кўришга ҳам вақт топа ол-

---

1. Робиъа ал Адавия худосевар шонра бўлиб, Е. Э. Бертельс уни  
713-718 йиллар орасида туғилган. 801 йилда Басрада вафот этган  
деб ёзса, «Исламизм» (т. IV, 1913 й. Ашхабод), китобининг 130 бе-  
тида Робиъа 135/752-753 йилда вафот этган деб ёзилган.

майман». Бир куни тушимда оллоҳнинг пайгамбари сурадиларки. «О Робиа сен мени яхши кўрасанми?» мен жавоб бердим «О Расул уллоҳ, ким сени яхши кўрмайди, бутун мусулмон оламин сени ишқинг билан яшайди. Лекин мени худога бўлган ишқим, бутун жисимининг бўлакларигача қамраб олганки, сени яхши кўришим учун менинг жисимининг бирор бўлагига жой қолмаган деб жавоб берган.<sup>1</sup>

Ривоят келтирадиларки, Робиъа Адавиянинг эри вафотидан анча ўтгандан кейин Ҳасан Басри ўз асҳоблари билан Биби Робианинг уйларига бориб, у билан мулоқотда бўлади. Имом Ҳасан айтдиларки, «Эй, Биби Робиъа, сенинг эринг вафот этди, мен хоҳлардимки мени шавҳарликка қабул қилсанг?».

Шунда биби Робиъа «сен бу ҳақда менга амр қилдингми, ёки мени эр қилиш ихтиёрим борлигини билдингми?» деб сўрайди.

Имом айтдиларки, «Агар ихтиёр қилсанг деб сўраган эдим». Шунда Биби Робиъа айтдиларки «Тўрт масалага жавоб айтсанг, мен сенга турмушга чиқишга рози бўламан». Имом Ҳасан айтдилар «масалаларингни баён қил!». Биби Робиъа айтди: Агар мен бу дунёдан нақл<sup>2</sup> қилсам, ўзим билан бирга имонимни олиб бора оламанми, ё йўқ? Ҳасан Басри «бу масала Илми гайбдур, буни худонинг ўзи билади» деб жавоб берадилар. Биби Робиъа яна сўрадики, «Агар мени қабрга қўйсалар мункар-накир саволларига тўлиқ жавоб бера оламанми, ё йўқ?» Айтдилар, буни худодан ташқари ҳеч ким билмайди. Яна сўради: «Қиёмат куни Маҳшаргоҳда мени эҳмол хатимни («номан эҳмоли моро») ўнг қўлимга берадиларми ёки чап қўлимга?». Ҳасан Басри айтди: «Мен билмайман, бу илми гайбдур».

Биби Робиъа яна сўрадики, қиёмат куни маънавий индо қилувчилар икки фирқага кирадилар Фиал ҳаёт фирқаси ва ас саир (дўзах) фирқаси. Мен мана шу дирқаладнинг қайси бирига муносибман? Имом Ҳасан айтибдиларки, гайб илмининг худодан бошқа ҳеч ким биллолмайди.

Робиъа айтдики, мени мана шу тўрт масала ҳайрон қилаётган бир пайтда қайси хотиржамлик билан эрга тегаман, — деб жавоб беради.<sup>3</sup>

Сўфи Оллоёр «Сабот ул ожизин» деган китобида «Ҳикояти Робиъа» деб аталган бобида қуйидаги айрим мисраларни келтираман:

Эшитгил Робиъанинг ашқин, Эй шоҳ,

Бировнинг чодирига томди ногоҳ.

1. Исламизм. Т. IV, Ахгабад. 1913, 130-134 стр.

2. Нақл — бу дунёдан башқа дунёга кетиш, бир жойдан иккинчи жойга сафар қилиш.

3. Мирзо Салимий. Кашкули Салимий. қўлёзма 39 боб, 129-130 бетлар.

Деди, юв чодирингни, эй қариндош,  
Қизил қондир кузимдан сочрагон ёш.  
Агарчи Робинъадур маръа биззот  
Эронлар қўйдилар тожур-рижол от.  
Ўзин судраб ҳарамга жони бирлон  
Етишди етти йилдан ёни бирлон.  
Анинг шаънига касбу камолот.  
Ададлин-дур берун азвоқи ҳолат?...

Робинъа «Мен фақат худо учун яратилганман, шунинг учун мен фақат унинг номи билан яшайман» деган ғолни талқин қилади. Кейинроқ бу гоя сўфилар учун асосий гоялардан бирига айналади.<sup>3</sup> Фақат худонинг ишқи билан яшайдиган аёллардан Робинъа ягона эмас эди. Шундай аёллардан Жаффар ас-Содиқ қизи Ойша (вафоти 145 йил ҳижрий), Нишопурдан Фотима (223 йил ҳижрийда вафот этган), Ортодаксал мактабининг асосчиси Ал Шарий замондоши Нафиса кабиларни кўриш мумкин.

Нафисанинг қabri Қоҳира шаҳрида бўлиб, ҳозир ҳам зиёратгоҳдир. У Али ўгли Имом Ҳасаннинг авлодларидан бўлгани учун Шиалар мазҳаби унга нисбатан ҳурмат билан қараганлар.

Сўфизм ташкилотчиларидан ҳижрий II асрнинг охирида яшаган Абу Саид бини Абул Ҳайра бўлиб ҳисобланади. Унинг шогирдлари Жун (суф) дан тикилган кийимлар кийиб юрганлар. Ана шундан суфи келиб чиққан. Дастлабки сўфилар шахсий истакдан тўла воз кечиш гоясини тарғиб қилганлар.

Суфи фақат нон билан кун ўтказиш ва жундан кийим кийишдан иборат бўлмай, худонинг билиш, унинг буйруқларини бекаму куст бажариш, худога итоат қилишдан иборат деган гояларни илгари сурувчиларгина сўфи бўла олади.

Сўфиликда а руҳни камолотга эришишнинг асосий йўллари қуйидаги босқичлардан иборат бўлган:

**Биринчи босқич** — Тасаввуф аҳли аввал Шариатнинг бурч ва талабларига бўйсунуши керак. Шундан кейингина иккинчи босқичга — **тариқатга** кўтарилиши мумкин. Барча муридлар бирга итоат этиши, ўз шахсий истакларидан воз кечиши шарт ҳисобланган. Бу босқичдан ўтганларидан сунг учинчи босқич — **Маърифатга** кўтариладилар. Бунда сўфийлар коинотнинг бирлиги Худода мажассам бўлишини, яхшилик ва ёмонликнинг нисбийлигини ақл билан эмас, қалб билан англаш керак деб талқин этилган.

**Туртинчи босқич** — Ҳақиқат дейилади. Ҳақиқатга эришув худога

2. Сўфи Оллоёр «Сабот ул ожизин». Т. 1991, 45 бет.

3. Исламизм. т. IV. Ашхобод, 1913, 134-бет.

эришиш, унга сингиб кетиш ва натижада абадийликка эришиш деб қайд этилган. Бунга сўфийлар махсус руҳий ва жисмоний (психозфизик) ҳаракатлар — сиғиниш ва ибодатлар орқали интиладилар.<sup>1</sup> Умуман тасаввуф йўллари саккизта бўлиб, булар: хизмат, ишқ, зухд, маърифат, вужуд ёки ҳол, ҳақиқат васл, фано.

Сўфизм ижтимоий тараққиётнинг хусусиятлари билан боғлиқ равишда вужудга келган. Унда неоплотонизм таълимоти, идуанизм, христианлик, зардуштийлик ва айниқса, буддизмнинг таъсири бор. Сўфизм хилма-хил шакл ва оқимларга эга. Сўфизм асосан пантеизм аскетизм, мистицизмининг тартиб қилади. Пантеизм (Пан — бариси ва Теос худо) грекча сўздан олинган бўлиб, бу таълимотта кўра худо шахсиз ибтидодир, у табиатдан ташқари турмайди. Балки, у билан айнан биргадир, яъни худо билан табиат бир деб қарайдиган диний фалсафий таълимот.

Аскетизм грекча сўздан олинган бўлиб, машқ қилаётиман деган маънони билдиради. Яъни зоҳидлик — дунёнинг ҳузур-ҳаловатидан ўзини ҳаддан ташқари тийиш — ахлоқий ёки диний камолотга эришиш учун ноз-неъматлардан воз кечиш билан характерланувчи принцип. Қадимги Грецияда аскетизм эзгулик фазилатини машқ қилиш деб атаганлар. Аскетизм қадимги Шарқ диний таълимотларида назарий жиҳатдан асослаб берилган. Илк христианликда умрини хилватда ва рибзатда ўтказган кишилар асқат (зоҳид, деб аталган.

Мистицизм, мистика (грекча бўлиб, сир, асрор) диний қарашлардан бири бўлиб, асосий нарса — инсоннинг худо билан ёки қандайдир бошқа сирли вужуд билан алоқа қилишга гўё назаркардалик, зикр-само, ваҳий-каромат орқали эришилади деган тушунича илгари сурилади.

Сўфизм тарафдорлари дастлабки даврларда моддий бойликка эга бўлишни қоралаб, ҳақиқий бойлик — маънавий, руҳий бойлик деб ҳисоблаганлар. Сўфизм турли даврларда араб мамлакатлари, яқин ва Урта Шарқ, Урта Осиё ва Покистон, Индонезия, Шимолийгарбий Хитой мусулмонлари орасида кенг тарқалган.

Сўфизм муҳлислари фақат худонинг борлигини реал деб, тева-рак-атрофдаги нарсалар ва ҳодисаларни эса эманация (илоҳий қудратнинг кўринишлари) деб эътироф қилган ҳолда, инсон руҳини худо билан мистик қўшишни олий мақсад деб эълон қиладилар.

Сўфизм таълимоти динга ишонувчи киши жазава билан зикр-самога тушгандагина «худонинг жамолини кўришга мушараф бўлади» деган таълимотни илгари суради. Сўфизм турли шакл ва оқим-

---

1. Ислом справочник. Т. 1986, 158 бет.



ларга эга. Суфизм оқимларининг ташкилий тузилиши ҳамма жойларда қарийб бир хил бўлган. Суфийлар жамоасининг бошлиғи ўз муридларига нисбатан ҳокимияти чексиз бўлган. Бундай кишиларни шайх, пир, эшон деб атаганлар. Шайх одат бўйича жамоага тегишли зовия (ўз резиденция) ларидан бирида яшаган. Мурид ўзини шайхнинг иродаси билан иш тутган.

Кўпчилик ҳолларда шайх ўзига ёрдамчи тайинлаган. Шайх (пир, эшон) шахсини кўтариш учун турли йўللار билан халқ орасида обрўсини ошириш шайхнинг шогирдларига боғлиқ бўлган.

Шайх жамоа ишларини олиб бориш мақсадида муқаддим тайинлаган. Шайхнинг вилоятлари кўп бўлса, унда ҳар бир вилоятда алоҳида муқаддим тайинлаб, вилоятдаги бутун муридлар ана шу муқаддимларга тобе бўлганлар.

Йилига бир ёки икки маротиба ўша вилоятдаги жамоа аъзоларининг кенгаши чақирилиб, бунда ҳазрат (шайх, пир) ни таклиф қилганлар ва унинг шарафига катта зиёфат берилган. Жамоанинг катта кичиклигига қараб, Муқаддим қошида муқаддим ўринбосари, Чоуш (раҳбар) лар, маддоҳлар (пропагандистлар), Қасида хонандалари (мунгли диний шеърларни ўқийдиган кишилар), аллома (байроқдор) лар, саҳқо (машкоб-мешкоб) сайланган.

Жамоанинг бошқа аъзолари ихвон (биродар) лар ёки асҳоб (ҳамфикр) лар деб аталган. Бундай асҳоблар бир неча поғонага бўлинган.

- а) асҳоб ул фатво — фатво берувчи (қонуншунос) асҳоблар
- б) асҳоб-ул бисот — мол-мулк асҳоблари
- в) асҳоб-ул ошад — интилувчи асҳоблар (саъй-ҳаракат асҳоблари)
- г) асҳоб-ул йёд — ҳимоя қилувчи асҳоблар

Сўфистик адабиёт Ўрта аср адабиётига, хусусан араб, форс, турк, урду ва бошқа тиллардаги шеърятда катта таъсир кўрсатган. Ҳозирги даврда хорижий шарқ мамлакатларининг айримларида сўфизм гоёвий куч сифатида муайян роль ўйнаб келмоқда.

Тасаввуф намояндалари меҳнаткаш халқни қийинчиликларга кўникишга, у дунё билан яшашга, худонинг куч қудратига ишонишга, бало қазоларга сабр билан чидашга чақиради. Суфизм айрим ҳолларда синфий тенгсизликни қоралаб келган бўлса ҳам, хусусий мулкни дахлсиз, оллоҳнинг иродаси деб уқтирган.

Сўфизм тарғиботчиларининг йирик намояндалари, замондошлари бўлган подшолар, ҳокимлар, феодалларни олиб борган сиёсатларига маълум таъсир кўрсатганлар. Айрим ҳолларга подшолар ҳам улар билан ҳисоблашганлар. Уларнинг вафотидан сўнг уларга атаб катта мақбаралар қўрганлар.

Бухорода кенг тарқалган сўфизм оқимлар Абдуқодир Желоний

ташаббуси билан ташкил этилган «Қодирия». Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад Балхий Румий томонидан ташкил этилган «Мавлавий», Нажмиддин Қурбо номи билан машҳур бўлган «Қубравийлик» тариқати. Ҳожа Али Рометаний, Ҳожа Абдуҳолиқ Ёиждувоний, Ҳожа Муҳаммад Бобойи Самосий, қабиларнинг номлари билан боғлиқ бўлган «Хўжайи Азизон», тариқати, ҳазрати Баҳоуддин номлари билан боғлиқ бўлган «Нақшбандлик» тариқати қабила бўлиб ҳисобланади.

Ҳожа порсойилар, Ҳожа жўйборийлар ва бошқалар кўпчилиги ҳолларда нақшбандлик тариқатини асос қилиб олган эдилар. Айниқса XIII-XIV асрларда тасаввуф тариқатлари Ўрта Осиёда, шу жумладан Бухорода кенг тус олди.

Бунинг асосий сабаби мугуллар ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳр очлик, яланғочлик, турли юқумли касалликлар ўлкасига айланади. Бухоро қаби бой ва маданият ўчоқлари бўлган шаҳарлар ҳувиллаб қолган эди. Мугул ва маҳаллий ҳокимлар, бойлар деҳқон ва ҳунармандларга зулмни яна кучайтира бошлайдилар. Оғир аҳволда қолган халқ оммаси Машонхлардан кўпроқ умид боғладилар. 1238 йилда Бухорода Маҳмуд Торобий бошчилигидаги халқ қўзғолонларининг мафқуравий раҳбари ва тарғиботчиси машойиҳлардан Шамсиддин Маҳбубий бўлган. Бу исёнда меҳнаткаш халқ билан ёнма-ён туриб кўпгина дин ҳомийлари мугул босқинчиларига қарши кураш олиб борганлар ва жангларда Шаҳид бўлганликларини тарихий манбаларда кўришимиз мумкин.

Айрим тариқат намояндалари мугул истилочиларининг халққа қилаётган ҳаддан ташқари жабр-зулмларига қарши халқ тарафида туриб, уларга гоҳида очиқ, гоҳида яширин кураш олиб борганлар. Масалан, Сайфиддин Бохарзийнинг ўғли Жалолиддин мугулларга қарши курашда ҳалок бўлган, Сайфиддин Боҳарзи, ҳазрати Баҳоуддин қаби йирик машонхлар ҳам мугулларга қарши гоҳида очиқ, гоҳида уширин кураш олиб борганлар. Шунинг учун халқ оммаси тобора уларга ишонган. Уларни гоъвий халоскор сифатида ҳурмат қилган. Тасаввуф шайхларининг айримларини халқ эъзозлаб, авлиё даражасига кўтарганлар.

Биз сўфизм тариқатчиларининг халқ орасида кенгроқ тарқалган йирик вакилларининг айри м намояндаларини қисқача тарихини ёритишга ҳаракат қилдик.

Уларнинг авлиё даражасига кўтарилиш сабабларини уларнинг муқаддаслик ҳақида айрим ҳақиқат ва сохта ривоятлар ҳақида фикр юритишни лозим топдик.

## АБДУЛ ҚОДИР ал ЖЕЛОНИЙ

Абдул Қодир ал Желоний (1077-1166) қодирия тариқатини ташкил этади. Қодирия мусулмон дунёсида энг кўп тарқалган тариқатдир. Қодирияда иккита мустақил ривожланган оқимни кузатиш мумкин.

**Биринчи оқим** — Судан, Ғарбий ва Шимолий Африка (мағриб малакатлари) да тарқалган Желони гуруҳидир. Булар Абдул Қодир Желонийни фақат муқаддас деб билмай, уни олоҳдан сўнг иккинчи шахс деб улуғлаштирилган. Бу гуруҳнинг кўп қарашлари Ислом билан қарама-қарши бўлганлиги учун, диндорлар томонидан кўпинча танқид этилган.

**Иккинчи оқим.** — у қодирия номи билан машҳур. Бу XVI асрда Ҳиндистонда Шоҳмуҳаммад Ғавс ривожлантириб, йога ва индуизм ғоялари билан бойитди. Қодирия XI, I асрда Бағдоддаги оилавий авлиё донрасидан аста-секин тарқалиб, 1300 йилда унинг ғоялари Ироқда, Сурия, Яман, XV асрда Фаластин, Миср, Ҳижоз, XVI асрда Тунис, Ҳазор, Марокашда кенг тарқалган. Қодирия Туркияда ҳам тарқалган бўлиб, унинг бу ердаги фаолияти Исмоил Румий (1684 йилда вафот этган) номи билан боғлиқдир.

Бухоро шаҳрида ҳам Қодирия суфийлик тариқати билан боғлиқ муқаддас жой бор. Бу XV асрда қурилган Абдул Қодир Желоний номи билан боғлиқ мақбара, минор, масжид, чинор ва ҳовуздан иборат тарихий-маданий комплексдир (аммо уларнинг қарийб ҳамаси йуқолиб кетган). Желоний мусулмон дунёсида Пири Дастгир (Сакловчи пир) номи билан машҳур.

Бухорода ҳозирги кунгача ўтказиладиган хатми ёздаҳум (ун олдинчи хатм) ҳам Желонийга бағишлангандир. У кишининг муҳрлари «Муҳри пири дастгир» номи билан ҳозиргача илоҳий куч-қудратга эга бўлган муқаддас муҳр деб, маълум шахслар қўлида мерос сакланмоқда.

Қодирия тариқатида баланд овоз билан зикр айтиш уч қисмдан иборат:

1. Муҳаммад пайгамбарни мадҳ этувчи қасидалар ўқиш
2. Қодириянинг фарз бўлган дуоларини ўқиш.
3. Жўр бўлиб Желонийнинг насихатлари ва у кишига бағишланган мадҳияларни ўқиш.

Бухорода «хатми ёздаҳум» да ҳозирги кунгача бу хусусиятлар сақланган. Маросим охирида ҳамма жўр бўлиб, қўидаги мисранни айтади:

Агар туфон бигирад гирди олам  
Чи ғам дорад муриди Ғавс-ул Аълам.

### Таржимаси:

Оламини тўфон босганида ҳам,  
Ғавс ул-Аълам муриди учун инми ғам.

Демак, Оламини тўфон босганда ҳам Абдул Қодир Желоний ўз муридларини ундан асраёт олади. У киши Пири Дастгир, турли офатларни сайловчидир.<sup>1</sup>

Абул Қодир Желонийнинг асосий ғоялари Ислом динини илоқ ахлоқлардан тозалаш, бидъатга қарши кураш. Бахтсиз кишиларни бахтга эришувга қўмаклашиш, қашшоқ, бева, бечораларга ёрдам бериш, уларни оғир аҳволдан қутулишлари учун мулкдорлар, ҳожимлар ўзларини ёрдамларини аямасунлар кабилардан иборатдир. Ғавс ҳимоя қилувчи, мадакор, Аъзам — буюк, Ғавс-ул-аъзам — буюк мадакор демакдир.

Абдул Қодир Желоний 561 хижрий (1166 милодий) йилда Бағдод шаҳрида вафот этади. Ундан 27 та ўғил қолиб,<sup>1</sup> уларини каттаси Сиди Абдор Разоқ отасининг ўрнига Қодирия тариқатини бошлиғи бўлиб, отасининг қабри ёнида масҷид, хонақо қурдиради. Унинг ҳаётлиги давридаёқ бир қанча ўғиллари Қодирия тариқати ғояларини тарғиб қилиш мақсадида Африка, Ҳиндистон, Араб ва Ўрта Осиё каби мамлакатларнинг шаҳар ва қишлоқларига борарилар: халқ кам-кам Бағдод халифалигига тан олишни истамасдан, бу тариқат йўлига кира бошлайдилар. Чунки бу тариқат халққа, айниқса меҳнат аҳлига яхши ҳаёт, эркинлик ваъда қилган эди. Шунинг учун ҳам Абдул Қодир Желонийни Ғавс ал-аъзам — буюк, мадакор деб айтганлар. Шунингдек Желонийга Кутб-ул-қутуб — энг муқаддас шахс деган унвон ҳам берилади. Ривоятларга қараганда, унинг руҳи осмон билан ер ўртасида, шунинг учун оллоҳ таоло Абдул Қодир Желонийнинг ҳар қандай кишига қилган дуоларини ивобатга олади ва уни бажаради. Ҳар қандай гаройибот-ажойибот кучларни яратишда унга тенг келадиган миқаддас шахс йўқ, деб айтганлар. Ҳиндистон ва Покистонда Қодирия тариқатининг кўпчилиқ қатнашчилари камбағаллардан иборат бўлиб, бундай тариқат шаҳобчаси «бенаволар» номи билан машҳурдир. Қодирия тариқатини икинчи шаҳобчаси — акбария номи билан машҳур бўлиб, бу оқим Ҳиндистонда катта таъсирга эгадир. Акба-

---

1. Гулчеҳра Наврузова ва Маҳбуба Муҳиддинова. «Қодирия ва Нақшбандия суфилик тариқатлари». Навқирон Бухоро № 1, 1992, 25, 26 бетлар.

1. М. Ҳазратқулов «Тасаввуф» китобида (Душанбе, 1988) «Шайхнинг қирқ икки фарзанди бўлганлиги ва улардан ўн бир нафари оталари тариқатига киргани ҳақида ривоят қилинади» деб ёзади.

рия оқими ҳижрий эранинг VI асрида (милодининг XIII асрида) Панжобда шайх Ал-Ақбар Маҳмуддин ибн ал-Арби Ал Хотими та шоббуси билан ташкил этилади.

Бухоро савдо ва ҳунармандчилик шаҳри булганлиги учун, бу ерда меҳнаткашлар, айниқса, ҳунармандлар уни мададкор, турли бало-қазолардан ҳимоя қилувчи авлиё сифатида унинг мозорига бориб, арвоҳи пир, мушкул кушод, ёздаҳум, зикр каби маросимларни вақти-вақти билан ўтказганлар. Аммо Ислоннинг муқаддас китоби Қуръонда мададкор ва турли бало-қазолардан халос қилувчи ягона олоҳ таоло деб айтилган.

## АБУ ҲАМИД АЛ ҒАЗЗОЛИ

Ҳамиятнинг феодал формаларининг манфаатларининг ҳимоячиларидан бири. суфизмнинг йирик намояндаларидан Абу Ҳамид Муҳаммад ибн Муҳаммад Ал Ғаззоли бўлиб, 1058-1059 йилда Тус шаҳрида туғилади. У ёшлигидан бошлаб суфий таълимоти билан танишиш мақсадида Нишопурга келади, у ерда ислом плоҳиятини урганади, тез вақтда руҳонийлар ўртасида обрў қозона бошлайди. 1091 йилда салжуқийлар вазира Низом-ал Мулк Бағдод шаҳрида Низомия мадрасасига мударрисликка таклиф қилади. Бу ерда у салжуқийлар ашаддий душмани булган Исмонлийлар дини мазҳаби билан мунозара бошлайди. Уларнинг таълимоти ислом таълимотига қарама-қарши деб чиқади. Ислон динидаги мазҳабларга қарши чиқиб, Низом-ал-мулкнинг марказлашган феодал давлати барпо қилиш ҳақидаги сиёсатини ёқлаб чиқади. 1095 йилдан бошлаб мадраса мударрисликни ташлаб, зуҳду<sup>1</sup> инқитоъ<sup>2</sup> тариқин илгари тутди ва хаж азинмати қилди. 488 (1095) йилда Ҳажга мушарраф бўлиб, Шомга андин Байтул-муқаддасга<sup>3</sup> борди. Андин Мисрга келди ва муддате Искандарияда эрди. Бухоро ва Хоразмнинг бошқа шаҳарларга бориб, андин ватан азинмати қилди ва ўз ҳолига машғул бўлди ва халқдин хилват ихтиёр қилди ва Муфит ( фойда бахш) китоблар ёзди.<sup>4</sup>

У бир қанча диний-мистик ва ислом философиясига доир муфит (фойдабахш) асарлар муаллифи. «Ал-муўкиз мин-ат-далол» («адашганларни қутқармоқ») деган асарида Аристотель, Фароби, Ибн Сино гояларини Ислон нуқтаи назаридан инкор қилибгина қолмай, билимнинг рационалистик фалсафий системаларига қарши кураш олиб боради.

1. Зуҳд — тарки дунёчилик, порсойилик.
2. Инқитоъ — одамлардан узоқлашиш, танҳолик.
3. Байтул-муқаддас — Қудуси шариф, (Иерусалим).
4. А. Навоий XV т.

«Таҳрифат а.л. фаласифаа» («файласуфларни рад этиш»), «Кимнэ ас-саодат» (саодат химияси), «Ихъеул улум ад дин» («Диний илмларни тирилтириш»), «Жавоҳирул — Қуръон», «Еқутут — таъвил», «Мишкотул — анвар» каби асарларида ислом илоҳияти системасини ишлаб чиқади ва уни фалсафий асослашга уривади. У худони ақл орқали англаш мумкин эмас, уни махсус руҳий-жисмоний (психо-физик) ҳаракатлар, сигниш ва ибодатлар орқали англаш мумкин деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, жон худо сингари фазодан ташқарида, олам худо томонидан яратилган деган ғояни илгари суради.

Ғаззолийнинг диний системаси сўфийликни ортодоксал ислом билан бирлаштирди, бу билан амалда унинг ислоҳоти бўлиб қолди. Унинг асосий ғояси табиатдаги бутун борлиқ худонинг иродаси билан ҳаракат қилади. Бу билан бой ва камбағалликни ҳам худонинг иродасига элтиб боғлайди. Унинг ғоялари кўпроқ меҳнатқашлар мафаатига тамомила мос бўлган ғоялар бўлгани учун унинг вафотидан кейин Ўрта Осиёнинг бир қанча шаҳарлари ва қишлоқларида унинг мазорларини барпо қилиб, уни авлиё даражасига кўтарганлар. Бухоро шаҳрида Имом Муҳаммад Ғаззоли маҳалласи ва шу маҳаллада унинг қabri бор.

Бу мазорни руҳонийлар ҳатто бош оғригига шифо берадиган «Муқаддас жой» деб эълон қилганлар.

Бош оғриқ касалига дучор бўлган кишилар бу мазорга келиб, бошларини унинг қабрига қўлиб ётганлар ва у ердаги тугта бошларини силаганлар. Назрхўрларга кўпгина назр-ниёзлар билан бир қаторда бир дена қовун ҳам олиб келиб, уни тилимларга бўлиб, бу ерга яқин бўлган мадраса муллобаччаларга улашиб чиққанлар. Шунинг билан улар Имом Ғаззоли бизларни даҳшатли дарддан халос этади деб уйлаганлар.

Ғаззолийнинг қabri Бухорода ва Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларида бўлиши ҳеч қандай мумкин эмас, чунки у умрининг охирида яна Нишопур мадрасасида бир қанча вақт мударрислик қилади, кейин ўзи туғилган Тус шаҳрида вафот этади, қabri ҳам ўша шаҳарда. Сўфийлар орасида унинг шогирдлари ва унга эргашувчилар кўпчиликини ташкил этган, улар шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ юриб, унинг таълимотларини тарғиб қилиш билан уни «авлиё» даражасига кўтарганлар. Кўпгина жойларда унинг қабрини ясаб, унга зиёрат қилишга диндорларни ундаганлар. Маҳалий назрхўрлар эса унинг «шифобахш» қabri ҳақида турли ривоятлар тўқиб, зиёратчилардак кўпроқ назр-ниёз тўплашга ҳаракат қилганлар.

Ғаззолий ўз асарларида дунёнинг ҳузур-ҳаловатларидан ўзини ҳаддан ташқари тийиш ва ахлоқий ёки диний камолотга эришиш учун

нозу-пешматлардан ўринли фойдаланишни тарғиб қилган, аммо у ўша даврнинг энг йирик бойи бўлган.

Ҳофиз тенгш ибн Мир Муҳаммад Бухорий ўзининг «Абдуллонома» («Шарафномаи шоҳи») деган асарида шундай ҳикоя қилади. Имом Ғаззолийга «сен ҳар куни дунё аҳлини қоралайсан. Халқнинг бир-бири билан алоқаларини ҳамisha тўхтатишга интилсан. Ўзингни оғилнингда шунча от ва хачирларинг бор. Оғилхонангни миҳи олтиндан, яна бошқа мол-мулкнинг бор. Шундай бўлгач бу сўзларинг нимаси?» деб сўраганлар. Ғаззолий жавобда айтганки «мен оғилхонанинг олтин миҳларини лойга қоққанман, дилга эмас», албатта тангри на суратларингизга ва на ишларингизга қарамайди, лекин қалбларингизга ва ниятларингизга қарайди». Байт: «уйда агар мингта бўлса ҳам, дилда биттадан бошқанинг бўлиши мумкин эмас». Шу муносабат билан икки мисра байтни келтиради:

**Суфи агар майни меъёри билан ичса, нўш бўлсин.**

**Бўлмаса бу ишнинг андишасин уинтсин.**

Ғаззолий ўз маблагги ҳисобига Нишонурда Сўфилар учун Хонақоҳ ва илм талабаси учун мадраса қурдиради. Шунингдек, камбағаллар, етим-есирлар, мусофирлар ва тариқат аҳли учун «Хайрия жамоаси» ташкил қилиб, ўша кишилар Ғаззолий ҳисобидан текин турар жой, озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминланар эдилар.

Ғаззолий ўзининг «Охиратнома» асарида «Эй фарзанд амалсиз илм телбалиқдир. Лекин илмсиз амал ҳам бўлмайди. Ҳар қандай илм тоат-ибодатга далолат қилмаса, ундай илм қиёмат куни сени жаҳаннамдан қайтаришга қодир эмас. Бундай илмдан сақланмоқ керак», дейди.

Руҳ — улуг ҳодисаким, у фақат яхши амалларни хоҳлайди, бил-лсқ яхши амал қил, нафсинг буюрган йўлга юрсанг муқаррар ҳалок бўлурсан. Нафсингни тий, синдир. Таннинг парваришига эрк берсанг, у семириб кетади ва ибодатга суст бўласан. Эй фарзанд! Айтар сўзинг ҳам, феъл ва атворинг ҳам шариятга хилоф келмаслиги лозим бўлади. Чунки шариятга мувофиқ келмаган илм, амал ҳам инсонни тўғри йўлдан чалғитувчидир.

Шариятга қарши сўзлаш ёхуд шарият ичра бидъат ишлар қилиб, бидъат гапларни оғизламоқ сўфийликдан эмас.

Эй фарзанд, Шаръий амалнинг аввали — эътиқоднинг мустамкам бўлсин, уни бидъатдан ҳоли қил! Иккинчиси — қаттиқ тавба айлаб, кейин гуноҳишларни қилмагни. Учинчиси — сендан ҳақ даъво қилганларни рози қил, бўйнингда бировнинг ҳаққи қолмасин. Тўртинчиси — оллоҳнинг амрларини адо қилишга етадиган ва сенга охиратга нажот берадиган илм ҳосил қилишинг даркор.

## ЮСУФ ҲАМАДОНИЙ

Бухоро шаҳрининг қорхона маҳалласида Юсуф Ҳамадонийнинг қабри ва мазори бўлиб, туқувчилар бу ерга келиб, бу қабрни зиёрат қилганлар, ҳатто ўзлари билан ис, нон ва қайнатилган гўшт келтирганлар, бу ерда «арвоҳи пир» («пирлар арвоҳини эслаш») маросими ўтказиб мол қурбонлик қилганлар, назрхўрларга пул улашганлар, ҳатто бу ердаги ҳовузни ҳам «муқаддас» лаштириб, назрхўрлар ҳовуз тагида Юсуф Ҳамадонийнинг туқувчилик дуқони бор, ҳар жума кўни динга ҳақиқий ишонувчилар очик дил билан келиб қулоқ солса, ҳовуз тагидан Юсуф Ҳамадонийнинг газмол туқиётган дастгоҳининг овозини эшитишлари мумкин деган афсонани ҳам тарқатганлар.

Хуш, Юсуф Ҳамадоний ким бўлган?

Шайх Абу Юсуф Еқуб бин Айюб Ҳамадоний ҳижрий 440 (милоднинг 1048) йилида тугилиб, ҳижрий 535 (милоднинг 1140) йилида вафот этади. Юсуф Ҳамадоний Бағдод, Исфаҳон, Бухорода таҳсил кўрган ва Хурсон, Хоразм ва Мовароуннаҳрда зур эътибор қозонган шайхлардан бири эди. Муллозода китобида Юсуф Ҳамадоний Бухорода таҳсил олганлиги ва биринчи суфизм таълимотини Шайх Муҳаммад Исҳоқдан олганлигини таъкидлайди. Мир Алишер Навоий ўзининг «Насоимул муҳаббат» асарида «Хожа Юсуф Ҳамадоний куньяти<sup>1</sup> Абу Яқубдир... Шайх Абу Исҳоқ уни кичик ёшлик эканида кўп улуг поялг асҳобига тақдим қилур эди ва кўп уламодин Бағдод ва Исфаҳон, Самарқандда Ҳадис Истиъмо<sup>1</sup> қилди. Сўнгра барчани тарк қилди ва риёзат<sup>2</sup> ва мужоҳадат<sup>3</sup> тариқин илгари тутди» деб ёзади.

В. В. Бартольднинг ёзишича Мавоуннаҳрда XII асрдан бошлаб Юсуф Ҳамадонийнинг мистик ва дарवेशизм мактаби кенг тарқалган. Юсуф Ҳамадонийнинг мутахассислиги этикдўзлик бўлиб, Бухоро ва Самарқандни душманлар ҳужумидан мудофаа қилишда актив иштирок этган. Юсуф Ҳамадонийнинг Урта Осиёдаги суфизм мактаби бир хилда бўлмасдан, турли оқимлардан иборат эди. Масалан, Хоразмда турклар орасида ислом динини тарқатишда шухрат қозонган Ҳаким ота ёки Сулаймон Воқирғони (вафоти 1186 й) ва қубравийлик орденига асос солган Нажмиддин Қубро, Бухорода Хужа жаҳон лақабини олган Абду Ҳолиқи Гиждувоний, Ҳожа Аҳмад Яс-

---

1. Куньят — араб тилида эҳтиромли кишиларнинг лақаблари: аб, абу, ибн, ум, бўлиб, масалан, Абу Али, умми Гулсум ва ҳ. к.

1. Истеъмо — урганиш.

2. Риёзат — зоҳидлик, дарवेशлик.

3. Мужоҳадат — мазҳаб.



савий, Ҳожа Ҳасан Андоқий қабиларнинг ҳар бири дарвешизм ва сўфузм соҳасига алоҳида оқимни ташкил этганлар.

Юсуф Ҳамадоний оёқ кийими тикиш бўйича мутахассис бўлса ҳам. Бухоро руҳонийлари унинг мутахассислигини «ўзгартириб», уни тўқувчилар пирига айлантириб қўядилар.

Юсуф Ҳамадоний мазор ва қабри Бухородан ташқари Ўрта Осиёнинг бир қанча шаҳар ва қишлоқларида ҳам мавжуд бўлиб, бу мазор ва қабрларнинг ҳаммасида Юсуф Ҳамадонийнинг жасади йўқ. Шундай қабр ва мазорлардан бири Шовот (Хоразм области) яқинидаги Беш мерган қишлоғида жойлашган. Бу мазорда Бухоро шаҳридан тамомида зид бўлган урф-одатлар бажарилган. Хоразм шайхлари Юсуф Ҳамадонийнинг «кароматлари» ҳақидаги уйдирмалари билан унинг инсоний қиёфадан ғайри табиий афсонавий шахсга айлантириб қўйганлар. Ҳатто уни ҳар қандай касалликларга «шифо» беришчи кароматлари ҳақида афсоналар тўқиганлар.

Юсуф Ҳамадонийнинг сўфизм таълимоти ҳаёт билан чамбарчас боғланган бўлиб, издошларини меҳнатга: касб-ҳунар эгаллашга даъват этар эдилар. Шу сабабли бу оқим ўзларининг огир социал ва иқтисодий аҳволдан қутилиш учун тасаввуфдан йўл ахтарган омманинг талабларига маълум даражада жавоб беради. Юсуф Ҳамадонийнинг таълимоти асосан қўйндагилардан иборат:

**Хуш дар дам, Назар бар қадам.**

**Сафар дар ватан, хилват дар анжуман.**

«Хуш дар дам» демоғни маъноси шуки, ичкаридан чиқаётган ҳар бир нафас огоҳлик ва ҳузур юзасидан бўлиши керак. Гафлат унга ҳеч қачон йўл топмаслиги керак. Кишининг ҳар бир танасида онг, ақл-идрок бўлмоғи керак.

«Назар бир қадам» демакки маъноси шуки, Назари доим оёқ панжаларининг устида бўлсин, токи унинг назари сочилмасин ва кераксиз жойга тушмасин. Ўрни босган ҳар бир қадамида диққат, эътибор бўлмоғи керак.

«Сафар дар ватан» нинг маъноси шуки, Солиқ (тариқат йўлида юрувчи) одамийликнинг табиатида сафар қилади, ўрни одамийлик сифатидан фаришта сифатига ўтади, ёмонлик сифатидан яхшилик сифати томон кўчади.

Қўлгина тариқатчилар ибтидода улар сафар қилиб, бирорта азиз хизматида ва унинг ҳузурда муқим турадилар. Бироқ ўз юртлирида бўлишади, малака ҳосил қилганларидан эса уларга сафару муқимлик баробар бўлиб қолади. Бунда Солиқ ўз ватани ишқи билан ҳам банд бўлиши керак ва ватанини эсдан чиқармаслиги керак.

«Хилват дар анжуман» — ташқи томондан халқ билан, ички то-

мондан оллоҳ билан бўлиш, яъни халқ билан алоқада бўлиб ҳаёт кечирмоғи керак деган гояга асосланади.

Хораэмда ҳатто Юсуф Ҳамадонийни ақлдан озган кишиларнинг тузатадиган «мутахассис» даражасига кўтарганлар. Унинг мазорига шундай кишиларни келтириб, дарахтларга занжирбанд қилиб қўяр эдилар. Шайхлар эса касалларнинг танасидан ёмон руҳларнинг ҳайдаш учун қамчилар билан урар эдилар. Бу одат азойимхонлик (лархонлик) нинг қолдиги бўлиб, ҳатто Ҳамадонийни азойимхонлар пири деб тушунтиришга ҳаракат қилар эдилар. Юсуф Ҳамадоний мазоридида кузда ҳосил олинган, ҳосил сайли бўлиб ўтар эди. Бу сайлга кишилар бутун оилалари билан қишлоқма-қишлоқ бўлиб келар эдилар. Кишилар ўзлари билан қозон-товоқларини ҳам келтирар эдилар. Сайлда музикачилар, машшоқлар, дарвозлар, масхарабозлар, оқинлар, қўғирчоқбозлар келиб, ўйинлар кўрсатар эдилар. Турли хил мусобақа ўйинлари (кураш, қучқор уриштириш) бўлиб турар эди. «Юсуф Ҳамадоний мазоридида уктазиладиган сайл диний характерга эга эмас эди. Агар Юсуф Ҳамадоний бундай кўнгил очишларга қандай қарайди деб савол берилганда, дин ҳомийлари «Юсуф Ҳамадоний йнгирилганларининг кўнгил очишларини яхши кўрган» деб жавоб берганлар. Ҳатто уларнинг айтишларича, Юсуф Ҳамадонийнинг ўзи ҳам кишилар орасида аралашиб юради, тонг отиш билан у ўз қабрига кириб яширинади деб талқин қилганлар. Бу сайл башқа байрам (рамазон, қурбон байрами, тўй) лардан тамомила фарқ қилиб, бу сайлда эркаклар билан аёллар аралашиб юрганлар. Натижада аёллардан рашк қилиб, айрим вақтларда жанжаллар бўлиб турган, ҳатто қишлоқма-қишлоқ ўртасида катта ур-йиқитлар бўлиб турган. Аммо қишлоқ оқсоқоллари томонидан қўйилган «кузатувчилар» гўё қишлоқ аёллари хулқи устидан назорат қилиб борганлар.

Бу сайллар аёл билан эркакларнинг биргаликдаги байрамлари қадимги мажусийлик — оташпарастлик даврининг ҳосилдорлик байрамининг қолдиги сифатида давом этиб келган.

Юсуф Ҳамадонийнинг ўлими ва қабри ҳақида Алишер Навоий шундай ёзади «...ва андин сўнгра Марв ʻзиматига мурожаат қилганда, йўлда бўш юз ўттиз бешта фавт бўлди ва ҳам андаки фавт бўлди дафн қилдилар вақтдан сўнгра Марвгача нақл қилдилар ва мазори Марвдадур».<sup>1</sup>

В. В. Бартольд «Юсуф Ҳамадоний 1140 йилда вафот этиб Марв атрофида дафн қилинган»<sup>2</sup> деб ёзади. Огаҳий ўзининг «Зубда таво-

1. А. Навоий. XV том. 1963. 123-124 бетлар.
2. В. В. Бартольд. Соч. Т. II, часть I, стр. 251-252.

рих » деган асаида «хон ҳазратлари йул-йуланай байрам Алихоннинг урдаси бўлган Морининг эски қалъасига тўхтаб ўтди ва Хўжа Юсуф Ҳамадоний, Султон Санжар, Аҳмад Замчи, Имом Жаффар мазорларини зиёрат қилди» деб хабар беради»<sup>1</sup>

Шундай қилиб, Юсуф Ҳамадоний қабри Урта Осиёнинг турли шаҳар ва қишлоқларида мавжуд бўлиб, бу қабр ва мазорлар аслида унинг қабри бўлмасдан, уни ҳақиқий қабри Марв шаҳрида ёқанлигида шубҳа қилиш мумкин эмас.

## ХОЖА АЛИ РОМИТАНИ

Бухоро вилоятининг Рометан қишлоғида тугилган бўлиб, ёшлигидан бошлаб, «Ҳожа Маҳмуд хулафосидандур ва бу силсилада аларнинг лақаби ҳазрати Азизондир ва аларга мақомот ва аларга олия мақомот ва зокира карамот кўп эрқандур ва тўқумоқ санъатига машғул бўлур эмиш» — деб ёзади Алишер Навоий ўзининг «Насонмул муҳаббат» асаида.

Шунинг учун Ҳожа Али Рометани суфизм йўналишининг «Ҳожа Азизон» тариқатининг илк намойишдаларидан бири бўлиб, Абду Холиқ Гиждувонийнинг Ҳожа Азизон тариқатларини давомчилари ва уни янада ривожлантирган машоихлардан бўлиб, ҳисобланади. Айниқса, унинг «Нафаҳотул унс» деган асаи Ҳожа Азизон ғояларини талқин қилишда катта аҳамият касб қилади. Ҳожа Али Рометани шоир ҳам бўлган, унинг шеърлари кўпроқ форс-тожик тилида бўлиб, суфизм ғоялари илгари сурилган. Рубойларининг бирида шундай ёзади:

Бо ҳар ки нишастию ношуд чамъ дилат,  
Ва з ту нараמיד суҳбати оби гилат.  
Зинҳор зи суҳбаташ гурезон бибош,  
Варна накунад руҳи азизон биҳилат.

Мазмуни:

Ҳар ким билан ўтириб суҳбат қилсанг хотириң жам бўлмайди.  
Бундай кишиларнинг суҳбати кўнглиңга озиқа бера олмайди.  
Зинҳор бундай суҳбатлардан узоқлашгинки,  
бўлмаса азизон руҳи сендан ранжийди.

Ҳожа Али Рометани суҳбатини (зиқри самони) фақатгина хўфия йўлини афзал кўради. Нодон ва жаҳолатпарастларнинг суҳбатидан узоқлашиш керак дейди. «Алардан сўрабтурларки, имон недур?». Дебтурларки, кўнгармоқ (кўнгил олмоқ) ва овламоқ (Кўнгил овламоқ). Дебтурларки, агар ер юзида Ҳожа Абдулҳолиқ фарзандларидан бири бўлса эрди. Мансур ҳаргиз дор остига бормас эди.

1. А. Асқаров. Сохта қадамжолар. Фан ва турмуш. № 11, 1986 й.

Ҳожа Алининг мутахассислиги туқувчилик бўлган, Мавлоно Жалолдин Руми у кишини улуғлаб қўйидаги байтни келтирганлар:

**Гарна илми ҳол фавқи қол буди-кай шуди,**

**Банда аъёни Бухоро Хожайи Носсочро.**

**Мазмуни:** Агар илми ҳол (тасаввуф, хурсандлик, руҳ баландлик, вану илми) дан фавқи қол (баланд гуфторлик) қилмоқчи бўлсанг, Бухоро аъёни (бузруквори) бўлган) Хожайи Носсоч (туқувчи) га банда бўл.

Ҳожа Али Рометани зоқидлик турмуш тарзини танлаган кишилардан бири эди. Ҳожа Али Рометани 721/1321 йилда Хоразмда вафот этган деган ривоят келтирилади<sup>1</sup>. Аммо унинг қабри ва мақбараси Бухоро вилоятининг Қўрғон Рометан шаҳристонининг пастидаги Фарб томондаги унчалик баланд бўлмаган тепаликка жойлашган.<sup>2</sup> Ривоятларга қараганда, Ҳожа Али Рометани борбон бўлган, шунинг учун Қўрғон атрофлари ҳали ҳам боғ-чорбоғларга ўралган гўзал жой, Қўрғоннинг анжири ўзининг ширинлиги ва сифати жиҳатидан бутун Ўрта Осиёда машҳурдир.

### БОБОИИ САМОСИЙ

Ҳожа Азизон, яъни Ҳожа Али Рометанининг шогирди бўлиб, Ро) метан Туманининг Самосий қишлоғида туғилган, Сўфизм тариқатининг намойидаларидан бўлган. Ҳожа сўфи Сухорий, Ҳожа Маҳмуд Мавлоно Донишманд ва Санд Мири Кулол у кишининг халифалари бўлган.

Ҳожа Баҳоуддин айтубдиларки, отам буюрдиларки, Ҳожа Муҳаммад Бобога бориб, ташрифи ҳузур илтимос қилки, аларнинг қадами баракти бу манзилга етгай. Уларнинг ҳузурларига бориб, у кишини кўришга мушарраф бўлдим. Ажаб кароматки, алардан мушоҳада бўлди. Менда майлу-аҳтиёж, ё хоҳиш пайдо бўлди. Ўрнимдан туриб, масжидга кириб, икки рақат намоз ўқидим, бошимни саждага қўйиб, илтижо бирла ихлос кўргуздим ва ул арода тилимга бу келди ким, илоҳи балонг юкини тортарга қувват ва муҳаббатинг меҳнатини тортортарга таҳаммул (сабру-тоқат) бер.

Чун тонгда Ҳожа хизматига еттим, буюрдиларки, эй фарзанд, дуо мундоқ қилмоқ керакки, агар худованди таолло ҳар дўстига балое юборса, ўз инояти бирла ул юкни тортарга қувват бергай ва анинг

1. Муфти Ғулом. «Хазинот-ал-асфия» — 1312/1894, 1 жилд, бетлар 543-545 (араб имлоси, форс тилида).

2. 1915 йилда Қўрғон Рометанга борган. Л. А. Зимин ҳам шундай худосага келади. (Мир Муҳаммад Амин Бухорий, Убайдуллонома, (перевод А. А. Семенова), Т. 1967, 32-33 бетлар).

ҳикматин анга зоҳир қилгай. Ихтиёр била бало талаби душвордир. Гўстоҳлик (бетакаллуфлик, беадаблик) қилмаслик керак. Хожа бир курс менга берди. Ҳаблимга келдим, ушбу соат тўқ таом едук ва манзилгаки отландик. Чун Хожа равон бўдилар, мен аларнинг жиповида борур эдим. Чарчаш нималигини билмас эрдим. Йўлда муҳиблардан бирининг уйига кирдик. У дарвеш бизни яхши кутиб олди, лекин изтироб чекар эди. Хожа айтдиларки, изтиробнингга бонс недур. Ул дарвеш дедики, уйга егулик ҳеч вақо йўқ, шунинг учун изтироб чекмоқдаман. Алар менга боқиб дедиларки, ул курсни келтирки, оқибат менга иш берди. Ҳамма ул курс муносабати билан ўзларини тўқ ва бардам севар эдилар. Бу ҳол мени ҳайратга солган эди.

Гобоси Самосий Баҳоуддини Ҳиндувои қишлоғида туғилишини олдинроқ башорат қилганлар. Иккинчи марта келганларида у бола туғилибди, чақалоқни мени олдимга олиб келинглар, деб буюрганлар. Самосий Баҳоуддини гўдаклигидан фарзандликка қабул қилиб, ўз шогирдлари амир Саид Мири Кулолга «уни тарбия қил, ундан шафкатининг дариг тутма» деб васият қилдилар. Шунинг учун Мири Кулол Баҳоуддини ёшлигидан бошлаб суфизм тариқатларини ўргатганлар.

Бобойи Самосий 765 (1354) йилда вафот этганлар, у ҳазратнинг қабрлари Рометан туманининг Самосий қишлоғида.<sup>1</sup>

## САИДИ МИРИ КУЛОЛ

Саид Мири Кулол — шайх Хожа Муҳаммад Бобойи Самосийнинг асҳобларидан бўлиб, 20 йиллар чамаси унинг хизматида бўлган, ундан суфизм тариқатларини мукаммал ўрганган. Саид амир Кулолнинг туғилган йили нисмаълум, 1370 йилда вафот этган. У XIV асрда Бухоронинг Сухорий қишлоғида яшаган, қabri ҳам ўша ерда.

1958 йилд Мири Кулол қишлоғида яшаган 86 ёшли Ҳалил бобо Улуғов, Шариф бобо Атаев, Саид Хожа каби қишлоқнинг қариялари билан қилган суҳбатларимизда улар қуйидагича ҳикоя қилган эдилар: «Ҳазрати Мири Кулол асли Румдан (Туркиядан), Хожа Сухорий Қишлоғига келиб тушган. Лекин қишлоқ аҳли бегона кишини қишлоқдан ҳайрайдилар. Гаш-гаш деган жойдаги Ором тепага жой қилиб, у ерда ором оладилар. Шунинг учун ҳам теланинг номи Ором тепа деб аталади. Қишлоқдан хайдалган пайтларда у киши шу қишлоқ халқини «улмингиздан олдин дум чиқариб ўлинглар» деб қаргаган экан. Бу қарғишни эшитган халқ тавба-тазарру билан Мири

1. Муфти Гулсм. «Хазина-ал-Асфия», 542-543 бет, Насриддин Бухорий «Тухфат-ал Зоирин», 1328/1919, стр. 43-45.

Кулолни яна шу қишлоққа олиб келган эканлар. У одам қишлоқда кулолчилик билан шуғулланган. махсус хумдон қилган. Шунинг учун уни қабри атрофида Кулол (чиқиндилари) ҳалигача сақланган. У одамнинг 4 ўғли бўлган. Сайид амир Бурхон, Сайид амир Шоҳ, Сайид амир Ҳамза, Сайид амир Умардир. Амир Бурхон дегани Баҳоуддин Нақшбанднинг шогирди бўлган экан. Амир Темир фарзандлари ҳукмронлиги даврида шу районда раис бўлган. (Шариат нормалари устидан назоратчи). Амир Бурхон халққа кўп жабр-зулм қилгани учун, қишлоқ аҳли қўзғолон кўтариб, уни улдирадилар ва «Жўйи Хўжаги» кўприги остида кўмганлар, яъни қишлоқ аҳлига жабр-зулм ўтказган сўфи ва шариатпаноҳни умумий қабристонга ҳам қўймаганлар.<sup>1</sup>

Алишер Навоийнинг ёзишича, «Мир Кулол ўз шогирди Баҳоуддинга қараб шундай дейди. Мир Бурхон менинг фарзандимдир ва маънавий тарбия топмайдур ва ...Ҳазрати Хожа Баҳоуддин аларнинг амри интисоли қилдилар ва Сайид Бурхоннинг ботини ва зоҳирида пайдо бўлди ва қавий ҳол анча падида бўлди».<sup>2</sup>

Сайид Амир Кулолнинг бир юзу йиғирма тўрт халифаси бор эди. Улардан олдингилари — Мавлоно Ориф деҳайи Деггароний, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Жамол деҳайи Осийи, Шайх Шамсиддин Кулол, Шайх Ёдгор, Хожа Дорзуний, Мавлоно Жамолиддин Кеший ва бошқалар бўлганлар. Сайид Амир Кулолнинг эътиборли аждоди ҳисобланувчи Имом Мусо Қозим — тўртинчи халифа Али ибн Толиб (656-661) йилларда халифалик қилган) уруғидан бўлган еттинчи имомдир.

Мир Кулол ҳақида бир-бирига қарама-қарши ва тарихий фактлар билан тасдиқланмаган, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ривоятлар бор. Уларнинг бири шундай бошланади: «Мири Кулол Бухорога амир саройига бораётганида, амир чорвоғида бутун мевалар гарқ пишиб турган экан. Мири Кулол меваларга қараб: «сени еганга ҳам лаънат, емаганга ҳам лаънат, кел егай» — деб мевалардан бирини узиб олиб энди ейман деб турганда, амир боғбони кўриб қолиб, уни ўғри деб амир саройига олиб боради. Амир ўз жаллодларига, бу одам бошини танасидан жудо қилишни буюради. Уша вақтда амирга Муҳаммад Баҳоуддин жаллодлик хизматини ўтар экан. Баҳоуддин «ё пирим ҳазрати Мири Кулол» — деб пичоқни жиноятчи бўйнига тортса, пичоқ Мири Кулолни бўйнини кесмаган экан, шунда бу «жиноятчи», «ўғри» Мири Кулол эканини биллиб, жаллодлик касбини ташлаб Мири Кулол хизматини қилган экан».<sup>3</sup>

1. 1958 йилда юқоридаги қариялар билан ўтказилган суҳбатдан.
2. А. Навоий. XV т. 128 бет.
3. 1958 йил шу қишлоқ қариялари билан қилинган суҳбатдан муаллиф томонидан ёзиб олинган.

Қишлоқ қарияларининг ҳикоя қилишича, Сайид Мири Кулоянинг авлодлари садақа билан кун кечирмасдан, фақат меҳнат билан кун кечирришлари шарт экан. Лекин кейинчалик, бу урф-одат бузилиб, назр бериш мумкин бўлмаса ҳам зиёратчилар назр-ниёз бериб кетганлар. Кўпроқ илгари қайтларда Сайид Мири Кулол мазорини кулолчилар зиёрат қилар эдилар. Улар Ғиждувон, Вобкент, Пешку ва бошқа туманлардан, ўзлари ишлаб чиқарган бир неча ўн сопол идишларни олиб келар ва унинг қабрига қўйиб, эчкини худойи қилиб, шўрва ёки палов пишириб, сопол косаларга одамларга сузиб берар эканлар. Косани қайтариб олмаслик шарти билан косаларни текнига улашар эдилар. Шуниси қизиққи, бу қишлоқ Мири Кулол номига бўлса ҳам аммо бу ерда яшаган халқлар кулолчилик билан шугулланмаганлар. Кўпчилиги деҳқончилик ва бошқа ҳунармандчилик қалами, карбос тўқиш билан шугулланганлар. Бутун Бухоро воҳасининг қишлоқларидаги каби би қишлоқда ҳам иккита мазор бўлган. Мири Кулол мазорида хўжалар, сайдлар, бойлар, амалдорларнинг жасади кўмилган. Уша қишлоққа яқин жойдаги Хосжа Сухори тепалиғи бор, мана шу тепалик атрофида қоралар, ғариблар, келгиндилар жасади кўмилган. Маҳаллий бойларва мутаассиб руҳонийлар ислом шаръига ёт бўлган ғарибларни, қораларни настки даражада бўлганлар. XIV асргача бу қишлоқнинг номи Хожа Сухори бўлган. XV асрдаёса Сайид Мири Кулол қишлоғи номини олган.

Сайд Амир Кулолнинг тўртинчи ўғли Сайд Умар Темур даврида мўхтасиб вазифасида ишлаган. У шаръат қондаларини тўғри ёки нотўғри бажарилиши устидан ҳалоллик билан назорат қилар эди. Сайд Мири Кулол ва унинг авлодлари ҳаёти ва фаолияти ҳақида унинг эвараси «Мақомати Амир Кулол» (1901 йилда Қозонда араб имлосида чоп этилган) асари энг муҳим манба бўлиб ҳисобланади. Асарда Сайд Умар ҳаётини ва фаолиятини кўпгина қисмини Шаҳрисабзда утказган ва шу шаҳарда мўхтасиблик лавозимида ишлаган. Сайд Умар 803 (1400-1401 йилда) вафот этади. Шаҳрисабздаги шайхлар қабристонига дафн қиладилар. Бир йил ўтгандан кейин, унинг хокини Бухорога келтириб, отасининг ёнида, яъни Сухори қишлоғидаги Мири Кулол мазорида дафн қиладилар деб ёзади. Насридин Тура ҳам «Тухфат аз зоприн» асарида худди шундай гапларни такрорлайди. Бу асар 1324/1906-1907 йилда ёзилган. Айрим тарихчилар Амир Кулол билан Шамсиддин Кулолни бир шахс деб ҳисоблайдилар. Бу ҳақиқатга тўғри келмайди.

«Рашаҳат айн ул-Ҳайот» да Бухоронинг Сухори қишлоғида қабри бўлган Амир Мири Кулол Шамсиддин Кулол, Баҳоуддин Нақшбанд ва юқорида зикр қилинган 124 та шайхларнинг устозлари бўлган.

Баҳоуддин Нақшбанд билан Шамсиддин Кулол фаолиятларининг дастлабки пайтларида келишмовчилик аломатлари пайдо бўлган деб ёзилган. Абдурахмон Жомийнинг «Нафоҳат ул унс» китобида Шамсиддин Кулол Қаршидан Макага пиёда йўлга чиқади. Ироққа бориб, ундаги шайхларнинг одатларини ўзлаштириб, Мавороуннаҳрга тарқатади деб ёзилган. У ерда шайх Шаҳобиддин Сухраверди мактабда зикри зоҳири ва Самоъ (Зикр ўқилганда дарвешларнинг важд ва жазабага тушишлари) таълимини чуқурроқ ўрганади.

Баҳоуддин Нақшбанд Хожа Азизов тариқатини намояндалари Абдулҳолиқ Гижждувоний, Хожа Али Рометаний каби руҳий устозларидан, ёшлик давридаги устози ва отахони Муҳаммад Бобойи Самосий, у кишининг асҳобларидан бўлган Саид Мири Кулолдан Зикри Хуфий таълимини олиб, фақат шуларга амал қилар эдилар. Шунинг учун Шамсиддин Кулол билан Баҳоуддин ўрталарида келишмовчилик пайдо бўлади. Шайх Амир Кулол икки шогирдини келтириш ва улар ўртасида дўстлик робиталарини пайдо қилиш мақсадида Баҳоуддин Нақшбандни Шайх Шамсиддин Кулол олдига, Қаршига бориш маслаҳатини берадилар.<sup>1</sup>

Шамсиддин Кулол 772 (1370-1371) йилда вафот этади. Унинг қabri Шаҳрисабздаги шайхлар мазориди. Темур 773 (1372-1373) йилда Шайх Шамсиддин Кулол мазори ёнида янги гўмбаэли мақбара қуриб, отаси Турагай (1360 йилда вафот этган эди) нинг ҳоқини олиб келиб шу жойга дафн қилдиради. Шу жойда Темурнинг туғилган ўгли Жаҳонгирнинг жасади ҳам қўйилган. 1389 йилда вафот этган Темурнинг угай онаси Кодак хотун ҳам шу мазорда дафн қилинади. 1394 йилда Шерозда Курд истеҳкоми учун бўлган жангда ҳалок бўлган Темурнинг иккинчи ўгли Умар Шайхнинг жасади ҳам бир йилдан кейин шу жойга келтириб, дафн этилади.

Темур ҳар қачон урушга кетаётганда, ёки галаба билан урушдан қайтаётганда Шаҳрисабзга тушиб, Шайх Шамсиддин Кулол ва қариндошларининг қабрларини зиёратидан фориғ бўлгач, ундан Бухородаги муқаддас жойларни, айниқса, ҳазрати Баҳоуддин мазорларини тавоф (зиёрат) қилиб, кейин ўз пойтахти Самарқандга борар экан.

Шарафиддин Язди охириги зиёрати ҳақида шундай ёзади: Темур чоғшанба биринчи муҳаррам 807/9 июль 1404 йилда Нишопурдан қайтаётганда Шаҳрисабзга тушиб, Шайх Шамсиддин Кулол ва ўз қариндошларининг қабрларини зиёрат қилади.

Шуниси ажабланарлики, Амир Мири Кулол билан Шамсиддин

1. Али б. Кошифий «Рашаҳот айи ал ҳайот», А. Жомий «Нафоҳат ал унс», «Мақомати амир Кулол» (1901, Қозон), Бартольд, соч. т. 1 (2) 451 бет.



Кулол бир йилда, яъни 772 (1370-1371) йилда вафот этадилар. Шунинг учун айрим тарихчилар, айниқса ғарб тарихчилари бу иккала шахсни бир шахс деб талқин қилган эдилар. Биринчи бўлиб бундай сафсаталарга Шарқшунос олим В. В. Бартольд зарба берган эди.

### ХОЖА МУҲАММАД БАҲОУДДИН

Нақшбандлик тариқатининг асосчиси муридлар орасида Баҳовал-ҳақ, ваддин-нақшбанд, халқ оммаси мобайнида Баҳоуддин,<sup>1</sup> Балогардон диний унвон ва лақаблари билан машҳур бўлган Саидмуҳаммад ибн Саид Муҳаммад Жалолиддин Бухорийдир.

Баҳоуддин Бухоро яқинида «Қасри Ҳиндивон» қишлоғида 1318 йилда Нақшбанд (матоларга нақш босувчи) ҳунарманд оиласида туғилади. Унинг ҳаёти давридаёқ шу қишлоқни муқаддаслаштирилиб, «Қасри орифон» (билимдонлар қасри) деб атаганлар. Ҳозирги даврда эса бу жой Боҳоваддин қишлоғи деб аталади.

Муҳаммад ибн Муҳаммад Жалолиддин ал-Бухорий ёшлигидан бошлаб араб адабиёти ва фалсафасини ўргана бошлайди, айниқса, ўша даврда мавжуд бўлган турли хил тариқатга доир таълимотларни ўрганишга қизиқади. Унинг бобоси Хожа азизон тариқатини илк намояндаларидан Хожа Муҳаммад Бобойи Самосийнинг муридлари бўлган. Алишер Навоий ўзининг «Насоимул муҳаббат» асаринда «аларга (ҳазрати Хожа Баҳоуддинга) қабул назари Хожа Муҳаммад Бобойи Самосийдиндур ва одоби тариқат таълими Зоҳир юзидан амир Сайид Кулолдиндур» деб ёзади... Ҳазрати Хожа Баҳоуддин ҳазратларига (яъни Бобойи Самосийга) алардан қабул фарзандликка воқеъ бўлибтур ва алардурларки, Қасри Ҳиндувондин ўтарда дер эмшларки, бу тупроғдин бир эр иси келадур. Бўлгайки, Қасри Ҳиндувон, Қасри Орифон бўлгай. То бир кунки Сайид Амир Кулол манзилидинки, аларнинг хулафосидиндур, Қасри Орифон сари мутаважжиҳ (етишдилар Н. И.) эрдилар, дедиларки, ул эр иснки, бизнинг думоғимизга етар эрди, ортуқроқ бўлибтур, ҳамоноки ул эр мутаваллид (таваллуд) бўлибтур. Чун нузул қилибтурлар (меҳмон бўлиш), ҳазрати Баҳоуддин валодатидин (таваллудидин) уч кун экандур, аларнинг жадди (бобоси) ихлос ва инъоз била Хожа Муҳаммад Бобо назарига келтирубтур.

Хожа Муҳаммад Бобо дедиларки, ул бизнинг фарзандимиздир ва биз ани қабул қилдуқ ва асҳоб (муридлари) сори боқиб дебтурларки, бу ул эрдурки, бизга анинг иси етиб эрди... Амир Сайид Кулолга буюрдиларки, фарзандим Баҳоуддин ҳақида тарбия ва шафқатни дариг тутмагайсан ва сенга бихил (афв, кечириш) қилмагайман, агар тақсир қилсанг. Амир дедиким: Эр бўлмагаймен, агар Хожа ва-сиятида тақсир (нуқсон, хато) қилсам.

1. Маҳаллий халқ талаффузида «Ҳазрати Баҳоваддин» деб аталади.

Баҳоуддиннинг усмирлик чоғида отаси Хожа Муҳаммад Бобойи олдиға юборади ва тайинлайдики, у кишидан илтимос қилки, «аларнинг қадами Баракати бу манзилға етқай». Баҳоуддин қасри Орифондан Қўрғон Рометанга бориб, алар Ликосига (сиймосига) мушарраф бўлади.

Бобо Самосий Баҳоуддинга бир курс беради, уни олиши билан ўзини бақувват, туқ ҳис қилади ва йўлга равона бўладилар. Хожанинг ижловида ҳазрат Баҳоуддин яёв борар эдилар. Йўлда муҳибларнинг (дўстларининг) бирининг уйига кирадилар, ул дарвеш фақирликдан изтироб кечади. Бобойи Самосий сўрайдиларки, — «нега сенга изтироб асари зоҳир бўлди?». Дарвеш ўз уйида эмоқдин ҳеч нарса йўқлигидан изтироб чекмоқдаман, дейди. Улар Баҳоуддинга боқиб, ул қўрсини! келтир, оқибат ишга яради, дедилар!

Баҳоуддин сўфизм таълимотларини тарғиб қилиши билан қисқа муддатда бу соҳада халқ орасида танилади. Ўрганган тариқатларини ривожлантириб, бу соҳада алоҳида мактаб яратади. Тез вақтда унинг шогирдлари кўпая боради.

Дастлабки пайтларда Баҳоуддин ўзини Шиа мазҳабининг имомларидан Али Ризо ишнини давомчисин деб эълон қилади. Баҳоуддин шундай таълимотни яратмоқчи бўлдики, ундан суний ва Шиа мазҳабидагилар баробар фойдалансинлар. Шу йўл билан Ислом динидаги икки катта мазҳаб ўртасидаги жанжалларга чек қўйиб, уларни келиштиришга ҳаракат қилади. Бундан у сиёсий мақсадларни кўзлайди, яъни бу йўл билан ўша даврдаги Чингиз авлодларининг Мовароуннаҳр, Хурсонда қилаётган жабр-зулмларига қарши икки мазҳабни бирлаштириб, кураш олиб боришларига йўл очишни кўзлаган эди.<sup>2</sup>

Айниқса, «Тайфурия» тариқатининг асосчиларидан шайх Абу Язит ал Бистаминийнинг<sup>3</sup> «Ички руҳ» ҳақидаги қарашларини ривожлантиради. Ўша даврда кенг тарқалган бу тариқатни ёқлаб чиқади. Бу таълимот зоҳирий (ташқи, очиқ) ва ботиний (ички, маҳфий) таълимотларга бўллинади. Ботиний таълимоти еттига поғонага ажралади, яъни: 1. Мутлақ худо, 2. Олабий ақл, 3. Олабий жон, 4. Материя, 5. Фазо, 6. Вақт, 7. Камолотга эришган инсон, яъни пайғамбар. Ислом таълимоти бўйича камолотга эришган инсон (ал инсон ал комил) ўзида «олабий ақл» ни акс втдирган нотиқ (галирувчи) бўлиб, худо таълимотини инсонларга етказиб беради, унинг ёрдамчисин Сомит (жим турувчу) эса пайғамбар

1. Қурс — доира шакл нарса, қулча, нон каби.

2. Исламизм. Т. IV. Ашхабат, 1913. стр. 180

3. Шайх Боязит Бистомий, «Султон ал Орифий» лақаби билан машҳур бўлган. У кўзга кўринган олим, шоир бўлиб, «Тайфурия» тариқатининг асосчисин: Бистомий 261/ .875 йили вафот этган:

таълимотидаги ботиний мазмунни тушунтириб беради, деб ҳисобла-и.

Бу тариқатнинг асосий мақсади Исломни дастлабки даврига қайтаришдан иборат бўлган. Диннинг биринчи даврларидаги софлигига қайтиш каби таълимотларни илгари сурган. Баҳоуддин бу масалаларни янада ривожлантиради. Баҳоуддиннинг Нақшбандия таълимотини давомчилари орасида юқори табақали олимлар, уламолар, ҳатто айрим давлат арбобларини ҳам учратиш мумкин. Чунки, нақшбандлик таълимотининг асоси пайгамбарлардан кейин «хулафо ар Рашид» таълимотига яқин турган. Баҳоуддинга унинг муридлари томонидан берилган савол-жавоблар Баҳоуддин тариқат соҳасидаги айрим таълимотларни очиб беради. Биз қуйидаги айрим савол-жавобларни келтираемиз:

Бирав алардин савол қилдиким дарвешлик сизга маврусдур (меросми) ё муқтасаб (касбми)?

Алар дедилар: Тангри ҳукми билан бу саодатга мушарраф бўлдик.

Яна алардин сўрадиларки, сизнинг тариқатингизда зикр, жаҳр ва хилват ва самоъ бўлур? (Сизнинг мазҳабингизда зикри ошқора, яъни баланд овоз билан зикр ўқиш ва танҳолик ва зикр ўқиганда жазаба тушиш ҳоллари бўладими?) Дедиларки: бўлмас.

Яна сўрадиларки, сизнинг тариқингиз (ҳаққа етиш йўлингиз) бинноси не ишгадур? Дедиларки, анжуманда хилват: зоҳир (ошқора) юзидин халқбила ва ботин (пинҳоний) тарафдин ҳақ Субхонаҳу ва таолло била.

Биров алардин сўрадики, сизнинг силсилангиз (насабу-авлодингиз) не ерга етар?

Алар дедиларки: киши силсила била ҳеч ерга етмас ва дер эмишларки, ҳар ким ўз нафсининг ёмонлигини ва қайд ва макрин билган бўлса, агарчи анга саҳлдур (осондур)... ва дер эмишларки, бизнинг тариқатимиз суҳбатдур ва хилватда шуҳратдур, шуҳрадта офат, хайрият жамиятдадур ва жамият суҳбатда, бу шарт биланки, бир-бирига нафи булғай... Агар жаҳли бу йўл солиқлар (шу йўл билан борувчидар) бир-бирлари билан суҳбат тутсалар, анда кўп хайру-баракат.<sup>1</sup>

Баҳоуддин қарашлари сўфизмнинг бошқа тариқатларидан фарқ қилади, у ҳам бошқа сўфизм тариқатлари каби кишиларни фақирликка кўп иштиёқманд бўлмасликка, ҳалоллик билан тупланган боғлиқлиқни бир қисмини фақирларга улашиш каби гоёларни илгари суриш билан бирга, кишилар хайри-эҳсон ҳисобидан эмас, фақат ўз меҳнатлари билан яшашни ёқлаб чиқади. Нақшбандлик гоёларидан энг муҳими «дил ба ёру, даст бакор» (кўнгил ҳамма вақт ёр билан, қўл эса иш билан банд бўлсин) деган таълимотни илгари суради. Бу таълимотда ёр деб худо тушинилади. Шунга амал қилиб, Баҳоуд-

1. А. Навоий XV том. Т. 1960, 126-131 бетлар.

диннинг ўзи ҳам деҳқончилик ва нақшбандлик ҳунари билан шугулланади. У ўз қишлоғида бир булак ерга мош экиб, шундан чиққан ҳосил билан ўзини ва онасини тирикчилигини ўтказган.

Ривоятларга қараганда, ҳатто амир Темур ҳам ёшлигида Бухорога келиб, ҳазрат Баҳоуддинга бир неча вақт мурид бўлган. «Темурнома» деб аталган мулла Салоҳиддин Тошкандийнинг китобида ривоят қилинишича: Бухоро ҳокими Чингизхон авлодидан Қозагон Бухорода жабр-зулми кучайтиради. Ривоят қилурларки, Қозагон қирқ кунгача 4 минг муллани ўлдирди. Ҳар ерда мактаб ва мадраса, масжидларни хароб қилди, толиби илм бўлса, ҳар тарафга қочдилар. Кофирлар (Чингиз авлодлари) қуфр гавғосини Бухорога сочдилар. Суфилар ҳар масжидларда овозини чиқариб азон айтолмадилар. Ўша вақт рамазони шариф эди. Буюрдини, рўза тутманглар, деб. Бир неча бекон ва беидрокбухороликлар қўрқиб дини Муҳаммадни ташладилар. Чорбоғи Шамсулмулк-Холо Намозгоҳдур, ани бутхона қилиб, катта сипоҳлари зоҳирин (очиқ) бутга чуқина бердилар.

Ўшал вақт мусулмонларга кўп шўришлар пайдо бўлди, гўё Нух тўфони мавжга келди. Ўша пайтларда амир Темур ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандга таҳорат суви бериб, неча йил Бухородаги Қасри Орифон қишлоғида яшайди. Бир куни ўз дўсти Иноқ билан амир Темур Хожа Шуробод (Бухоро шаҳридаги маҳалла) ни сайр қилиб, борадилар, у ерда Қозагонни учратиб, Иноқ бир тошни отади, тош тўғри келиб икки қсши ўртаси — манлайига тегиб, калласи тарқидан ёрилиб, қон оқа бошлайди. Мулозимлар Қозагонни ўрдага олиб кетадилар. Иноқ ҳозир бўлиб, ўзини Ҳаким суратига қилиб, ман жарроҳликни яхши билурман, дейди. Уни ҳам ўрдага олиб кетадилар. Анда кал Иноқ калласини ёрилган еридан андог суриб тортиким, мағзи мияси қолмади, Қозагон кофир тиичиб ухладиким, лаъин хон томуғ сари бориб (у дунёга бориб) асло келмади. Иноқ ўрнидан секин туриб мулозимларга айтди: Бегимиз андак осойишта ухладилар. Мен уйимга бориб малҳам келтурай деб ўрдадан чиқиб бадар кетди. Келиб воқеани Хожа Баҳоуддинга баён қилди. Кофирлар анинг ўлганини билиб, қотилни ҳарчанд ахтариб топмадилар. Самарқандга нома юбордиларким, Бухоро тожиклари Қозагонни ўлдирди, деб. Анда Тўқтемурухон газабда бўлиб, қасамёд қилиб, Бухоро халқини қонини тўкмоққа Самарқандин Бухорога юзланди. Бу хабар Бухорога етди. Барчалари йиғлаб Баҳоуддин хизматига келдилар. Хожам Нақшбанд аларга мутасадди бўлиб, Бухоро дарвозасини Тўқтемурухон олдига чиқдилар. Хон уни қабул қилмасликка аҳд қилади. Аммо Баҳоуддин келиши бйлан унинг ҳузурига ихтиёрсиз чиқади. Ундан сурадиларким, нега ўзингни аҳдингни бажармадинг? Хон айтди, таваққуф (уч-

рамасам) ўнга тушгандек бўлдим, қўрқинимдан ўзимни идора қила олмадиму.

Сайид ота (ўша даврнинг тариқатиши кўзга кўриган намоянаси) инсоф билан айтдилар: «Девона Баҳоуддин жазаваси кўп зўрдир».

Хон Баҳоуддини қабул қилади, шу пайтда амир Темур ҳам Баҳоуддин билан бирга борган эди. Анда хоннинг олдига биров келиб ўлтурдиким, бўйи етти газ, белига пута боғланган эди. Хон айтди: бу аврат (аёл) менинг хотинимдур, оти Шаҳр Орой, қипчоқ элатидандур, агар жанг ичра кирса, минг кишини бошини оладур, ўн минг киши муқобил бўлолмай, маъюб бўлур, биркатта бош ўқи бор, чодирдан туриб отадур, минг киши қалқон тутиб турса, барчаси маъюб бўлади.

Соҳиб қирон (амир Темур) хон олдига келиб мен Шаҳр Орой билан жанг қиламан дейди. Хон Хожам Баҳоуддинга айтди: Сўфингизни қайтаринг, ажали етибдур. Хожам Баҳоуддин айтдилар: анинг кўнглига келган ишини қайтариб бўлмас. Амир Темур уни қилич билан жангда чопиб ташлайди. Хон Амир Темурни қатлга буюради. Аммо шу пайтда тасодифий ҳодиса юз беради. Хоннинг ўгли Тўхтамишхон чумчуқ уясидан унинг болаларини олаётган пайтда, бир илон унинг бўйинига чирмашади. Барча ваҳимага тушиб Амир Темур эсларидан чиқиб, болани қутқаришга югурадилар. Соҳиб қирон Шаҳр Орой чодирга кириб ўқ ва ёйни олиб, шул ердан туриб Илонга қараб ўқ отадилар, илоннинг калласи узилиб тушади.

Алқисса, хон амирдан ҳасаб ва насабин сўраб биладики, Қорачор Нуён авлоди, Чигатой қизидан экан. Жўжи авлоди Чигатой авлодига сажда қилурдирлар. Хон миннатдорлик сифатида Жўжидан қолган гурзини амир Темурга инъом қилади. Оғирлиги ўн ботмон келур эди. Ҳазрати Баҳоуддинга қараб хон айтди: Аҳд қилиб эрдим, Бухоро халқини қонини тўкарман деб, тадбир қилингким, ҳукмин тағайюр (ҳукмин ижро бўлмаслиги, тадбир топиш) бўлмасин. Анда тамоми мардуми Бухорони томиридан қон оладилар.

Қипчоқ элатлари, Шаҳр Орой улганини эшитиб, ҳеш ақраболари о ни қонини талаб қилиб, Бухорога келдилар. Ҳазрати Баҳоуддин уларни ўзлари даф қилмоққа аҳд қилдилар ва Соҳибқиронга айтдиларки, сабр қилгил, агар зўрлик қилса, андин ўзинг билурсан, деб бошларини кўксиларига ташлаб, тафаккурга кетдилар. Анда ҳар кофир ҳовлиларга келиб, отдин йиқилиб бўйни узулиб, жони Тоғуғ юртига (жаҳаннамга) кетар эди. Агар эшикларидан келса го-йибдан яроғ келиб, бўйнига тегар эди. Баҳоуддин муридлари билан ўлтириб эрдилар, қипчоқлар сўрадилар: сочлик йиғит ким деб, бухорликлар айтдилар, девона Баҳоуддин: ир, муридлари Тўрағай Га ҳодир ўглига ҳамширдилар. Қипчоқлар айтди: эй девона, сизга ишминиз йўқ, бизларга Тўрағай ўглини келтируб бергил. Хожам айтдилар: ул мени муридим, нечун берай сенга, асло бермасман. Анда

аларни бир чол қарияси айтди: бул девона, тасаххирн малонқ қилбдур, малонкани қочирмоқ осон, илло бир туғилган оға-синглисини келтирурсиз, мунда оға-синглисини зино қилғоч, малонка қочур. Анда Тотор отлу киши келиб, ўз синглисини зино қилди. Хожам «Оллоҳу акбар» деб ранглари мутағайир (бошқача) бўлиб айтдилар: «Эй Тўрағайни ўгли, сани олоҳга топшурдим, энди гайратинг ва журъатинг бўлса, кўргузгил. Амир Темур Иноқ биланн биргаликда қипчоқларга қарши кўп жанглар қилдилар. Қипчоқлар кучи кўпчилик қилиб, сарой томига чиқиб урушни давом этдирдилар. Иноқ томдан йнқилиши билан инн боғлаб асир қиладилар. Том устида одам кўплиги туфайли, сарой томи қулайди. Амир Темурни ҳам банди қиладилар. Шу пайтда Тўхтамишхон келиб Амир билан Иноқни ҳийла билан қипчоқлар қўлидан қутқариб, Шамсумулк боғидаги бутхонага юборади. Қипчоқлар Тўхтамишхонга гавго кўтардилар. У, буларни бутхонада эканлигини маълум қилади. Лекин улар расми шундан иборат эдики, гуноҳкор киши бутхонага борса, алар даҳл қилолмас эди. Анда ноилж бўлиб, қай вақт бутхонадан чиқса ҳалок қилурмиз дедилар.

Тўхтамишхон икки қўлидан амирга таом юбориб, уч кундан кейин иккала қул Тўхтамишхонни амри билан олиб борган сабат ичнда амирни ва Иноқни олиб беркитиб Нақшбанд пирим хизматиға келтурдирлар. Хожам Амир Темурга айтдилар: бориб Бароқхонни (амир Темурнинг тоғаси) топиб келтургил, 'мулкни жаттадан (муғуллардан) олиб анга бергил, буларни вақти ҳануз узоқдир. Бароқхон Балхда ҳоким эди. Амир Соҳибқирон Иноқ била йўлдош бўлиб, неча кун пилда чўл кезиб, Балх вилоятига доҳил бўлдилар!

Бундан ташқари, бир қанча тарихий ва диний манбаларда Баҳоуддин Нақшбанд мамлакатидаги муғуллар зулмиға қарши курашда раҳнамолик қилгани ва ҳамма вақт асоратға қолган халқ тарафида бўлганлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам у Бухоро ва умуман Мовароуннаҳрда шиа мазҳаби билан сунний мазҳабларини келтиришга, улар ўртасидаги низоларни барҳам бериб, бутун миллат аҳлини муғул босқинчиларига қарши курашга атлантиришга ҳаракат қилди. Мана шунинг учун амир Темур ва унинг ҳамфикрлари томонидан бўлади ва уни Балхда ҳукмрон бўлган Бароқхоннинг олдига юборади. Аммо Темур Бароқхон олдига боргунча унинг давлати муғул хонлари томонидан ағдарилади. Бароқхоннинг ўзи эса қаландар кийиминда чўлларга қочиб кетган эди.

Баҳоуддиннинг икки мазҳаб ўртасидаги жанжалларини бартараф қилишдаги ҳаракатлари муваффақият қозона олмайди. Шиа мазҳаби руҳонийлари унга қарши чиқа бошлайдилар. Баҳоуддин Бухорони тарк этишга мажбур бўлади. Эрон, араб мамлакатлари кўпгина шарҳларида бўлиб, тариқатға доир қарашларни янада чуқурроқ ўрганишга киришади. Анча йиллардан кейин Бухороға қайтиб келади

ва Девонтун қишлоғида ўзининг қароргоҳини ташкил қилади. Унинг атрофида рудоний шайхлар тўплана борадилар. Улар ўз навбатида Баҳоуддиннинг нақшбандлик тариқатларини тарғиб қила бошлайдилар. Бу давр муғуллар ҳумкиронлиги Ўрта Осиёда тамоман барҳам еб, Темур сулоласи ҳумкиронлиги бошланган давр эди. Бу даврда амир Темур ҳам ўзининг илоҳиёт ва тариқат устози ва пирига натта ғамхўрлик кўрсатади. Баҳоуддин эса амир Темур олиб бораётган сиёсатни ҳомийларидан бирига айланади.

Темурнома а қуйидагича ривоят келтирилган: Амир Соҳибқиронга Золотоус: шундай нома кўборадик, унинг қўргонидан узоқ бўлмаган ерда бир эски шаҳар бор, ҳар киши ўшал шаҳар ичра кириб, бизга андин хабар келтурса, анинг динини ҳақлигини билурмиз, анинг динига кирурмиз.

Амир Соҳибқирон у шаҳарга юз кишини юборадилар. Аммо улардан дарак бўлмайди, ниҳоят ўзлари борнишга аҳд қиладилар. У эски шаҳарда асал арилар бўлиб, борган кишини талаб ўлдирар эди. Амир шаҳар туриб таҳажжат намозини ўқиб, хобгоҳда (мароқада) эрдилар, овозе келдиким, эй амир Темур ғаввос шншасини бошингга кийгил, барча аъзоларингни беркитиб, анга боргил, деб эрди. Андин кейин, амир етти кишини ўзлари билан йўлдош қилиб, бошларига шнша кийиб, барча аъзоларини беркитиб, ўшал эски шаҳарга бориб кўрсаларким, илгари борган кишинларнинг барчаси аъзоси шишиб, ўлиб ётирлар. Улар ариларнинг захридан ҳалок бўлган эдилар, кўрдиларким, ўшал шаҳар ичра иморати олий кўбдур, ҳар тешикдан мингларча арилар кириб чиқар эди. Арилар буларга ёпишди, аммо илож тополмади. Анда тошдан ясалган бир иморатни кўрдилар, уй ичра бир оқсоқол киши даҳс-да, о титраб ётур, бир қулогидан қатра-қатра қон томур эди. Соҳибқирон ул кишидан сўз сўрадилар, лекин у бирор оғиз гапирмади. Уни гулхан ёқиб оловга ташладилар, аммо унга ҳеч нарса асар қилмади. Соҳиб қирон ул қари кишини оёғига йиқилиб узр сўрадилар. Уч кундан кейин бир тарафдан овоз келур «ху-ху, ё минху ло илоҳа оллоҳу» деб, кўрсаларким Бухоронинг пири, ошуқларнинг шери, мардонларнинг далири, басир ҳанд пай-ғамбар аҳли муҳибга Сарвар (пейгамбар қудратига огоҳ бўлувчи, муҳаббат аҳлига буюк сардор) пирим Баҳоуддин ҳазратлари етиб келдилар.

Бу кеча Бухородин чиқиб келдим, бу кишини сўзга солайин деб... Хожам Баҳоуддин ўзларини тонуганларидан кейин, «ул қари киши Хожамнинг оёқларига ўзини ташлади. Айтди: Мени отим Кашфутатдур, вақтеки Али ибн Абу Толиб бу шаҳарни келиб олдилар, ҳазрат Алига арилар ёрдам қилиб, душманларнинг қулоқ бурнига кириб чиқа бошлайди, Андин кейин бу шаҳарни ҳазрат Али Паъсуб деган арилар бегига бердилар. Бу шаҳар халқи ўзга ерга шаҳар бини қилиб, кетгандурлар. Мен ҳазрат Алига қарши жанг қилган эдим

мени бир қулогимдан оққан қон Ҳазрат Алининг зулфиқорини асаридур.

Андин кейин Ҳазрат Алининг олдларига мен мусулмон бўлдим, менга Ваҳоуддинни кўп тавсуф қилдилар, кўрмоғ орзусида бўлдим. Андин кейин мени дуо қилдилар, Ваҳоуддинни кўрмагунча, ўлмайсан, деб... сязни кўрдим, муродимга етдим, энди дуо қилинг, қулогим соғайсун. Ҳожама дуо қилдилар, сиҳат топди. Ул қари киши айтди:

...Мени Ҳазрат Али шу ариларга толширгандурлар, менга бол берурлар, мени утга солдинглар куймадим, доим инжил ўқурман, анинг шарофатидур. Ул киши вафот этди, уни жасадиқи тобутга солиб, Ваҳоуддин имом бўлиб, жаноза ўқиб қабр тўпроғига отопширдилар. Андин кейин Ҳожама айтдилар: эй амир Темур, ҳар вақт бир ишга ожиз қолсанг, ё пирим Нақшбанд дегил, биз сенинг ҳолингдан воқифдирмиз.

Бухоро вилоятининг айрим шаҳар, туман ва қишлоқларида Ҳазрат Ваҳоуддинга бағишланган қадамжолар мавжуд. Қадамжоларнинг кўпчилиги бинолар ва дарахтлардан иборат бўлиб, маҳаллий халқ бундай жойларни азиз ва муқаддас деб атаб, уларга сажда бажо келтирган. Масалан, Ғиждувон туман Бойхотун қишлоғи яқинида катта тут дарахти бўлиб, Ҳазрат Ваҳоуддин Қасри Орифондан Ҳожа Абдул Холиқ Ғиждувоний қабрини пиёда зиёрат қилгани борганида ҳар ҳафтанинг жума кўни шу дарахт тағида дам олиб, кейин яна йўлга равона бўлар эканлар. Қишлоқ аҳли бу дарахтни муқаддас деб билган, ҳатто атроф жойлардан зиёратга келганлар. Турли орзу-умидларни шу дарахдан сўраб, унга турли латталарни боғлаб қўйганлар. Агар орзулари ушалса, бу ерга қўчқор келтириб худойи қилганлар.

Ғиждувонлик кексаларнинг айримлари бу ҳақда қуйидаги ривоятни келтирадилар:

Ҳожа Ваҳоуддин ҳар ҳафтанинг жума кўни ўзларининг руҳий устозлари Абдулхожа Холиқ Ғиждувоний қабриларини зиёратига Қасри Орифондан пиёда келар эканлар. Ғиждувонга яқин қолганига қарамай, Бойхотун қишлоғи яқинидаги йўл бўйидаги дарахт соясида маълум вақтгача ўтирар эканлар. Шу ерда номози жумани шу қишлоқдаги қавм билан бирга адо этар эканлар. Бунинг бонси шундан иборат эканки, ҳар ҳафтанинг жума кўни Ҳожа Абдул Холиқ мазорларига турли жойлардан зиёратчилар келар эканлар. Зиёратга келганлар учун туш пайтида мазорда тегин таом косаларда сузиб берилар экан. Ҳазрат Ваҳоуддин зиёратчилар таомларни еб бўлганларига қадар юқоридаги дарахт соясида ўтириб, улар таомларни еб бўлганларидан кейин етиб келиб, дастурхонни энг пойгасига ўтириб, оламлар томонидан еган косаларни олдларига тўплаб, ҳамма сини топ-тоза қилиб ялаб қўяр эканлар. Ундан кейин ўзларининг руҳий устозлари арвоғига Қуръони Карим сураларини ўқиб, ҳамда дас-



турхонга фотиҳа қилиб, ҳеч ким билан мулоқот қилмай, «Ху-ху, ё мин ху, ло илоҳа оллоҳу!» деб ния Қасри Орифон сари равиога бўлар эканлар.

Кунлардан бир кун асҳоб (шогирд) лари у кишидан сўрабдиларки. — «Сиз нима учун таомини еб бўлгандан кейин борасиз?». У киши бу саволга шундай жавоб берибдилар: «Мени кеч қолиб Хожа Абдул-холиқни мазорларига боришимни сабаби, зиёратга келган айрим кишилар еган таомини топ-тоза қилиб тагиғача смайдилар ёки косаларини яламасдан, шундай қўядилар. Бу катта исрофгарчилик бўлиб ҳисобланади. Бундай исрофгарчилик гуноҳдир. Мана шунинг учун бундай гумроҳларни гуноҳини олдоқ таоллоҳдан сўраш, уларни ҳам савобга доҳил қилиш учун шундай қиламан. Чунки улар мени косаларини топ-тоза қилиб ялаганимни кўриб, иккинчи бундай ишни такрорламайдилар ва бу уларга ибрат бўлади, деб жавоб берган эканлар.

Халқимиз орасида шундай одатни сақланиб қолганини ҳазрат Баҳоуддин номлари билан боғлиқлиги эҳтимолдан холи эмас.

**Қадам рўзе ки жаннатро бино кард,  
Биҳишти касалесоиро жудо кард,  
Агар дони савоби коса леси,  
Бажуз коса дигар тизе налеси.**

Мазмуни: Қай бир кун (Оллоҳ Таолло) жаннатни бино қилди, касалесларнинг ҳам беҳиштини алоҳида қилиб яратди. Агар касани ялаш савобини билмоқчи бўлсанг, касадан ташқари, бошқа нарсани яламагин

Исрофгарчиликни олдини олишнинг катта аҳамиятини ҳазрат Хожа Баҳоуддин башорат қилганлар.

Баҳоуддин шу даражада эришганларининг сабаблари ҳақида Алишер Навоий қуйидагича ёзганлар: Хожа Баҳоуддин «тарбиятни ҳазрати Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний руҳидан топибдурлар». Ривоятларга қараганда Бухоро мазоридан бирда кечкурун боради. У ерда фотиллар (шамчироқлар) яхши ёритиб ёнмоқда экан. Мазорнинг қиола девори очилади, бир улуғ тахт пайдо бўлади ва яшил парда ул тахт олдига тортилган, парда ташқарисида бир жамоат ўлтурур эди. Баҳоуддин улар орасида Хожа Муҳаммад Бобони танийди. Уларнинг ораларидан бир киши бу тахт Хожа Абулхолиқникидир ва ул жамоат аларнинг хулофосидир (халифаси) ва бирин-кетин аларнинг отини атайди ва Хожа Муҳаммад Бобога етганда дедики, аларни ўзинг ҳаётингда қургансан, сенинг пирингдурлар ва сенга бир **Бурк** берибдурлар, каромат қилибтурларки, яқин бўлган бало сенинг шарофатинг (баракатинг) дин даф бўлғай. Андин сўнгра ул жамоат айтдиларки, қулоқ тут ва яхши эшитки, улуғ Хожа Ҳазратлари сенга

сўзлар айтгусидурларки, Ҳақ субхонаҳу ва таолло йўли сулуқида (тариқатида) санга андин чора йўқдир. Ул жамоадин илтимос қилдим ким, Ҳазрати Хожга салом қилай ва муборак дийдорларига мушарраф бўлай. Пардани илайиндин олдилар. Пире кўрдим, нуруний, салом қилдим, жавоб бердилар ва сўзларки, сулуқ мабданида, васатида ва охирида (тариқат ибтидода, ўртада ва охирида) керакликдур, менга баён қилдилар ва дедилар, ул чароғларки, ул кайфият била санга кўргуздилар ишорат ва башоратдир. Санга бу йўл қобилият ва истеъдодидин. Аммо истеъдод фатиласин ҳаракатга келтурмоқ керак, то ёруғай ва асрор зуҳур қилгай ва яна буюрдиларки азимат била амал қил ва суннатин бажо келтургил, бидъатлардан йироқ бўл... Андин сўнгра нафасга мутаважжих (равона) бўл, амир Сайид Кулол хизматига жўна алар буйруғи билан Нафасга бордим ва Мир хизматига етдим ва манга зикр талқини қилдилар ва насри (инкор) ва исбот тариқи (усули) била зикрга машғул қилдилар.

Мири Кулол Насафга қачон борганлиги тарихий манбаларда кўрсатилмайди. Бизнингча, Мири Кулол Насафга вақтинча яшашга борган ва бир неча вақт яшаган, яна қайтиб Бухорога — Сухорий қишлоғига келган бўлса ажаб эмас.

Баҳоуддин ёшлигидан бошлаб Бобойн Самосий кўрсатмаси билан Мири Кулолдан тариқат йўлларини ўргана бошлайди. Тариқат таълимини маълум бир қисмига боргач, Баҳоуддин 40 кун бир оёққа туриб чилла ўтиради. 39 кунда шайтон келиб, Баҳоуддинни васвасага солиб «Сен бир кулолга хизмат қилаяпсан. У сенга ҳеч қанақа яхшиликни раво кўрмайди, оёғингни ерга қўй», деб айтади. Шайтоннинг васвасасига учинган Баҳоуддин оёғини ерга қўяди ва унинг уйдан билдирмасдан чиқиб йўлга равона бўлади. Йўлда бир кишини орқасидан кучуги (ити) эргашиб кета бошлайди. У одам итнинг эргашиб келаётганини кўриб, унга тош отиб, қайтишга буюради. Аммо итнинг эгаси ўз итини қанчалик кесак билан уриб, ҳайдаса ҳам, ит ангилаб эгасининг орқасидан қолмайди. Бу воқеани шоҳиди бўлган Баҳоуддин ўзинча ўйлайдики, ит эгасининг шунчалик уриш ва сўкишларига қарамасдан, эгасининг берган ноп ва ошини ҳурмат қилиб унга вафодорлик қилаётир. Мен эса шайтоннинг гапига кириб, устозимни берган таълими ва тузига хиёнат қилиб ундан кетмоқликни аҳд қилибман, деб орқасига қайтиб, ўз устозидан узр сўрайди. Ҳазрати Мири Кулол «Сен балбахт агар оёғингни яна бир кун ерга қўймаганингда қазогардон бўлур эдинг. Сен балогардон бўлдинг, ҳар қандай балони даф қила оладиган кучга эгасан, деб айтадилар. Мири Кулол Баҳоуддинга бундан кейин, меннинг булажак авлодларим меҳнат билан кун кечирадилар, сенинг булажак авлодларинг эса мазорга келадиган назр-ниёз билан кун кўрадилар, деган экан. Шунинг натижасида Баҳоуддин авлодларининг анча қисми мазорга келадиган зиёратчиларининг назр-ниёзи билан кун кечирганлар.

Бухоро хонлиги ҳукмронлари ўзларини Нақшбанд авлодлари ҳисобланган. Баҳоуддин Хожаларига катта имтиёзлар берганлар. Баҳоуддин Хожалари ҳар қандай жинойтлари учун ҳоким сифтлар томонидан ҳеч қандай жазога тортилмаганлар. Тан жазоси бериш қатъийан ман қилинган. Бухоро музейи фондида сақланаётган бир ҳужжатда ўғрилاردан 5 киши ўлимга ҳукм қилиниб, бир киши Баҳоуддин Хожаларидан бўлгани сабабли, гарчи у ўғриларнинг бошлиғи бўлишига қарамай, озод қилинган. Мутаасиб руҳонийлар Баҳоуддин номини ҳаддан ташқари илоҳийлаштиришга ҳаракат қилганлар, ҳатто унинг ҳақидаги тарихий фактларга асосланмаган ривоятлар, афсоналар тўқиганлар. Унинг қабрини бир неча тўғлар ва қўчқор шохлари билан безаганлар. Зиёратчиларни, тўғлар ва шохларга сажда қилишни тарғиб қилганлар. Умуман, ислом дини мазорларнинг тўғлари, қабрларга, турли ҳайвон шохларига сажда қилиш, улардан нажот кутишни бидъат деб атаган. Ҳатто ҳазрат Баҳоуддин ҳам ўлган жасадлардан нажот кутишни қорлаган.

Машҳур олим ва шоир, илоҳиёт плимни мукамал ёгаллаган бухоролик Абдурауф Фитрат ўзининг 1913 йилда Истамбулда нашр қилинган «Баёноти саёҳи ҳинди» деган асарига илоҳиёт ва дунёвий фанларни юқори даражада ёгаллаган ҳинд саёҳатчиси Бухорога келиши билан Ҳиндистон мусулмонлари орасида ҳам машҳур бўлган Баҳоуддин Нақшбанд қабрини таввоф (зиёрат) қилиш учун бухоролик мезбон билан бирга боради. А. Фитрат ҳинд саёҳининг Баҳоуддин мазорида кўрган кечирмаларини унинг сўзи билан қўйидагича ҳикоя қилади: «Зиёратгоҳ дарвозасидан киришим билан катта саҳннинг пешгоҳида Нақшбанднинг қабри кўринди. Зиёратчилар биттадан-иккитадан бўлиб, унинг қабрини зиёрат қилар эдилар. Мен ҳам уларга қўшилиб қабрнинг атрофини айландим. Қабр атрофида икки-учта қўчқорнинг шоҳи қабрдан узоқ бўлмаган жойда учта от думидан қирқиб олинган узун-узун қил толалари осилиб ётган тўғ (алам) ларни кўрдим. Хожалар зиёратга келган саҳройиларни «Пирингни шоҳини зиёрат қил!» деб бақирар эдилар. Зиёратчилар бу шохларни ўпиб, кўзларига суртар эдилар. Бунинг эвазига назрхўрларга пул ҳадя қилар эдилар. Хожалардан бири бирлаштириб боғланган от думини менинг юзимга суртиб, «Зиёрат қил» деб хитоб қилди. Мени эса газабим қўзғаб уни итариб юбордим. Зиёратчилар қабрни таввоф қилишдан фориг бўлгач, узун чўпдан ясалган тўғларга келиб ўзларини бошларини тўғга силаб, уни ўпар ва кўзларига суртар эдилар. Ингламсираб қуруқ чўпдан иборат бўлган тўғларга ўзларининг паришон аҳволларидан шикоят қилар ва улардан мадад сўрар эдилар.

Мен бу жойдан ташқарига чиқиб, ўз йўлдошим билақ чойхонага кирдик. Икки-уч бухоролик мударрислар келиб менинг ҳамроҳим

билан кўришди. Ҳамроҳим мени уларга таништирди. Улардан бири менга қараб — қалай? фэйзи осор бўлган бу мазор сизга ёқдими? Мен: — Ҳазрати Нақшбанднинг қабрини таввоф қилиш эҳтиромга сазовордир. Аммо бу ердаги зиёратчиларнинг ва хожаларнинг қилган ишлари мени таажубга солди. Мазордаги баланд туғлар Баҳоуддин замонидан қолганми? деб савол бердим. У киши: Бу туғлар мазор аломати бўлиб, ҳар неча йилда лигиланиб турилади, бу туғлар Баҳоуддин билан ҳеч қандай алоқаси йўқдир. Мен: шундай экан, нима учун халқ бу қуруқ ёғочларга сажда ва тавозу қилади? У киши: сажда қилмайдилар, босни унга тегизиб, ундан ҳожат сўрайдилар.

Мен: бу иш саждага кирмайдими?

У киши: уларнинг бу иши сажда бўлиб ҳисобланади, лекин бу ибодат саждаси бўлмасдан, таъзим саждасидир, бунинг зарари йўқдир. Мен: Насоро (христиан динга мансуб бўлган кишилар) ни нима учун кофир деб атайдилар. У киши: чунки улар бутга синадилар.

Мен: улар ҳам худони танийдилар, уларнинг муқаддас китоблари бор. Ҳазрат Исо пайғамбарнинг умматларидир. Уларнинг бутга сажда қилганлари учун кофир деб атаймиз. Сиз бошқаларнинг бутпарастлиги учун кофир деб атайсиз, аммо сизлар ҳам мазордаги туғларга ва кўчқор шохларига сажда қилмоқдасизлар, буни бутпарастлик билан қандай фарқи бор? Шунингдек ўз ҳожатингизни улган жасаддан сўрайсиз, яна узингизни мусулмон ҳисоблайсизлар.

Туғларга, шохларга, тошларга, дарахтлар ва қабрларга таъзим бажо келтириш хоҳ у ибодат саждаси бўлса, хоҳи таъзим саждаси бўлсин, шариатга жонз эмас, деб айтадилар — Пайғамбаримиз ўз ҳадисларида: Мен бир тарихий воқеани баён қилмоқчиман: Маккадаги кофирларнинг таъқибидан танг аҳволга келган ҳазрат пайғамбар соҳобаларга Ясрибга<sup>1</sup> ҳижрат қилишга, яъни кўчишга амр қиладилар. Саксон икки эркак ва 21 аёл Ясриб шаҳрига кўчиб келадилар. У ердаги подшо бундан хабар топиб, ислом муҳожирларини ўз ҳузурига чақиради. Меҳмонлар подшо ҳузурига кирдилар, аммо уни сажда қилмайдилар. Бундан ҳайратга тушган дарборлар бунинг сабабини сўрадилар. Саҳобалар айтдиларки, бизлар оллоҳ таоллодан ташқари бир кимсага сажда бажо келтурмаймиз. Пайғамбаримиз худодан ташқари ҳеч қандай зотга сажда бажо келтирманглар, деб айтганлар. Подшо бу жавобдан хурсанд бўлиб, валло ҳар бири киши ҳузуримга кирса, менга сажда қилмасин, деб фармон чиқаради.

Мазорларни зиёрат қилишдан мақсад, ўтган авлодни ёдга келтириш, уларнинг руҳига фотиҳа ўқиб бағишладир.

## 1. Ясриб — Мадина шаҳри.

А. Фитрат узиниқ «Раҳбари Нажот» китобида ҳам Қуръон ва ҳадислардан бу ҳақда бир неча суралар ва оятлар келтиради.

Нақшбандлик нима, қаердан келиб чиққан деган саволнимизга Баҳоуддинда яшайдиган айрим қариялар шундай ҳикоя қилган эдилар: Куллардан бир кун Баҳоуддин Маккатуллога ҳажга борган вақтида қорни жуда оч қолган экан. Қазба хонасини олтиндан қилинган тарновини бир хезланганда юлиб олиб, қўлтигига тиқиб, уша шаҳардаги зарғарга олиб борган экан ва уни битта нон эвазига сотади. Заргар хонани Қазба тарновини подшонинг олдига олиб бориб, воқеани айтади. Баҳоуддинни топиб, саройга олиб келадилар. Подшо: нега тарновни ўгирладинг, деб сўрайди. Баҳоуддин, агар шу тарновни бирта нонга алмаштирмаганимда, шаҳрингда очликдан ўлишим ҳеч гап эмас, деб жавоб берадилар.

Подшо, агар сен ҳақиқий Баҳоуддин булсанг, тарновни ўз жойига қўрсан, деб буюради. Ҳазрати Баҳоуддин тарновга қараб, «Нақшбанд» (ўз жойингга бориб, нақш боғла) десалар, тарнов подшонинг саройидан учиб бориб, ўз ўрнига нақш боғлаган экан. Нақшбандлик шундан олинган, деб айтадилар. Нақшбандлик тариқати оллоҳни қалбда сақлаш, доимо ал-Ҳаққа интилиш маъносинда тушинилади. Яъни. Нақшбандлик тариқатини эгаллаганларнинг қалбида ўйиб, нақш қилиб қўйилган оллоҳ-таоллонинг номи булиши керак.

Айрим тарихий манбаларда Нақшбандлик бу тариқатининг баъзи асосларига таяниб, бошқалар тарафидан берилган бўлиши эҳтимоли бор деб ёзилади. Шунингдек, «Нақш» маъносинда келганда бу калима «Нақш» ва «Банд» шаклини олиб, зикрдан ҳосил бўлган таъсирни тасбит<sup>1</sup> этган алоҳага ўхшатилади.

Баҳоуддин ота-боболари ҳунарманд — газмолларни рангдор гуллар билан безаганлар, бундай касб эгаларини нақшбандлар деб атайдилар. Ҳатто Баҳоуддиннинг ўзи ҳам нақшбандлик ҳунарини қанда қилмаган, шунинг учун А. Навоий «Замоннинг ягонаси ҳазрати Ҳожа Баҳоуддин Нақшбандки, кимҳо нақшини боғламоққа машҳурдирлар»<sup>2</sup> деб ёзади. Демак, Нақшбандлик сўзини асл маъноси кимҳо, шойи ва бошқа газламаларни нақшлар билан безовчи ҳунарманд устага айтилган, шунинг учун ҳам Баҳоуддин тариқатлари ҳақидаги таълимотлар нақшбандлик сўзи билан аталган.

Жуда кўп тарих ва филолёт олимлари Баҳоуддин ҳақида юқори баҳо берганлар. Ҳазрат А. Навоий Мавлоно Жалилиддин Ҳолидий ҳазратларини берган баҳосини ўз асарида келтириб, шундай ёзади:

«Мавлоно Жалилиддин Ҳолидий ҳазратларидин сўрабтурларки,

1. Тасбит — барқарор қилиш, собит қилиш.

2. А. Навоий асарлар т. XV, 1968, 68 бет.

ҳазрати Баҳоуддиннинг ва тариқининг нисбати мутааххир машо-  
йиҳдин қайси бирининг тариқига муносабати бор? Ул дептурки,  
суз мутақадимин машоихдин ва минг икки юз йилдин ортуқдирки,  
бу навъ осори валоят зуҳурики, ҳазрати Хожада тағри таолло  
иноятиндин воқеъ бўлубтур, тариқат машоийиҳига мутааххир<sup>1</sup> лардин  
ҳеч кимга бўлмайдур».<sup>2</sup>

Ҳофиз Таниш Бухорий «Абдулланома» асарида, Баҳоуддин турли  
зоҳирий илмларида, ботин сирларида бемонанд кишига айланади. Ҳа-  
қиқатнинг махфий сирларини очишда, илм-фан дақиқаларини шаҳр  
қилишда кўп донишмандлик қурсатади. Мусулмонлар шайхи, набий  
(илоҳийдан хабар келтирувчи пайгамбар) ва элчи (жаброил ва бош-  
қа фаришталарнинг) вориси деган унвон олади.

Баҳоуддин тариқат эгаларининг султони, ҳақиқат аҳлларининг да-  
лили, валийлар қутби, муттақийлар гавси, ҳақ ва яқинлик билан  
машоихлар пешвоси, хожа Баҳоулҳақ вал миллат, ваддунё, ваддин  
(миллат, дунё, дин ҳақиқатларини ўчловчи), Нақшбанд номи билан  
машҳур бўлган Муҳаммад ибн Муҳаммад ал Бухорийдир.<sup>3</sup>

Баҳоуддиннинг Нақшбандлик тариқатлари Ўрта Осиё, Эроннинг  
шарқий қисми, Туркия, Афғонистон, Ҳиндистон, араб мамлакатлари  
ва Африка қитъаси сунний мазҳабдаги мусулмонлар орасида кенг  
тарқалгандир.

Айниқса, Темурнинг турк султони Баязитхон устидан қозонган  
ғалабаси нақшбандлик тариқатини Туркия ва Яқин Шарқ мамлакат-  
ларига тарқалишига катта имконият яратилди. Темурнинг шахсан  
ўзи бу ишга раҳбарлик қилди.

Хожа Баҳоуддин «Ҳаётнома», «Дадил ул ошиқин» каби асарлар-  
нинг муаллифидир. Унинг асарлари кўпроқ суфизм, айниқса нақш-  
бандлик тариқати, аҳлоқ-одобга бағишланган.

Бу асарлар алоҳида тадқиқотларнинг объекти бўлганлари учун  
биз бу асарлар ҳақида фикр юритмадик.

Лекин юқоридаги асарларида ҳазрат Баҳоуддин қабрларга сажда  
қилишни, уни упиш, қўлни тегизиб юзга суртиш, қабрларга ётган  
жасаддан ҳожат сўраш ва умуман мазорпарастлик билан умр ўтқа-  
зиш жаҳолат ва ислом динига зид эканлигини ёзади.

Юқоридаги фикримизнинг далили сифатида ҳазрат Баҳоуддин хо-

- 
1. Ислом муаллифлари орасида Шамс ул Аимма ал Холвойиғача  
утган фақиҳларни «мутақадимин» — «аввалги», ундан кейинги фа-  
қиҳларни эса «мутааххирин» — «кейингилар» деб юритилади.
  2. А. Навоий. XV том. Тошкент, 1968, 143 бет.
  3. Ҳофиз Таниш, «Абдулланома», Тошкент, 1966, 1-жилд, 142 бет.

нақоси пештоқида Баҳоуддин томонидан айтилган бир шеърӣ лавҳа ёзилган, у қуйидагича:

Тоқан ба зиёрати мақбӯр,  
Умрат гузарони эй фасурда.  
Як гурбаи зинда назди ориф  
Беҳтар зи ҳазор шери мурда.<sup>1</sup>

**Мазмуни:** Эй дунё беҳабар, шажмурда (фасурда) қачонгача ўз умрини мақбараларни зиёрат қилиш билан беҳуда ўтказасан. Донолар олдида бигта тирик мушук мингта ўлган шердан афзалдир.

Баҳоуддин хонақосининг кириш пештоқида ёзилган бу шеърининг биринчи ва иккинчи мисраларида мазор ва қабристонларда ўз умрини фойдали меҳнат қилмай ўтказган кишиларни подонлар, дангасалар, ишёрқаслар деб атаса, учинчи ва тўртинчи мисраларда ўлган жасаддан ҳеч қачон нажот кутмасликка даъват этади.

Демак, ҳазрат Баҳоуддин ҳам мазорларни, ўлган кишиларнинг қабрини сажда қилиш, улардан нажот сўрашни кофирлик деб билган. Лекин Баҳоуддин ўлган машоҳлар, азизлар ва авлиёларни қабрларини зиёрат қилиш, уларнинг арвоҳларига фотиҳа ўқиш ва уларни эслаб туриш ҳар бир мусулмоннинг вазифасидир деб айтган. Ҳазрати Баҳоуддин ҳар вақт уларининг руҳий устозлари Хожа Абдул Ҳолиқи Гиждувоний, Хожа Али Рометани-Хожа Азизон, Бобо Самсний, ўз устозлари ҳазрати Мири Қуллол кабиларни ҳамма вақт арвоҳларига дуойи фотиҳани аямагачлар, вақти-вақти билан қабрларини зиёрат қилганлар.

Маноқибларда ёзилишича, Хожа Баҳоуддин қирқ кунлик хилватда тоат-ибодат қилиб ўтирганида, хожанинг кўзига Туркистон машойихларидан Сулаймон Боқиргоний (Ҳаким ота) кўринган. Еки юқорида айтганимиздек, кечқурун мазорларининг биридан ёруғлик чиқади. Унга қараб борганларида вафот этган машоҳларнинг руҳи билан учрашади. Шу ерда Абдулҳолиқи Гиждувоний билан мулоқотда бўлади. Бу мулоқотлар мазмунидан маълум бўладики, Ҳазрати Баҳоуддин улардан бирор парса (бойлик, соғлиқ, мансаб кабиларни) сўрамайдилар. Аксинча, уларнинг руҳи уларга тўғри йўлни кўрсатади. Абдул Ҳолиқи Гиждувоний Саид Мири Қуллол олдига — Насафга бориб ундан зикр талқининг ўрганишни буюрадилар. Ҳаким ота (Сулаймон Бақиргоний) нинг руҳлари эса «Бундан буён тарбият ва таҳ-

1. Афсуски, мустабид мустамлакачилик даврида, 1950-60 йилларда динга қарши кураш баҳонаси билан ҳиссоқо пештоқида ёзилган лавҳа қаровсизлик натижасида қўлаб тушган. Муаллиф 1958 йилда уша лавҳадан бу шеърни кўчириб олган эди.

сил учун дарвеш Ҳалил қошига сафар қил, унинг йулидан боргил» деб айтади. Ҳазрати Баҳоуддиннинг оталари Саид Жалолоддин ва она-лари Ёйби Орифа угилларининг ўта қобилиятидан ҳайратга тушадилар. Бобо Самосий курсатган йулдан бориб, Баҳоуддин етти ёшидаёқ Қуръони Каримни тулиқ ёддан биларди.

Абу Муҳсин Муҳаммад Али «Ҳасорати Хожа Баҳоуддин Нақшбанд қудуса сирруҳу» асарида Баҳоуддин ўн етти ёшида рўзгор қилди, аммо онлавий турмуш роҳат-фарогатини татиб-тотимасдан, Ҳазрат Ҳизр алайҳиссалом тушига кириб, унга «Чин суфий бўлман десанг, хотинингга рағбат қилмагил» деб амр-маъруф қилди.

Шундан сўнг Хожа Баҳоуддин хотинини тарк этди ва умрини охиригача онлавий турмуш фарогатини кўрмади. Бутун умрини оллоҳ йулига, маърифатга бағишлади.

Баҳоуддин бир кун хилватда пинҳоний зикр жойнамози устида бир замонлар Шайх Хожа Азизон (Рометаний) га тааллуқли бўлган кулоҳ пайдо бўлди. Шайх Азизоннинг мазкур кулоҳини кийиб, дуолар ўқилганида беморлар ҳар қандай дарддан шифо топиб кетар эдилар.

Ҳазрат Баҳоуддин вафотидан бир кун олдин муридларига Халифа (шоғирд) лардан Хожа Муҳаммад Порсога тобеъ бўлишларини васият қилади.

Баҳоуддин 3 рабул аввал 791 ҳижрий (2 март 1389) йилда 71 ёшда оламдан ўтади. Унинг қабри Бухоро вилояти, Когон туманининг Қасри Орифон (ҳозир Хожа Баҳоуддин) қишлоғидадир.

А. Навоий «Алар етти юзтўқсон бирда раби-ул-аввал ойининг учидан душанба кечаси ёламдан утибтурлар» деб ёзган. Баҳоуддиннинг Нақшбандлик тариқати кўпчилик мамлакатларда ёйилган. Нақшбандия тарихи тараққиётида мустақил оқимлар вужудга келганлигини кураимиз. Булар асосида Баҳоуддин Нақшбандийнинг асосий гоёлари ётган бўлса ҳам, лекин уларнинг ҳар бири ўзининг маҳаллий хусусиятларига эга.

Бухорода Жуйбор хожалари ва тариқатларида Нақшбандлик гоёларини асос қилиб олган эдилар. Аҳмад Сирхинди (1564-1624) томонидан асосланган Нақшбанд-мужоҳид оқими Ҳиндистонга вужудга келган. Кейинчалик у бутун мусулмон дунёсига ёйилган.

Мавлоно Зиёвуддин Холил ал Бағдодий (1776-1827) томонидан 1811 йилда ташкил этилган нақшбандия-халидия оқими бўлиб, бу Туркия, араб мамлакатлари ва Қурдистонда кенг ёйилган.

Ҳиндистонда Нақшбандиянинг яна бир оқими мавжуд бўлиб, бу оқимни сулаймония деб атайдилар. Бакир Сулаймон Куфа шаҳрининг масчидининг имом-хатиби Ҳиндистонга Ислом дини тарғиботчиси



сифатида сафар қилади. У ерда нақшбандия тариқатига асослайган сулаймония деб аталган<sup>1</sup> мустақил оқимни тузади.

Муридизм — нақшбандиянинг Шимолий Кавказда кенг тарқалган шакли бўлиб, Ғози Муҳаммад, Ҳамзат, Шомил каби имомлар раҳбарлигида тоғли халқларнинг рус мустамлакачиларига қарши миллий озодли курашларида гоявий қурол сифатида муҳим роль ўйнади.<sup>2</sup>

Баҳоуддин Зиёратгоҳида нодир архитектура комплекси мужассамлашган бўлиб, улардан энг қадимийлари XIV асрда амир Темур томонидан қурилган тарихий обидалар, кейингилари XIX асрда қурилган масжид ва бошқа бинолар бўлиб ҳисобланади.

Хонақоҳ эса Шайбонийлар сулоласидан Убайдуллахоннинг ўғли Абдулазизхон (1540-1549 йилларда ҳукмронлик қилган) томонидан бино қилинган.

Бу тўғрида Мирзо Салимбек ўзининг «Кашкўли Салимий» асарида қуйидагича ёзади: Абдулазизхон ҳижрий 951 йилда фариштадек пок ҳазрат Нақшбанд Баҳо ул ҳақ ваддин мазорининг Шимолий саҳнида икки ошёналик хонақо қуришга фармон берди. Хожа Ҳасан Нисорий иморат қурилиб бўлиши билан қуйидаги тарихни ёзди:

Хисрави оли гуҳар<sup>3</sup> Абдулазиз,  
Соҳт ин оли бино бе райбу-шак.<sup>4</sup>  
Хаст нуҳ тоқи фалак дар жаннати ў,  
Баст<sup>5</sup> чун куй замин зери фалак.  
Лафзу<sup>6</sup> маъни<sup>7</sup> шуд тарихи ў  
Соли ҳижрат нуҳсаду панҷоҳи як.<sup>8</sup>

**Мазмуни:** Олий гавҳар шоҳ Абдулазиз шак-шубҳасиз бу бинонини қуради. Бу жаннат маконда фалакка кўтарилган тўққизта тоқ бўлиб, бу бино осмони фалак остидаги ер юзини паноҳгоҳи бўлиб, унинг қурилиш тарихи «Лавзи маъни» демакдир.

Демак, мазорга кираверишда, дарवेशлар маскани салобатли хонақо Абдулазизхон фармони билан халқ усталари томонидан қурилган. Хонақо саҳнида 2 та муқаддас қудуқ ва бошқа осари-атиқалар бор.

1. Исламизм. т. IV. Ашхабад, 1913 г, стр. 186.
2. Гулчеҳра Наврўзова, Маҳбуба Мухиддинова. Қодирья ва Нақшбандия тариқатлари. Навқирон Бухоро, № 1, 1992 йил, 24-25 бетлар.
3. Гуҳар — гавҳар, қимматли.
4. Райбу-шак — шак шубҳасиз.
5. Баст — паногоҳ, одамлар хатардан паноҳ топадиган жой.
6. Лафз — сухан, Калом.
7. Маъни — Калом мазмуни, фикр, гоя.
8. Салимбек «Кашкўли Салимий». 240 бет.

XVI асрда Баҳоуддин мақбарасига қўйилган мармар ва мармарсимён оҳақтошдан ясалган панжарелар ажойиб меъморчилик намунасидир.

Баҳоуддиндаги Шайбоний ва аштархонийлар сулодаларининг айрим подшолари гўри устига қўйилган қабр тошлари нафис ўсимлик нақшлари билан қопланиб, уларга машҳур хаттотлар қалами билан ёзувлар ўйиб ёзилган.

## ХОЖА ПОРСО

XIV-XV асрларда Бухорода нақшбандлик тариқатининг таъсири жуда кучли эди. Нақшбандликнинг издошлари барча мавжудодларга муҳаббат билан қарашни тарғиб қилганлар.

Сўфизм намояндалари меҳнаткаш халқни тақводорликка ва ҳокимларга бўйсунишга чақирганлар. Мовароуннаҳрда сўфизмининг нақшбандлик оқими йирик феодаллар, руҳонийларнинг таъсирчан қуролига айланади.

Улуғбек замонда Бухорода Муҳаммад Порсо, Самарқандда Ҳасан Аттор, Бадахшон ва Чағониёнда Ёқуб Чархий каби шайхларни кўриш мумкин. Бу даврда сўфий-нақшбандийлар орденига Хўжа Убайдулло Аҳрор бошчилик қилади. Руҳонийларнинг вакиллари, айниқса нақшбандийларнинг намояндалари мамлакатнинг маънавий ҳаётидагина эмас, балки сиёсий ҳаётида ҳам етакчи роль ўйнайдилар. Улар халқни севишга ва оддий ҳаёт кечиришга чақирадилар.

Мана шундай сўфизм намояндаларидан бири тарихчи ва илоҳиётшунос олим Хожа Муҳаммад Порсо бўлиб, унинг номи Муҳаммад ибн Муҳаммад Ибн Маҳмуд Ҳофизий Бухорийдур. Хожа Порсо 749 (1348) йилда Бухоро шаҳрида тугилади. Хожа Муҳаммад Порсо эса Хожа Баҳоуддин Нақшбандийнинг иккинчи халифасидир. Темур ва унинг авлодлари Ҳалил Султон (1405-1409), Улуғбек (1409-1494) замонда сиёсат билан нам аралашади. Тожиқ-форс ва араб тилларида бир неча асарлар муаллифидир. Айниқса, сўфизм таълимотини, ривожлантириш соҳасида маҳсус асар ёзган, тарихга доир «Фасля ул Хитоб» деган асари борлиги ҳақида Муҳаммад Ибн Толут Ҳамдодий ҳикоя қилади. Унинг ўша китобидан келтирилган ривоятларида шундай хулоса чиқариш мумкин: бу китоб кўпроқ тарихдан кўра илоҳиёт донишмандлари тарихи бўлса керак. Афсуски, бу китоб бизнинг замонамизгача етиб келмаган. Дарवेशизм маркази бўлган Бухоро руҳонийлари Улуғбек ва унинг тарафдорларига қарши сиёсий кураш олиб бора бошладилар, ҳатто улар Улуғбекка қарши исён кўтаришгача бориб етдилар. Бу исён ва сиёсий курашлар бошида Хожа Порсо турган эди. Чунки, ўша пайтларда Бухорода энг улуғ шайх Муҳаммад Порсо Хўжа эди. Муҳаммад Хожа Порсо Султон Халилнинг тахтдан ағдарилиши ташкилотчиларидан бири эди. Улуғбек Бу-

хоро, Самарқанд, Шаҳрисабз суфилари билан келишишга ҳаракат қилиб, Ҳадисни муҳокамаси учун Бухородан Шамсиддин Муҳаммад Ибн Муҳаммадал-Жуборий, Муҳаммад Порсо хожалар таклиф қилинади.

Ҳадисни иснод (даил, асос) и учун кўп уламолар йиғиладилар, шу жумладан Улугбек даврида Шайхул Ислоом вазифасида ишлаган Исомиддин ҳам қатнашди. Ҳадис Ислоом динида Қуръондан кейинги муқаддас манба бўлиб, пайгамбар ҳаёти, фаолияти кўрсатмалари, ҳуқуқий ва ахлоқий масалалар баён қилинган эди. Аммо ёзилган ҳадислар турли синф ва ижтимоий гуруҳлар манфаатига мослаштирилганлиги сабабли бир-бирига зид фикрлар юзага келган. IX-X асрларда ҳадисларни системага солишда Муҳаддис (ҳадис илми билан шуғулланган олим) Имом Бухорий катта иш қилди ва унинг: «ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ» («Саҳиҳ ал-Бухорий») асари Ҳадис илмида энг муътабар саналган.

Муҳаммад Порсо томонидан ҳадисларнинг бир нечасига келтирилган исноди Шамсиддин Жубори учун ишончсизлик туғдиради. Хожа Порсо томонидан башорат қилинган Шайхул Ислоом Исомиддин кутубхонасидаги фалон тоқчадаги ҳадисни мажлис аҳли иснод деб топадилар. Бу ҳикоятдан маълум бўладики, Муҳаммад Хожа Порсо Ҳофизий Бухорий ўз замонида Ислоом қонун-қондаларини мукаммал билганлардан ҳисобланган.

Хожа Порсо катта бойликка эга бўлган. Порсо Хожа кварталига яқин бўлган квартал ҳаммоми қурдиради. Ҳаммом битгач, ривоятга қараганда, Хожа Порсо товуқ сўяди ва бундан кейин бу маҳалла Кўйи Мурғкуш (товуқ сўйиш кўчаси) деб аталсин, деган экан. Шундан кейин маҳалла шу ном билан аталиб келинади. Деҳқонлар маҳалласида эса 1407-1408 йилларда кутубхона ташкил қилади. Хожа Порсо маҳалласида эса Хожа Порсо мадраса биносини ўз маблағи ҳисобидан қуради. Бу мадраса 1407-1408 йиллардаги Муҳаммад Порсо ҳаётлиги даврида қурилганлиги, ҳатто қўлёзма ҳужжатларда кўрсатилган.

Хожа Порсо маҳалласида Хожа Порсонинг қабри бўлиб, бу қабрда Порсо Хожанинг жасади йўқ. Чунки, Алишер Навоийнинг маълумоти-га қараганда, 822 йил муҳаррам ойида (февраль 1419) Бойтул Ҳарам ва Нобий зиёрати нияти билан Бухородан чиқадилар ва Насаф йули билан Чағониён ва Термиз ва Балх ва Ҳиротга мазорати Мутабаррака зиёрати қасди билан азимат қилдилар. Ҳумадул охир 822 йилда Манкан Муҳтарамга етишдилар ва Ҳаж арнонин тамом адо қилдилар, андин Мадинаи Муборакка мутаважжих бўлдилар. 822 йил 23 Ҳумод ал-оҳир (июль 1419) 73 ёшда мадинада вафот этдилар.

«Пайшанба кунин Ҳақнинг живоҳири раҳматига восил бўлибтурлар ва Мавлоно Шамсиддин Қуборий Румий (Нажмиддин Қубро) ӯрдени

тарафдорларидан, сўфи) ва Мадина аҳли ва Нофияла аларга намоз қилибтурлар. Амирал-муъминин Аббоснинг муборак марказининг живорида. Ва шайх Ҳавофий Мисрдан бир оқ тош йўндириб келтириб, аларнинг қабрининг лавҳи қилибтурлар.<sup>1</sup>

Бу ерда Алишер Навоий Муҳаммад Хожа Порсонинг Мадинада вафот этган деб ёзса, «Рашоҳот айн-ал ҳайот» деган китобида уни Макка шаҳрида вафот этган<sup>2</sup> деган маълумот беради.

В. В. Бартольд «Хожа Порсо 822 йил бошида (1419 й.) Маккага бўлиб, Пайшанба кuni 24 зулҳижжа 822 йил (11 январь 1420 й.) да Мадинада вафот этди», деб ёзади.

Лекин В. В. Бартольд ҳам Хожа Порсонинг вафоти ойида хатога йўл қуйган. Пайшанба 24 зулҳижжа 822 (11 январь 1420) йилда эмас, 24 Жумадул сони 822 да вафот этган. Чунки 24 зулҳижжа 822 йил, Пайшанба кунига эмас, Жума кунига тўғри келади. Муҳаммад Порсо 24 Жумадул ал-сонин 822 (июль 1419 й.) Мадинада вафот этган ва жасади ҳам Мадина шаҳрининг Халифа Аббос мазорида дафн қилинган. А. Навоийнинг ёзишича, Хожа Порсо «ва чунсиҳат ва саломат била Маккан Муҳтараммага етишдилар... Аларга маразе ориз<sup>3</sup> бўлди. Андоғки видоъ тавофин аморат била қилдилар<sup>4</sup> ва андин Мадинаи Муборанка мутаважжих<sup>5</sup> бўлдилар... Ва ойнинг йигирма учида Чоршанба кuni Мадинага етибтурлар ва Пайшанба (Жумадул соли 24) ҳақнинг шивори раҳматига восил бўлибтурлар. (Худонинг раҳматига доҳил бўлдилар. яъни вафот этибдурлар Н. И.)<sup>6</sup> Унинг қабри Бухорда эмас, балки Мадина шаҳридадир. Бухоро шаҳридаги Хожа Порсо қабри аслида сохта қабр бўлиб ҳисобланади. Унинг вафотидан кейин узоқ вақтгача унинг ўғли Хожа Бурхониддин Абу Наср ундан сўнг унинг неваралари ва кейинги авлодлари узоқ йиллар давомида Хожа Порсонинг номини улуғлаб келдилар ва Бухоро амирлари улар билан ҳисоблашадиган бўлдилар.

Шайбонийлар даврида улар билан айрим ҳокимлар орасида сиёсий ҳукмронлик базасида келишмовчиликлар келиб чиқади. Айниқса, Хожа Муҳаммад Порсонинг авлодларидан Абдул Вали ибн Хожа Абу Наср ибн Хожа Абдумалик ибн Хожа Абунаср

1. А. Навоий. XV т. Т. 1968. 134-136 бетлар.

2. Қаранг. «Рашоҳат» 57-63 бетлар.

3. Маразе ориз — касалликни пайдо бўлиши.

4. Видоъ тавофин аморат била қилдилар — Видолашиш зиёратини касал булганларга сабабли тахти равонга ётган жойларида қилдилар.

5. Мутаважжих — вафот этиш.

6. А. Навоий XV т. Т. 1960 й, 156 бет.

Ибн Хожа Муҳаммад Порсо ўзининг тўғрисида шундай ҳикоя қилади. «Барча амирларнинг иғвоси туфайли танага қолиб, Бухородан чиқдим ва гузал мақтовли хон Пирмуҳаммадхон билан учрашмоқ учун Балхга қараб юрдим. Орадан бир неча кун ўтгач, Искандар фармонли хон Абдулфатҳ Абдулло Баҳодурхон ҳам замон зарурияти билан Бухородан қайтди ва Жайхундан утиб, Балхга катта амакиси ҳузурига келди. Мен ул Ҳазрат билан учрашганимда, хотирамда унга нисбатан хафалик бўлгани туфайли унинг таъзим ва эҳтиромига у қадар эътибор қилмадим. Шу кечаёқ тушимда фақирнинг ота-боболаридан икки киши (ҳузуримда) ҳозир бўлиб, менга тамом инна қилиб дедиларки, «эй фарзанд, нима учун саодатманд подшоҳнинг иззат-ҳурматини қилмадинг, унинг шон-шарафини риоя қилмай (уни улугламадинг), у ҳазратга Убайдуллохон (Шайбонийхоннинг жияни) (1533-1539) нинг мартабасини, балки ундан ортиқроқ мартабани берганлар ва мамлакат ихтиёрини унинг қўлига топширганлар. Бу подшолар ўртасида фақат талаффуздагина фарқ бор, яъни «Убайд», «абд» сўзидан фақат бир ҳарф ортиқдир. Уйгонганимдан сўнг ул Ҳазрат (Абдуллохон) етказган қулфатни тамом дилдан чиқардим. Унинг хожа-ларнинг муқаддас хонадонинг а нисбатан зур эътиқоди бўлганидан, унга (бориб) тушимни айтиб бердим». Шундай қилиб, Бухоро ҳамда Балхда нуфузи катта бўлган Шайх билан Абдуллохоннинг иттифоқи тузилади ва Абдуллохон ўз сиёсатини мустаҳкамлаш учун бундай нуфузли шайхларга суянибгина қолмай, уларга босиб олган ерларидан эгасиз қолган саройлар, дўкон, ҳаммомлар, экиладиган ерларни ва бутун-бутун қишлоқларни инъом қилди.

Ўрта Осиёда катта нуфузга эга бўлган Хожа Порсойилар, Хожа Ҳўйборийлар, Нақшбанд ҳожалари ва бошқалар Абдуллахоннинг одил сиёсатини, унинг ободончиликка қилган хизматларини ва халқ парварлигини қўллаб қувватлар эдилар. Ҳон Хўжа Абдували Ибн Абу ибн Хожа Муҳаммад Порсо яна шундай ҳикоя қилади. «Сўнг фақирнинг хотирига (шу фикр ҳам) келдики, «убайд» талаффузда «абд» дан бир ҳарф ортиқ бўлиб, (лекин ортиқ ҳарф) ҳарфи иллат (ёзишдан шакл ва талаффузи ўзгариб тургани учун, уч ҳарф «вов», «алиф», «ёна», ҳарфлари «ҳарфи иллат» деб аталади), «Убайд», «абд» сўзининг кичиклаштирилганидир. Шу сабабдан «абд» ўзак бўлиб, «убайд» эса ундан ҳосил бўлгандир... Ҳазрат Исо гўдаклигида бешикда ётганда тили сўзга келиб, «инни Убайдулло» («тангрининг бандасасиман») демай, «Инни Абдуллоҳ» (тангрининг бандасасиман) деган.

«Абдулло» сўзининг биринчи ҳарфи тепасига «фатҳа» қўйилган бўлиб, «Убайдулло» сўзининг бош ҳарфи тепасига замма қўйилгандир.

Исми тепасига фатҳа қўйилган ҳарф шунга ишоратки, динпаноҳ ҳақон Абдуллаҳон душманини енгиш учун зафар байроғини кўтариб азм қилди, ва биринчи зарбадаёқ ғалаба қозонди.<sup>1</sup>

XVII асрда Аштархонийлар даврида Хожа Порсонийлар давлат ишларига очиқдан-очиқ аралашибгина қолмай, балки ўзлари айрим вилоятларининг ҳокимлари бўлиб олиб, халқни эксплуатация қилишда дунёвий феодалларга катта йўл очиб берган эдилар. Масалан, мартабали кишилар ёрдами билан Хожа Абдулло Порсонинг ўғли Соли Хожа деган киши Балх вилоятига ҳоким бўлиб ўлади. Сўфилар намояндаси бўлган Соли Хожа Порсойи меҳнаткаш халққа зулми янада кучайтиради, вилоятда анархия юз беради ва халқ Соли Хожага бўйсунушдан бош тортади, кўпгина жойларда кучли халқ қўзғолонлари бўлиб ўтади, феодаллар, амир қўлидаги мол-мулк қўзғолончилар томонидан талон-тарож қилинади.

Шундай қилиб, Шайх Муҳаммад Порсохожа авлодлари сиёсий ҳокимиятга ҳам маълум роль ўйнаганлар.

Шайх Муҳаммад Порсохожа «Фусули ҳакам» («Қозилар ҳақидаги фасл»), «Фусули ситта» («тариқат шухрати ҳақидаги фасл»), «Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд», «Таарруф» (билиш, англаш назарияси) каби нақшбандлик тариқатига, Ислом ҳуқуқшунослигига, оила, ахлоқ-одоб, фалсафага доир улғу асарлар ёзган Шарқнинг буюк алломаларидан бўлиб ҳисобланади.

### **ЖУЙБОРИИ ШАЙХЛАР НАҚШБАНДЛИК ТАРИҚАТИНИНГ ДАВОМЧИЛАРИДИРЛАР.**

Бухоронинг Жўйбор маҳалласида жойлашган хожалар Жўйбор хожалар деб аталиб, улар XVI-XX аср бошларигача давлат сиёсатига аралашиб келган нуфузли дин пешволари, нақшбандлик тариқатининг давомчилари сифатида намоён бўлиб келдилар.

Жўйбор районига 20 дан ортиқ маҳалла (квартал), гузар, кўчалар бўлган. Буларга — Ҳавзинав, Урганжиён, Пухтабофон, Хонақоҳ, Писташкиканон, Шоҳмалик, Чақар, Абдуллахожа, Шаҳринав, Қози Зоҳид, Жанафарон, Жўйзар, Чармгарон, Халифа, Худойдот, Чуқурмаҳалла, Гузари Нав, Ҳавзи баланд, Ўзбакхожа, Вақф каби кўчалар кирган.

Жўйбор районида яшовчи халқлар турли халқ ва элатлардан иборат бўлиб, асосий халқни тожин ва ўзбеклар ташкил этган. Аҳоли ўртасида форслар, урганчилар (туркманлар) анчагина бўлган. Кўпчилик аҳоли шойи, алочабофлик ва бошқа ҳунар-касб билан шуғулланадилар. Аҳолини озгина қисми Жўйбори хожаларга мансуб

1. Ҳофиз Таниш ибн мир Муҳаммад Бухорий, «Абдулланом» 1 т. 1960 йил, 230-232 бетлар.

бўлиб, улар орасида бой феодаллар ва кунини зурга кўрадиган камбағал оилалар ҳам бўлган. Бундай оилаларнинг кўпчилиги ҳунармандчилик, мардикорлик билан шуғулланган. Масалан, XX аср бешларига Хонақоҳ маҳалласида мавжуд бўлган 360 хонадондан фақат олтинчи хонадон эшонлар авлодларига мансуб бўлиб, булар руҳонийларнинг ўша даврдаги йирик намоёндалари ва катта бойликларга эга бўлган кишилар эдилар. Амир Насрулла-Ботурхон (XIX асрнинг биринчи ярми) даврида Жўйбори хожадарига алоҳида эътибор берилган эди.

Жўйбор хожалар ўзларининг асл насабларини пайгамбар ва Абу Бакрга элиб боғлаганлар. Шунингдек, «Адуллонома» да баён қилинишича, Хожа Жўйборийларнинг насаб жиҳатдан тариқатлар қутби, халойиқлар гавси, халойиқ зубдаси (сарвар), замон пешвоси, суинат Имоми ва имомлар муқтадоси валий хожа Абу Саъд Яманийга абадий туташади», деб ёзади.

Имом Абу Бакр Саъд сомонийлар даврида ўтган нуфузли руҳонийлардан бўлиб, 360 (970) йили вафот этган. Бухоронинг гар-Чорбакр) қишлоғида дафн қилинган.

Бухорода Ислоом тарғиботчилари сифатида 4 бакр Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳамид, Абу Бакр Муҳаммад, Абу Бакр Тархон ва Абу Бакр Аҳмад ибн Саъд келиб Ислоом динини тарғиб қилганлар, улар биринчи даврларда Сумитон қишлоғида яшаганлар ав улар вафот этгандан сўнг, уларнинг жасадлари Бухоронинг турли жойларида дафн қилинган. Абу Бакр Фазл (X аср) эса Жўйбордаги Шоҳмалик ва Хонақоҳ кўчалари орасида дафн қилинган. Мақбара ичида қабр ва туг бор. Бу мазорда ҳижрий йилнинг ҳар ойининг 11 кунда ёздаҳум маросимини ўтказганлар, Закр тушганлар, Зикр Ислоом динида тасаввуф (суфийлик) нинг айрим оқимларига хос «худони ёдга олиш» билан боғлиқ махсус маросим. Бунда бир гуруҳ давра қуриб ўтиришадди, бир киши (аввал) илоҳиётга доир шеърларни маълум оҳангда ўқийди, бора-бора кишилар ўрнидан туриб ўйинга туша бошлайдилар. Имом Абу Бакр Фазл Жўйбор шайхларининг она томонидан насаблари (аждодлари) бўлиб, тулиқ номи Абу Бакр Фазл Жаъфар Бухорийдир. «Матлаб-ал-Толибин» китобининг аuctори (1665 йилда ёзилган) Абул Аббос Муҳаммад Толиб (Хожа Тожиддиннинг ўғли ва Ислоом ҳожанинг невараси) нинг хикоя қилишича, Жўйбор хожалари жуда кўп мол-мулкга эга бўлганлар. Ислоом Хожанинг отаси Хожа Аҳмад жуда ҳам бой бўлган, кўпгина ерларга эга бўлган. Айрим деҳқонларнинг ерларини мажбуран ўз ерларига қўшиб олган, еридан ажралган деҳқонларни ўша ерларга етим қи-

либ ишлатиб, деҳқонларга жабр-зулмин кучайтирган. Патижада қўзғолов кўтарган деҳқонлар Хожа Аҳмадин оломон қилиб ўлдирганлар.<sup>1</sup> 951 йилда (1544 й) Хосжа Аҳмад Султён Искандардан (Абдуллохон отасидан) мулк ерларидан бутун бир катта қишлоқни 3 минг тангага сотиб олади. Искандархон вафотидан сўнг 1557 йилда Жўйбор хожаларидан Ислоом Хожа ёрдами билан ёш Абдуллохон Бухорони узил-кесил босиб олади ва бу шаҳар Шайбонийлар сулоласини пойтахтига айланади. Шу даврдан бошлаб Ислоом Хожа билан Абдуллохон ўртасидаги мустаҳкам алоқа боғланади. Ислоомхожа мусулмон руҳонийларининг бошлиги Шайхул ислом вазифасига кўтарилади ва ёш ҳукмдорнинг яқин маслаҳатчисига айланади. Давлат, сиёсат ишларига актив аралашиб имкониятига эга бўлади. Ислоом Хожа Жўйбори ўз боболари Ҳазрат Хожа Муҳаммад Яхъёдан ота-боболари тариқатини олдилар ва зикр таълими ва яхшилар нисбати тафсиллини қўлга киритдилар.

Сулук (мусулмонлар амри) одобини ўрганиш тариқаси ва нисбат суҳбатлари маориф гумбазининг офтоби, орифлар офтобининг гумбази, вужудот хазинасининг ишончлиси, юқори даража ва олий мақомлар эгаси. Ҳазрат Мавлоно Хожаги Косоний<sup>2</sup> билан бўлди. У киши ўз замонасида гоят буюк ва энг юқори ўринли киши эди. Ҳазрат Хожаги Косонийдан турли кароматлар ва ҳориқий одатлар (одатдан ташқари фақуллода) зоҳир бўларди. Ул ҳазратнинг суҳбатлари шарафи билан мужоҳада (нафси енгил йўлида курашиш; волийлик, авлиёлик) вақтида дил ва кўзларини дўстнинг мушоҳадасидан гофил қўймадилар. Содиқ толиблардан ва мувфиқ ошиқлардан олтмиш киши у кишининг тарбия этагида парвариш топиб, йўқлик саҳросини ростлик қадами билан бирданига кезиб, ҳақиқий висол қаъбасига қараб юрдилар. Шу туйғайли, ул ҳазрат Хожа Ислоомни қаерда танисалар, «Пири Шасти» деб, атардилар.

Ҳазрат Ислоом Хожа Жўйборийнинг ботин илмида нисбатлари беш тарафдан бўлган. Биринчиси, мўминлар имоми ва муслимлар амри Ҳазрат Алига, иккинчиси ўз боболари ҳазрат Хожа

---

1. Абул Аббос Муҳаммад Толиб, «Матлаб-ал-Толибин» қўлёзма. 138-бет.

2. Мавлоно Хожаги Косоний — асли исми Саид Аҳмадхожа ибн Саид Жалолиддин Косоний! Нақшбандлик тариқатига мансуб бўлган машҳур шайх (949/1542, 956/1549 йиллар орасида вафот қилган). У кўпинча Маҳмуди аъзам номи билан машҳур бўлган. («Жоми ал мақомати Маҳмуди аъзам» китобига қаралсин.).



Яхъёга, учинчиси амир Ҳамзанинг<sup>1</sup> халифаларидан ҳазрат Хонга Яхъёга, тўртинчиси жаҳон аҳднинг маҳдуми Мавломо Муҳаммад Қозига ва ниҳоят бешинчиси Мавлоно Хожаги Қосоний хизматларида бўлган.

Шаҳид Шайх Мажиддин Бағдодийнинг айтмишича, бу ботин илмидан нисбат қанча бўлса, суяниш шунча кўп бўлади, чунки машойх ҳақиқат нуруни пайғамбарлик машқоти (чирок қўядиган тоқча) дан олади. Уларнинг ботинларида нурлар қанча кўп тупланган бўлса, унинг воситаси билан толибга йўл равшанроқ бўлади. Ботиний илмини яхши ўзлаштириб олган Исломо Хожа бўлажак воқеаларни олдинроқ башорат қилар эдилар. Муъжиза баён тилларига олиб, дедиларки, Искандар Нишон Хон Абуғозий Абдулла Баҳодурхон Булорони ўзига қаратиб салтанат ва қашамат тахтига ўлтиради ва адл зийнати билан жаҳонни безаб, фитна ва зулм шигини слам ва одам болалари тоифаси учун ёпади. Ҳақиқатан ҳам ҳазрат ҳидоят маонийнинг (рост маъноларини олдиндан башорат қилувчи) бу тўғри сўзлари йигирма йилдан кейин амалга ошди.

Абдуллахон Балхин забт қилиб, кўч туплаш ва бошқа жойларни истило қилишга тайёргарлик кўраётган эди. Жўйбори Хожа Исломо Абдуллахонга Ҳасан хожа нақибни (подшонинг юқори амалдорларидан) юбориб, унга қўйидаги сўзларни подшога етказишни буюради. «Аъло ҳазрат ҳақоннинг ҳузурларига кириб, биздан салом етказинг ва айтингки, агар мардум унга бир томонлама килич берган бўлса, биз икки томонлама иккита қилч бердик, шунга қарамай, нега ўша ерларда тўхтаб турадилар.<sup>1</sup> Сўфизмнинг нақшбандлик тариқатининг машойиҳларидан бўлган Исломо Хожа подшонинг олиб борган сўбатларини қувватлаб турган.

Абдуллахон ҳам ўз навбатида Жўйборда масжид, хонақоҳлар, чорбоғ, саройлар қурган. Уларнинг ҳаммасини Хожа Исломо ихтиёрига берган. Вақф қилинган ерлар, дуюн, тегирмон, қарвон

---

1. Амир Ҳамза Мири Кулоднинг ўгли, ўз замонасининг кўзга кўрнган машойиҳларидан.  
2. Муҳаммад Қозихон — кўзга кўринган сўфийлардан, Хожа Аҳрорнинг яқин кишиларидан, у Хожа Аҳрорнинг ҳузурига 885 (1481 йили) келган ва унинг қошида 12 йил бўлган. Мавлоно Муҳаммад Имом Қозихон «Силсилаат ал Орифин» ва «Тазқират ас-Сикидийн» деган китоб ҳам ёзган. Бухоро шаҳри ва Вобкент туманида Имом Қозихон қадамжолари мавжуд.

1. Хофиз Таниш Бухорий. «Абдулланомо» Т. 1996 й., 1 жилд, 142-бет.

саройлар каби жойларга ҳам Хожа Ислоҳ ҳукмдор эди. Хожа Ислоҳнинг диний ва сийёсий образи орта боради.

Абдуллаҳонга Жўйбори шайхларнинг таъсири шунчалик кучли эдики, подшо Жўйборни катта қисмини Бухоро шаҳри қалъасининг ичига олишга қарор қилади. Натижада Жўйбор Шайхлари ўрнашган жойлар шаҳар ичкарасига киритилиб, бу ерни Жўйбори дарун деб атай бошлайдилар. Шаҳардан ташқарида қолган Жўйборнинг ярмисини Жўйбори Берун (шаҳардан ташқари бўлган Жўйбор) деб атай бошлайдилар. Абдуллаҳон томонидан Жўйбор шайхлари яшайдиган Жўйбор маҳаллаларини шаҳар ичкарасига олишдан мақсад, уларнинг хавфсизлигини таъминлашдан иборат эди. Жўйбор атрофидаги қишлоқлар ва Сумитов қишлоғи Хожа Ислоҳга дорубас қилиб берилган эди. Ислоҳ хожа авлодлари ҳар қандай давлат солиқлари ва тўловларидан озод қилинган эди.

«Матлаб-ал-Толибин» китобида ёзилишича, Ислоҳ Хожа қўлида жуда катта бойлик тўпланган эди, у шундай ёзади. «Дар Бухоро. Маёнқол, Насаф. Қорақўл, Марв Сесад жуфти гов хоса зиёрат қарданд ва 10 ҳазор гўсфанд, 700 асп, 500 уштур доштанд. Ҳафт ҳазор ашрафи ба нияти роҳи хиромий ва сесад борде (қул) ва сад жонивор аз бозу чарг доштанд.<sup>1</sup>

Мазмуни: Бухоро, Миёнқол, Насаф. (Қарши). Қорақўл ва Марвда 300 жуфти гов (ҳар бир жуфти гов 50 танобга, 8-9 гектарга баробар) экиладиган хусусий ерларга эгаллик қилар эди. Унинг ихтиёрида 10 минг қўй, 700 от, 500 туя, 7 минг ашрафи нақд пул бор эди. 300 қўлга ва юзларча лочин, бургут каби ов қиладиган қўшларга эга эди, (у овни яхши қўрар эди). «Матлаб-ал-Толибин» асаринда ёзганидек, Хожа Ислоҳ билан учрашиш ва уйдан маслаҳатлар олиш мақсадида унинг муридлари ҳафталаб, ойлаб кутганлар. Муридлар киноя омуз қилиб, «Муқаддас ота» бизлардан кўра кўпроқ ов қиладиган қўшлар ва овчи итлар билан суҳбат қўришни яхши қўрардилар» деб айтар эдилар.<sup>2</sup> Хожа Ислоҳ савдо ишлари билан ҳам шуғулланар эди. Унинг савдо қарвонлари Шарқ ва Ғарб мамлакатларига, айтиқса, Москвагача борар эди.

951-971 (1554-1563) йиллар мобайнида Ислоҳ Хожа 9500 тангага 104 дўкон ва устахона сотиб олади. 3 минг тангага 7 га ўн тепирмон сотиб олади.

Ислоҳ Хожа йирик бой феодал бўлиб қолмасдан балки, у сўфий

---

1. Абул Аббос Муҳаммад Толиб, «Матлаб-ал-Толибин», қўлёзма, 51-бет.

2. Уша жой. 53-бет.

дарवेशизмнинг нақшбандлик орденини диний бошлиғи бўлиб, унинг ихтиёрида 10 мингларча турли касбдаги муридлар бор эди.

Ҳофиз Таниш Бухорийнинг ёзишича, Абдуллахон Хожа Муҳаммад Исломга нисбатан гоят зўр истак, ихлос ва эътибор берганидан улуг боболарни бўлган Имом Абу Банр Саъд (X аср ўтган)нинг қабри бўлган Сумитонда хонақоҳ, мадраса сингари олий бинолар қуриб, унинг атрофини ажиб ва зебо боғу-бўстонлар билан безаш ҳаблини кўнгил саҳифасига ёзган эди.

Шунинг учун ҳам 966 (1558-1559) йилда тажрибали муҳандислар (архитекторлар), синчиклаб тўкиширувчи файласуфлар вақт толеини аниқлаб бино вақтини белгиладилар. Доно меъморлар ва забардаст бинокорлар олий бино қурдилар.

Тахминан 10 йил ичида шундай бир муҳташам бино Искандар фармо Шаҳриёр (Абдуллахон)нинг зўр аҳамият бериши билан қурлиб битдик, унинг саҳнини турли мевали дарахтлар билан безатдилар. Унинг ўртасида гоят тоза ва тиниқликда офтоб чашмаси каби ярақлаган, кавсар мисол ҳовуз ҳам қурдилар. У кўнгил очадиган бинолардан ҳар бири баланд пештоқларни ва кенг равоқларни ўз ичига олиб, қутли асар усталар ва моҳир наққошлар уларнинг юзига олтин ва ҳал билан ажиб нақшлар ва суратлар солиб безаганлар.

Ҳофиз Таниш Бухорийнинг яна ҳикоя қилишича, Мозор ёнида Сумитонда Абдуллахон учун бир чаҳорбоғ ҳам қурдилар. Шаҳар дарвозасидан то ўша боғгача бўлган тахминан бир фарсанг (6-7 км) масофада йўлнинг икки томонида иккита ариқ ҳам қазидилар. Унинг четларида дарахтлар ўтқаздилар.

Хожа Ислом 73 ёшида 25 сафар, 971 (15 сентябрь 1563 йилда) вафот этади. Ислом Хожанинг катта ўғли Маҳсумзода (руҳонийларнинг ўғилларини маҳсум, кичигини эса маҳсумча лақаби билан атар эдилар) Хожа Саъд (Калон Хожа) Абдуллахонни ва бутун ҳоким, султонлар ва зодагонларни жанозага таклиф қилади. Шоҳ Абдуллахон Қорақул вилоятида ов қилаётган эди. У ва бошқа аёнлар Сумитон мавзусига (Абдуллонома китобида Ромитан мавзуи деб нотўғри ёзилган) Ислом Хожа Жанозасига етиб келадилар. Жўйборий Хожа Ислом жасади Абу Бакр Саъднинг қибла томонида, яъни Ислом Хожанинг бош томони унинг кўкрагига тўғри қилиб дафн қилинади.

«Матлаб-ал-Толибин» китобида ёзилишича, ота мероснинг кўпгина қисми катта ўғил Хожа Саъд (Хожа Калон) га тегади. Абдуллахон саройида жуда катта нуфузга эга бўлиб, сиёсат ва давлат ишларида ҳам аралаша бошлайди. Ўша даврнинг энг йирик заминдорлик ва бойлик тўплашда отасидан ҳам бир неча баробар ўтказди. Хожа Калон болалик вақтидан то йигит бўлгун-

ча уйин-кулгига майл қилмайди, ҳамиша гамкин (эътиборлик);  
внқор (вазмиълик), сабру-чидам билан яшаб, ҳар доим хизмат-  
кор ва мулозимлар билан ва ёру-дустлар билан шафкат тариқа-  
сида, муруват ва марҳамат шевасида муомала қилади. Ул Ҳаз-  
рат (Ҳожа Саъд) суфилик оёғини малакут<sup>1</sup> мeroжи поясига қўя-  
ди, ватанда сабр йўлини ва тангри томон сафар қилиш йўлини қул-  
дан бермайди, у ҳамма вақт носитий манзилларини, лохутий  
(илоҳий зот) бекатларини кезиб, қадамдан бошқага назар ташла-  
майди ва ҳамиша таажжубни ортирадиган улуглик оламга  
гарқ бўлиб, йнғинда хилват жаҳонни ёндирадиган шамни ёқади.

Отасининг вафотидан кейин ҳар доим атрофидаги мамлакат-  
ларнинг султонлари шараф қибласи бўлган унинг остонаси таво-  
фига (зиёратига) тамом ҳожатмандлик билан келадилар ва олий  
матлаб ва мақсадларига етишиш билан фахрланадилар. Ҳашамат-  
ли ҳоқонларнинг ва жами мартабали султонларнинг ақида из-  
ҳор қилишларидан ул Ҳазратнинг (Ҳожа Калоннинг) кибру-ҳавоси  
ошмади, яъни унда манманлик аломатлари пайдо бўлмади, балки  
замон фақирларини рози қилиш ва мискин ҳамда солеҳларни  
(поқдоман, яхши одамларни) хушҳол қилиш учун кўпдан-кўп саъи  
ва астойдил ҳаракат қилади.

Улутлардан, ашрофлардан (аслзода, эътиборли кишилардан),  
бозор аҳлларида ва бошқа синфдан каъба муътоф даргоҳга  
(яъни ҳазрат Ҳожа Калон уйига) ҳар куни тўда-тўда бўлиб ке-  
лардилар. Қўтли Нишон ҳожазода уларнинг ҳар бири билан ис-  
теъдод ва қобилиятларига яраша, тонфаларига қараб муносабатда  
бўлади ва уларнинг ўз одатларига қараб иш куради. Ул Ҳаз-  
ратнинг дастурхонидан ҳар инсон баҳрасиз турмайди ва ҳамиша  
ул кишининг барчасига баробар инъомидан тўла баҳраманд ва  
насибали бўлади.

Ҳожа Саъд Марв ҳокими Поянда Муҳаммад Султондан қаттиқ  
ранжийди, чунки у Ҳожа Саъднинг отаси Ҳожа Муҳаммад Ислом  
вафот қилгач, 971 (1563) унинг бу ердаги катта ғалла омборини  
мусодара қилган эди. Гоҳида Муҳаммад Султон Абдуллахонга ҳам  
қарши душманлик қилган эди. Подшога қарши зимдан кураш олиб  
бораётган эди.

1. Малакут — Нақшбандия машойиҳларининг китобларида муқаддас  
ҳисобланган турт машҳур калима: 1. дамда хушёр ва ҳар нарсадан  
огоҳ бўлиш, 2. қадамга назар қилиш, яъни башарият олами ман-  
зиларини кезиб, илоҳий зот олами бекатларини сайр қилишда бош-  
қа нарсаларга эътиқод қилмаслик. 3. борликдан кечиб дилда танг-  
рига сафар қилиш ва ҳоказо.

2. Муътоф — Маккадаги зиёрат қиладиган иморат, яъни Каъба.

Хожа Саъд «Марв яқинида вайрон бўлади» деган сузларни бир неча жамоат жойларида тарқатган эди. Бунга унинг асоси бор эди. У Абдуллахонни Марв ҳокимига қарши юришига ундайди ва унга зафар қозонишига «Оқ фетиҳа» беради. «Равзат ар Ривзон» китобида ҳикоя қилинишча, Марв яхши қўриқланган мустаҳкам истеъком эди. Абдуллахон уни тезлик билан ола олмайди. Унга яна Хожа Саъд яхши маслаҳат беради. Яъни мурғоб сувни бўйига бориб, тўғонни бўзиб ташлаш маслаҳатини беради. Абдуллахон шундай қилади, халқ сувсизликдан қийналади ва қалъани ўз ихтиёрлари билан топширишга мажур бўладилар. Абдуллахонни Марв шаҳрини таммила вайрон қилади, унинг аҳолисини кўпчилиги қириб ташланади.<sup>1</sup> Шундай қилиб, Марвнинг вайрон бўлишини Хожа Саъд елдинроқ пайғамбарона айтган эди. Марв ҳокими ва халқни гуноҳга ботиб, ўз қилмишларига яраша жазо оладилар деб жамоат жойларида ўз ваъзларида ҳа деб такрорлашни яхши кўрар эди.

«Матлаб-ал-Толибин» китобидаги маълумотларга қараганда, фақат стасидан мерос тариқасида 2,5 минг гектар экиладиган ерлар, боғ ва чорбоғлар ўтади. Умуман Хожа Саъдга қарашли бўлган экиладиган ерлари 2000 жуфтигов ёки 100 минг таноб, ёки 25 минг гектар бўлган. Улар Бухоро ва унинг 7 туманида, Миёнқул, Нурато, Самарқанд, Тошкент, Сайрам, Туркистон, Андижон, Ахсикет, Насаф (Қарши), Хисор, Термиз, Қабодион, Бадахшон, Вахш, Хирот, Марв, Мурғоб, Маймона, Машҳад, Андхо каби жойларда унга тегишли бўлган ерлар, боғ-чорбоғлар, карвон саройлар, бозорлар, савдо дўконлари, ҳунармандлар корхоналари, ҳаммомлар ва ҳоказолар қараган. П. Ивановнинг ўзининг «Хозияство Джурбайких шейхов» деган асарига 960 (1552) йилдан то 985 (1577) йилгача Хожа Саъдга 210 та ҳужжат-васиқалар тўлғазилган. Шулардан 170 таси Хожа Саъд томонидан ер сотиб олинган, қолган васиқаларда дўкон, карвонсаройлар сотиб олинган.

Булардан ташқари Хожа Саъд Абдуллахоннинг олиб борган сиёсатини қўллаб-қувватлагани учун, босиб олинган ерлардан дин раҳнамосига маълум улуш чиқарар эди. Масалан, 1584 йилда Абдуллахон Бадахшон истилоларида ғалаба қозонгани муносабати билан Хожа Саъдга 120 жуфтигов (6 минг гектар) экиладиган майдонни ҳадя қилади. Хожа Саъд ўз ерларига алоҳида ариқлар ўтказди. Бу ариқлар деҳқонлар ерлари устидан ўтказилиб, ариқ

---

1. Равзат-ар-Ривзон. Қўлёзма 78 бет, яна «Матлаб-ал-Толибин, Қўлёзма, 102 бет.

бўйлардаги ерларни ҳам худо йўлига ўзиники қилиб олади. Деҳқонлар Хожа Саъднинг устидан Абдуллахонга бу бедодликдан арз қилиб келадилар. Абдуллахон уларнинг шикоятларини тинглаб, қўйидагича жавоб беради. «Агар Хожа Калон мени икки қошим уртасидан ариқ ўтказаман деб айтса, унинг бу сўзини нуқ дейишдан ожизман»<sup>1</sup> деб жавоб берган.

Хожа Саъдга тегишли бўлган хўжаликларни территориал жиҳатдан бошқариш мақсадида 10 та саркорликка бўлинган бўлиб, саркорлар устидан махсус вакил (назоратчи) қўйилар эди. «Матлаб-ал-Толибин» да бундай саркорликлар 10та бўлиб, 1. Бухоро шаҳри ва атрофлари, 2. Бухоронинг 7 туманида, 3. Балхда, 4. Нармана, 5. Самарқанд, 6. Термиз, 7. Ҳисор, 8. Бадахшон, 9. Хуросон, 10. Марвда иш олиб борганлар.

Айрим саркорликларда девонлар бўлиб, булар — солиқ йиғувчилар, дафтардор — солиқ тўловчиларни ҳисобга олувчилар бўлиб, яна девонбеги — молия мудирини, пул, донларни сақлаш ва етказиб бериш мудирини каби мансаблар жорий қилинган. Ерларни кўпчилик қисми ижорачи-деҳқонлар меҳнати билан ишланиб, улар асосан ерсиз ва кам ерли қишлоқ аҳли эдилар.

Хожа Саъд ихтиёрида мулки (хусусий) ерлардан ташқари давлат ерлари (мамлакат) ва вақф ерлари ҳам бор эди. Ерларга қоранда деҳқонлардан ташқари яна қуллар ҳам ишлатилар эдилар. Хожа Саъд ихтиёрида бир минг қул бўлиб, асосан улар қалмиқлар, руслар, индуслар, эронлилар каби халқлардан ташкил топган эди. Уларнинг бир қисми деҳқончилик ишлари билан банд бўлсалар, бошқа қисми қурилиш, чўпонлик, уй хизматлари билан банд эдилар. Бутун вилоятларда махсус ғаллаларни сақлайдиган омборхоналар ташкил этилган эди. Бундай омборлар фақат Бухоро шаҳрида, тўрт жойда — Жўйбор, Сарафон, Таъминор, Сўмитонда бўлиб, уларнинг ҳар бирда 100 минг ман (Бухоро ўлчови билан ҳар бир ман ғалла 128 килгр.) ғалла сақланар эди. Хожа Саъдга тегишли бўлган энг кўп омборхоналар Балх вилоятида бўлиб, ҳар 10 пайкал сув ва ерга бир омбордан, ҳаммаси 120 та омборлар мавжуд эди. Бу омборларда бугдойдан ташқари ҳар хил нарсалар сақланар эди. Омборлардан ташқари ғаллалар чоҳ (чуқурлик) ларда ҳам сақланган. Уларнинг ҳар бирида бир минг мангага ғалла сигар эди.

Хожа Саъд ерини ишловчи ижорачор деҳқонлар феодал рентаси сифатида унга натурал шаклдаги солиқлар тўлар эдилар. Бу ижара ҳақидан ташқари энг кўп ғалла запасини Хожа Саъд қўлида

---

1. Абул Аббос Муҳаммад Толиб, «Матлаб ал Толибин», Қўлёзма, 142 бет.

туяланиши мамлакатдаги галла бозорларида ҳам маълум даражада уз таъсирини утказа олар эди. Шаҳар халқи, айниқса ҳувармандларнинг иқтисодий қарамлиги ҳам Хожа Саъднинг галласига боғлиқ эди. Ўш ташкил этган нонвойхонадан ҳар кун ибрг мингдан сшиқ нон ишириш, у нонни Хожани махсус одамлари йуйбор аҳлига — камбағаллар, мадраса муллобачаларига текинга тарқатиб чиқар эдилар.

Абдуллохоннинг илхоси гоятда баландлигидан фақирларнинг машатларига сарф қилиш учун ул Ҳазрат турган йуйборнинг атрофларидан унга обод қишлоқлар ажратиб берди. У ерларга бир қанча ариқлар чиқариб ва сув келтириб, чиройли боғларни қуриб, ўша ерларга жон киритди. Хожа Саъднинг экинзорлари мингдан ортиқ бўлиб ҳисобланган. Шу қадар кўп ва мул анжом устига яна тангри кўп молу-мулк берганки, етти иқлимнинг тез ҳисоблайдиган ҳисобчилари, уларнинг юздаи бирини ҳам ҳисоблай олмайдилар. Худонинг бергани бу ҳадяларнинг бир қисмини бечораларга берган.

### МАСНАВИИ

Етарли ақл ва тулиқ идрокка эга булган киши,  
бойлигини ортиши билан ман-манлик қилмайди.  
Ҳарчанд унинг оғирлиги меваси сингари  
қанча кўп булса, танаси шунча ерга энглади.

Хожа Саъд ҳақида ўша давр тарихчиси Ҳофиз Таниш қуйидаги Маснавийни айтади:

Унинг бойликлари чексиз булса ҳам,  
Молларнинг кўплиги саюқдан ортиқ булса ҳам  
Унинг иши фақирлар харожатларини таъминлаш  
Ва уларнинг ҳажатларига сарф қилиш ан узга нарса эмас.  
У гариблар учун доимо сарф ишнинг сабаби  
унинг сарфи холисдир ва тангри йулидадир.<sup>1</sup>

Бу матнини ва бу давоини тасдиқловчи гап «Тафсират ал Мубтадин» китобининг учинчи бобида айтилган, ки жаҳон аёнлари мол-мулкка эга бўлишлари ёмон эмас, балки давлатга (молк-мулкка) ҳире қўйишдан қайтмаганлари ёмондир. Ҳазрат Муҳаммад пайгамбар айтганларки, дунёни дўст тутиш ҳар бир гуноҳнинг бошидир. Шунинг учун, — деб ёзади Ҳофиз Таниш ўзининг «Абдулланом» китобида, — дунё тўплаш баъзан одамни улуг даражага етказди, баъзан тубан даражага туширади. Ҳадисга кўра ҳар қимса тўплаган молияни худонинг розилиги йулида сарф қилиши керак. Ниманг бўлса уни тангри учун бер, уни бечораларга бағишлаш ифзалдир.

Хожа Убайдуллоҳ (Аҳрор) айтганларки, кўп кишилар буладики,

1. Ҳофиз Таниш. Абдулланом. Т. 1966, 147-148 бетлар.

бойликнинг кўпчилигида нозу-неъмат ва биноларнинг тўпланишида бизга тақлид қиладилар, лекин унинг уддасидан чиқолмайдилар, натижада увол, азоб, адашиш ва гумроҳликка тушадилар.

**Сўфи агар майин меъёри билан ячса нўш бўлсин,  
Бўлмаса бу ишнинг андишасин унутсин.**

Шу сабабдан ул Ҳазрат (Хожа Калон) ҳаминша муҳтожлик саҳросида ташна бўлганларни меҳрибончиликнинг тиниқ суви билан ссрўб қиларди. Уларнинг ҳожатларини чиқаришда ва ҳаражатларини кўтаришида ниҳоят тиришарди. Чунки азиз оталари ундан ниҳоятда рози бўлиб, фарзандлари ҳақида яхши дуо қилганлари сабабли, тангри ул кишининг мол ашъёсига тўла баракат бердики, кочорларга қанча кўп берганда ҳам камаймади. У ўзининг умрини мадраса, масжид, хонақоҳ, ибодатхоналар қуришга сарфлади. Обод қишлоқлар ва маргуб экинзорларни уларга вақф қилиб берди. У ўз оёғини азсб йўлидан бошқа томонга қўймади. У ҳеч вақтда одобликнинг мақбул расмини ва поклик шеvasини ўз қўлидан бермайдди. Одоб — бу тоифанинг урф-одатича оллоҳдан бошқани хотирага келтирмасликдир. Назм:

**Асли сўфийлик одобдир, ундан ортиқ эмас,  
Одобсизлик (бўлса) дарвеш одати эмас.**

Тасаввуфнинг ҳаммаси одобдан иборатдир. Ҳар бир саодатнинг сармоясини, ҳар бир кароматнинг безағини одобдир.

Абу Аббос Муҳаммад Ибн Хожа Тожиддиннинг «Матлаб-ал-Толибин» китобида ёзилганича Хожа Саъд бир қанча жойларда халқ ҳашари йўли билан бир қанча қурилишлар қилади. «Дар Бухоро мадраса ва масжиди жомин олний бино намуданд, дар авқоф мадраса ва масҷиди подшоҳи ва умаро дар вақф ў зиёда нест. Масҷиди Корхона, масҷиди Хиёбон, хонақойи Жўйбор, бинойи мадрасайи Калобод ва бинойи масҷиди мадрасайи Сомгин, масҷиди Деҳнав (Шофиркон райони), масҷиди Исфени, масҷиди Зандана, масҷиди Қоракўл боз, ёздаҳ ҳамом ва сардоба ба тамом расонида ва дар вилоти Насаф (Қарши) инчунун чанд ҳарам сарой ва Санд масҷид бино карданд».<sup>1</sup>

**Мазмуни:** Бухорода мадраса ва жамоа масҷиди қурди, подшоликдаги ҳеч бир мадраса ва масҷид унга қилинган вақфдек вақфга эга эмас эди. Корхона (гузар) масҷидини, Хиёбон масҷидини, Жўйбор хонақосини, Калобод мадрасасини, шунингдек районлардаги Сомгиндаги масҷид ва мадраса биносини ва ҳарам сарой биноларини, Деҳнав (Шофиркон райони), Исфени (Пешку райони, Ибн Сино тугилган қишлоғининг иккинчи номи), Қоракўл масҷидларини ва ўн

1. Матлаб-ал-Толибин, қўлёзма, 103 бет.



бир ҳаммом ва сардобалар қуриб битказган. Булардан ташқари На-саф (Қарши) вилоятида бир неча ҳарам сарой ва масжидлар бино қилган, деб ёзади «Матлаб-ал-Толибин» да. Бу бинолар қўлчилиги ўз маблағи ҳисобидан қурган ва қўлгина қурувчилар, мардикорлар савоб йўлида шундай биноларда текин ишлаганлар.

Хожа Саъд бир қанча устахоналар, улар орасида ҳарротлик, тўқувчилик, рангрезлик, ип-калава чиқариш, кудунгкуби (ипак пил-лаларни калава қилиш каби устахоналар) сотиб олган. Шунингдек, у жуда кўп ун тегирмонлари (Харос, Оснё) га эгаллик қилган. «Матлаб-ал-Толибин» да ҳикоя қилишича, Хожа Саъднинг жуда кўп чорва молларини юзларча йилловларда бир неча минг чорва-чи-чўпонлар боққанлар. Чулларда 25 минг қўй, бир минг туя, 1500 «тлар боқилган. Отхоналарда эса энг яхши зотдор аргимоқлар мах-сус боқилган.

Хожа Саъднинг йиллик даромади 1600 минг танга бўлиб, уша даврдаги бутун Самарқанд вилоятининг йиллик даромади билан тенг бўлган. «Матлаб-ал-Толибин» да ёзилишича, «Мулло Бобоқули Девон вакил буд, Саду бист жуфти гов зироат ва сад барда (қул) дошт».<sup>1</sup>

**Мазмуни:** Хожа Саъд бошқармаси бешда турган Бобоқули 120 жуфти гов (ҳозирги ҳисобда 108 гектар) экиладиган ерларни, 100 та Зархарид қўлнинг эгаси бўлган.

Хожанинг молиявий ишларини олиб борувчиларга вазир унвони берилган. Солиқ ишлари масалалари билан шугулланадиган киши-лар Саркор деб аталган, ҳар бир саркор олдида дафтардорлар бў-либ, фақат марказий дафтархонада 40 та мирзо ишлаган ва район-лардаги солиқ участкаларида донмий саркорлар бўлиб, ҳар бир саркор олдида 72 девон (солиқ йиғувчилар) бўлган.

Маъказий бошқармада 2 мирохўр (отларни бошқарувчи) ва 2 та бакаулозиқ-овқатларни бошқарувчи) бўлган. Хожа Саъдга қарашли бўлган чорвадорлардан доруға деб аталган солиқ олинган. Хожа Саъд саройида Қози (шарнат суди) бўлиб, бундан ташқари қозилик штати Балх ва Қаршида ҳам бўлган. Термизда муфти штати бўлган. Қозилар Хожа Саъд ерларида ўтирган аҳоли устидан солиқларни тўлаши, диний урф-одатларни бажариши ва ҳоказолар устидан на-зорат олиб борган. Суд маъмурий ишларида Хожа ерлари давлатдан тамомила мустақил бўлган.

Хожа штатида овчилик штати бўлиб, буни қўшбеги, миришқор (овчилик мири) каби унволари бўлиб, миришқор ихтиёрида 700 та овчи бўлган.

«Матлаб-ал-Толибин» да ёзилишича, Хожа Саъд давлат ҳукмронлари ва мартабали диндорлар, айниқса, шарқдан Ҳиндистон, Туркия каби мамлакатларнинг кўпгина шаҳарларидан турли ниёмлар ва мактублар олган.

Хожа Саъд 13 зул-ҳижжа 997 (23. X. 1589) йилда вафот этади. Унинг қabri ҳам Сумитон (Чарбақр) мавзудаги Жўйбор шайхлари қумилган мазорга дафн этилади. Абдуллахон Хожа Саъднинг катта ўгли Тожиддинни бош мерсхўр ва бутун мамлакатдаги вақфларнинг мутавалиси қилиб тайинлайди. Қолган икки ўгли Абдурахим билан Абдукарим Абдуллахон саройида ҳарбий хизматчи сифатида хизмат қиладилар. Абдуллахоннинг марказлашган катта феодал давлатининг ташкил бўлишига, озми-қўми Жўйбор хожаларининг таъсири бўлган. Улар феодал тарқоқликка қарши курашда Абдуллахонни қўллаб-қувватлаганлар. 1598 йилда Абдуллахон ўлимидан кейин мамлакатда феодалларнинг марказий ҳокимиятга қарши кураши кескин тус олади. Айрим ахборотларга қараганда, Абдуллахоннинг ўгли Абдулмумин иштирокида подшо захарланиб ўлади. Аммо 6 ойдан кейин Абдулмумин ҳам ўлдирилади. Ҳукмронлик династияси шайбонийлардан аштархонийларга тегади. Аштархонийлар ҳарбий-феодал амалдорлар манфати йўлида итоткор ҳукмронларга айланиб қоладилар.

Шунга қараб Жўйбор шайхлари ҳам ўз сиёсий тактикаларини ўзгартирадилар. Улар хонларгагина ўз таъсирини ўтказибгина қолмай, сарой амалдорларини ўз томонларига ағдариб йўли билан уларни давлатни марказлашувига ҳаракат қилишларига ундайдилар. «Матлаб-ал-Толибин» да ёзилишича, айрим феодаллар ва Хожанинг молния ходимлари Жўйборий хожаларининг ерларида ўзларини тўла хўжайиндек ҳис қилар эдилар, тинч йўл билан уларни муроса келтириш имконияти бўлмаган. Хожа Тожиддин бундайларни яширин равишда йўқ қилар эди. Бир кун Имом Қулихон даврида янги тайинланган Девонбеги Жуманбий Хожа Тожиддинни чақириб, унга қараб «биринчи ишимни сиздан бошламоқчимман» деб пўписа қилади. Аммо ўша кечаси номатълум шахслар томонидан янги девонбеги ўлдирилади. Қандай кишилар ўлдирганлиги номаълумлигича қолади. Лекин унинг ўлимига Хожа Тожиддиннинг қўли борлиги аниқ маълум эди. Хож Тожиддин қўлида Бухоро райони, Балх, Самарқанд, Тошкент, Андижон, Ҳисор, Гузор, Шаҳрисабз, Қарши, Қорақўл, Чоржўй каби вилоятларда бир мингдан ошиқ мулкий ер участкалари, тошдан бино қилинган саройлар, ёпиқ бозорлар, бозор растанлари, ҳаммомлар, тегирмонлар, юзлаб ҳовли жойлар, дўконлар, устахоналар кирар эди. Бухоро районидagi Ҳасанобод мавзуда бир неча чорбоғ ва дўконлар, шу мавзудаги 9 та деҳаси (қишлоқлари) Хожа То-

жиддинга қарар эди, бу ерлар ҳар йили бир минг ман ғалла берар эди.

Бир вақтлар бу маввудаги тўғон бузилади. Бу тўғонни тузатиш учун Хожа Тожиддин ўзига тегишли деҳқонлардан бир мингдан ортиқ мардикорларни жалб қилади. Унинг 20 минг қўйлари, 20 қатор туялари (бир қатори 100 туягача), ҳужаликда 500 қул (Ғуллом) бўлиб, кўпчилиги қишлоқ ҳужалиги билан банд эди. Хожа Тожиддин мулкий (хусусий) ерлардан бир йилда Бухоро катта ўлчови билан 150 минг ман (катта ўлчов бирлиги ман 128 кг ёки 8 пудга баробар) ғалла даромад қилган. Марказий бошқармада девонбеги молиявий ишларни олиб борган. Мунши унинг ёрдамчиси ва мушриф — унинг секретари бўлган. 14 та ҳисобчи (нависанда) унинг даромад ва буромадларини ҳисоблаб улгура олмаган. Жойларда ҳам Сарқордорликларга бўлиниб, уларнинг ҳар бирининг ихтиёрида 70 дан ошиқроқ ҳисобчилар бўлган. Хожанинг махсус библиотекаси бўлиб, унда бир мингдан ортиқ қўлёзма китоблар бўлган. Уларнинг кўпчилиги диний ва тарихий китоблар бўлган. Машҳур ҳатот Мир Али томонидан китобат қилинган, қимматли қўлёзмалар анчагина бўлган. 25 фирқа (группа) кўчманчилар Хожанинг махсус ҳокимияти остида бўлиб, Хожа ҳокимиятига кирган фирқалар (элотлар) давлат солиғи (закот) ларидан озид қилинганлар.

«Матлаб-ал-Толибин» автори бундай ҳикоя қилади: «Бир кунни хон вилоятларга солиқларни териш учун Шарифзода деган ясаудни юборади. Ясауд Хожа ҳомиларидан бўлган кўчманчилардан ҳам биртадан қўй ва бошқа нарсаларни солиққа йиға бошлайди. Ўзларининг Хожани раиятлари ҳисоблаган кўчманчилар Хожа Тожиддинга арзга келадилар. Ясаудни Хожа ҳузурига келтирадилар. Хожа Ясаудни чўп билан шунчалик урадики, унинг улишига сал қолади.

Хожа ҳар йили 40 минг ман ғалла ўзининг хизматкорлари ва яқинларига сарфлаган, 30 минг ғалла эса тортуқ сифатида Ақобир ва атрофларга (хонликдаги юқори мансабдорларга) берилган. «Матлаб-ал-Толибин» китобида Тожиддин укалари ҳам ўша даврнинг катта феодаллари бўлганлар. Хожа Абдурахим Хожа Саъднинг уртанча ўғлининг 600 жойда экиладиган мулк ерлари, 44 чирбоғи, бир неча юз қўй отарлари, 7 та сарой, 2 та тош сарой, 7 тимча, бир неча тегирмон, ҳовлиларга, 15 қатор туя, отлари бўлган. Унинг ихтиёрида 400 та қул бўлган. Умуман даромади 100 минг тилла, 40 минг хони танга (олтин) бўлган.

Хожа Саъднинг кичик ўғли Абдулкарим Хожанинг 500 дан ошиқроқ мулк ерлари, бир неча бозорлар, дуконлар ва ҳоказо бойликлари бўлган. 400 томлик қўлёзма китоблари бўлган. У Бухоро хони Боқи Муҳаммадхоннинг синглисига уйланади, кўп ўтмай

улар орасидаги никоҳ бузилади. Хонлар билан Абдулкарим Хожа орасида жанжал туради. Қози буйруғи билан у бутун мол-мулкидан маҳрум қилиниб, ўзи Ҳиндистонга қочиб кетади. Хожа Тожиддиннинг ўртанча ўғли Абдулрахим Хожа ўзининг мол-мулкидан ажралишдан қўрқиб, укасининг бева хотини, Гоқи Муҳаммадхон синглисига уйланади. Унинг эвазига хон унга бир неч қишлоқларни инъом қилади. Имом Қулихон (1611-1645) тахтга чиққая даврда, Абдурахимхон қандайдир сабаб билан Маккага қочади.

Тожиддин ўзининг ҳаёти даврида Абдуллахондан (1598 йил) то Абдул Азизхон (1645 йил) гача 7 хонни тахтга ўтирганини гувоҳи бўлади. Шу давр мобайнида у ҳар қандай хон билан ҳам умумий тил топишга ҳаракат қилган.

Имом Қулихон Хожа Тожиддинга ўзининг синглисини бериши билан, унга Пармаст (Шофиркон тумани), Нурҳ ва Гузор туманларини тортиқ қилган. Унинг «Муқаддас» диги овозаси бир қанча мусулмон давлатлари ҳукмронларигача бориб етади. Чунки, унинг мингларча муридлари дарвешлар (қаландарлар) турли мусулмон давлатларига бориб, Жўйбори шайхларни, айниқса, ўзларининг пирлари Хожа Тожиддинни шанига турли афосналар тўқиб, уни «авлиё», «Муқаддас» даражасига ҳўтарар эдилар. Булар ўша мамлакатлардаги хонлар ва юқори мансабдорлар қулогига етмай қолмас эди. Шунинг учун Ҳиндистон, Эрон, Хива, Қашгар, Қозоқ чўли хонлари ва бошқа ҳукмдорлар, хонзодалар унга элчилар орқали турли тортиқлар, инъомлар юборар эдилар. Жўйбор ўша даврдаги ҳарбий-феодал, шахзодалар, амалдорлардан бошлаб, то гадоёларгача бўлган, яъни подшолар қаҳр-газабидан қочган кишилар учун бош-паноҳлик жойини ўтар эди.

Тожиддин 74 ёшида 2 ноябрь 1646 йилда вафот этади. **Хожаги** мансаби унинг ўғли Муҳаммад Юсуф Хожага тегади. Абдул Азизхон Юсуфхожа Яқуб Хожага қизини беради ва бир неча қишлоқларни Юсуфхожага Суюргал қилиб беради. Суюргал подшо томонидан шахзодалар, амир ва руҳонийларга бериладиган инъом (пул, мол-мулк, ер-сув) бўлиб, суюргал наслий ҳисобланган, уни олган шахсга ўша ерларга тула ҳокимлик қилиш ҳуқуқи ҳам берилган. Юсуф Хожа 1661 йилда вафот этади. 1681 йилда Хиваликлар Бухоро шахрига бостириб кирадилар ва Жўйборидаги Хожалар резиденциясини ўз лагерларига айлантирадилар.

Хиваликларла қарши курашда Жўйбор хожаларидан Муҳаммад Боқи (Муҳаммад Солихнинг ўғли Хожа Абдурахимни невараси, Хожа Абдурахим Тожиддиннинг ўртанча укаси) бош бўлади. Ундан кейин ҳам Жўйбори Хожаларининг диний сиёсий роли анча ошади.

Убайдуллахон (1762-1711) Жўйбори хожалардан Шаихул Ислом қилиб тайинлайди. Абдулфайзхон (1711-1747) йиллардаги ҳукмрон-

лик даврида Ҷазро урушлар кучаяди. Бухоро харобазорга айланади. Ҳўйбор хожаларининг ҳам ҳўжалиги тушкунликка тушади. XVIII асрнинг 50 йилларидан бошлаб мангитлар сулоласи даврида Ҳўйбор хожалари яна Бухоро ҳаётининг ижтимоий-сиёсий ишларида актив қатнашадилар, яна уларни Шайхул Ислом ролида кўраимиз.

Халқ орасида Ҳўйбор хожалари ҳақида бир қанча ривоятлар, афсоналар ҳалигача сақланган бўлиб, у афсоналарининг айримларида тарихий фактлар бузилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Бир замонлар Ботурхон (Амир Насрулло) даврида Хожа Саъд (Хожа Қалон) унинг ҳўзурига кириб, у билан суҳбатлашиб ўтирганда, Мир Насрулло унга «дунёда энг яхши нарса нима» деб савол беради. У дунёда энг яхши нарса «пўшидан, хўрдан ва ридар» (киймоқ, ичмоқ ва ташқарига чиқармоқ) деб жавоб беради. «Амир Хожа Саъдга шубҳа билан қараб, уни жиннига чиқаради. Хожа Саъд кетгач Амир Насрулло «ичак буралиши» (заворот кишек) касалига чалинади. У тавба қилиб эшонга ялинади. Хожа Саъд асосининг учини унинг қорнига тегизиши билан газлар чиқиб, қорин бўшаб қолади. Ботурхон буининг эвазига Ҳўйборий Хожа Саъдга хатирчи ва бошқа жойлардаги ерларни ишўом қилган экан.

Ҳўйбордаги Хожа Саъд томонидан қурилган хонақоҳга ҳомиладор аёллар келиб сажда қиладилар. Амир Насрулло Қорин шшидан осон қутилгани каби, ҳомиладор аёллар ҳам ўзларининг ҳомиладорликдан осон қутилишини умид қилиб, бу хонақоҳ назрхўрларига пул, ис, ҳалвойитар ва бошқа совғалар олиб келганлар. Юқорида кўрганимиздек, бу афсона ҳақиқатга тўғри келмайди. Ҳўйбор хожаларидан Хожа Исломининг ўгли Хожа Саъд шайбонийлар даврида (XVI) асрда яшаган. 1538 йилда вафот этади.

Амир Насрулло (Еотирхон эса) 1826-1860 йилларда Бухорода Амири қасоб номи билан машҳур бўлган. Лекин Мангит амирлари даврида ҳам Ҳўйборий хожалар натта сиёсий ва иқтисодий мавқенга эга бўлганлар.

Амир хонадонидagi қизлар фақатгина Ҳўйбор хожаларининг угилларига берилган. Бунга и кишилар «Кўёв Хожа» унвонини олган. Ҳўйбор хожаларидан бир қисми амир саройида юқори мансабларда бўлганлар, уларни хожасипоҳлар деб атаганлар. Ҳар эрталаб улар амир саройига бориб салом бажо келтирганлар. Уэ навбатида Бухоро амирлари ҳам ўзининг қариндошларини кўриш баҳонаси билан Ҳўйбор хожаларига меҳмон бўлганлар. Бундай маросимлар тантанали ўтган. Арк дарвозасидан Ҳўйборгача амир йўлига гиламлардан поёндоз ташланганлар. Пўлнининг икки томонидан сарбозлар, халқ сарбозлар орқасида туриб амирга таъзим бажо келтирган.

Аммо Ҳўйборда яшаган ҳамма хожалар бой ва обрўли эмас эдилар. Фақат бир неча онла юқори феодал-руҳонийлар жамоасига тегилли

эди. Қолган оилалар Ҳўйборий хожаларга мансуб бўлишларига қарамай, фақирона умр кечирганлар, ва ҳеч қандай даромадга эга эмас эдилар. Фақат ўз меҳнатлари билан кун кемирар эдилар. Хожалар орасида кавшдўзлар (оёқ кийими тикувчилар), тўқувчилар бор эди. Унчалик бой бўлмаган Ҳўйборий хожалар эшонларининг кейинги ўғилларидан бўлиб, улар оталаридан жуда кам миқдорда мерос олар эди. Энг кўп меърос катта ўғилга тегар эди.

Ҳўйборда хожаларга кирмаган қорачалар ҳам бўлиб, улар вассал пиллакашлик, адрас, бекасаб, баҳмал, шойи( ипак) бофлик билан шугулланар эдилар. Сўфизмнинг нақшбандлик тариқатини давомчилари бўлган Ҳўйборнинг нуфузли Хожалари, айниқса, Хожа Ислом, Хожа Саъд, Хожа Тожиддин сиёсий соҳада ҳам катта роль ўйнаганлар.

Хофизи Таниш Бухорий ўзининг «Абдуллонома» асарида Ҳўйборий хожалар феодал давлатида катта сиёсий-диний кучга эга бўлганликларини курсатувчи қуйидаги шеърини келтирамиз:

**Хар икки жаҳоннинг давлати — дарвешларининг хизматиدير,**

**Дину-дунёнинг ҳаммаси дарвешларнинг суҳбатидандур**

**Гадога тож бериш ва шоҳдан тахт олиш**

**Буларнинг ҳаммаси — дарвешларнинг қудратли қўлидадир.**

**Агар сенинг ишинг юришмаса саросимага тушма**

**Чунки унинг кушоди дарвешларнинг ҳиммати эшитидадир.**

Шу мисралардан маълум бўладики, ўша даврларда дарвешлар катта иқтосидий-сиёсий ва идеологик кучга эга бўлганлар.

## ХАЛИФА ХУДОЙДОТ

Халифа Худойдот гузари Бухоро шаҳрининг ҳозирги Ибн Сино мактаби атрофлари бўлиб, бу гузарда XX аср бошларида 170 хонадон яшаган. Бу гузарда иккита ёнма-ён мазорлар бўлиб, бириси Халифа Худойдот, иккинчиси Эшон Имом деб аталган. Халифа Худойдот мазорида Сардоба, хонақоҳ бўлиб, улар XVVI аср тарихий ёдгорликларидандир. Маҳаллий халқ бу хонақони Халифа Худойдотнинг буйруғи билан халқ устаслари томонидан қурилган деб ривоят қиладилар. Ривоятларга қараганда, Халифа Худойдот бундан 200 йил муқаддам яшаган эмиш. О. Сухареванинг ёзишича, XIX аср ўрталарида туғилган қурувчи Уста Мажид болалик даврида 103 ёшга кирган бир чол билан суҳбат қилганида, у чол, ёшлигида Халифа Худойдотни қурган эмиш. Халифа Худойдот Бухорога Урганчдан келган эмиш. О. Сухарева Уста Мажиднинг хотираларидан хулоса чиқариб, Халифа Худойдот «Лутфи Бузург» қўлёзмасида курсатилган Шайх Худойбердиннинг ўзи деган хулосага келади. Бу манбанинг курсатилишига қараганда, шайх Худойберди 6 ёшлик болалик даврида Бухорога келтирилган.

Бу даврда Муҳаммад Раҳимжон Мангит (1753-1758) ҳукмронлик қилар эди. Худойберди Бухоро ҳукмдорларининг катта ҳурматига сазовор бўлган. Кўп умр кўриб 1841 йилда вафот этган.

Худойбердининг ҳаёти ҳақида унинг ўғли 1842-1843 йилларда алоҳида китоб тарихасида ёзган. О. Сухареванинг маълумотига қараганда, икки шайхнинг ҳаёти ва фаолияти бир-бирига ўхшайди. Ҳатто уларнинг исмлари ҳам тожик тилида Худойдот сўзи ўзбек тилида «Худойберди» деган сўз ҳам бир хил маънони билдиради, деб ёзади. Шунинг учун О. Сухарева бу иккала шахсни бир киши деб ҳисоблайди.

Бешқа ривоятларга қараганда, Халифа Худойдот Абдулазизхон (1645-1680) ҳукмронлиги даврида яшаган. Абдулазизхон бир вақтда ҳам Халифа Худойдотни, ҳам Мавлоно Шарифнинг (XVII аср) муридлари бўлган. Шунинг учун ҳам иккала Шайх Хон Абдулазизни ўз муридига айлантириш учун узоқ йиллар кураш олиб борганлар. Хоннинг ўзи ҳам уларнинг қайси бирига мурид бўлишни ҳал қила олмаган.

Афсоналарга қараганда ҳам бу ишни ҳал қилишни ўзининг миниб юрган отига ҳавола қилган. Кунлардан бир кун хон буйруғи билан уни ўз отига миндирадилар. (Чунки Абдулазизхон паралич касалига узоқ йиллар давмида мўбтало бўлиб, юра олмас эмиш), хон отни ўз ихтиёрига қўяди, от дастлаб Халифа Худойдот яшайдиган маҳаллага қараб, юради. Пули Ошиқон (Шаҳрудининг Халифа Худойдот маҳалласига олиб борган кўприк шу ном билан аталган) га яқин боргач, Мавлоно Шариф маҳалласи томонига қайтади. Ярим йўлга келгач, яна «Пули Ошиқон» кўприги томонига қайтади. Лекин кўприкдан ўтмасдан яна орқасига қайтади. Ниҳоят, ўзининг эгасини Мавлоно Шариф дарвозаси оллига олиб боради ва ўша жойда тўхтади. Мавлоно Шариф ҳовлиси шаҳарнинг марказида эди. Қе тўхтади. Мавлоно Шариф ҳовлиси шаҳарнинг марказида эди. Кейинчалик шу маҳалла унинг номи билан аталади. Эшонга хоннинг келганини билдирадилар. Мавлоно Шариф шу аснода Муҳаммад пайғамбарнинг руҳи билан суҳбатлашаётган экан, Мавлоно Шариф хонни ҳузурига олиб киришларини ўз хизматкорларига буюради. Бу сўзни эшитган хон ўзи отдан сакраб тушади, ҳеч қачон паралич касалига учрамагандек, ўз оёғи билан бемалол юриб эшон ҳузурига киради.

Хон пирнинг олдига кирганида ўзини йўқотиб қўяди. Сал ўзига келгач, уларнинг суҳбатида хон ҳам бемалол аралашади. Хоннинг Мавлоно Шариф ҳузурига борганидан хабардор бўлган Халифа Худойдот газабланиб, ўзининг бир минг муридлари билан Мавлоно Шарифдан ўч олиш мақсадида, унинг ҳовлисига боради. У куч билан хонни ўз томонига ағдариш ниятида эди. Лекин Мавлоно Шариф

ҳужрасида пайгамбар руҳини кўргач, ўзининг ўч олиш ниятларидан қайтади ва умумий суҳбатга аралашади.

Шундан сунг, Абдулазизхон икки эшоннинг ҳам муриди бўлиб, қолади ва иккала пири бир-бирлари билан яраштиради. Суфизм жамоалари бошлиқлари ўртасида юқори табақаларни, хонларни ўз муридларига айлантиришда, улар ораларида ҳаминша жанжал бўлиб турган. Ҳатто бир сўфийлик жамоаси билан иккинчи сўфийлик жамоаси ўртасида қонли курашлар, ҳатто бир-бирларини оломон қилиб ўлдиришларигача бориб етганлар.

Пайгамбарнинг руҳи билан суҳбатлашиш масаласига келсак, кўпчилик машоҳлар ва сўфилар Муҳаммад пайгамбар руҳлари билан суҳбат қилганликлари ҳақида диний ва революциягача ёзилган тарихий асарларда ҳам ўз аксини толган. Ёки Баҳоуддин, Аҳмад Яссавий, Абул Холиқи Гиждувоний каби тариқат пешволарининг ҳам руҳлари билан учрашиб суҳбатлашганлари ҳақида маълумотлар бор. Бундай тариқат ботиний (махфий, ёпиқ) таълимот деб аталади.

Руҳлар билан суҳбатлашиш фақатгина Ислоҳ динида эмас, қадимги юнон фалсафий қарашларида, христинан, яҳудий, қадимги дин формаларининг айримларида ҳам учрайди.

Ҳозирги замон жаҳон олимларининг айримлари, (шу жумладан, Совет олимларининг бир гуруҳи) руҳнинг мавжудлигини тан олмоқдалар. Ҳатто Ўзбекистонда чиқадиган «Фан ва турмуш» мажалласи 1989-1992 йилларда бу тўғрида бир неча мақолалар эълон қилди. Бу муаммо ҳалигача узиш-кесил ҳал қилимаган муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Диний ва тарихий манбаларга қараганда, Халифа Худойдот ва Эшони Имло бир даврда яшаганлар. Халифа Худойдот мазори билан ёнма-ён Эшони Имло қабри ва мазори бўлиб, каттагина квартал (гузар) ҳам шу ном билан аталган. Эшони Имло кварталида XX аср бошига 360 хонагон яшаган. Эшони Имло мазорида маърифат амирлар ва уларнинг оилаларининг айримларини жасадлари дафн қилинган. Шунинг учун амирлик даврида бу мазорда ҳамма вақт сарбозлар қоровуллар турганлар. Эшони Имлони «авлиёи охир замон» деб ҳисоблаганлар, ундан кейин «авлиё» бўлмаган деган ривоятни Бухоро руҳонийлари айтадилар. Лекин ундан кейин ҳам Бухоро шаҳри ва унинг вилоятларида улаб «авлиёлар» уларнинг номлари билан аталган мазорлар бўлганини кўриш мумкин. Масалан, Шукурбек, авлиёи Намадпушон, авлиёи жаннат макон (Амир Шомурод) ва ҳоказолар. Улар ҳақида кейинроқ фикр юритамиз.

«Мажму ат таворих» деган асарда Халифа Имло 1266 (1806-1810) йилда вафот этган деб ёзилган. Аммо бу асарда унинг вафоти ҳақида сана тамомила нотўғридир.



Чулки «Тухфат аз зоҳирин» китобида Эшони Имло 1162 (1748-1749) йилда вафот этган деган маълумотни беради. Шунингдек, 1760-1761, 1812 йиллардаги қўлёзма ҳужжатларда Эшони Имло гузари ҳақида сўз боради. Эшони Имло сўфизм тарғиботчиларидан бўлган. Бухоро амирлари олдида катта диний ва сиёсий мавзёга эга бўлган. Шунинг учун ҳам унинг вафотидан кейин уни «авлиё» даражасига кўтарганлар ва унга атаб хонақоҳ ва бошқа диний бинолар барпо қилдирганлар. Аммо 1950-1960 йилларда бу мазорлардаги сардоба, хонақоҳ, масжид, қабрлар, маҳаллий раҳбарларнинг динга қарши кураш баҳонаси билан ер билан текисланиб ташланди. XVII аср тарихий ёдгорлиги бўлган бу муқаддас жойлардан ному-нишон қолмади.

### АЙРИМ ПОДШО ВА АМАЛДОРЛАРНИНГ ИЛОҲИЙЛАШТИРИШ САБАБЛАРИ.

Ислом динида айрим подшолар, саркардалар, амалдорлар ва ҳатто араблар истилосида қатнашган айрим шасхлар ёки бутун бошли араб қўшинлари дастаси ҳам маълум тарихий даврда ва шароитда руҳонийлар томонидан муқаддаслаштирилган ва уларнинг қабр-мазорларига диндорлар бориб зиёрат қиладилар, уларнинг ўлган жасадидан «мадад» сўрайдилар.

XIII асрнинг иккинчи ярмида яшаган Ўрта Осиёлик олим Жамол Қарши «Мулҳақат ас-сурах» деган асарига Халифа Усмон томонидан Косон-сой водийсини талаш ва забт этиш мақсадида Муҳаммад бини Шариф қўмондонлиги остида катта қўшин юборади. Шу водийнинг Испидбулоқ деган жойда катта жанглар бўлиб ўтади. Бу жангда «кофирлар» (Маҳаллий халқ) ғалаба қозониб, бу ерда Ислом лашкарларидан 2700 киши, шу жумладан, қўшин қўмондони Муҳаммад бини Шариф ҳам ҳалок бўладилар. Шу ерда уларни дафн қиладилар. Ислом дини мустаҳкам ўрнашиб олгандан кейин, бу ерда дафн қилинганларнинг қабрлари «муқаддас» лаштирилади ва бу ерни диндорларнинг зиёрат маконига айлантирганлар.

Шунингдек, Бухоро шаҳрида Ғозийён (ислом дини учун курашувчилар) кўчаси бўлиб, Ислом дини учун «муқаддас» уруш (газоват) иштирокчиларидан 44 жабрдийдалардан бирининг мазори ва қабри шу жойда бўлганлиги учун, бу кўчанинг номини ҳам Ғозийён (ғозийлар) деб атаганлар. Руҳонийлар Ислом дини учун курашувчи қирқ тўрт жабрдийда-ғозийлар Бухоронинг Қарши дарвозасидан то Қорақўл дарвозасигача бўлган кўчаларда уларнинг қабри бўлган деган афсоналарни тукиганлар. Ривоятларга қараганда бу «муқаддас» кишилар қирқ тўртта бир қўзли мужоҳидлар (Чилу чор мужоҳиди ян чашма) деб атаганлар. Мужоҳид арабча нитилувчи, гайрат қилувчи

деган маълони билдиради. Суннийларда диний ҳуқуқ мазҳабларининг асосчиси ва Ислом дини учун курашувчи шахсларга айтилган.

Афсоналарга қараганда, 44 мужоҳидлар Бухорога араб қўшинлари билан ғазоват истаб талончилик ва бойлик тўплаш учун ўз хоҳишлари билан келдилар, кўп жанглардан кейин ғазоталаблар мағлубиятга учрайдилар ва бошқалар қатори 44 мужоҳидлар ҳам «кофирлар» қўлига асирга тушадилар. Бухороликлар улардан Мовароуннаҳрдан чиқиб кетиш ва бошқа бу юртларга босқинчилик қилмаслик ҳақидаги ваъдаларини олгач, уларни асирлиндан бушатиб юборадилар. Қирқ тўрт мужоҳидлар ўз ваъдаларига унутиб, яна Бухоро атрофига таловчилик, қароқчилик билан шуғулланадилар. Иккинчи марта яна қўлга тушадилар. Оташпарастлар уларни қийнайдилар ва ҳар бирини биттадан кўзини ўйиб оладилар. Яна уларни асирликтан озод қиладилар. Улар 3 ичи марта Қутайба қўшинларига қўшилиб, «кофир» лардан ўч олиш учун келиб жанг қиладилар ва бу жангда «Қирқ тўрт бир кўзли жабрдийда мужоҳидлар» ҳалок бўладилар. Уларнинг жасадлари Бухоронинг турли жойларида дафн қилинган экан. Шундай қилиб, ўз ваъдаларига турмаган қирқ тўртта бир кўзли ғазоталаб мужоҳидларни «авлиё» даражасига кўтарадилар. Кўп замонлар ўтиши билан бир хил таржимаи ҳолга эга бўлганликлари учун уларнинг кўпчилиги унутилади. Фақат Ғозиён маҳалласидаги Имом Ғозий қабри ва мазори қолади. Аммо Имом Ғозийнинг ҳам номи аниқ эмас. Яқин вақтларгача бу қабрни зиёрат қилувчи диндорлар анчагина кишини ташкил этар эди. Сохта қабристонларни вужудга келтириш. «муқаддас» жойларни сунъий равишда бир жойдан иккинчи жойга кўчириш фақат Бухорода эмас, балки бутун мусулмон шарқига ҳос бўлган ҳодисадир.

Ислом таътимотига кўра, истелочилик урушларида ҳалок бўлган араб лашкарлари дафн қилинган жойлар «шаҳидлар мазори» деб ҳам эълон қилинган. Кейинчалик эса ана шу мазорлар тепасига халқдан тортиб олинган бойликлар ва меҳнаткашлар оммасининг меҳнати ҳисобига ҳашаматли мақбаралар тикланган.

Кўраяспизки, ўз ватани учун курашиб қурбон бўлган мингларча қаҳрамон халқнинг қабрлари маълум эмас, босқинчилик ва талончилик, истелочилик билан келиб, жангларда ҳалок бўлган кишиларнинг қабри «муқаддас» лаштирилиб, уларни авлиё даражасига кўтарганлар. Чунки бу босқинчилар мусулмон эдилар. Ўз ватани мустақиллиги учун жонини қурбон қилганлар «кофир», гайридин бўлганлари учун бирортасининг номи тарихда қолмаган ва уларни эсламаганлар ҳам.

Бухоро шаҳрининг Мир Тоҳури Девон кўчасида икки қабр бўлиб, бу қабрлар икки биродар Мужоҳид — Дудодарони мужоҳидларнинг қабри бўлиб, шу йўчада яшовчи қарияларнинг айтишларига қараган-

да. Амир Аҳадхон (1886-1910) даврида бир афгон нелиб, «бу ерда дин учун кесфирлар билан урушда ҳалок бўлган Мужоҳид ака-укалар қабри бўлган, кейинроқ одамлар ёдларидан чиқариб кетганлар Мен буни тушимда кўрдим» деб эълон қилади. Диндорлар бу сўзга лаққа тушиб, бу ерда икки қабр ва икки туғ ўрнатадилар. Шундай қилиб, номаълум мужоҳидларнинг сохта қабри вужудга келади, кейинроқ эса, айниқса, XX аср бошларида бу қабри зиёрат қилувчилар ва улардан «мадад» истовчиларнинг сони кўпайиб кетади, ҳатто шаҳардан ташқари жойлардан ҳам зиёратчилар кела бошлайдилар. Бу сохта «қадамжо» ҳар хил касалларга «шифо берувчи», ҳар қандай гуноҳлардан соқит қилувчи «макон» га айланиб қолади. Ҳатто мазорнинг ёнида муссфир зиёратчиларнинг ётиши учун махсус бино (ҳожихона) ташкил қилинади. Мир Тоҳури девон кўчасида икки мадраса бино қилинган эди. Биринчиси қадим замонларда бино қилинган бўлиб, мадрасанинг номи Биби Халифа деб аталади. Бу мадрасада махсус юқори маълумот берувчи қизларнинг ўқув юрти вазифасини бажарган. Иккинчи мадраса Бухоро халқ Совет революциясидан 10 йил бурунроқ шу мазорнинг назрхўрларидан Ҳожо Қурбон томонидан бино қилинган.

Бухоро шаҳрида бундай мақўдаслаштирилган Ислоҳ ҳомийлари подшотлар, амалдорлар, саркардалардан «Шайх Имом Қутайба» қабри, Бобо Қамбар мазори, Хожа Муҳаммад Паррон, Исмоил Сомоний қабри, Қўқалдош, Амир шоҳ Мурод (жаннат макон) қабри каларни кўриш мумкин. Бухоро шаҳрининг «масжиди бесугун» деган гузарларидаги шу номдаги масжид тагида Имом Қутайба қабри бор эди деб эълон қилинган ва асрлар давомида диндорларнинг зиёрат маконига айланган.

Бу масжид ўзига хос архитектура санъати билан бошқа масжидлардан фарқ қилган. Шини тахта мурабба типига бўлиб, бошқа масжидлардан фарқ қиладиган томони шунда эдики, бу масжиднинг устуни тамомила йўқ эди. Шунинг учун бу ажойиб чиройли конструкция ва жиҳозларга эга бўлган масжидни руҳонийлар бир кечада Имом Қутайба қабри устида пайдо бўлган деган афсонани илгарича сурганлар.

Қутайба Ибн Муҳаммад Муслим 704-705 йилда Хуросон амири (халифанинг номи) қилиб тайинлангач, бутун Хуросон ва Тахористонни ўзига бўйсундириб, 88 (12 декабрь 706 — 30 ноябрь 707) йили Жайхун (Аму) дарёсидан ўтиб, катта қўшин билан Кеш, Нашҳаб, Пайкент каби шаҳарларни босиб олиб, Бухорога ҳужум қилади.

Қутайба Бухорони тезлик билан бўйсундира олмаганлиги ҳақида Наршахий «Бухоро тарихи» китобида шундай ҳикоя қилади. Қутайба жанг қилар, мол олар, айрим вилоятларни талар, баъзи кишиларни ўлдирар, баъзиларни асир ҳамда қул қилиб олиб, шу тарз-

да то Марвгача борар ва яна Бухоро вилоятига қайтиб келар эди. Қутайба Бухоро учун ёрдамга келганлар орасида турли фитна-инвогарлик, ҳийлаю-найранглар ишлатиб, улар ўртасидаги иттифокни бузишга ҳаракат қилар эдилар.

Муҳаммад Жаффар Наршахий бу ҳақда шундай ҳикоя қилади. «Бухоро қишлоқларидан Тороб, Хунбун ва Ромтип (Пайканд билан Бухоро оралигидаги шаҳристонлар) оралигида кўп қўшинлар тупланиб, Қутайбани ўраб олдилар. Суғд подшоси Тархун кўп лашкари билан, Хунухудот кўп аскарлари билан, Вардонхудот ўз аскарлари билан келдилар. Хитой подшоҳини жияни Малик Қўрмагонунни ёллаган эдилар. У ҳам Қутайбага қарши жангда (суғд подшосига) ёрдам бериш учун 40 минг лашкар билан келади. Қутайбанинг иши оғирлашади. Қутайбанинг яқин ёрдамчиларидан Ҳайёни Набатий Қутайбага «Бу балони» даф қилишга ваъда беради. Эртаси тонг отганда Ҳайёни Набатий Суғд маликини олдига одам юбориб, иккаласи Хуфия учрашуви ҳақида келишади. Уруш қизиган пайтда Набатий Тархун билан учрашиб, «Мулк қўлингдан кетибди-ю, сенинг хабаринг йўқ» дебди. Тархун: «Қандай қилиб?» деб сўради. Набатий унга: «Биз араблар ҳаво иссиқ вақтидагина бу ерда тура оламиз, энди ҳаво совуб қолди ва бизнинг кетиш вақтимиз етди. Токи биз бу ерда эканмиз, биз билан уруш қиладилар, бу ердан кетганимиздан кейин эса сен билан уруш қиладилар, чунки Суғд вилояти яхши жой, яшлиликда унга ўхшаш жой дунёда йўқ, қаёқда улар Суғдни сенга қолдириб Туркистонга кетадилар? Улар мамалакатингни оладилар, сен эса қийинчиликда қоласан», деб айтади. Тархун: «Мен қандай чора қўлайман» деб сўради. Ҳайёни: «Чоранг шуки, Қутайба билан сулҳ тузиб, бирор нарса берасан, туркларга эса аҳволни шундай кўрсатасанки, гуё Ҳажжож (араб халифалигининг шарқий қисмларининг 694-724 йиллардаги Нони, Ҳажжож Ибн Юсуф ўз золимлиги билан донг чиқарган) бошлиқ арабларга кўп лашкар ёрдамга келадиган бўлиб, ўзинг эса «Мен ўз вилоятимга қайтиб кетаман дейсан. Шунда турклар ҳам қайтадилар». Тархун кечаси Қутайба олдига одам юбориб, у билан сулҳ тузиб, мол ва икки минг дирам пул юборди. Унинг лашкарлари карнай чалиб қайтишга бошлади. Қўрмагонун турк бу аҳволни билгач, қайтишга тушди, йўл-йўлакай вилоятларни талаб кета бошлади. Қутайба мана шундай ҳийла-найранглар орқали секин-асталик билан қарийб бутун Мовароуннаҳрни босиб ола бошлади.

Қутайба ҳали батамом бўйсундирилмаган мамлакатда Ислом динини кенг ёйишга ҳаракат қилган, чунки у суғдларни арабларга бўйсундиришда Ислом идеологиясининг катта роль ўйнашини жуда яхши тушунар эди. Дастлабки вақтларда араблар маҳаллий аҳолини Ислом динига бўйсундириш учун ҳар хил имтиёз бериш сиёсатини

юргиздилар. Қутайба Ислом динини қабул қилган Бухоро аҳолисини солиқлардан озод қилишга ваъда беради. Лекин араблар даромаддан маҳрум бўлишдан қўрқиб, бу ваъдаларини амалга оширмайдилар.

Бухоро аҳолиси Ислом лашкарлари ҳар сафар келганида мусулмон бўлар, араблар қайтиб кетганида эса, улар яна диндан қайтар эдилар. Қутайба Ибн Муслим уларни уч марта мусулмон қилган, улар эса яна диндан қайтиб, кофир бўлганлар. Бу тўртинчи марта келганида жанг қилиб, ҳийла билан Бухорони олишга муваффақ бўлади.

Қутайба бошчилигидаги араб амалдорлари маҳаллий халқларга Ислом динини қабул қилдириш учун ҳар қандай қабих чораларни кўра бошлайдилар. Улар маҳаллий аҳолини ҳатти ҳаракатидан хабардор бўлиб туриш мақсадида, Бухоро аҳолисига ўз уйларининг ярмини арабларга беришга мажбур этдилар. Оташпарастлик асарларини йўқотдилар. Ҳар кимда шарият ҳукмларини бажаришда камчилик содир бўлса, уни жазолар эдилар. Шунинг учун бухороликлар орасида «Табар мазҳаб» — «Калтак мусулмон» деган иборалар ҳалигача сақланиб қолган. Чунки Қутайба фармонига биноан маҳаллий аҳолини табарзинлар ва калтаклар билан уриб масжидларга беш вақт намозларга олиб борганлар.

Наршахий бу ҳақда шундай ёзган эди: «Қутайба Ибн Муслим тўқсон тўртинчи йили (7 октябрь 712 — 25 ноябрь 713 йил) Бухоро ҳисорининг ичида Масжиди Жомий бино қилди. У жой илгарин бутхона эди. Қутайба Бухоро аҳолисига ҳар жума кунини бу ерга йнгилишни буюрди. Жарчи қўйиб: «Жума намозига ҳозир бўлган ҳар бир кишига икки дирҳам бераман» — деб чақиртирар эди. Бухороликлар дастлаб Ислом динини қабул этган пайтларида арабчани ўрганиб олмаганларидан намозда Қуръонни форс тилида ўқир эдилар. Араблаштирилишига ва Ислом динининг тарғиб қилинишига қарши бутун Урта Осиёнинг шаҳар ва қишлоқларида халқ ҳаракати кенг авж олиб кетди.

Бухоро областининг Зандане қалъасида яшаган халқлар узоқ вақт арабларга таслим бўлмай, қаҳрамонларча кураш олиб борадилар. Қутайба Ибн Муслим бошчилигидаги арабларнинг мунтазам, яхши қуролланган қўшинларига бардош бера олмаган қалъа таслим бўлишга мажбур бўлади. Ривоятларга қараганда, Қутайба қалъа халқига ҳаёт ваъда қилиб, қўрғонни олгандан кейин бутун халқни қириб ташлайди, қалъада бирорта ҳам тирик жон қолмайди. Шунинг учун бу қўрғоннинг номини «Зинде не» (тирик жонзот қолмаган) деб атаганлар. Кейинроқ зандане деб аталадиган бўлдилар.

Вобкент районида «Тали Пушмон»ёки «Пушаймон тепа» деган жойда бир вақтлар кишилар яшаганлар. Дастлабки даврда Ислом динини қабул қилганлар, кейинроқ «пушаймон еб», узоқ вақт оташпарастлик урф-одатларини бажарганлар. Қутайба бу қўрғон аҳо-

лисида қаттиқ уч олиб, яна Ислом динига қайтарган экан. Аммо бу қўрғон Муқанна қўзғолонлари даврида Норчоқ тепага яқин бўлгани сабабли, яна араб босқинчиларига қарши бош кўтарган.

Берунийнинг маълумотига қараганда, VIII асрда Қутайба Эрон, Сугд, Хоразмда маданият тарғиботчилари бўлган маҳаллий қоҳинларни бутунлай қириб ташлаган эди, оташпарастлик даври китобларини батамом йўқ қилиб юборади. Унинг тарихда қилган бундай ёвузликлари ваҳшийлик — варваризмнинг худди ўзи эди, холос. Шунинг учун ҳам ўша замонларда араблардан кўра юқорироқ маданиятга эга бўлган Мовароуннаҳр халқлари, Қутайбанинг бундай варварлик сиёсати натижасида, мажусийлик давридаги бизнинг халқимиз маданияти йўқолиш арафасида қолган эди. Кўпгина буржуа реакция тарихчилари ва Чор Россиянинг «Улуғ давлатчи» шовинистлари Урта Осиё халқининг ўтмиш маданияти йўқ, бу халқлар асосан Эрон ва бошқа жойларнинг келгинди халқлари деб даъво қилган эдилар. Урта Осиё территориясида, айниқса, XX асрнинг 50 йилларидан бошлаб ўтказилган кўплаб археологик қазилмалардан топилган Исломгача бўлган моддий маданий ёдгорликлар ва Сугд, Оромий, Хоразмда (эрамиздан аввал III асрда) Руний каби топилган қадимги ёзувлар, расмлар, ҳайкаллар ва ҳоказолар Урта Осиёдаги қадимги бой маданиятимизни тиклашга имконият яратиб, буржуа фалсификаторларига кескин зарба берилди.

Бу соҳада археологлар А. П. Окладников, Д. Н. Лев, С. П. Толстов, М. Массон, Я. Гуломов, А. Аскарлов, А. Р. Муҳаммеджонов ва бошқа ўнлаб олимлар ва уларни юзлаб шогирдларининг машаққатли хизматлари эвазига Ўзбекистон халқининг ўтмиш тарихи бир оз тикланди. Араб истилочиси Қутайба ўлми тўғрисида Наршахий шундай ёзади: Ҳайён Фарғонада Қутайбага қарши бош кўтарган аскарларга ҳомийлик қилиб, бу аскарлар Қутайбани ўлдирадилар (715 йилда).

«Қутайбани қабри Фарғонада машҳур бўлиб, у «Работи сарханг» деган жойда, Қоҳ деб аталадиган бир қишлоқда дафн қилинган». Жамол Қарши китобида ҳам шундай ёзилган.

Аммо руҳонийлар Имом Шайх Қутайбанинг қабрини бир неча жойларга кўчирганлар, шу жумладан Андижон областидаги Жалол қудуқда ҳам Имом Қутайба қабри бор.

Бизга қилич тиги билан кириб келган Қутайба бошчилигидаги араб лашкарларининг шафқатсизлик ва ёвузликлари Урта Осиё халқлари учун хайрли бўлган эмас, албатта. Шунинг учун араб лашкорбосчисининг ўқ ва қилич билан ўз ҳукмронлигини жорий этган кишини тақдирлашга сазовор эмас. Шундай қилиб, Урта Осиё халқларининг ашаддий душманлари дафн этилган мазорлар сизинадиган жойларга айланиб қолди.

Бухоро ва унинг атрофидаги ҳазрат Али авлодига тегишли булган кўпгина сохта мазорлар пайдо булганлигини кураимиз. Булардан бири Бухоро шаҳридаги Мавлоно Шариф кўчасидаги «Алам нарасон» (Озор берма) мазори бўлиб ҳисобланади.

Афсоналарга қараганда Хожа Алам нарасон Алининг кўп хотинларининг (Фотимадан эмас) биридан туғилган бола бўлиб, Алининг болалари кўп булганлиги сабабли, Халифа Умар уни ўғилликка қабул қилган экан. У Бухорога келиб, одамларга жуда кўп жабр-зулм ўтказди. Отлиқни отдан, эшаклиқни эшакдан йиқитар эди. Гуноҳсиз кишиларни бир баҳона топиб, оёғини чалиштириб йиқитар экан. Кишилар ундан норози бўлиб, Алига арз қилган эканлар. Али ўғлини чақириб, унга танбеҳ бериб, «Болам, алам нарасон» (ўғлим, озор берма) деб айтган экан. Бу сўз унинг исмига қўшилиб, одамлар унинг исмини унутиб, ҳамма вақт «алам нарасон» деб чақирар эканлар. Бу одамнинг вафотидан кейин уни «авлиё» деб, унга атаб туг кутарганлар. Али ҳаётлиги даврида Аму дарёдан ўтиб, Мовароуннаҳрга Алини ўзи эмас, унинг ўғилларидан бирортаси келганлигини тарих билмайди. Агар у ҳақиқий Алининг ўғли бўлганда, мажусийлик дини ҳукмрон булган мамлакатда Али ҳаётлиги даврида келиши ақлга сиғмайдиган бир ҳолдир. Иккинчидан, Алининг ўғли бўлганда, уни номи бўлиши ва бу ном унитилмаслиги керак эди. Буларнинг ҳаммаси айрим дин ҳомийларининг ўйдирмасидир, холос.

Мана шундай акс-садо бўладиган ва фарзандталаб аёллар сизгидан авлиёлардан яна бири Пешку районидаги «Ўзбекистон» колхозни территориясидаги Бобо Қамбар авлиёси бўлиб ҳисобланади. Бунда ҳам Биби Маҳсуман поқ авлиёсидаги каби чақириш тартиблари бир хилда тақдорланади. Акс-садони зиёратчилар ҳақиқатан ҳам «Бобо Қамбар» жавоб бердилар, у киши тирик гойиб бўлган экан деб ишонардилар. Хўш бунинг сирлари нимада? Тепаликда ҳақиқатан ҳам бирор «илоҳий куч» борми? Текширишлар, тажриба ўтказишлар ва тарихий манбалар бунинг бутунлай рад этади, бу тепаликда ҳам «Биби Маҳсуман Поқ» тепалигидек, ҳеч қандай «кармат» ёки сир йўқлигини исботлайди. Масалан, бу тепалик ҳақида эл орасида шундай афсоналар бор. «Ҳазрати Бобо Қамбар билан биргаликда шаҳри Барбар (маҳаллий қариялар эътиқоди бўйича, қадимги заанданининг номи эмиш) га келиб, қатта жанглар олиб борганмиш. Кейинчалик жангда енгилиши маълум булган Бобо Қамбар қочиб, кофирлардан халос бўлиш учун тепаликда тириклай гойиб бўлган эмиш».

Аслида бу афсонадан бошқа нарса эмас. Негаки, араблар Аму дарёдан биринчи марта 674 йилда ўтиб, Халифа Муовия буйруғи билан жуда кўп жойларни талаб қайтиб кетишган. Али эса 662

(ҳижрий йилда) вафот қилган эди. Али Бухородагина эмас, ҳатто Ўрта Осиёнинг бирор жойига ҳам ҳеч қачон қадам қўйган эмас. Шундай экан, Бобо Қамбар афсонаси ҳам қуруқ уйдирмадан иборатдир. Бобо Қамбар тепалиги ҳам X аср тарихчи ва географлари томонидан айtilган «минг шаҳарлардан» бири бўлган. Исломгача ва ундан кейинги даврларда ҳам бу тепаликда одамлар яшаганлар. Уша даврдаги феодалларнинг истеҳкоми бўлган. Ундан пастрогидаги баландликларда (бир неча гектар келади) феодалга хизмат қиладиган кишилар яшаганлар. X-XII асрда бундай қалъа, қўрғон, истеҳкомларда яшаш эҳтиёжи қолмаган. Шу сабабли кишилар пастга тушиб, турли қишлоқларда истиқомат қила бошлаганлар. Даврлар ўтиши билан бу тепаликни асл номи йўқолиб, унга Бобо Қамбар деган афсонавий ном берганлар. У ерда турли назрхўр ва дин аҳллари ўрнашиб олиб, атайин у ерни муқаддаслаштирганлар. Чунки бу ердан акс-садо келади, бу халқни алдаш методи бўлиб ҳисобланади. Шу йўл билан бундай ясама «муқаддас» жойларни ўзларининг даромад манбаларига айлантирганлар.

Бобо Қамбар тепалигини «сири» ни билиш учун яна бир нарсага эътибор бериш лозим. Бу ерда назрхўр кўпинча аёл киши бўлади. У тепаликка қараб баланд овоз билан «фалончиронга ўғил берасизми, қиз? ёки аксинча қиз берасизми, ўғил?» деб чақирганда тепалик томонидан яна назрхўр аёлнинг овози билан «қиз ёки ўғил» деган акс-садо келади. Хуш, Бобо Қамбар эркак киши бўлганку, нега тепалик томонидан эркак кишини эмас, хотин кишини овози келади? Диндорлар ҳатто ана шундай оддий нарсага ҳам эътибор бермаганлар.

Бобо Қамбар Ўрта Осиё халқлари орасида кенг тарқалган шахслардан бири. Ҳатто диний, афсонавий ва ҳадис китобларида ва фольклорда ҳам унинг ҳақида кўпгина ривоятлар келтирилган.

Бир хил ҳадисларда кўрсатилишича, Бобо Қамбар Халифа Алининг дарвозабони қилиб кўрсатилса, бошқа бир ҳадис уни отбоқар қилиб кўрсатади. «Қомуси аълам» деган китобда ёзилишича, Қамбар Алининг энг содиқ ва энг яхши хизматкори булган, кофирлар билан қилинган жанглардан бирида ҳалок булади, деб ёзилган. Алининг мусулмонлар орасида машхўр бўлиши Қамбар шахсининг кенг тарғибот қилинишига шароит туғдиради. Масалан, унинг номи билан суфийлик оқимларининг диний маросимлари боғланган. Бектоши деб аталган дарвешлик тариқати оқимидаги кишилар ўз белларига «қамбари» деб аталган чизинча (ип белбоғ) боғлаб юрганлар. Бу ип билан отбоқар Бобо Қамбар Ҳазрат Алининг «Дул дул» отини боғлаб қўяр экан. Турклар, қирғизлар ва уйғурлар Бобо Қамбарни отбоқарларнинг ҳомийси деб ҳисоблаганлар. Туркманлар эса «Бобо Қамбарни» дутор ва ҳофизлар пири деб ҳисоблай-



дилар. Туркманлар орасидаги афсоналардан бирида Бобо Қамбар Халифа Алининг отбоқари бўлган. Унинг асосий вазифаси Алининг машҳур оти Дул дулни парвариш қилишдан иборат бўлган. Али отининг кундан-кунга ориқланиб кетаётганини сезади. Қамбардан сўраса, у ҳамма вақтдагидек тоза сув ва энг лазатли ўтлар билан боқаяпман, деб жавоб берарди. Али бир кун пойлаб оти ўтлаётган кўкламзорга келса, Қамбар ўтириб олиб, дутор чалаяпти, от эса калласини қуйи солиб, куй оҳангларини ғамгин эшитаяпти ва отни кўзларидан ёшлар оқаяпти, от ўтлашни тамомила унитаетади. Аммо бу афсонанинг оқибати ҳамма жойда бир хил бўлмай, Мурғоб водийсида Қамбар Алини овозини эшитиб, отнинг ориқланиши куй оҳанглари эканлигини тушуниб, у қоча бошлайди. Али «қочма, тўхта!», деб буйруқ қилади. Аммо «Бобо Қамбар» «ер ёрил!» дейди ва ерга кириб гойиб бўлади.

Ёрилган ер кичик чуқурлик бўлиб қолган, у ердан Али Қамбарни чақиради. Бобо Қамбарни Маккаю-Мадинадан жавоб садоси эшитилади. Али қачон учрашамиз? деб сўраганда, «қиёмат қойин бўлган кун», деб жавоб беради. Эгасиз қолган бу дутордан дарахт ўсиб чиқади, унинг шохлари дуторнинг қулогини эслатади. Таджин ривоятларининг бирида Али дуторни ерга уриб, уни синдириб ташлайди. Бошқа вариантда Бобо Қамбар ўз дуторини ерга уриб синдиради ва Али синдирилган дутор ўрнига янги дутор ясашни ёки синдирилган дуторни қайтадан тиклашни Бобо Қамбардан талаб қилади. Бухородаги кўлгина диндорлар Бобо Қамбарни: биринчи бўлиб дуторни кашф этишини шубҳа остига оладилар. Уларнинг айтишига қараганда, музика, дутор ҳазрати одам ато ва Момо ҳаво даврларида майдонга келган, деб атайдилар. Шоир Мулла Ғойиб ҳам ўзининг «Геленда бордир» деган шеърда музика Одам-Ато, Момо Ҳаво даврида бўлган деб ёзади. Ривоятларга қараганда, қуёш тугилган кунлардан бирида Бухоро амира руҳонийлардан «қуёш тугилиши сабабини сўрайди. Улар «ҳозирга пайтда машшоҳлар, созандалар, ҳофизлар, шоирлар кўпайиб кетган. Шу сабабли, қуёш улардан ўз юзини тўсишга ҳаракат қилмоқда. Бизларнинг дуомиз Инобатга ўтиб, қуёш юзини яна кўрсатди», деб жавоб берганлар. Амир натта базм ташкил қилади, уларнинг ҳаммасини бу базмга чақиради ва базм охирида ҳар қандай музика, ашула ва шеърлар ўқишни ман қилиш ҳақида фармонни уларга ўқиб эшиттиради. Шоир Мулло Ғойиб бу фармонни эшитиб, юқоридаги мазмунда келтирилган шеърини амирга ўқиб беради. Амир ўз фармонини бекор қилишга мажбур бўлади. Айрим Бухордо ва унинг атрофида яшовчи маҳаллий қариялар, жон одамнинг танасига музика билан кирган экан. Шунинг учун яхши куйлар одамларгагина эмас, ҳатто онадақи янги тугилган чақалоқ болаларга ҳам ёқади. Йиглаётган бола она

аллаисни эшитиши билан дарҳол жимиб уйқуга кетади деб айтадилар.

Дутор, тамбур каби музика асбоблари исломиятгача Бухорода ва умуман, Ўрта Осиёда кенг тарқалганлигини кўрамиз. Тулроқ қалъа (Хоразм), Айтром (Термизга яқин) каби жойларда ўтқазилган археологик қазилмалардан топилган девор суратларда ва ҳайкалчаларнинг айримларида торли музика асбоблари чалаётган кишиларнинг расмларини кўрамиз. Ислом дини пайдо бўлишдан 400-500 йиллар илгари (эрамыздан I-II асрларда) торли музика асбоблари Ўрта Осиё халқлари орасида тарқалганлигини кўрамиз.

Шунинг учун музика, дутор кабилар Қамбар яшаган VI-VII асрлардан анча илгари пайдо бўлганлиги ҳақида археологик ашёлар ва бошқа тарихий манбалар буни аниқ кўрсатиб, исботлаб берганлиги шубҳасиздир.

Туркманистонда Бобо Қамбар номи билан аталадиган қабр ва мазор икки жойда, улардан бири Копетдоғ тоғлари яқинида — Ашхобод районидаги Мониш қишлоғидан 20 км. жанубда Кабир ёнида иккита дарахт бўлиб, руҳонийлар улардан бирини Бобо Қамбарнинг асоси, иккинчисини эса унинг дуторидан ўсиб чиққан деган ривоятлари илгари сурганлар.

Бобо Қамбарнинг иккинчи қабри ва шу номдаги мазор Илоотон районидаги Разиқли-банд тўғонидан бир неча километр, яъни Мурғоб дарёсидан юз меғр узоқликда жойлашган. Қабр яқинида дарахт бўлиб, бу дарахтни ҳам Бобо Қамбарнинг дуторидан ўсиб чиққан деб талқин қилганлар.

Айрим диндорлар Бобо Қамбарнинг мазори Фарғона водийсида ва кофирлар билан урушда ҳалок бўлиб, Ҳазрат Али ўша жойда дафн қилган деб талқин қиладилар.

Шундай қилиб, Ўрта Осиёнинг кўп жойларида Бобо Қамбар мазори бўлиб, айримларида унинг қабри бор. Ғойиб бўлган ерларда эса (М. Бухорода) унинг қабри йўқ. Шундай қилиб, афсоналарга айлантирилган Алининг «отбоқари» Бобо Қамбар гоҳи жойларда уни жангларда ўлдириб кўмиб қўядилар, гоҳи жойларда уни ғойиб қиладилар.

Дин пешволари айрим шахсларни, айниқса, подшоларни илоҳийлаштириш билан маълум мақсадни кўзда тутганлар. Шундайлардан бири ИСМОИЛ СОМОНИЙДИР. Бу шахс Бухорода 875-907 йилларда ҳукмронлик қилган. Унинг мақбараси IX-аср охири, X аср бошларида қурилган. Ривоятларга қараганда, Исмоил Сомоний бў мақбарани отаси Аҳмад Ибн Асад учун қурдирган. Шу мақбарага ўзи ва унинг набираси Наср Ибн Аҳмад дафн этилган. Бу бино ҳозир ҳам яхши сақланиб турибди ва бино қисмларининг ажойиб пропорционаллиги, содда, лекин чиройли нақшлари ва уни қурган усталарнинг юксак инженерлик маҳорати ҳаммаини ҳайратда қол-

дйради. Исмоил Сомоний мақбараси бир жиҳатдан араблардан олдинги даврдаги маҳаллий меъморчилик анъаналари билан чамбарчас боғланган. Бинонинг умумий композицияси ав архитектура безакларнинг кўпгина элементлари буни яққол кўрсатиб туради.

Поччо Исмоил Сомоний мақбараси Бухоро шаҳридаги маданият ва истироҳат боғи территориясида жойлашган. Исмоилнинг катта босиб Сомон деган киши асли Балх шаҳридан бўлиб, Халифаларнинг амалдори бўлган. Исмоил Мовароуннаҳрда арабларга қарши ўсиб бораётган норозиликлардан фејдаланиб, маҳаллий феодаллар ва руҳонийларга суяниб, IX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё ва Хуросон территориясининг кўпгина қисмини ўз ичига олган йирик сомонийлар давлатини ташкил қилади.

Бу династиянинг пойтахти Бухор шаҳри бўлиб, унинг ворислари Исмоил ўлгандан кейин ҳам, 999 йилгача ҳукмронлик қилганлар. Исмоил даврида юқори табақаларнинг кўпгина қисми иккита ва вақф асосида катта ер мулкларга эга бўлиб олган эдилар. Буларнинг кўпчилиги мусулмон руҳонийлар бўлиб, Исмоил вақф тариқасида уларга катта ер бериш йўли билан ўз томонига ағдариб олишга муваффақ бўлди. Улар эса Исмоил Сомонийни кўкларга кўтариб, илоҳийлаштирдилар. Исмоил Сомоний 32 йил ҳукмронлик қилиб, 907 йилда вафот этади.

Унинг ўғли Аҳмад Ибн Исмоил 907-917 йилда подшолик қилади. Сарой амалдорлари Аҳмадга қарши фитна уюштириб, уни ўлдирдилар. Аҳмаднинг 8 ёшли ўғли Наср 914-943 йилларда подшолик қилади. Бу даврда ҳукмронлик вазир Абу Абдулло Муҳаммад Ибн Аҳмад Жайхуний қўлига ўтади. Унинг ҳокимлик вақтида вилоятларда халқ қўзғолонлари авжга чиқиб, норозилик кучаяди.

914-915 йилларда Самарқандда Наср II нинг қариндоши Исҳоқ Ибн Аҳмад қўзғолони бўлади. Бир қанча вақтдан кейин Ҳиротда, кейинчалик Нишопурда Карматлар (Исмоилийлар) нинг диний ҳаракатлари авж олиб кетади. Бу ҳаракатда ҳарбий саркарда Ҳусайн Ибн Али Марвези бошчилик қилади. Карматлар Ислон динидаги «шиа» мазҳабининг бир оқими бўлиб ҳисобланади. Бу қўзғолонни бостиришда бошчилик қилган йирик феодал Аҳмад Ибн Суҳайлнинг ўзи ҳам тез орада қўзғолон кўтаради.

Бир йилдан кейин қўзғолон бостирилади. Карматлар ҳаракати Мовароуннаҳрда кенг авж олади. Наср II — ҳукмронлигининг сўнгги даврларида Карматлар унинг саройида юқори лавозимларни эгаллай бошлайдилар.

Карматларнинг юқори лавозимларга кўтарилиши мусулмон руҳонийларининг норозилигига сабаб бўлди. Сарой гвардияси билан тил бириктирган руҳонийлар Наср II га фитна уюштирадилар. Кармат тарафдорларини ўлдирга бошлайдилар. Наср II тахтдан воз нечади

ва ўгли Нуҳ Ибн Наср мамлакатда ҳукмрон бўлади. Нуҳ Ибн Наср бўйруғи билан Карматлар ҳаракати бошлиғи Наҳшаби Регистонда осиб ўлдирилади. Ҳамма жойда Карматларга қарши қиргин бошланади. Нуҳ Ибн Наср (943-954 йил) подшолигидан бошлаб Сомонийлар ҳукмронлигида тушқунлик даври бошланади. Бу даврда мамлакатда ўзаро урушлар, диний фанатизм авж ола бошлайди.

Ҳукумат амалдорлари аристократияси халқни аёвсиз эксплуатация қила бошлайдилар. 961 йилда Бухоро шаҳрининг аҳолиси сомонийлар томонидан қўйилган Ҳоким Абдулмаликнинг саройини талаб, ўт қўйиб, ёндирадилар. Уша йиллар ионвой Абу Бакр бошчилигида катта халқ қўзғолони бошланди ва бу қўзғолон зўр куч билан бостирилди. Марказлашган давлатдан ажралиб чиқишга интилиш йирик феодаллар ва саркардалар ўртасида кучая бошлади. Мана шундай бир пайтда сарой ҳукмдорлари ва йирик руҳонийлар Исмоил Сомонийнинг шахсига сизинишни кучайтириб, у ўлмаган, фақат ғойиб бўлган экан, — деган овозалар тарқата бошлаганлар. Исмоил қабрининг икки томонидан махсус тешиклар қўйиб, «Исмоил Сомоний халқдан ҳар қандай аризалар қабул қилади, қабрдаги тешикни бош томонидан аризаларни ташлаб, аёқ томонидаги қабр тешигидан аризани жавобини олишлари мумкин» деб эълон қилдилар. Ҳозиргача қабрдаги иккита тешиклар сақланган. Шу йўл билан ғалаёнларни вақтинча тинчитганлар. Ҳукмрон шахслар ўз макр-дйлаларини фош бўлишидан қўрқиб, Исмоил Сомоний энди аризани қабул қилмайди, деган овоза тарқатганлар. Бунга сабаб қилиб қўйидаги афсонани туқинганлар.

Эмиш бир қори (кўзи ожиз) ўзининг ҳассаси новагида (ичида) юз динар олтин пул қўйган бўлади. Ўғрилардан бири бундан хабар топиб, қори қўлидаги ҳассани ўғирлаб, унинг қўлига худди шундай ҳасса тутқазади. Қори ҳассани қўлига олиб, унинг енгиллигидан бошқа ҳасса эканлигини фаҳмлаб, уни очмоққа уринади. Бу аҳволдан ташвишга тушган қори почча Исмоил Сомоний номига ариза ёздириб, унга арзга қирмоқчи бўлган. Ўғри қорининг асл ҳассасини унинг ёнига қўяди. Аризада ҳақиқий ҳасса қори қўлида эканлиги ҳақида жавоб чиқади. Қори ташқарига чиқиши билан яна ўғри асл ҳассасини пулсиз ҳасса билан алмаштиради. Яна қори ариза билан мурожаат этганида, яна ҳасса алмаштирилади. Бу аҳвол бир неча маротаба такрорланади. Бундан ғазабланган Поччо Исмоил Сомоний ўз халқига «қозилик» қилишдан воз кечади. Кейинги давргача руҳонийлар кимнинг руҳи пок бўлса, бундай кишилар ўз аризаларини жавобини оладилар, деган ўйдирмаларни ҳам эълон қилганлар. Мозор шайхлари шундай аризаларни ёзиб, халқни ишонтирганлар ва кўнгина даромадларга эга бўлганлар. Сарой аҳллари ўз ўринларини мулло, эшон, шайхларга бўшатиб берганлар. Улар

эса Исмоилни фақат подшоғина эмас, қандайдир назаркарда, ўлгандан кейин ҳам 40 йил подшолик қилган, ҳар қандай мақсадни ҳал қилишга қодир, турли касалликларга шифо бериш қобилиятига эга бўлган улуг зот деб талқин қила бошлаганлар.

Буларнинг ҳаммаси вилоятлардаги ҳокимларни мустақиллик учун олиб борган курашларининг, меҳнатқашларни исёнларини бостиришга қаратилган тadbирлардан тadbир бўлган.

Мангитлар хонадонининг Бухоро амири Шоҳмурод (1785-1800 йиллар) қabri муқаддаслаштирилиб, унга Ҳаннат — макон деган лақабини бериб, ўзи эса авлиё даражасига кўтарилади. Натижада, «жаннат-макон авлиёси» кўпгина диндорларнинг сизиниш жойига айланади. Аҳмад Дониш ўзининг «Рисола ё мухтасаре аз тарихи салтанати хонадони мангития» (Мангит хонадони салтанатининг қисқача тарихи ҳақида рисола) деган асарига шундай ёзган эди. Амир Дониёл ҳукмронлиги даврида Бухорода тўхтовсиз урушлар, халқни аёвсиз талаш ҳаддаш сшиб кетган эди. Мамлакат харобазор бир аҳволга тушиб, ҳатто мадрасаларда дарс ўқитилмас эди. Мадрасаларнинг кўпчилиги эшаксарой, бақолларнинг галла омборларига айланиб қолган эди. Сарой амалдорларининг ўзбошимчалиги туфайли турли солиқ ва тўловлар кўпайиб кетган эди. Саройда фискаллар, фоҳишабозлик кучайиб кетган эди. Вазирлар Қушбеги бошчилигида қароқчилар тўдасини ташкил қилар эдилар. Қози Калон Низомиддин эса бода ва май кайфидан бошини кўтара олмас эди.

Амир Дониёл қариб қолиб, давлатни идора қилиш ишлари Қушбеги ва Қози-калон каби амалдорлар қўлида эди. 1785 йил Бухорода шаҳар халқи ва атроф деҳқонларининг катта қўзғолонлари бўлиб ўтади.

Уша пайтларда ҳукмронлик мансабининг эгаллаган сарой амалдорлари бир кунда минг кишини қатл этадилар. Аммо қўзғолонни қурол кучи билан бостира олмасликка кўзи етган Шоҳмурод отаси даврида халққа зулм қилган Қушбеги, Қози Калон, анчагина нобакорларни қатл этади, жойлардаги амалдорларни ҳам бўшатиб, одил кишиларни қўя бошлайди.

Шоҳмурод отаси тириклиги даврида бир неча вақт Кўкалдош мадрасида ўқийди. Мадраса оҳунди унга диний сўфизм тариқатларидан дарс бера бошлайди. Ҳокимият тепасига чиқгач, ёпилган мадрасаларни қайтадан тиклайди. Мадрасаларда Аштархонийларнинг охириги ҳукмронлиги даврида ва мангитлар ҳукмронлиги даврида дунёвий фанлар мадраса программасидан чиқариб ташланган эди. Муллабачалар фақат диний-схоластик фанларни 10-12 йиллар давомида ўқиб, уларнинг кўпчилиги саводсиз кишилар бўлиб чиқар эдилар. Мадрасаларнинг қадимги анъаналарини тиклайди. Диний дарслар билан бир қаторда риёзиёт, адабиёт, фалсафа каби фанларни ўқи-

тиш жорий қилинади. Ўзбекистон Марказий Давлат архивининг, Қушбеги фонди, Бухоро музейи фондларида сақланаётган Шоҳмурод амирлиги даври ҳужжатларида кўпгина ер участкалари масжид, мазор, мадрасаларга вақф қилиб берилганлигининг гувоҳи бўламиз. У мадраса мударрис ва муллабаччаларига катта имтиёзлар жорий қилади.

Аҳмад Донишнинг ёзишича, Қўналдош мадрасасининг Оҳундини ўгли Маҳмуд домла Қаландархон мадраса саҳнида ўз шерик дарслари билан суҳбат қилиб турганда, муллабаччалардан бири келиб, Қаландархонга бир нонвойбаччадан нон олиш учун унинг олдига борсам, у бу нон сиздек муллабаччалар учун қимматлик қилади, деб ҳақорат қилди деб арз қилади. Қаландархон бошлиқ кўпгина муллабаччалар бориб, нонвойбаччани уриб ўлдирадилар. Нонвойбаччанинг отаси Амир Шоҳмурод олдига арзга боради. Амир Қаландархонни дарҳол олиб келишни буюради. Мулозим Қаландархонга рўпара бўлишдан қўрқиб, унинг отасига кириб, воқеани баён қилади. Оҳунд унинг гапларини лоқайдлик билан эшитиб, «мен жуда бандман, ўзинг бориб айтсанг, боради» деб айтади.

Мулозим Қаландархон олдига келиб, уни амир Шоҳмурод чақиратганлигини айтади. Муллабаччалар дарҳол Қаландархонга отни ясашиб (эгарлаб), уни отга ўтказиб, 3 мингдан ошмиқ муллабачча отнинг орқасидан борадилар. Шоҳмурод бу аҳволни кўриб, Қаландархон ҳузурига ўзи чиқиб, уни пешвоз олади. Шоҳмурод ноҳақ ўлдирилган нонвойбаччанинг отасига: «Ўғлинг шундай дин аҳилларини ҳақорат қилибгина қолмай, балки бизнинг динимизни, муқаддас урф-одатларимизни ҳақорат қилибди, сенга яхшиси мен хазинадан 3 юз танга пул берай, бошқа даъво қилиб юрма, улар агар болангни мени олдимга олиб келганларида, мен у «кофирни» минорадан ташлаган бўлур эдим Сен ҳам 300 тангadan маҳрум бўлган бўлур эдинг», деб Қаландархон Оҳундзодани иззат ва ҳурматлар билан узр сўраб, жўнатиб юборади.<sup>1</sup> Муҳаммад Олим Бухорий ўзининг «фатхномайи Султоний» деган асарига Бухоро аҳолисининг аҳволи ёмонлашши сабабли, Шоҳмурод Бухоро шаҳар аҳолисига Тархон ёрлиги бериб, уларни олиқ-солиқлардан озод қилди. Шоҳмурод мамлакатда ўсиб бораётган норозиликларни юмшатиш учун бир қанча ислохотлар ўтказди, Хусусий мулкка қасд қилганларни қаттиқ жазолаш, ер эгалари, савдогарлар ва ҳунармандлар корхоналари хўжайинларининг манфаатларини кўзлаб, бир қанча қонуилар жорий қилди.

Шоҳмурод томонидан ўтказилган ислохотларнинг ҳаммаси шаро-

---

1. Аҳмад Дониш «Рисола ё мухтасаре аз тарихи салтанати хонадони мангития». Душанбе, 1961 й, (араб имлосида 10-12 бетлар).

атдап чекинишга йўл қўймаслик байроғи остида жорий қилди. Мирзо Салимбек ўзининг «Кашкули Салимий» деган тарихий асарларида ...Жаннатмакон (амир Шоҳмурод) ун олти йил подшолик қилади. 61 йил умр кўрди. Амир Маъсум (умрида шариат амрига қарши бирор гуноҳ қилмаган — пок киши), подшо бўлишига қарамай, олти газ карбосдан тикилган фақирона либос кияр эди. Кафш ва маҳсисининг бир неча ямоқлари булар эди, подшоликнинг дастлабки даврдан умрини охиригача (16 йил)қўй терисидан тикилган биргина пўстип билан ўтказди Унинг ейдиган овқатлари ҳам қашшоқона бўлиб, арпа нони таоми эса мошдан пиширилган ўмоч, арпа унидан атала бўлиб, ҳар ҳафтада, чорак ( 2кг.) гўшт истеъмол қилар эди. Ҳаражатларнинг ҳаммаси давлат хазинасидан олинмасдан, яҳудийлар томонидан тўланадиган жизия солиғини бир қисмидан сарф қилинар эди. Давлат хазинасига хенат қилмай, фақирликка қаноат қилар эди.

Ақобирлар (амалдор, бойлар) нинг тўй ва маракасига ҳеч вақт бормас эди, кишиларнинг тортиқ ва пешкаш (ҳадя) ларини мутлақо қабул қилмас эди.

Уламолардан икки кишини Бухоро раислигига тайинлаб, уларга шариат нормаларига кириб келган бутун бидъат ишларини тугатишни, диннинг софлигини барпо қилишни буюради.

Бир неча вақтлар ўтгач, вакилларни чақириб, улардан ҳисоб олади. Улар жавоб бердилар: икки бидъатдан ташқари бошқа ҳамма бидъатларни тугатдик, деб жавоб бердилар. Амир Маъсум улар қандай бидъатлар? деб сўради. Айтдиларки, биринчиси бузрукволарга ўрнатилган тугларни ва уларга сизинишни, иккинчиси эса шайхларнинг бидъат тасбеҳларини йўқота олмадик.

Амир айтдилар: Мен сизларга айтган эдимки, бутун бидъатларни йўқотинг ва Салалоҳу алайвассаллам ҳамда «Хулафо ар рошидин» (тўғри йилдан борган халифалар) давридаги шариат кўрсатмаларини қолдиринг, оллоҳ таоллоҳ томонидан юборилган Қуръони Каримда ва пайгамбар ҳадисларида кўрсатилмаган урф-одатлар кейинги даврларда авж олиб кетганки, улар ислом динида бидъат деб ҳисобланади. Бундай бидъатларни барҳам беринг деб айтган эдим.

Раисотлар айтдиларки, мардум ҳаддан ташқари жаҳолатга тушиб қолган. Агар мазордаги тугларга сизинишни йўқ қилсак, шайхларнинг бидъат тасбеҳини йўқотсак, унда бизлар ҳам тирик қолмаймиз.. Бизларни оломон қилиб ҳалок қиладилар, улар яна айтдиларки, фалон бузруквор ёки фалон шайхлар қаргаганлари учун ҳам ҳаром ўлдилар, деб эълон қилишлари ҳам ҳеч гап эмас. Шунинг учун уларнинг йўқ қилиш баҳридан ўтдик, дедилар. Амир ҳам уларнинг сўзларини маъқул деб топдилар.<sup>1</sup>

---

1. Мирзо Салимбек. «Кашкули Салимий». Қўлёзма, 274-278 бетлар

Аҳмад Дониш ҳам унинг «гаройиб аҳволи Шарифдан» 2-3 ривоят келтирадигани, бу ривоятлар ҳаммаси Амир Шоҳмуроднинг тириклик даврида — уларнинг кўпчилиги қисми воқеъи ҳодисалардир.

Шоҳмурод ўзининг ўғли Мир Ҳайдарни хатна тўйини ўтказганда, уламолардан 2-3 кишини чақириб, бирта ёғочдан ясалган чўқур лаганда (корсон тавақда) шўрбо келтириб қўядилар. Устани хизмат ҳақига Шоҳмурод ўрдага кириб, бир мушт чигитсиз пахтани олиб чиқиб, устага қараб, бундан бошқа сенинг учун ҳеч нарса топа олмадим. Аёллар менинг бўлажак чопоним учун шу пахтани чигитини олган эканлар, шунинг сенинг хизмат ҳақингга олиб чиқдим. — деб устага беради.

Яна бир ривоятда Регистон майдонида бир деҳқон биринчи бўлиб пишган қовунни олиб келади. Шоҳмурод деҳқон сотиш учун келтирилган қовундан тотиб кўришни истаydi. Аммо ҳамёнида пули йўқ эди. Ўз маҳрамига ўзининг кулоҳини бериб, уни қовун билан алмаштиришни буюради. Кулоҳ йиртиқ, тердан чириб, пахталари чиқиб кетган эди. Деҳқон бу кулоҳ амир Шоҳмуродники эканлигини англаб, бир дона қовун бериб юборади. Шоҳмурод бу қовунни тилим-тилим қилиб, суҳбат аҳлига беради. Ўзига эса ҳеч вақо қолмайди. Яна бир кун Рамазон ойида кечаси ифтор қилиш учун палов пиширини буюради ва ўз маҳрамига ўз ҳисобидан хазиначидан бир товоқ ош учун пул олишни буюради. Маҳрам харажат қилиб, паловни тайёрлайди. Шу аснода Шоҳмурод мадрасалардан тўртта энг қашшоқ муллабачани олиб келишларини буюради. Муллабачалар келгач, уларни олдига ўша товоқдаги паловни қўйиб, «Бу паловнинг ҳаммасини еб бўлсаларингиз, ҳар бирингиз бир динордан (олтин танга) пул оласизлар, агар ея олмасаларингиз, пулни ололмайсизлар». — деб айтади.

Муллабачалар шавқ билан бир лаган (товоқ) паловни покиза туширадилар. Амир Шоҳмурод бир коса сув ва қоқ нонлар билан ўз ифторини очади.

Амир Шоҳмуроднинг ейдиган овқати ёвгон овқатлар бўлиб, бу овқатга бироз мош, ловня, ёғ, ўрик, жийда (санжид) солинар эди. Бир кун ёмғир куши давлат арконлари билан сафарга жўнайди. Ҳамма амалдорлар зарин камарли зарбсф чопонлар кийган эдилар. Амир эса қалами яктак ва оёғида минг ямалган қовуш кийиб халқ орасидан ўтаётганда, оёғидан қовуши лойга тушади, томошабинлардан бири дарҳол қовушни лойдан олиб, тозалаб, амир оёғига кийгизади ва Шоҳмурод саф тортиб турган халойиқ олдида уни баланд овоз билан дуо қила бошлайди. Мардум буни эшитар эди.<sup>1</sup>

---

1. А. Дониш. «Рисола ё мухтаасре аз тарихи салтанати хонадони мангития», Душанбе, 1961 й. (араб имлосида), 12-14 бетлар.



Амир Шоҳмурод бошқа ҳукмдорларга нисбатан мамлакатни одиллик билан сўраб турган, дин ва шарият қонун-қоидаларини биринчи даражада қўйган қўйган киши бўлган, у ислом динининг ҳомийлари бўлган руҳонийларга ва меҳнаткаш халққа алоҳида илтифот кўрсатган.

Аҳмад Донишнинг ёзишича, Амир Шоҳмурод отаси давридаги хал устидаги жабр-зулмларни юмшатиш чораларини кўра бошлайдди. Халқ устидаги олиқ-солиқларнинг кўпчилигини бекор қилади. Бухоро шаҳридаги бева-бечораларга «Йони Ротифа» (онла аъзоларининг ҳар бирига давлат хазинаси ҳисобидан бериладиган бир кунликка етадиган нон ва бошқа озиқ-овқатлар) жорий қилади. Зулмпарвар ҳокимларни давлат ишларидан четлаштиради. Давлат ва халққа хиёнат қилган амалдорларни қаттиқ жазолайди. Отаси даврида йўқолган вақф системасини қайтадан жорий қилади. Илгариги ишламаган ва харобага айланган масжид, хонақо ва мадрасаларни қайтадан таъмир қилиб, уларни ишга солади. Мамлакатдаги ўғри, йўл тўсарларга қарши қатъий чоралар кўради. Ўғриларнинг қўлини кесиш каби шарият қонунларини тиклайди. Халқ орасида обрўйи кўтарилиб, унинг «Амри Маъсум», «Жаннат Макон» деган лақаблар билан атаб, халқ унинг вафотидан кейин ҳам узоқ йиллар давомида яхшилик билан эслаб юради.

Амир Шоҳмуроднинг жасади Бухоро шаҳрининг Жўйбор маҳалласидаги эшони Имло мазорига дафн қилинади. Халқ уни авлиё даражасига кўтариб, унга бошқа авлиёлар қатори сизиниб келган.

## ХУНАРМАНДЛАРНИНГ АЙРИМЛАРИНИ ИЛОҲИЙЛАШТИРИЛИШИ ТАРИХИ

XIX асрнинг охири XX аср бошида Бухоро шаҳрида 200 дан ортиқроқ кўчалар, гузарлар ва кварталлар (маҳаллалар) да ҳунармандлар яшаганлар. 100 га яқин кўчаларнинг номи ҳунар, касб номлари билан аталган. Масалан, темирчилик билан шугулланган ҳунармандлар шаҳарнинг 57 кўчасида яшаганлар, шу жумладан Дегрез (Кўзон қуювчилар), меҳчагарон (мих ясовчилар), мисгарон (мисгарлар), Хоса Пўлат, Тўпхона, уста Руҳи, Ароқи мисгари, Гулом Али тўпчибоши. Зангўласозон, Заргарон, Қўчқор Қўрчи ва бошқалар. Кўчаларнинг номи турли мутахассислик номи билан юритилган. Заргарлар 30 кўчада, тикувчилар 51 кўчада, гилкор (қурувчилар) 34 кўчада, дурадгорлар 33, пойафзалчилар 32 кўчада яшаганлар. Ҳар бир мутахассисликка эга бўлган ҳунармандларнинг сизинадиган маҳаллий «авлиё», қадамжо, мазорлари бўл. Масалан, оёқ вийими тикувчиларининг маҳаллий ҳомийлари Бобойи Порадўз, темирчиларнинг Уста Руҳи, қассобларнинг Жом

Марди қассоб, тўқувчиларнинг Имом Муҳаммад Ғазоли, ҳаммомчиларнинг ҳазрати Насвиҳ, чармгарларнинг Хўжа Булғор, кулолчиларнинг Ҳазрати Мири Кулол, Хожа Косагар, сабатбофларнинг Хўжа сабатбоф, ҳалвопазларнинг Буқи Сармаст ва Шайх Сайфиддин Хилвати, Самбўсапазларнинг шайх Муҳаммад Самбўсапаз, сарбоз ва сипоҳларнинг Хўжа Шофбоз, рангрезларнинг шайхи Рангрез, Жувозронларнинг Шер Муҳаммад Жувозкаш, дарвоз, қўғирчоқбоз, масхарабозларнинг Муҳаммадхўжа чўлбоз, тикувчиларнинг Юсуф Ҳамадони, отбоқарларнинг Хўжа аспгардон, нонвойларнинг пири Бобойи Нонкаш ва ҳоқақолар бўлган.

Буларнинг ҳаммаси шаҳар ичкарасида ёки шаҳарнинг ташқари-сида 1-2 км узоқликда бўлган, лекин Бухоро атрофидаги районларида ҳам турли хил ҳўнар-касб пирлари бўлиб, уларнинг сони юздан ошиқроқдир.

Бухоро шаҳрининг жануби-шарқий қисмида салоҳона дарвозасидан ташқари икки юз метрга келадиган мазорда Бобойи — Порадўз мақбараси бўлган. XV аср бошида бу ерда мақбара, масжид, зиёратчилар учун хоналар, ҳовуз, қудуқ каби архитектура комплекси бўлган. Ҳозирги даврда пойафзал тикувчилар жамоасининг пири бўлган Бобойи Порадўз мақбарасининг фақат марказий қисми қолган. Бобойи Порадўз пойафзал тикувчилар, кийим-бош тикувчилар, зардўзлар, жияк тикувчилар ва бошқа игна билан ишлайдиган бутун ҳўнармандларнинг пири бўлиб ҳисобланган. Бобойи Порадўз номи билан жуда кўп афсоналар боғланган. Улардан биринда шундай ҳикоя қилинади. Бир киши Маккани зиёрат қилиш учун Бухородан пиёда бормоқни жазм қилиб, Бобойи Порадўз олдига келиб, унга йўлда мустаҳкам оёқ кийим тикиб беришни илтимос қилиб сўрабди. Уста тарвузнинг пўчоғидан оёқ кийими тайёрлаб бериб, оёқ кийимининг мустаҳкамлигига уни ишонтиради. Зиёратчи Макка ва Мадинага пиёда бориб, Ҳожини бўлиб қайтиб келади, ammo Бобойи Порадўз тиккан бу оёқ кийими худди янгидай турган экан ва узининг илгариги ҳолатини ўзгартирмаган экан. Шундан кейин бутун Бухоро вилоятларида Бобойи Порадўзнинг шуҳрати тарқалиб, уни ҳамма пойафзал тикувчилар ўзларининг пирлари деб тан олганлар. «Агар Бобойи Порадўз» мазорининг тупроғини яра, захм қабилирга сепилса, улар яхши бўлади» деб диндорларни ишонтирганлар. XX аср бошларида Бобойи Порадўзга келувчи зиёратчилар шунчалар кўп бўлганки, худди Бухоро шаҳридаги Хожа Аҳмад Паррон, Турки жанди, Қўчқор ато каби мазорлардек, бу мазор олдидан ҳам улов устида юрмаганлар. оёқ кийимларини счиб, пиёда зиёрат қилганлар.

XV асрнинг биринчи ярмида ёзилган «Китоби — Муллозода» деяган асарда нақл қилинишича, Бобойи Порадўз XIII аср охири ва

XIV аср биринчи ярмида яшаган. Муллазоданинг насрий услубидаги китобини назми услубга айлантирган Олим шоҳ мадрасасининг мударриси Мулло Мир Абдулло Хожа — қисман шундай мисра келтиради.

**Хаст жониби жануби Бухор**  
**Қабри Бобойи Порадуз эй ёр**  
**Хаст ў ибн Аҳмад Искоф**  
**Шайхи маъруфи шаҳри атроф!**

Бобойи Порадузнинг асли номи Абу Бакр Муҳаммад Аҳмад ал Искоф бўлиб, «Искоф» сўзи арабчада пойафзал тикувчи, тожик тилида порадуз демакдир. Узи эса машҳур ханафийлар имоми бўлган. Ханафия суннийликдаги диний ҳуқуқ мазҳабларидан бири бўлиб, VIII асрда Абу Ҳанифа ан Нуъмон асос солган ва Хуросон, Мовароуннаҳрда кенг ёйилган. Ханафия қонунлари нисбатан юмшоқлиги ва қулайроқлиги, халқларнинг маҳаллий анъаналарини эътиборга олинганлиги сабабли кенг ёйилган. Суннийликнинг йўналишига мансуб бўлган мусулмонларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи Ханафийлар мазҳабига киради. Революциядан илгари чор Россияси территориясидаги мусулмонлар (жумладан, Бухоро амирлиги мусулмонлари) нинг сунний йўналишидаги қарийб ҳаммаси шарнатда Ханафия мазҳабига амал қилган. Революциядан кейин қонунларининг амалда қолиши ва Совет социалистик қонунчилигининг киритилиши туфайли Ханафия мазҳабининг ҳуқуқий ҳаётидаги таъсири тугатилган. Лекин унинг оилавий ва маиший ҳаётидаги айрим элементлари, масалан, никоҳ, талоқ ва бошқалар учраб туради.

Маҳаллий кексаларнинг ҳикоя қилишларича, XX аср бошларида Бобойи Порадуз мақбарасидан ташқари, бу қабристонда ҳунармандчилик пирлари дафн этилган бир неча мақбаралар мавжуд бўлган. Бобойи Порадуз мақбарасидан шимолий-шарқий мақбара кигиз ишлаб чиқариш ишлари билан банд бўлган ҳунармандларнинг пири ҳисобланган Бобойи Намати мақбараси ва мақбара ёнида масжид, ҳовуз, қудуқ, азон айтиладиган минорача ҳам бўлган.

Муллозода китобида ёзилишича, Бобойи Порадуз мақбараси яқинида ҳолвапазларнинг пири Сирожиддин Хилвати, самсапазларнинг пири Шайх Маҳмуд қабри бўлган. Муллозода асарида шайх Маҳмуднинг шахси муаллиф томонидан жуда юқори баҳоланади, у қисман шундай ёзади:

---

1. Китоби Назми Муллозода. Бухороий шариф. Дар матбааийи Когси матбуъ шуд. 1323 (1905) йил, 44 бет.

Марқадн Шайхи солуқи Жоҳид  
Илм оқилу, валийн зоҳид  
Яъни самбўсапаз Маҳмуд аст  
Ки Халифи хожагон будаст.<sup>1</sup>

**Мазмуни:**

Бу шайхнинг қабри — эътиборли кишилар пайвари, диндорларнинг мададкори, илмлар доноси, хожагонлар Халифи, яъни Самбўсапаз Маҳмуднинг оромгоҳидир. Л. Р. Гафурова Бобойн Порадўз мазористоннда турли касб ҳунармандчилик пирлари дафн этилган ва уларнинг ҳаммасининг бошлиғи Бобойн Порадўз ҳисобланади деган хулосага келади.<sup>2</sup>

Ҳунармандчилик жамоаларининг роли ва таъсири ҳунармандлар ҳаётида катта роль ўйнаган. Бутун ҳунармандлар Бобойн Порадўз-ни ўзларининг пирлари ҳисоблаганлар, унинг мазорнда ҳар йили 2-3 мартаба арвоҳи пир ўтказганлар, айниқса, 21 март — янги йил кириши — баҳорги тун-куннинг баробарлиғи вақтларида бу мазорда Урта Осиёнинг кўпгина шаҳар ва қишлоқларидан зиёратчи ҳунармандлар ўзларининг ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотиш ва муқаддас пирни зиёрат қилиш учун келганлар. Бундай йиғилишларда ҳунармандлардан пул тўплаб, зиёфатлар уюштирганлар. Е. М. Пешереванинг ёзишича, Наврўз байрамлари даврида ҳар Сешанба куни Бобойн Порадўз мазорнда ҳунармандчилик билан алоқадор бўлган хотин-қизларнинг алоҳида байрамлари ўтказилган. Шундай қилиб, хотин-қизлар ҳам бу жамоа билан боғланганлар.

Урта Осиёнинг бошқа жойларида ҳам Бобойн Порадўзнинг қабри бўлган, игна билан алоқадор булган ҳунармандлар ўзларининг маҳаллий мазорлари Бобойн Порадўзга сийинганлар.

Масалан: И. А. Костаньевнинг Фарғона, Наманган уездида қилган тарихий-этнографик экспедицияси ҳақидаги 1914 йилда эълон қилган мақоласида «Чустдан 18 верст шимолда Қора-Қўрган деган жойда пойафзал мутахассиси, мусулмон авлиёси Бобойн Порадўз дафн этилган мазор мавжуд. Бу шахс шу жойда пойафзалчиларнинг пирн бўлиб ҳисобланган» деб ёзади.<sup>1</sup>

1970 йилар охири 1980 йиллар бошида Ўзбекистон фанлар академияси археология институти ходимлари У. А. Алимов, Д. К. Мирзааҳмедов ва бошқалар археолог профессор А. Р. Муҳаммад-

1. Назми Муллозода. Матбаи Когон. 1905 й, 45 бет.

2. Р. Л. Гафурова. Китоби мулло-зода как Исторический источник. Автореферат кандидатской диссер. 1961.

1. Известия Туркестанского отдела, император русско-географического общества. Т. Вып. 10, 1914 г, стр. 156.

Жонов раҳбарлигида Бобойи Порадүз мазорида археологик ишлари олиб бордилар. Бу ажойиб ёдгорлик комплекси асосан XIV асрда Халқ усталаи тамонидан қурилган. Аммо бизнинг замонамизгача, бу комплекс бутунча етиб келмади XVII аср охири охири XIX аср бошларида амирликдаги тўхтовсиз феодал урушлар натижасида бу комплекснинг кўпчилиги қисми вайрон бўлган эди. XX аср бошларида маҳаллий халқ ҳисобидан бу мақбарани бир неча марта қайтадан тиклашга уринганлар. Аммо бу мазордаги комплексни ўз ҳолига келтира олмаганлар. Чунки буни қайтадан реставрация қилиш кўп маблағни талаб қилган. Бухоро амирлари бундай жойларни таъмирлашга хазинадан маблағ ажратмаганлар. Советлар ҳокимияти даврида эса қаровсизлик натижасида бу ажойиб обидалар бутунлай вайрон бўлиб, тепаликда тупроқ уюмларидан бошқа нарсани куриш мумкин эмас эди.

У. А. Алимов. Жамол Мирзааҳмедовларнинг ўзларининг «Бухородаги Бобойи Порадүз мақбараси тарихидан» деган мақолаларида бу мақбара ва бошқа архитектура комплекслари XIV асрнинг иккинчи чорагида қурилган деган хулосага келадилар. Чунки XIV асрнинг биринчи чорагида монголлар истилоси натижасида Бухоро ва унинг атрофлари шундай вайронагарчиликка учраган эдики, масжидлар, қалъалар, аҳоли яшайдиган қишлоқлар тамомла ер билан яқсон қилган эди. Боғ ва чорбоғлар қаровсиз ҳолда ташландиқ бўлиб қолган эди. Шунинг учун XIV асрнинг биринчи ярмида бу ёдгорликни қурилиши мумкин эмас эди. XIV асрнинг иккинчи чорагидан бошлаб қайта тиклаш процесси бошланади.<sup>1</sup>

Бобойи Порадүзнинг таржимаи ҳоли маълум эмас, аммо Китоби Муллозодада бу шахс XIII-XIV асрларда яшаган Абу Бакр Мухаммад Аҳмад ал Искоф (пойафзал тикувчи) номи билан машҳур бўлган деб ёзади. Чунки Салоҳиддин Тошканди сўзига қараганда, амир Темур 14-15 ёшарлик даврида у билан мулоқотда бўлган. Ривоятларга қараганда, Бобойи Порадүз 90 ёшда, тахминан 1350 йилларда вафот этган. Уша даврда амир Темур ўспирин бўлиб, ҳали сийёсат майдонида намоён бўлмаган эди. Шунинг учун амир Темурнинг Бухорога келиб, улуг пир билан мулоқотда бўлиши афсона эмас, ҳақиқатдир.

Темурномада «Соҳибқурон Искандари Соний» (яъни, Амир Темур Н. Й.) айтур эрдикки, «аввал кунларимда етмиш пирни қомилга қўл бердим. Етмиш мартаба ўлимдан нажот топдим, етмиш денгиз-

---

1. У. А. Алимов, Д. К. Мирзааҳмедов. К истории мавзолея Бобойи Порадүз в Бухаре. В сборнике История материальной культуры Узбека. Вып. 17 1982 г, стр. 169-180.

дан гаввос каби сузуб утдим. Ҳаргиз шароб-чағир ичканим йуқ ва Намоз тарк қилганим йуқ».<sup>1</sup> Шундай қилиб, Амир Темурнинг пирлари ҳазрат Мирн Кулол, асҳобларидан ҳазрат Баҳоддин Нақшбанд, ҳазрат Шамсиддин Кулол, ҳамда Баҳорзӣ авлодларидан Шайх Ҳасан кулол, Бобойи Порадӯз кабилар бўлганлар. Яна шу асарда ёзилишича, «Дерким: аввал Амир Темур Соҳибқиронни шайх ул аълам (руҳи) тарбият қилдилар, иккинчи шайх Шамсиддин Кулол тарбият қилдилар. Учунчи Шайх Ҳасан Баҳорзӣ тарбият қилдилар. Тўртинчи Нақшбанд пирим тарбият қилдилар. Оламдан интиқол қилгунларича (волилар) тўрт вали тарбият қилдилар».<sup>2</sup>

Гарчи ҳазрат Бобойи Порадӯз амир Темурни ўз тарбияларига олмаган бўлсалар ҳам, лекин амир Соҳибқирон у кишига пирим деб қўл берган.

Мулло Салоҳиддин узининг «Темурнома» деган асарида Бобойи Порадӯз амир Темурнинг ёшлиги даврида яшаганлиги ҳақида қуйидаги ривоятни келтиради: Биз бу ривоятни айрим жойларини мазмунан келтираемиз: «...Турагай баҳодур бой киши эрди. Бир куни кўп қўйларни амир Темурга бериб, бозорга сотишга юборади. Қўйларни ҳаммасини минг олтинга сотиб, бозор сайр қилиб юрар эрди, бир ерда бир қаландар маърака қилиб, қўлидаги шеър ёзилган қоғозни кўрсатиб, ким шу ёзувни қадрига етса, баҳоси минг олтиндир.

Амир Соҳибқирон ҳиммати жушга келиб, минг олтинни қаландарга бериб, ул қоғозни олди. Қаландар амир Темурни ҳасаб ва пасабини сўрди. Айдиким, отанг олдига боргил, мунг атанг олдига ўқигил, боргунча очмагил. Қаландар «ҳу» деб йўлига кетаберди. Соҳибқирон отаси олдига келиб, қоғозни очиб ўқиб кўрса, Хожка Камол Хўжаиди (вафоти 1397 й) уша қаландар экан. Шеъри форси рубоийдур:

**Он каски тамоми даҳр бигирифт нахуст  
Заврақи, замона ситами зулм бишаст  
Жамшеду, Сулаймону, Скандар гузашт,  
Барҳез миён банд ки то навбати ту аст.**

Шеърнинг мазмуни подшоҳи мутоқадднинг ер юзин олган ўшал уч киши эрур, энди сенинг навбатинг, шунинг учун тур, белбогингни боғла. Турагай баҳодир бу ибрат қадрин билмади ва ўглига, — ўғил бўлсанг, тузук бўл, бўлмаса кет деб койинди. Амир Темур хафа бўлиб Шайх Шамс Кулол хизматларига келди. Ўшал куни Шайх Шамс Кулол дорулфанодан дорулбақога руҳлат қилдилар. Соҳиб-

1. Темурнома, Т. 1990 й.
2. Уша жой, 95 бет.

қирон жанозаларни уқиб, бир неча кун шайхни қабрларида ётиб, туш кўрдилар. Андин кейин Соҳибқирон Бухорога юзланди. Бухоронинг Талипоч деган дарвозасидан кириб борди. Бир саройга бороб, бир ҳужрага кириб қарор олди. Аммо дунёлигинин бир Лаъл Бадахшон қиссаеида бор эрди. Ноилож, Лаълни жавоҳир бозорига олиб чиқди. Ногоҳ одамлар қочабердилар. Кўрдиким, бир одам маст, қўлида ханжар билан келмоқда эди Биров айтди: «эй турк бача, қочгил!». Амир Темур қочмади. Маст одам қўлидаги ханжар билан амир Темурга ҳамла қилди. Соҳибқирон ўзини чаб бериб, Лаъл Бадахшон қўлидан тушиб кетди. У мужиб Лаълни олиб кетаберди. Амир Темур аннинг кетидан югурмоқчи бўлди. Бир одам тутиб айтди: «эй, турк бача, бу зolim кетидин бормагил, сени ўлдирур. Бу Мужим Бароқхон Маҳбубидир. (яқин дўсти), Бароқхон Баёнқулихонни ўғлидир, кўп-кўп мусулмонлар уйларига ўт қўйиб, томоша қилур. Муни тўғрисидин ҳеч ким хонга арз қилолмас. Баёнқулихон қартайибдир, мундин бошқа ўғил йўқдир. Хонимиз одиллар. Агар англаса, ўғлини ўлдирмоқдин ҳам тоймайди».

Соҳибқирон мусофирлигини ўйлаб, саройга келади. Саройбон уш қувиб чиқаради. Соҳибқирон оч, ташна бўлиб, бирин-кетин бутун амалдорларга арз қилади. Ниҳоят улар қозига юборадилар. Қози иккита гувоҳ топиб кел деб айтади. Кўрган одамлардан гувоҳлик талаб қилади. Алар айтди: Бизлар фуқаро бўлурмиз, гувоҳлик беролмаймиз, жонимиз ўзимизга керакдур.

Амир бир масжидга келиб очликдан йиқилиб ётти. Тун ярим бўлганда бир қаландар, қўлида чироғи билан келиб, айтди, эрта намоздан кейин фалон минор тагига боргил, анда Малҳам Порадўз ўлтирур, воқеани анга арз қилгил.

Соҳибқирон намоздан кейин минор тагига борди, анда бир дукон ичида бир оқсоқол киши эски нарсаларни тикиб ўлтирур, кийимлари тамом эски турур. Соҳибқирон ҳайрон бўлди, охир уни ҳузурига кириб салом берди, у чол ҳам саломни алик олиб, яна иш билан машул бўлди. Бир неча дақиқа утгач, Соҳибқирон воқеани арз қилади. Айтди: умароларга арз қилмадингми? Амир арз қилдим дегач, шогирдларидан бирин Едгор шоҳга юборди. Амир Едгоршоҳ ранги бўзарган, туси оқарган келиб бу кишига таъзим қилди. Соҳибқирон арз қилган бошқа амалдорлар ҳам шу тарзда кела бошладилар. Ниҳоят, қози келди. Бунга ҳам илтифот кўрсатмасдан, эй қози, нечун шарият ҳукмин жорий қилмадинг? Қози айтди: Шоҳид талаб қилдим. Бул йигит чиқиб кетди, қайтиб келмади. Андин кейин Порадўз Соҳибқиронга назар қилди. Соҳибқирон айтди: заргарлик бозорига бордим, алар айтдиларки, биз фуқаромиз, шохидлик беролмаймиз. Бобо айтди: боринглар, аларни келтиринг. Бориб уларни келтурдилар, алар айтдилар: Бароқхон зolim, андин

қўрқамиз. Анда Бобо аччиғи зиёда бўлиб, Бароқхонни келтурунлар, деди. Ногоҳ шотирлар қўнғироғи садоси келди. Кўрсалар шоншавкат ила Бароқхон келур. Анда фуқаро ва умаро барчалари уринларидан турдилар. Анда қари бобо сукутда эди. Бароқхон била барча умаро, беқлар улкишини қараб мунтазир эрдилар. Кейин бобо Бароқхонга қараб айтди: «эй зolim, тоқайгача санга мадҳу сано қилурман ва зомин бўлурман, энди отанга айтурман, ҳалок бўлурсан». Бароқхон ўз марҳамига савол назари билан қаради. Марҳам айтди: Лаълни мастликда билмадим қайда қолибдур. Бароқхон қўлини кўксига қўйиб, тавозъе билан айтди: «Эй бобо, манга рухсат беринг, бул йнгит эртага мани олдимга борсин, Лаълни икки баҳосини берурман. Заргарлар айтди: «Лаълнинг баҳоси бир минг олтин. Анда бу барчага рухсат берди». Амир Темур эртасига бориб 2 минг олтинни олиб келиб, бобога айтдиким, буни ярми сизинки. Бул киши хафа бўлиб, айтди: эй, нодон бола, дунёга мани ҳожатим йўқ, манга олтин қаҳат эмас, ўзинг олгин, бу олтинлар сеники.

Соҳибқирон айтди: эй бобо, манга сирингизни айтинг. Қари бобо айтди: ман 40 йилдан буён порадузлик қилурман, кишилардан таъма қилмасман. Шул минорага чиқиб азон айтур эдим. Ун йил бўлибдурким, охишом вақти бир хотун ўтаверди. Ани қавми Чигатойдин бир маст келиб, шул хотинни қўлидан тортиб, бир уйга келтурди, ул занфа фарёд қилди. Ман унга нажот бериш мақсадида туркининг уйига бордим. Ани қўллари келиб мани ура бошлади, мен қочиб минорага чиқиб овози баланд билан — «ас салоту хайрум мин ан навм» (намоз ўйқудан афзал) деб чақира бошладим.

Баёнқулихон бемаҳал азонни эшитиб, дарҳол киши юборди, ул келиб минорадан мани хонни олдига олиб борди. Ман бўлган воқеани анга айтдим. Хонга турк блан мазлума хотинни олиб келдилар, туркни қафасга солиб, ура-ура ўлдирдилар. Хотинда гуноҳ йўқлигини эрига маълум қилдилар. Андин кейин хон мени ўзига ота қилди. Шул сабабдан умаро мендан қўрқарлар. Холо Бобо Порадуз дерлар, қабрлари Бухоронинг жануб тарафидаги дарвозададур.

Ҳақиқатан ҳам, Бобойи Порадузнинг қабри Бухоронинг жануб томонига, Салоҳона дарвозасига яқин, шаҳар қалъаси ёнидаги тепалик устидадир.

Кўпгина тарихий манбаларга қараганда, Бобойи Порадуз XIV асрнинг биринчи ярмида яшаган сўфизм намояндalarидан бири бўлиб, Бухоро хони Баёнқулихоннинг пири ва маънавий отаси бўлиб, у тариқат ҳақидаги голлари «бу дунё азобига чидасанг, у дунёда роҳат кўрасан, халқни фақирликда яшашга, фақатгина худогга сажда қилиш керак» деган таълимотни илғари сурган. Унинг



ўзи ҳам гарчи хонга яқин бўлишига қарамасдан, ўз меҳнати — порадўзлик билан кун кечирган. Ҳатто амир Темур унга бир минг олтини инъом қилганда, у менинг олтинга ҳожагим йўқ, деган гапларни айтади. Беш кунлик дунёда мол — ғанимат тўплашни гуноҳ деб билади. У ҳатто катта амалдорларни ҳам ҳурмат қилмайди, чунки уларнинг халқ ҳисобидан бойлик тўплаётганликларини билар эди.

Бобойи Порадўз Ислам тариқатларини яхши билган кишилардан бири бўлган. Бобойи Порадўз Соҳибқирон Темурга қилган яхшиликлари эвазига, 1370 йилларда у Мовароуннаҳрнинг тула ҳукмрони бўлганидан кейин, Бобойи Порадўз қабри устида мақбара, хонақо, сарҳовуз, турли ҳужралар қурдирган. Археологик қазилмаларни олиб борган У. А. Олимов, Жамол Мирзааҳмедов каби олимларнинг асарларида ҳам бу масала ўзининг аксини топган. Бобойи Порадўз мақбараси ва шу мазордаги бошқа ёдгорликлар бизгача етиб келмаган бўлса ҳам, ўтказилган археологик қазилмалар натижасида мутахассислар шундай хулосага келдиларки, бу ёдгорликлар Ўрта Осиёда ўзининг оригиналлиги билан фарқ қилади. Мақбарادا қўйилган мрамор ва мраморсимон оҳақтошдан ясалган панжаралар, эпиграфик арнаментлар ажойиб меъморлар намунасидир. Деворлар ганчланиб, устидан ўйма нақшлар солинган. Бу ерда ўсимликсимон геометрик шаклли ранг-баранг гуллар ва «Насҳ», «Қуф» ёзувлар каби безакларнинг қолдиқларини учратамиз. Бу эски анъанага бўлган ҳурмати эслатади.

## УСТА РУХИ МОЗОРИ

Бухоро шаҳрининг уста Рухи гузариди шу номдаги мазорда XVI асрда яшаган оҳангарлар (челонгарлар) нинг пири Уста Рухининг мазори бўлиб, бу гузарда 2 та масжид бўлган. Биринчиси, Уста Рухи номи билан аталган бўлиб, бу масжид беш вақтлик (панж вақта) деб юритилган. Иккинчи масжид Болоҳавуз ёки қуш масжид номи билан машҳур бўлиб, Бухор арки рупарасида XIX асрда қурилган. Амир ва унинг амалдорлари айрим вақтларда шу масжидда Жума намозини ижро этганлар. «Қуш масжид» деб аталишига сабаб, масжиднинг акси ҳовузга ўриб турган. Шунинг учун уни шу ном билан атаганлар.

Бу гузарда уста Рухи қабри ва мазори бўлиб, В. Л. Вяткин уни Убайдуллахон ўгли Абдулазизхон (1540-1549) даврида яшаган ва шайх Жамилнинг шогирди деб атайди. Шайх Жамил Абдулазизхоннинг пири бўлган. В. Л. Вяткиннинг сўзига қараганда, Уста Рухи XVI асрнинг 50-60 йулларида Абдуллахон II Шайбони

(1557-1598 йиллар) подшолиги даврида ҳам яшаган.<sup>1</sup> Айрим кишилар уни Уста Рухи деган лақабини олишига сабаб, ўз даврининг йирик руҳонийларидан бўлгани учун руҳ сўзидан олинган деб айтадилар.

Айрим кишилар уни челонгарлиги учун кўпроқ руҳ (динк) ишлатгани учун унинг лақабини руҳ деб айтганлар дейдилар. «Рух» унинг лақаби эмас, аслида номи бўлган, бу ном Бухоро ва атроф жойларда кенг тарқалган номлардан бўлиб ҳисобланади. У Абдулазизхондан Абдуллахон II гача подшолар даврида челонгар уста бўлиб, ўша даврдаги замбараклар, манжинаҳлар ва башқа отиш қуролларини ясашда устаси фаранг бўлган.

Ҳофиз Таниш Ибн Мир Муҳаммад Бухорий ўзининг XVII асрда ёзган «Абдуллоном» ёки «Шарафнома Шохий» китобида уста Рухи Абдуллахоннинг олиб борган қанча урушларида замбараклар тайёрлаш ва уларни ишлатишда катта ишлар қилганлигини ёзади. Биз бу ерда унинг бир қанча қалъаларини олишда алоҳида ўрнатилган кўрсатгани ҳақидаги айрим тафсилотларни келтирамиз. Анҳуд ва Шибиргон вилоятларига Абдуллахон II Шайбоний қилган юриши ва бу шаҳарларни олишда Уста Рухи фаолияти ҳақида автор алоҳида тўхтайдди. Абдуллахон қўшинлари Анҳуд<sup>1</sup> томон юрдилар. Лашкар қалъани фатҳ қилиш учун керакли қурол-аслаҳаларни ҳозирлаб, у деворни очишда бирданига ҳаракат қилгани ҳолда подшо шижоатли қўлларини кўтардилар. Тош аррода ва манжинақ билан зуҳал тоқига шикаст етказиб, тўп шуъласи билан кўкка ўт кўядиган ҳунар устаси устод Рухий замбаракбозликни шундай тартибга солидиларки. Бухоро ўлчови билан унинг оғзига бир ботмон (Бухоро ўлчовида бир ботмон 8 пуд ёки 128 кг) тош кетарди. Унинг кетма-кет зарбасидан бурж ва деворлар ер билан яксон бўларди.

Тўп тошнинг кўпчилигидан олов ёғувчи булут ҳосил бўлиб, қалъанинг ичи олов билан тўла ўчоқдай бўларди. Термиз қамали ҳақида автор қуйидагича ҳикоя қилади. «Ал қисса қалъа аҳли уни мустаҳкамлаш билан қатъий машғул бўлиб, бурж ва деворларни сақлашда тиришқоқлик кўрсатгач, моҳир ҳунарманд Рухий (Хон артилериясининг бошлиғи) подшонинг ҳукмига биноан, шижоат қадамни ботирлик майдонига қўйиб, жангни бошлаб юборди ва кетма-кет тош парчаларини отиб, унинг буржи ва деворларини ер билан баробар қилди. Натижада Термиз қалъаси таслим бўлади.

---

1. В. Л. Вяткин, Шейхи Джуйбари. В кн. В: В: Бартольд, Туркестанские друзья, ученики и почитатели. Ташкент, 1927 г, стр. 3-19.

1. Анҳуд — Шимолий Афғонистондаги қадимги шаҳарлардан бири.

1548 йил апрелда Самарқанд Абдуллахон II томонидан қамал қилинади. Подшо ҳукмига биноан, ҳунарманд Рухий қурган ва пардозлаган учта мустаҳкам Қозон шаҳарининг уч томонига ўрнатилди, чунончи Қуббали қозонни (маҳсус замбарак бўлса керак) Қозаристон (Қорзистон, XVII асрдан бошлаб бу дарвозайи Хожа Аҳрор деб юритилган) дарвозаси томонига ўрнатдилар. Жаҳонгир қозонни (тош отишга мослаштирилган маҳсус замбарак), чаҳарроҳи дарвозаси рўпарасига тайин қилиб, Қора Баҳодир Қозонни (ёндирилган нефть отувчи маҳсус замбарак) Феруза дарвозаси тарафига қўйиб, фалак қалъанинг кунгираларини тош зарбаси билан емирган ҳунарманд устод Рухий ҳам шу қозонни тепасида бўлиб, ҳаммиша уни ишга солиб турди. Ҳунарманд устод Рухий тўфанг ўқи ва кўп миқдорда тошларнинг зарбаси билан шаҳарнинг буржи ва деворларини тўхтовсиз ерга қулатиб турди.

Ҳофиз Таниш Жиззах атрофидаги уруш тавсиялотларини ёритиб. Уста Рухий ҳақида қуйидагиларни ёзади. «Ҳунарвир Устоз Рухи» илгарироқ бориб дашликлар қўлида бўлган майдон ўртасидаги тепани тўфанг зарби ёрдамида олди. Қалбий ва жаҳонгирий қозонларини у тепага ўрнатиб, тўфанг отувчи ҳолда нафтабозларни уларни сақлаш учун ўша ерга тайинлади. Араваларни ҳам илгари олиб бориб, ёнма-ён занжирлаб қўйган ҳолда пиёда, қаттиқ камонли мерганлар ва тўфангчиларни аравалар ости, ҳам устига жойлади.

Бу даврда Абдуллахон Бобосултон шайбоний билан Тошкент атрофларида жанглари олиб боради ва бу жангда Уста Рухийнинг замбараклари ҳал қилувчи роль ўйнагани ҳақида Ҳофиз Таниш Бухорий шундай ёзади: «Бобо султоннинг ўзангиси олдида паҳлавонлардан бир тўдаси пиёда бўлиб турардилар. Устод Рухий ўша гуруҳни нишонга олди, қозонларга ўт ёқиб, улар томон бир тош отди. Иттифоқо у тош ору-номуссиз гуруҳга етиб, Бобонинг машҳур баҳодирларидан бўлган Дўстика Баҳодирнинг танасини бошидан жудо қилди. Шунинг учун душман чекиниш йўлини тутиб, қоча бошлади».

Киновар устод Рухий ҳар уруш маъракасидаги одати бўйича, барча милтиқ отувчилар билан энг олдинда турар эди. Умр бўйи тош зарби билан шижоатлилардан кўпини ҳаёти, қалъасини ер билан яксон қилган ҳунарманд Устод Рухий ўқлари қазо ўқиға ухшаш бирорта ҳам хато кетмаган, мерганларнинг ҳаммаси билан амирлардан олдинги жойини олди.<sup>1</sup> Ҳофиз Танишнинг ёзишича, Устод Рухий Абдуллахон оқидда жуда катта обрў ва мартабага эга бўлганки, хоҳ уни амирлардан ҳам юқори қўйган.

Ўра Тепа учун бўлган жанглардан бирида ҳунарманд Устод Ру-

---

1. Ҳофиз Таниш Бухорий, Абдуллонома. Т. 1969 й, 202 бет.

хий ҳам буюрди. тўфанг отувчилар душманлар билан юзма-юз бўлиб, ўт сочувчи тўпларга ўт солинлар. Натижада душманлар га-лаба қозондилар, мерганлар юз ўгирдилар. Ўша ҳужумда Устод Рухий уруш кийими киймагани учун орқасидан найза билан яра-ланиб, эгари устидан ерга йиқилади.<sup>2</sup> Бу воқеа 1579 йил июль ойи-да бўлган эди. Уста Рухий Абдуллахоннинг энг нуфузли саркарда-ларидан бири бўлган. Фақатгина метал устаси бўлиб қолмасдан, ду-рақдорлики ҳам яхши билган, ўша даврдаги уруш тактикаси, қў-шинларни қандай жойлаштириш, уларни олиб борган урушларини усулларини яхши билганлардан бўлган. У шаҳарларни қамал қи-лишда замбаракларни қандай қилиб ўрнатиш методларини яхши бил-ган. Ҳар бир Қозон (замбарак) нинг алоҳида номлари бўлган, улар урушнинг қайси жойида керак бўлишин билган. Айрим замбараклар шаҳар деворлари ва бурчакларни вайрон қилишга ишлатилган. Бундай замбараклар нуқул катта тошлар отишга мўлжалланган, яна бир хил замбарак қамал қилинган шаҳар ичкарасида ёнгин чи-қарган, яъни шаҳарга ёниб турган нефть сепилган. Учинчи хил замбараклар аскарлар тўдасига қараб майда тошлар отилган, албатта ёнган бундай тошлар душман аскарларини ҳалок, ёни ярадор қилган.

Уста Рухий катта ҳунар эгаси бўлгани сабабли, ҳунарманд те-мирчилар ва бошқа касб эгалари уни ўзларига пир деб атаганлар. У вафот этгач, Абдуллахон II буйруғи бўлган, уни жуда катта тан-тана билан Арkning рўпарасидаги унга яқин бўлган жойда дафн этилган ва унинг устига махсус мақбара қурдирган, уни арвоҳини шод қилиш учун унга махсус дуойи фотиҳа ўқийдиган қорилар тайинланган. Темирчи усталар ўз пирларини арвоҳига фотиҳа ўқиш учун ҳар ҳафтанинг «бегойи душанба» (душанба оқшоми), бегойи жума (жума оқшоми) келиб, қориларга ҳатм буюрганлар. Вақт ўтиши билан руҳонийлар Уста Рухийни «авлиё» даражасига қўта-ра бошлаганлар, уни инсонийлик, ҳунармандлик, саркардалик қиё-фалари унитилиб, уни илоҳий қиёфада тасвирлай бошлаганлар. Унга турли афсоналар тўқий бошлаганлар.

Бир афсонада, Уста Рухий руҳ (цинк) ни қайта ишлаб, олтин чи-қарадиган уста бўлиб, унинг жасади масжид ери тагида эмиш, агар худотарс, тоза одам қўлоғини ерга қўйиб эшитса, ер остидан ус-тоднинг болга ураётган товушини эшитар эмиш. Бошқа бир афсо-нада Уста Рухий Бобойи Порадўзнинг шогирди бўлган эмиш, бир куни Бобойи Порадўз бир тўда чармдан чиққан пораларни (чарм

---

2. Ҳофиз Таниш Бухорий, Абдулломома. II жилд, Т. 1969 й, 309 бет.

парчаларни) уяга бериб, уларни уйига олиб бориб, уйнинг мадонига (Бухорода ҳар бир хонада шундай мадонлар — кичик уйчалар бўлган. Булар омборхона вазифасини бажарган) этиб қўйишни буюрган. Шогирд унинг айтганини бажарган, лекин устоднинг ақлдан озган деб ўйлаган. Устод буни фаҳмлаб, уни ўша чарм парчаларини келтиришга буюрган Шогирд мадонга бориб қараса, бутун чарм-чиндилар олтинга айланиб қолган эмиш. У устози устидан кулганга пушаймон қилиб, Бобойи Порадўздан уэр сурабди. Бобо бу олтиндан масжид қуришни буюрибди, шундан қилиб уста Рухий масжидни қурдирган экан.

Афсонанинг ҳақиқатга тўғри келмаслигига сабаб шундаки, Бобойи Порадўз XIV асрда яшаган. Уста Рухий эса XVI асрда яшаган. Иккаласи ўртасилаги фарқ 200 йилдан ошиқроқ. Уста Рухий ҳеч қандай шайх ёки ислом дини намояндаси бўлган эмас, балки металл, ёгочкорлик ва ўша даврлардаги замбараклари бўлган манжиниклар арродалар ясашда бошчилик қилган кишилардан бири бўлиб, Абдуллахон II урушларида замбараклар бошлиғи — саркарда сифатида урушларда актив қатнашган. Кейинчалик анча вақтлар ўтгач, уни «авлиё», «назаркарда», «ҳамма мушкулларни осон қиладиган», «муқаддас шахс» сифатида талқин қилинган.

### ХОЖА БУЛҒОР

Афсоналарга қараганда, Хожа Булғор Волга бўйидаги Булғор шаҳри хонининг ўғли — шаҳзода бўлган. Отаси билан чиқиша олмай, Бухорога келиб, бир гузарда массежид ёнидаги хонақода кўп йиллар яшаган. У бухороликларга «чарми булғори» (булғори чарм) ни қандай қилиб ишлаб чиқариш усулини ўргатган. Шунинг учун унинг исми унутилиб кетиб, Хожа Булғор деб юритилган. Хожа Булғор вафотидан бир неча йиллар ўтгандан сўнг, руҳонийлар томонидан уни (Муқаддас), «авлиё» даражасига кўтарганларидан кейин, XIV-XV асрларда унинг номи билан Хожа Булғор гузари атадган. XX аср бошларида гузарда 64 хонадон яшар эди.

Гузар аҳлининг кўпчилиги, кафшдўзлик, махси ва этикдўзлик ҳунари билан шугулланганлар. Яъни, тахминан IX-X асрлардан бери эҳтимол ундан ҳам олдинроқ бошланган чармгарлик ва чармдан (кўндан) тикиладиган оёқ кийимлари XX аср бошларигача традиция сифатида шу маҳаллада давом этиб келганлигини кўрамыз.

Булғор шаҳри ўрта асрларда энг йирик савдо марказларидан бири бўлган. Бу шаҳар сифатли чарм (кўн) ишлаб чиқариши билан машҳур бўлган. В. В. Бартольд ёзишича, «булғорий этиклар» ташқи савдо маҳсулотларидан бўлиб, Туркистонда шуҳрат қозонган. IX-X асрларда Волга бўйидаги икки хонлик Итил ва Булғор хонликлари билан сомонийлар давлати савдо алоқаларини олиб борганлар. Сав-

доғарлар у ерлардам сифати юқори бўлган ошланган терилар. қўйлар ва ёввойи ҳайвонларнинг мўйналарини сотиб олганлар.<sup>1</sup>

Бухорода ҳам булғори чармлар дастлабки пайтларда ўша шаҳардан келтирилган, кейинроқ бу чарм Бухоронинг ўзида ишлаб чиқарилган. Хожа Булғор юқоридаги гузарда булган ҳужралардан бирида кун кечириб, ўша ҳужрада вафот этган. Ўша ҳужра ёнида уни дафн этганлар. Бир қанча вақт ўтгач, ўша маҳалладаги бир бой киши савоб учун унинг қабрига соғона ўрнатган ва туғ кўтарган, руҳонийлар уни «муқаддас» деб эълои қилиб, унинг қабрига зиёратчиларни даъват этганлар.

Муллозода китобида Хожа Ҳасан Булғорий мазори ҳақида гап юритади. Демак, руҳонийлар ва зиёратчилар унинг номини унутган бўлсалар ҳам, аммо Муллозода XV асрда Бухоро шаҳрида «Муқаддас жойлар ва уларнинг эгалари» ҳақида ёзган китобида Хожа Булғорнинг асл номи Ҳасан эканлигини ёзади. Демак, Хожа Ҳасан Булғорий XV асрдан анчагина олдинроқ, Киев Руси давлати пайдо бўлган ва ривожланган даврларда Волга бўйида Булғор давлати ҳам мавжуд бўлган даврларда Бухорога келган бўлиши мумкин. Демак, Ҳасан Булғорий тахминан X-XII асрларда Бухорога келган бўлиши мумкин. XIII-XIV асрларда унинг келиши мумкин эмас эди. Чунки бу пайтларда муғуллар Булғор хонлигини тамомилан тормор этиб, у ерни эгаллаган эдилар ва шаҳарни ер билан яқсон қилган эдилар.

Хожа Ҳасан Булғорий қабрини фақатгина чармгарлар зиёрат қилибгина қолмай, бошқа диндорлар ҳам зиёрат қилганлар. Турли касалликдан қутқарувчи авлиё сифатида унга ихлос боғлаганлар. Аммо тарихий манбаларнинг кўрсатишича, Хожа Булғор ҳеч қандай табиб ёки жарроҳ ўтган эмас. У муосфирлик, дарбадарликда ўз кунини зўрға ўтказиб, камбағалликда вафот этган. Вафот этгандан кейин уни умумий қабристонга элтиб қўювчилар топилмаган ёки бундай қабристонларнинг ери олдинроқ сотиб олинганлиги учун уни ҳужраси ёнида дафн қилганлар. Буларнинг ҳаммаси унинг «авлиёликдан» анча узоқ эканлигидан дарак беради. Хўш, уни нега кўнчиларнинг пири деб атаганлар. Чунки, у чармгарларнинг айримларига «булғори чарм» пишириш технологияси ва ишлаш методларини ўргатган. Шунинг учун унинг вафотидан кейин кўнчиларнинг «ҳақиқий» маҳаллий пирига айлантириб, унга сажда қила бошлайдилар. Диндорлар секин-асталик билан бу қабрни зиёратига кела бошлайдилар. Шундан кейин кўнчилар ҳам ўз маҳаллий пириларини эслай бошлайдилар.

---

1. В. В. Бартольд. Соч. т. VI., М. 1966 г., стр. 187.

## НАВБАТУН НАСВИ (НАСИҲО)

Кемухтагарон маҳалласида бир шахсдан икки «авлиё» ясаганлар. Ҳар иккаласи ҳам бир кишининг қabri бўлиб, бири танаси кўмилган жой, иккинчиси эса «сарон» ёки боши кўмилган жой бўлган. Бу «авлиё» ларнинг номи тавбатун Насви деб аталиб, ҳаммом хизматкорларининг «пири» бўлган. кўпроқ ҳаммомчилар у ерга «мушкулкушод» ва бошқа диний ўрф-одатларни бажарганлар.

Ислом дини пешволари агар бу дунёда қанчалик ёмонлик, бадахлоқлик қилсангу, худого тавба қилсанг, оллоҳ-таоллоҳ албатта бу гуноҳларнигни кечиради, деган ғояларни илгари суришганлар. Улар мисол тариқасида Насви (Насиҳо) қилган гуноҳлари учун оллоҳ-таолло олдида тавба қилиб, авлиё даражасига кўтарилган шахслардан бир бўлиб ҳисобланади, деб айтганлар.

Афсоналарга қараганда, Насви деган шахс ўзининг бадахлоқлик, фошиҳабозлик каби ишларни қилишда устаси фаранг бўлган. У охирида аёллар ҳаммомида «халтадор» (кишларни ҳаммомда массаж қилувчи) бўлиб кўп йиллар ишлаган. Ҳаммомда хизматга борганда аёллар либосини кийиб ишлаган, ҳатто ҳеч ким уни эркак деб гумон қилмаган.

Кунлардан бир кун ҳаммомга амирнинг қизи кўмилнишга келади. Шу кун униинг қимматбаҳо узуги йўқолади. Узукни топиш учун ҳаммомда ҳозир бўлганларнинг ҳаммасини тинтув қила бошлайдилар. Насиҳо бу аҳволни кўриб, сири очилишдан кўрқиб, саросимага тушади. Ва оллоҳ таоллога илтижо қилиб, «Е оллоҳул лазина омману, ауби иллоҳи таубатан Насвезъ» (Е оллоҳ, бутун қилган ёмонликларимдан тавба қилдим, ўзинг кечиргайсан) деган сурани ўқиш билан узук топилади, у тинтувдан эсон-омон қутилади. Шундан кейин қилган тавбаси эвазига «авлиё» даражасига кўтарилади. Шу афсонанинг бошқа бир вариантыда юқоридаги оятни ўқиб, ҳаммом эшигидан бемалол чиқиб кетаётганда қўлга тушади ва уни «узук ўғриси» деб дарҳол бошини танасидан жудо қиладилар. Ғарибқашлар<sup>1</sup> амирдан яширин равишда уни танасини Кемухтагарондаги ботқоқликда кўмадилар, бошини эса ўша маҳалладаги масжидга дафи қиладилар. Ҳозирги даврда бу масжид кўзи ожизлар клуби жойлашган. Унинг ўлиmidан кейин подшонинг қизи ҳаммомнинг ковагида узукни тиқиб қўйгани эсига тушади ва ўша жойдан узукни топадилар. На-

---

1. Ғарибқашлар — Амир фармони билан қатл этилган майиталарнинг (ўлик жасадларни) яқин кишилари бўлмаса, улар ўликни олиб бориб, халқдан пул йиғиб, уни қонус-қондалар асосида дафи қилувчиларга айтилган. Халқ бундай кишиларни ҳажв қилиб «Ҳазрати олий калбачалари» деб атаган.

сиҳони поҳақ ўлдиргани учун амир унинг жасади қумилган жойга қабр ва мақбара, туг ўрнатилни буюради. Руҳонийлар уша маҳалланинг ҳар иккала жойида ҳам қабр ва туг ўрнатадилар, уни тавба тун, яъни тавбаси ҳақга етган авлиё деб атай бошлайди .

## ҲОКИМ СИНФЛАРГА ҚАРШИ БОШ КЎТАРГАН АЙРИМ КИШИЛАРНИНГ ҚАБРИНИ ИЛОҲИЯЛАШТИРИШ.

### МАҲМУД ТОРОБИИ

Жондор тумани жанубий-ғарбий томонида, район марказидан тахминан 4-5 км узоқликдаги масофада бир тепалик бўлиб, бу тепалик энг қадимги Шаҳристонлардан бири ҳисобланиб, унинг номини Тароб деб атаганлар. Шу қишлоқда яшаган ғалвисоз (элакчи) Маҳмуд Таробийнинг мақбараси ва мазори бўлиб, руҳонийлар бу одамнинг «авлиё» даражасига кўтарганлар ва диндорлар мушкулларини осон қилиш учун шу авлиёга сиғинганлар. Маҳмуд Таробий ҳақиқатан ҳам авлиё бўлганми? Албатта бунга тарихчилар йўқ деб жавоб берадилар. Хуш, Маҳмуд Таробий ким бўлган? Муғуллар истилоси натижасида Бухоро вилоятлари харобазорларга айланиб, аҳолиси эса муғул амирлари ва босқоқлари (солиқ йиғувчилар) нинг зулмлари остида хонавайрон бўлиб, жони ҳалқуминга келиб қолган эди. Қишлоқларда очлик, яланғочлик ҳукмрон эди. Деҳқонларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотларини қарийб ҳаммаси муғул солиқчилари томонидан тортиб олинар эди. Ирригацион тармоқлар бузилгани сабабли, кўпгина ерлар сувсизликдан экилмай партов ерларга айланиб қолган эди. Бунинг устига маҳаллий феодаллар ҳам меҳнаткаш халқни аёвсиз талар эди. Халқнинг сабр косаси тўлиб қолган эди. Халқ муғул амирлари ва босқоқларига, ҳамда маҳаллий бойларга қарши кураш йўлини қидираётган эди. Бухородан уч фарсаҳ (тахминан 24-25 км) шимолда Тароб қишлоғида элакчи уста Маҳмуд Таробий яшар эди. Бу қишлоқдаги деҳқонлар ва ҳунармандлар йиғилишларда уларнинг оғир ҳаётларидан шикоят қилар эдилар. Муғул ҳукмронларига қарши нутқлар сузлар эдилар. Бу йиғилишларда Маҳмуд Таробий катта обрў қозониб, халқнинг ишончига сазовор бўлади. Маҳмуд Таробий тарафдорлари кун сайин кўпая боради. Халқ қўзғолон кўтаришга сигнал берилишини кутиб ётарди. Муғул маъмурлари ғалабани тўхтатишга ва бошланган қўзғолонни раҳбарсиз қолдириш мақсадида Таробийни ҳийла билан ўлдирмоқчи бўладилар, аммо бу уриниш муваффақиятсиз чиқади. Уша даврнинг араб тарихчиси Жўғайнингнинг ёзишича, муғуллар Мовароуннаҳрдаги нонби Маҳмуд Ялавочдан ёрдам сўрайдилар. Ялавочни резиденцияси Хўжаанда эди. У Маҳмуд Таробий исёнини бостиришда катта лашкар юборишга ваъда беради. Таробий қишлоқдан Бухо-



рога жунайди ва у ерда Таробийнинг яқин сафдошларидан аконд олим Шамсиддин Маҳбубий яшар эди. Маҳбубий дин ҳомишлари бўлган руҳонийларнинг юқори қатлами мугулларга сотилганидан, ўз халқига хиёнат қилган садрлардан норози бўлгани сабабли, Таробий бошчилигидаги исёнга хайрихоҳлик билдирган эди. Кейинроқ бу исённинг мафкуравий раҳбарларидан бирига айланади. Маҳмуд Таробий Маҳбубий бошчилигидаги шаҳар исёнчилари бошлиқлари билан кенгаш ўтказди. Бу кенгашда Ялавоч юборган аскарлар етиб келгунча қўзғолон бошлашга қарор қилинади. Уларнинг қадрдон шаҳар ва қишлоқларини мугуллардан ва уларнинг шериклари — маҳаллий бойлар, руҳоний бошлиқлардан озод қилишга маҳкам бел боғлаган кишилардан катта отряд тўпланади.

Маҳмуд Таробий ҳаракати умумхалқ исёнига айланади. Бу ҳаракат диний ҳаракат эди. Чунки бу ҳаракат раҳбарларининг анчагина қисми диндорлар эди. Қўзғолон шiori Бухорони кофир мугуллардан озод қилиш ва уларнинг малайлари ҳисобланган маҳаллий феодалларни, кофирларга сотилган руҳонийларнинг жазосини бериш, камбағалларга, айниқса, деҳқонларга озодлик бериш, уларга бойларнинг катта мол-мулкларини бўлиб беришдан иборат эди.

Шамсиддин Маҳбубий: «Менинг отам ўзини ёзган китобида Таробдан буюк лашкарбоши чиқади, у бутун дунёни забт этади, деб айтган эди. Маҳмуд Таробийнинг бутун ташқи ва ички қиёфаси отам башорат қилган ўша лашкарбошига ўхшайди», деган ташвиқотларни юргузади. Қўзғолончилар томонига ўтган мунажимлар ҳам осмондаги юлдузлар Маҳбубийнинг сўзини тасдиқламоқда, деб тарғиб қила бошлайдилар. Маҳмуд Таробий Бухорога келиб, Санжар Малик номидаги саройга тушади. Мугуллар уни ўлдириш пайига тушадилар. Таробий яширин эшикдан чиқиб, олдинроқ тайёрлаб қўйилган отга ўтириб, Абу Ҳафс (Ҳазрати Имом) қўрғонига келади. Ўша жой қўзғолон штабига айланади ва қўзғолоннинг бошланганини эълон қилинади. Халқ лашкари билан Бухорони эгаллаб, Малик Рабна саройига тўхтайдди. Бошқа куни — Жума куни Бухоро масжидларида хутба унинг номига ўқилади.

Шаҳар мугуллардан тозаланади. Тароби ўз ҳузурига Бухоро аристократиясини йиғади. Садрлар бошлиғи қўзғолончиларга қаршилик кўрсатмасдан, Таробини халифа деб эълон қилади, Садр бошлиғи ўрнига Маҳбубий тайинланади. Таробий қўзғолончиларга суяниб, аристократларни таъқиб остига олади ва қаршилик кўрсатганларни ўлимга ҳукм қилади. Қўзғолончиларга бойларнинг мол-мулкни мусодара қилишга, уларни камбағалларга бўлиб беришни буйруқ беради. Қурол етишмас эди. Жуваийийларнинг ҳикоя қилишича, Таробий: — қурол бўлади, у осмондан бизга юборилади, деб қўзғолончиларни ишонтиради. Худди шу пайтда қурол билан савдо

қиладиган савдогарлар қарвони Шероздан ўз товарлари билан келадилар. Уларни қуроллари қўзғолончилар томонидан сотиб олинади. Қўзғолончилар Таробийнинг пайгамбарлигига ишонч ҳосил қиладилар. Бухородан қочиб кетган бойлар ва мугуллар Карманда ҳарбий куч тўплай бошлайдилар. У ердан Бухорога ҳужум қиладилар. Таробий ва Маҳбубий қўзғолон отрядлари бошида туриб, душман қўшинларини тор-мор қиладилар, мугулар қоча бошлайдилар. Қишлоқларнинг халқи ойболта, кетман, белқурақлар билан қочаётган мугулларга ҳужум қиладилар. Бойлар ва амалдорлардан қаттиқ ўч ола бошлайдилар. 10 мингга яқин мугуллар бу урушда ҳалок бўлади. Бу галаба Маҳмуд Таробий ҳаракатининг энг юқори нуқтаси эди. Хужанддан юборилган Маҳмуд Ялавочнинг катта қўшини мугулларга келиб қўшилади.

Қўзғолонда Маҳмуд Таробий ва Шамсиддин Маҳбубий камон ўқидан ҳалок бўладилар. Уларнинг ҳалок бўлишига сабаб, улар бизларни худони ўзи «сақлайди» деб ўйлаб, ҳеч қачон қўлларига қурол олмас эдилар, ўзлари совут киймас эдилар. (Совут баданни ўқлардан мудофаа қиладиган темир кийим). Қўзғолончилар Маҳмуд Таробийнинг укалари Муҳаммад билан Алини ўзларига бошлиқ қилиб кўтарганлар. Муҳаммад билан Алининг на ташкилотчилиги ва на обрўси бор эди. Бу нарса мугуллар билан тўқнашувда ҳам ўзининг аксини топади. Орадан бир ҳафтадан кейин мугулларнинг кўп сонли лашқари Элдиз Найён ва Чекан Қўрчи бошчилигида қўзғолончиларга қарши ҳужумга ўтади. Жангда Маҳмуд Таробийнинг тарафдорлари тор-мор қилинади. Қўзғолончилардан 20 минг киши ҳалок бўлади. Мугуллар Бухорога кириб борадилар. Улар шаҳар аҳолисини шафқатсизлик билан калтаклаб, ўлдира бошлайдилар, ҳатто раҳмсиз Ялавоч ҳам одамларни бекордан бекорга уриш ва ўлдиришни тўхтатишни талаб қилди, чунки Маҳмуд Ялавоч шаҳар ва қишлоқларнинг бўшаб қолишини хоҳламас эди. Мугуллар хони ўгадай Ялавоч юборган элчиларни қабул қилиб, 636 (1239-1240 йилда) Бухороликларнинг «гуноҳи» дан кечгаалигини билдиради.

Урта аср тарихчиси Жўвайний ўз феодал синфининг манфаатларини ҳимоя қилиб, деҳқонлар исбнини «қароқчилар», «қоралар» ҳаракати. Таробийни диндан қачтган сеҳргар деб атаydi. Мовароуннаҳр ва Туркистонда халқ орасида, айниқса, аёллар ўртасида парихонлик кенг тарқалган эди. Парихон, пархон (тожик тилидан пари ва ўқимок) касалларни хурофий амаллар билан даволашга уринишдаги сеҳргарлик. Баъзи жойларда Бахши деб аталади. Парихон — бетобликни жин, алвасти, пари ва бошқа мавжудодларнинг таъсири деб ҳисоблаган Парихоннинг асосий даволаш йўли гўё беморга асар қилган деб гумон қилинган жинларни ҳайдашдан иборат бўлган. Парихонлик шаманизмнинг бир кўринишидир. Парихонлик ибтидоий дин фор-

маларидан қолган қолдиқ бўлиб, ислом дини бундай парихонликини тан олмайди ва куфр деб атайди. Шундай сеҳрғарлар — парихонлардан бири Бухорода Маҳмуд Таробийнинг опаси бўлиб, Жувайнийнинг ёзишича, Маҳмуд ҳам сеҳрғарликини ўз опасидан ўрганган эмиш, Таробий шу йўл билан бир неча киши даволайди. Шунинг учун халқ унга ишона бошлайди. Жувайний Бухородаги бир неча кишилардан эшитиши бўйича, Маҳмуд Таробий кўзи ожиз кишилардан икки кишини кўзига итнинг нажосатини суртиб, уларни яхши қилган эмиш. Жувайний бундай табиблик Таробийнинг фирибгарлиги, жодугарлиги деб аталади. Аммо Таробийнинг бундай «даволаш» усулидан обрў қозониши мумкин эмас эди, у халқни муғул ва маҳаллий бой, руҳонийларга отлантиргани учун обрў қозонган эди. Шундай қилиб, умуман ҳукмрон синфлар мадоҳи бўлган Жувайний гарчи уни кофирликка чиқариб, турли ҳақоратлар ва тухматлар ёғдиришига қарамай, у ўз асариде Таробий бошчилигида бўлиб ўтган кўзголон тафсилотларини реал тасвирлашга мажбур бўлган.

Маҳмуд Таробий меҳнаткаш халқ манфаатини ҳимоя қилган, шунинг учун унинг мозори меҳнаткашларнинг зиёратгоҳига айланади. Уни «авлиё» сифатида эмас, балки, меҳнаткашлар манфаати учун, уларнинг озодлиги учун кураш олиб борган халқ қаҳрамони сифатида зиёрат қилганлар ва унга атаб соғона, мақбара қурганлар.

Шундай қилиб, галбирчи Маҳмуд Таробий халқ эрки учун, ватаннинг озодлиги учун истелочи муғулларга ва сотқин маҳаллий феодалларга меҳнаткашларнинг олиб борган озодлик курашига раҳбарлик қилган ва меҳнаткаш халқ учун ўзини қурбон қилган чин халқ қаҳрамони бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳар йили хотира кунларида уни «авлиё» сифатида эмас, халқ бахт-саодати учун курашувчи халқ қаҳрамони сифатида эслаб туриш мақсадга мувофиқдир. Бу эса ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, истелочилар сиёсатиға қарши курашда муҳим воситалардан бири бўлиб ҳисобланади.

### АҲЛИ НАМАДПҶШ.

Қадим замонларда Бухоро хон ва амирлардан алоҳида вилоят ҳокимларидан, норози бўлган кишилар ўзларининг норозиликларини изҳор қилиш сифатида, қора кигизни ўртасидан тешиб, ўша кигизни кийиб юрар эканлар. Тоқим ҳоким ёки подшо унинг ёки уларнинг талабини қондирмагунча у одамлар кигиз кийиб юра берганлар. Имом Қозихон маҳалласида ана шундайлардан бир нечтасини қабрлари бўлиб, уларнинг бириси Ҳасан Ибн Юсуф Самонийдир. У 1115-1116 йилда вафот этган. Унинг қабрининг усти ёғочдан ясалган кичик типдаги уйча бўлиб, шу уйнинг ичида дахмадан қабр бўлган. Қабр ташқарисида тут дарахти бўлиб, XX асрнинг 50 йилларида

маҳаллий қарияларнинг ҳикоя қилишича, бу дарахтнинг еши 200 йилдан ошиқроқ бўлган. Бу дарахтнинг руҳонийлар «Муқаддас» деб эълон қилган ва у дарахтнинг диндорлар «яхши тилаклар» тилаб, унга турли латта-путталарни боғлаб қўйганлар. Бу қабрга диний байрамларда кўпроқ аёллар ис ва бошқа ёғлиқ нарсалар олиб бориб, бу қабрдан «яхши ниятлар» тилаганлар. Хуш Ибн Юсуф Бухорий Намадпӯш (кигиз кийиб юрувчи) ким бўлган? Аслида у катта шайхлардан бўлиб, XII асрда Қорахонийлар подшоҳи Ғози Арслонхон (1102-1130 йилар) нинг пири ҳисобланган. Бу даврда Арслонхон билан мусулмон уламолари ўртасида ихтилофлар кучаяди. Арслонхоннинг касаллигидан фойдаланиб, жаҳолатпарастлар давлатни бошқариш ишларига қўл чуза бошлайдилар. Руҳонийлар мамлакатга ярим подшо қилиб тайинланган, Арслонхоннинг ўглига фитна уюштириб, уни ўлдиришга муваффақ бўладилар. Арслонхон билан руҳоний уламолари ўртасидаги бу низолар, қонли урушларга олиб келади. Реакцион уламоларнинг бундай ҳаракатларидан норози бўлган шайх Ҳасан Ибн Юсуф ўз норозилигини билдириш учун кигиз кийиб юра бошлайди. Чунки Арслонхоннинг мамлакатни марказлаштириш ва ободонлаштириш режалари тарафдори эди. Арслонхон ҳукмронлиги даврида кўп иморат ва ишоотлар қурилди. Қорахонийлардан ҳеч ким ундай кўп бино қурмаган бўлса керак.

Илк ўрта асрларда катта роль ўйнаган Пайкент шаҳрини тиклаш учун бўлган урнини ҳам Арслонхон номидан боғлиқдир. Лекин бу урнини қутулган натижани бермади. 1127 йилда қурилган Бухородаги Минораи Калон ҳозиргача ҳам қад кўтариб турибди. Бухордаги намозгоҳ, гул ва нақшлар билан яхши безалган пештоқи Моғоки Атторий, Жарқўрғон (Сурхандарё области) да жимжимадор гуллар солиниб, гоятда пишиқ қилиб қурилган минора қабилар, Арслонхон замонида қурилган архитектура намуналаридир. Арслонхоннинг ҳарбий юришларини ҳам Ҳасан Ибн Юсуф ал Бухорий ас-Сомоний қўллаб турган. Ривоятларга қараганда, шайх 30 йил ўз хонақосида фақат сабзавотлар билан тамади қилган. Арслонхон уни ўзини тутунган отаси деб ҳисоблаган. Хоннинг қувватлаши натижасида шайх Ҳасани Намад пӯш Бухорони «бузуқбошлар ва янгилик» тарафдорларидан муҳофаза қила олди. Бозорда кишилар молига кўз тиккан ҳар қандай суфий шаҳардан қувилади. Суфийларнинг асосий вазифаси, диний тариқат нормаларини сўзсиз бажаришдан иборат деб, мол-дунё тўплашга ружу қўйган суфийлар, дарвешларга қарши кураш олиб боради. 509 (1115-1116) йилда Шайх бузуқбошлардан бирининг отган камон ўқидан ҳалок бўлади. Бу ҳақда Муллозода ўз китобида қисман шундай ёзади:

**Ғаз андар жувори Қозихон**  
Бузургонанд ҳар яке чул жон,

Низ дар ғағби марқади деҳқон  
Сўфиён Ҳифзаид бо поёл  
Чун Намадлуш шайхи бо шони  
Ибн Юсуф Ҳасани Сомони  
У падархоҳанди Арслон Ғознес  
Ки шаҳрат аз он пир офате нест.<sup>1</sup>

**Мазмуни:** Қозихон Ҳўйбори (катта маҳалла) мазорда жуда кўп бузруғ (натта) одамларнинг қабри бор. Деҳқон қабриниқг гарб томонида, сўфиларнинг пастки томонида Ибн Юсуф Ҳасани-Сомони Шайхи Намадлушнинг қабри бор. У Арслон Ғознинг падархони эди, пирнинг шарофатидан бу шаҳарда офат йўқдир. Муллозода унинг улим ҳақида шундай ёзади:

Рўзи дар хонақо бебэке  
Он даромад зи рўйи шакоки  
Тир зад бар сари мубораки у  
Кард ўро шаҳид он бахху.<sup>2</sup>

**Мазмуни:** Бир кўни унинг хонақосида бир шакоқ (диндан қайтган) кириб келади. Камон тири билан унинг муборак бошига қараб отади, натижада у бадхўнинг қўлида Шаҳид бўлади. Муллозода китобининг назми нашри (1909 йил, Когон) да Шайх Ҳасани Намадлушнинг ҳалок бўлган санаси 507 (1116-1117) йилда деб таъкидланади. Бошқа манбаларда эса 509 (1115-1116) йилда. Аслида у 509 йил ҳижрийда ўлдирилгандиги тўғри бўлиб ҳисобланади.

Шундай қилиб, Арслонхоннинг пирин Ҳасан Ибн Юсуф Бухорий-Намадлуш консерватив ортодоксал Ислом тариқатлари тарафдори сифатида майдонга чиқади. Ўша даврдаги Ислом динига янгилик киритувчи шайхлар ва руҳонийлар билан хон томонини олиб, кураш олиб боради. Улар Қорахонийлар — айниқса, Арслонхон сиёсатидан норози эдилар. Чунки, Арслонхон бойлик тўплаш, сиёсатга оралашиш каби ғояларни илгари сурган руҳонийларни хуш кўрмас эди. Уларнинг сиёсатга аралашувиға йўл қўймас эди. Унинг «пири» ҳисобланган Ҳасан Ибн Юсуф Бухорий уларга норозилик билдириб, намадлуш, яъни кигизни кийиб олган эди. У бошқа руҳонийлардан устунлигини билдириш учун «ғарибона» ҳаёт кечириш, мол-дунёдан воз кечиш кабиларни талқин қилар эди, ҳатто ўзи ҳам сабзавотдан (шалғам, сабзи кабилар билан) кун кечирар эди. Мол-дунёга ҳирс қўйган руҳонийларни Арслонхон ёрдами билан ҳатто шаҳардан бадарга қилиш, уларни мол-мулкни хон ҳисобига мусодара қилишгача бориб етган эди. Хоннинг отахони — пирини ҳалок бўлганидан кейин Арслонхон ва унинг сиёсатини тарафдорлари бўлган руҳонийлар

1. Китоби Назми Муллозода. Когон 1909 й. (тошбосма), 65 бет.
2. Уша жой. 68 бет.

нийлар группаси «Шайх намадпуш» ни «авлиё» даражасига кутардилар ва унинг қабрини зиёратгоҳлар маконига айлантирадилар.

Шу маҳаллада XIX асрнинг охириларидан иккинчи «Аҳли намадпуш» деб аталган яна бир неча кишиларнинг қабрлари пайдо бўлади. Улар амир сиеватининг гуноҳсиз қурбонлари бўлган кишилар эдилар. Ҳозирги Қашқадарё вилоятида Чироқчи райони бўлиб, амирлик замонида бу район алоҳида бекликдан иборат эди. Бухоро амирлигининг бутун вилоят ва туманларида амир, беклар, амалдорларнинг зулми ҳаддан ташқари бўлган бўлса ҳам, Чироқчи беклигида амалдорларнинг зулмига тоқат қилиш мумкин эмас эди. Уларга қарши исён кутарганларни маҳаллий ҳукмдорлар қаттиқ жазолаб эдилар. уларни зиндонларга қамаб, азоб берар эдилар. Исён бошлиқларини эса давлат жиноятчилари сифатида Бухоро зиндонига юборар эдилар. Шу йул билан меҳнаткашлардан қаттиқ ўч олиб, уларга қаттиқ зулм қилар эдилар. Агар бирор киши уларнинг устидан амирга арз қилса, авваламбор, у ўз аризасини амирга етказмас эди. Агар амирга бориб етганда ҳам, у аризага амир, яна Чироқчи беги ва бошқа амалдорларига «Фалони чунин гуфта шикоят кард, тафтиш намуда бинед, агар ҳақиқат ба ў зулм расида бошад, ба додаш расед» (Фалончи шундай деб шикоят қилди, тафтиш қилиб кўринг, агар ҳақиқатан зулм ўтган бўлса, додига стинг) деган мазмунда муборакнома юборар эди. Ўзбекистон Давлат архивининг Қўшбеги фонди (Ф — 126) да, Бухоро музейи қўлёзмалар фондида худди шундай мазмунда амирлар томонидан ёзилган муборакномалар кўплаб учрайди. Агар ўша мазлум амирнинг муборакномасини золим бекнинг қўлига келтириб берса, амалдорлар «тафтиш» натижасида аризадаги шикоятни ноҳақ деб топар эдилар. Шикоят қилган кишининг ҳолига маймунлар йиғлар эди. Ўрни, «ўлганнинг устидан тепган» (ба болойи мурда сад чўб) мақолига ўхшаган, мазлум шикоятчи «туҳматчи» деб, зиндонда қамалар, калтаклар зарбидан қийналиб, ўлиб кетар эди.

Зулмдан жони ҳалқумига келган Чироқчи меҳнат аҳли, яна исён кутаришга тайёргарлик кўради. Бундан хабар топган амир томонини оладиган мутассиб руҳонийлар уларни кураш йўлидан қайтариб, ҳар бир қишлоқдан бир иккитадан вакиллар тўпланиб, қора кигизни кийиб, Амир Аҳадхонга шикоятга боринглар, у барча талабларингизни бажо келтиради, деган маслаҳатни берадилар. Зулм кўрганларнинг вакиллари икки юз дона қора кигиз топиб, ўртасидан тешиб, ҳаммалари шу кигизни кийиб олиб, амирга — Карманага равона бўладилар. Амир Аҳадхон ўша даврларда ўз резиденциясини асосан Карманага кўчирган эди. Қора кигизни кийилиши, қадимги урф-одат бўйича, ҳаддан ташқари зулм ўтганнинг нишониси эди.

Улар Қарнаб тогидан ўтиб, Карманага яқинлаша бошлайдилар. Амир

Аҳадга бу воқеа аён бўлгач, амир аҳли намадпўшларни кечқурун шаҳарга, амир чорбоғига олиб киришларини, улар билан яхши муомалада бўлишларини, уларга ҳатто зиёфат уюштириш кераклигини ўз аёиларига буюради. «Аҳли намадпўшлар» амир амалдорлари орқали ўз аризаларини амирга бериб юборадилар. Икки-уч кун ўтгач, амир амалдорлари келиб, уларни аризаларига амир муборакнома ёзиб, Бухорога — Қўшбегига юбордилар, сизлар Қўшбегининг олдига — Бухорога бориңлар, у ерда Қўшбегини одамлари сизлар билан Чироқчига бориб, золимларни «додини» беради, деб ишонттириб, уларни Бухорога жўнатади. 200 та аҳли намадпўшлар Бухорога яқинлашганларида, амир чопари улардан олдинроқ емир «муборакномасини» Қўшбегига етказади. Қўшбегини уларни зарбоф чопонлар ва усти ёпиқ аравалар юбориб кутиб оладилар. Уларни алоҳида гуруҳларга ажратиб, усти ёпиқ араваларда Бухоронинг ўн бир дарвозасидан бир, икки аравадан киритиб, кечқурун шаҳар одамларига билдирмасдан, Аркка — Қўшбегини олдига олиб келадилар. Арккадаги «ҳовлича» деб атаган зиндонда уларни жойлаштириб, устидаридаги чопонларни ечиб олиб, қўл-оёқларига ишкел уриб, обхоналарга қамайдилар. Улар ўртасидаги ёшларни ва маҳмадонларни жаллодлар ўша кечаси бошларини кесиб, араваларга ўликларни жойлаб, «Тали Ғарибон» деган тепалиқ қабристонига олиб бориб, катта чуқурлик қазиб, уларни кўмадилар. Ўлдирилган кишиларнинг сони бир юздан ошиқроқ эди. Ёши жуда ўтганларини эса Бухоро ва Хоразм ўртасидаги «Қабоқли», «Уч Учоқ» жойларга бадарга қиладилар. Кейинроқ бу воқеа Чироқчи аҳлига маълум бўлади. Улар яширин келиб, ўликларни «Тали Ғарибон» дан олиб, Имом Қозихон мазорига кўмадилар ва у ер кейинроқ Бухороликларнинг зиёратгоҳига айланиб қолади. Гуноҳсиз кишилар амир ва Қўшбегини буйруғи билан ўлдирилганлиги учун, уларнинг мазорларини халқ зиёратгоҳига айланиб қолади. Кейинги йилларда инқилобдан 10 йиллар олдинроқ, назрхўр шайхлар «аҳли намадпўшлар» мазорини «авлиё» га айлантириб, уларни тақдирини бошиқача талқин қилиб, дини Ислому «софлиги» учун қурбон бўлганлар, мужоҳидлар деган бир қанча таги бўш афсоналар ўйлаб чиқариб, бу жойни ўзларини дарсмад манбаларига айлантирадилар.

Шундай қилиб, бу мазористонда иккита аҳли намадпўшлар қабри учун зиёратгоҳ вужудга келади. Биринчиси, XII асрда яшаган руҳоний Ҳасан Ибн Юсуф Сомоний-Бухорий-Намадпўш бўлса, иккинчиси XIX аср 80-йилларида Амир Аҳадхон буйруғи билан ноҳақ ўлдирилган бир юздан ошиқроқ «аҳли намадпўшлар» нинг қабрлари бўлиб ҳисобланади. Меҳнаткаш халқ «аҳли намадпўшлар» хотираларини эслаш мақсадида, кўпроқ шу зиёратгоҳга келар эдилар. Кейинги аҳли намадпўшларни Юсуф Сомонийнинг «иншини» давомчилари

деб атар эдилар. Уларнинг жасадини шаҳар ташқарисидаги «Тали Ғарибон» дан, бу қабрга кучирилиши ҳам назрхўр шайхларнинг мас-лаҳати билан бўлган бўлса керак. Чунки, намадпўшларнинг қабрлари бир жойда бўлиши керак деган маънода шундай қилинган бўлса керак.

## ШУКУРБЕК ҚАБРИНИ ИЛОҲИЙЛАШТИРИШ ТАРИХИ

Бухоро шаҳрининг Йон Қубот (Йонқувад) маҳалласида шаҳар девори ташқарисида XIX аср охирларида вужудга келган «Муқаддас» авлиё бўлиб, «авлиё» ва қабр Шукурбек қабри бўлиб ҳисобланади. Халқ айниқса, меҳнат аҳли бу қабрни зиёрат қилиш учун келганлар ва бу қабрни эгасига атаб Ис ва ҳар хил таомлар келтириб, унинг арвоҳига фотиҳа ўқиб ва ҳатто айрим диндорлар бу қабр эгасидан бойлик, сиҳатлик, омонлик ҳам тилаганлар. Хўш, қабр эгаси Шукурбек ҳақиқатан ҳам муқаддас шахс, илоҳий кучга эга бўлган авлиё бўлганми? Асло бундай эмас. Шукур Вобкент туманидаги Косагарон қишлоғида яшаган ва бир неча таноб ери, хотини ва бир қизи бўлган. Бора-бора ҳокимларнинг зулми ва солиқларнинг ҳаддан ташқари кўпайиб кетиши натижасида ўша қишлоқда яшаган судхўр бой Ҳайдархунди (Бухорода судхўрларни «Хунди» лақаби билан атар эдилар) деган кишидан бошқа қишлоқ камбағал деҳқонлари каби қарздор бўлиб қолади. Қарзнинг проценти оша боради. Ниҳоят, Шукур ўзининг бир парча ерини, деҳқончилик асбобларини ва ҳовлисини ҳам бога қарз эвазига беришга мажбур бўлади ва Ҳайдархундига етим (батрак) бўлиб ишлайди. Шукур ўз ҳовли жойларидан ажралгандан кейин, далада Қоза (каппа) қилиб, ўз оиласи билан яшай бошлайди. Совуқда касалманд хотинининг аҳволи тобора оғирлашади. Шукур Ҳайдархундидан истиқомат қилиш учун унинг молхонасидан бир озгина бурчакни тилаб олади. Шу молхонада хотини вафот этади. Қизи эса Ҳайдархундининг ичкари чўрасига айланади. Қиз бўйи етсач, жуда гўзал, чиройли қиз бўлиб етишади. Бой Ҳайдархунди учта хотини бўлишига қарамасдан, бу етим қизга ҳам кўз олайтира бошлайди, унга тегажоқлик қила бошлайди. Қиз бу воқеани отаси Шукурга айтади. Шукур бошқа бир қишлоқдан иш ва бошпана топиб, қизини олиб бориш ҳақида бой Ҳайдархундига мурожаат қилади. Аммо Ҳайдархунди қизни қўлдан чиқаришга кўзи қиймайди ва ундан қизингни, сени едирдим, хотинингни кўмиш учун қанча пул сарфладим. Ҳаммаси бир минг танга, шуларни тўлаб қизингни олиб кетасан, деб унинг қизини беришдан бўйин товлайди.

Шукур Вобкент туманидаги қозига мурожаат этади. Қози одамлари, амлакдор (амирлик солиқларини йиғувчи) Абдусатторга иш ҳал бўлгунча, «Холис киши сифатида» қизни ўз уйида сақлаб туришга қарор қиладилар. Амлакдор Абдусаттор ҳам қизни гўзал



ҳуснини кўриб, уни қўлдан чиқаришни хоҳламайди ва Шукурнинг қизини қайтариб бериш ҳақидаги бир неча талабларини рад этади. Ўҳдоят. Вобкент туманидаги Чорҳоким (тўртҳоким — Қози, раис, амлакдор, миршаб) лар унинг аризаларини рад этадилар. Амир ва унинг амалдорлари ҳам бундай арзларга аҳамият бермайдилар. Шукурбек уларга қарши зўрлик йўли билан курашишга аҳд қилади. Унинг биринчи қурбони бой Ҳайдархунди бўлади. Шукурбек Вобкент туманидаги бойлар ва амалдорларнинг мол-мулкини талаб, маишатдан ортган қисмини камбағалларга тақсимлаб беради. Унинг ягона мақсади, амлакдор уйдан қизини қутқариш ва Абдусаттордан ўч олиш эди. Аммо бундай пайт топа олмайди. Абдусатторнинг қийноқларига чидай олмаган Шукурнинг қизи вафот этади. Абдусаттор ваҳимага тушиб, Бухоро шаҳрига қочиб кетади.

Шу пайтлар халқ Шукурга «беклик» лақабини берган эди. Шукурбек ҳам ўз ишини Бухорога — шаҳарга кўчиради. Шукурбек шаҳарда ҳам хасис, бой, судхўр ва амалдорларнинг мол-мулкини талаб, уларни камбағалларга ва илм толиби учун ўқиётган қашшоқ мадраса муллабаччаларига берар эди.

Аҳмад Дониш «Наводир-ул-воқое» деган асарида Шукурбек тўғрисида шундай деб ҳикоя қилади. «У, олий ҳиммат буд, ки мол аз тавонгарони бахил ситуда ба мустаҳқони алил расониди ва ба аҳли илм ва талабаи мадраса нонат фармуди».<sup>1</sup>

**Маъмуни:** Шукурбек олий ҳиммат киши эди. Бахил бойлардан молларни олиб, дармонда, бечора кишиларга, илм аҳлига ва мадраса талабаларига инъом қилар эди.

Агар Шукурбек кечқурун бирор кўчадан кетаётган бўлса, у битта тош отар эди. Унинг отган тоши гуруллаб қелиб, ҳатто ўртача дархтларнинг белидан ўчириб юборар эди. Миршаб ва унинг одамлари, унинг отган тошининг овозини эшитишлари билан дарҳол қочиб, кўчани унга бўшатиб берар эдилар.

Бухоро амири уни тирик тутганларга бир минг танга (150 сўм), бошини келтирганга 500 танга мукофот белгилаган эди. Кўп кишилар Шукурбекни тутишга уринадилар, аммо уни ўзи бундай кишиларни тутиб олиб, уларни жазоламас, агар камбағал ва қашшоқ бўлсалар, ундай кишиларга пул бериб, дарҳол шаҳардан чиқиб кетишни таклиф қилар эди. Шукурбек бирор кишини ўлдирмас эди. У «ёмон одамларни ўлдириш билан тамомлаб бўлмайди» деб айтар эди. Унинг ягона хундори собиқ амлакдор Абдусаттор қолган эди. У эса уйига ётмасдан, ҳамма вақт ётиш жойини алмаштириб юрар эди. Шукурбек Абдуллохон мадрасаси ёнида Абдусатторнинг ҳовлиси борлигини билиб, ҳамма вақт ўша томонларга кўпроқ айланар

1. А. Дониш. «Наводир-ул-воқое», қўлёзма, 107 бет.

эди. Иттифоқо Абдусатторбек Абдуллохон мадрасаси ёнидаги қассобликдан гушт харид қилиш учун намози аср чоғи кучага чиқади ва Шукурбек унинг ёнига бориб, озода кутариб ерга уради, уша пайтда унинг жони чиқиб кетган эди. Аммо у яна кўкрагига ханжарини суқади. Одамлар Шукурбекни танимас эдилар. Оддий ўғри деб билиб, уни ўраб оладилар. Шукурбек Абдуллохон мадрасасига кириб, у ердан девордан ошиб қочаётган пайтда уни қуваётган аломонга тегдирмасдан, гуруллатиб бир тош отади. Оломон уни Шукурбек эканлигини билиб, бошқа орқасидан таъқиб қилмайдилар. Аммо шунга қарамасдан, Шукурбек қўлга олинади, жуда кўп қийноқлардан сўнг қатл қилдирадилар. Халқ орасида шундай ривоятлар борки, Амир уни ногорохонага ташлаган экан, аммо у икки оёғи билан ерга тушиб қочган, кейин яна амир жаллодлари уни қўлга туширганлар ва қатл қилганлар. Шукурбек амир амалдорлари ва бойлар зулмига қарши яқка тартибда курашган кишилардан бири бўлиб ҳисобланади. Камбағал меҳнаткашлар ва илм аҳлиларига қўлидан келганча ўз ёрдамини аямаган олийжаноб кишилардан бўлгани сабабли, меҳнаткаш омма уни ҳурмат қилган. Шунинг учун унинг жасадини шаҳар ташқарисидаги қалъанинг тагида дафи қилганлар. Унинг дафи маросимида амир таъқибидан қўрқмасдан, мингларча одамлар қатнашганлар ва унинг қабрини «авлиё» сифатида эмас, балки зулмга қарши курашган халқ қаҳрамони сифатида зиёрат қилганлар.

Кейинроқ мол-дунёга ҳирс қўйган айрим руҳонийлар уни «Муқаддас» авлиё деб эълон қилганлар ва у ерни даромад манбаларидан бирига айлантирганлар. Бухоро шаҳридаги энг охириги «қадамжо» ҳам Шукурбек қабри бўлган бўлса керак, чунки XIX аср охиридан бешлаб Бухорода бирорта янги «қадамжо» ва «авлиё» дафно бўлганлиги тарихий манбаларда йўқ ва кекса кишилар ҳам айтолмайдилар. Бухоро вилоятида феодал зулмга қарши меҳнаткиш халқ оммасининг актив ва пассив курашларида раҳнамолик қилган кишиларнинг қабрларини назрхўр шайхлар томонидан «авлиё» даражасига кўтарилган, улар ўлгандан кейин «муъжизалар кўрсатувчи», ҳар қандай мушкулларни осон қилувчу, «бутун касалликларга шифо берувчи» кишилар деб атаган, бундай «муқаддас жойлар» дан ўнлаб мисоллар келтириш мумкин. Аммо халқ бахт-саодати учун подшоҳлар, хонлар, амирлар ва уларнинг ҳамтовоқлари амалдорлар, бойлар, мутассиб руҳонийларга олиб борган курашларда бошчилик қилиб ҳалок бўлган Маҳмуд Таробий, Чироқчидан келган «аҳли намадлушлар» ва Шукурбек кабиларнигина тилга олдик.

Юқоридаги воқеалар содир бўлган дастабки йилларда меҳнаткашлар оммаси уларни қабрларини авлиё сифатида эмас, балки меҳн бўлган кишилар сифатида хотирлаганлар ва уларнинг мазорларини вақт-вақти билан зиёратгоҳга айлантирганлар. Бу ҳам феодал зулмга қарши норозиликнинг бир кўриниши бўлган.

## ХУЛОСА.

Биз юқорида бир қисм «муқаддас» ва «бузруквор» лар мазорларининг келиб чиқиши тарихи билан, улар кимлар учун хизмат қилганлиги билан танишиб чиқдик. Биз бу жойларни «муқаддас» жойлар сифатида ҳамда қурилган бинолар, мақбаралар, соғоналар ва ҳоказолар халқ санъати нуқтаи назаридан ҳурматлаймиз. Булар халқ усталари томонидан бино қилинган бўлиб, архитектура меъморчилиги жиҳатидан катта тарихий аҳамиятга эгадир. Бухорода Исмоил Сомоний мақбараси (IX аср охири ва X аср боши), Сайфиддин Боҳарзи (XII аср), Чашмаи Аюб (XII-XIV аср), Мири Араб мадрасаси (XVII аср), Чорбакр (XVI аср) каби юзлаб ёдгорликлар шулар жумласидандир. Бу ажойиб санъат обидаларини улуғ меъморлар бунёд этганлар. Афсуски, кўплаб золим ҳукмдорлар, мустабид хонлар номини қозоғга битган феодал даврининг турхнавислари ажойиб меъморлар ҳақида дом-мим дейишмаган. Узоқ ўтмишнинг қайтариб бўлмас оқими ажойиб санъаткор меъморларни асрлар уммонида фарқ этсада, тарих буюк заковий ва маҳорат билан яратилган обидаларни асрлар оша халқимизга етказди.

Ҳа, диний китобларнинг кўпчилиги мазорпарастлик бидъат, хурфот деб ҳисобланган, бундай урф-одатларни тарғиб қилаётган дин ниқобидаги эътиқодсиз, кузбўямачи руҳонийларнинг кирдикорлари ҳар қандай кишини газаблантиради. Меъморчилик санъатининг бебаҳо асарии бўлган Исмоил Сомоний мақбараси Бухоро амирлари томонидан хазинадан таъмирлаш учун маблағ ажратмаганликлари натижасида Бухоро халқ «революцияси» арафасида у тенг ярмигача тупроққа кўмилиб, хароба шаклида турар эди. Академик Б. Засипкиннинг умумий раҳбарлиги остида 30 йилларда буюк меъмор, ажодлар санъатига муносиб ворис Уста Ширин Муродов ва унинг шогирдлари бу мангу ёдгорликка қайта сайқал бердилар.

Ушбу кунларда минглаб шахримиз меҳмонлари халқимизнинг ўтмиш авлодлари санъат ва маҳоратидан эстетик завқ олиш, улар даҳосини зўр ҳурмат билан хотирлаш учун бу ерга келадилар. Халқ хотираси деган тушунча асрлар тажрибасини жамланган тарихий анъана билан боғланиб кетади. Халқ хотираси, қолаверса, инсон хотираси энг улуғ эъзозга лойиқ. Хотирасиз ҳаёт маънавий қашшоқлик, инсоний фожианинг айни ўзидир.

Ўтмиш хотираси бўлмаган инсон, — деб таъкидлайди Чингиз Айтматов, — ўз халқи ва бошқа халқлар тарихий тажрибасидан маҳрум, ҳаётда янгидан ўз ўрнини аниқламоқчи бўлган, аслида тарих оқимидан четга сурилиб, фақатгина бугунги кун билан яшаётган ночор кимсадир. Ёдгорликлар — асрлар давомида бобокалонларимиз ижодий меҳнати туфайли бунёд топган ягона нусхадаги монумент-

тал тарихномалар, бамисоли ўтмишдан қолган муқаддас китоб.

Ислол динининг муқаддас китоби — Қуръони Каримда, Муҳаммад пайгамбарнинг ҳаёти ва фаолияти, шунингдек, унинг диний ва ахлоқий кўрсатмаларини ўз ичига олган ҳадисларда ва бошқа ислонни кўзга курунган муҳаддис (ҳадис илми билан шуғулланганлар) ва уламолар ўзларининг кўпгина асарларида «муқаддас жойлар ва авлиёларга сигиниш ва улардан мадад кутишни куфрлик ва ҳаром» деб атаганлар. Улар фақат оллоҳга сигиниш керак деган асосий қондага асосланиб, оллоҳ энг ҳотам, сахий, инсонларвар раҳмдилки, тоат-ибордатни қанда қилмай, ислон руки (асос) ларини бажонидил бажо келтириб, астойдил сўралса, ҳамма вақт ҳожатни раво қилади, барча дардларга шифо беради. Оллоҳнинг бу марҳаматига эришишнинг нули кўпдир, деб ёзганлар.

Булардан бири эса оллоҳни севадиган бандаларнинг мартабасини улуг қилган, Ҳизир назар қилган зотларни ҳурмат қилиш, уларга худо йўлида хайри-садақа қилиш, ўлганларидан сўнг эса арвоҳларини эслаб туриш ҳақидаги шартдир.

Расуллоҳ қабр устида ўтиришни, қабр устини бутунлай текислаб ташлашни (яъни, қабрларни вайрон қилишни) ёки уни устига турли баланд қуббалар қуришни ман этганлар. «Қабр устига ўтиргандан кўра, чўг устига ўтириб, кийимларни то этигача куйиб кетгани яхшидир».<sup>1</sup>

Пайгамбар ҳадисларида қабр устига ўтириш, бу ўлган кишиларга ҳурматсизлик бўлади, қабрларни вайрон қилиш куфрлик, қабр устини ҳаддан ташқари безамаслик керак, мазорларда намоз ўқимаслик керак, деган гоъларни илгари сурадилар.

Пайгамбар ҳадисларида мақбара ва ҳаммомдан бошқа ер юзининг ҳаммаси намоз учун ярбўқлидир, деб айтганлар.<sup>2</sup> Муҳаммад пайгамбар ўз ҳадисларида мазорлардаги туғларга, дарахтларга, туморларга ихлос қилиш, Азанмхонлик, сеҳру-жоду кабиларни бидъат деб атаган. Фикримизнинг далили сифатида Пайгамбар ҳадисларидан бир неча намуналар келтирамиз:

«Тангрига суяниш ўрнига бошқа сеҳру-жоду, туморларга ихлос қилган кишини тангри ўз ҳолига қўяди, (яъни, ёрдам бермайди)<sup>1</sup> ёки Азиймхонлик, тумор тақмоқини ва сеҳру-жоду билан шуғулланмоқ, тангрига ширк келтириш билан баробар».<sup>2</sup>

Пайгамбар ҳадисларида «мазорларга, азиз — авлиёларга атаб

1. Ахлоқ ва одобга онд Ҳадис намуналари. Т. 1990 й, 163 бет.

2. Уша китоб, 168 бет.

1. Ахлоқ ва одобга онд Ҳадис намуналари. Т. 1990 й, 148 бет.

2. Уша китоб, 46 бет.

қурбонлик қилиш исломда йўқ» деб атаганлар. Мозор назрхўрларни бундай ҳадиси шарифга рноя қилмасдан, бойлик орттириш учун дишдорларни чалғитиб, ноҳақ йўлларга бошлаганлар, шунинг учун Пайгамбар ўз ҳадисларида бундай кишилар ҳақида «одамларни чалғитиб ноҳақ йўлга бошловчи имомлар дажжол (қиёматга яқин чиқиб, одамларни йўлдан адаштирадиган инсон) дан ҳам хавфлидирлар» деб айтган эди.

Мозорларга сигиниш, улган кишилардан нажот сўраш, мозорлардаги туғлар, у ердаги дарахтларни зиёрат қилиш, турли туморлар тақиш, азонмхонлик сеҳру-жоду билан шугулланиш, қабрлар устида намоз ўқиш, мозорларга қурбонлик қилиш қабилини ислом дини бидъат, хурофот деб ҳисоблайди. Пайгамбар ҳадисларида «Бидъат — хурофотга берилган одам то уларни тарк этмагунча, унинг қилган савобли ишларини тангри қабул қилмайди»<sup>1</sup> дейилган.

Қадим замонлардан бошлаб кўпчилик онгли, билимли кишилар, меҳнат аҳллари меҳнатсеварлик, ишчанлик одамнинг ҳамма мақсадларига етиштириши мумкинлигига ишонганлар ва кунлик ҳаётида буни синая кўрганлар.

Халқ оммаси ўз ҳикматли сўзларида, фольклорда, қўшиқ ва ялларида инсоннинг фаровонлиги, бахт-саодати, истиқболи узига боғлиқ эканлигини, бу ишда на амир, на авлиё ва на унинг мозори ёрдам бермаслигини баралла баён этган.

Масалан:

**Некон бо жидду-жаҳд ба мақсуд мерасанд,  
Ноқобилон ҳавола ба тақдир мекунавд.**

**Эркин таржимаси:** Гайратли кишилар тиришқоқлик билан ўз мақсадларига эришадилар. Ноқобил кишиларгина ўз келажакларини тақдирга ҳавола қиладилар.

Айрим раҳбар ходимлар динга, муқаддас жойларга қарши кураш ва уларни жамоатчилик кучи билан ёлиб қўйиш баҳонаси билан кўпгина нодир архитектура ёдгорликларини вайрон қилдилар. Масалан, Бухоро шаҳридаги амирлик тузумига қарши кураш олиб борган ва уларга хайрихоҳ бўлган юзлаб кишилар ҳамда жадидизм намояндalarидан Мулло Сирож (С. Айнийнинг укаси) ва кўпгина прогрессив кишилар кўмилган «Тали Ғарибон» мозори 1980 йилларда бозор қуриш баҳонаси билан йўқ қилиб юборилди.

XVI асрнинг машҳур шоири Абдураҳмон Мушфиқи қабри ва мақбараси, Хўжа Убондаги мақбара (XIV аср), Хожа Исмат (XV аср) мақбараси каби юзлаб нодир архитектура ёдгорликларини йўқ қилиб юбордилар.

1. Ҳадис намуналари, 39 бет.

Ҳозирги даврда Чорбақр (XVI аср) ансамбли ва бошқалар йўқ бўлиб кетиш арафасида турибди. Юқорида айтганимиздек, моддий ёдгорликларни сақлаш ва уларни муҳофаза қилиш ҳар бир Ватанпарвар инсоннинг бурчи бўлиб ҳисобланади.

Бизнинг вазифамиз прогрессив халқ анъаналарини ҳурмат қилиш, ёш авлодни ўз ватанининг тарихига меҳр-муҳаббат туйғуси руҳида тарбиялаш, айни вақтда халқ анъаналарини ва урф-одатларини ва фойдадан холи бўлмаган диний ахлоқ нормаларини ҳурмат қилишдан ибратдир. Авлиё деб аталган Нажмиддин Қўбро, Таробий, Баҳорзий, Баҳоуддин ва бошқа тариқат намоянадалари бўлган, меҳнаткаш халқ манфаатини ҳимоя қилган улуғ зотларни ҳурмат қилиш ва уларнинг мазорларини ободонлаштириш, таъмирлаш ишларини жонлантиришимиз ҳам қарз, ҳам фарз. Чунки, ҳар бир муқаддас жой ва улардаги ҳар бир тарихий обидалар аجدодларимизнинг босиб ўтган тарихининг зарварақ саҳифаларни бўлиб ҳисобланади.

---

**Изоҳ: Қавслардаги гушунтириш текстлар муаллифники.**

# МУНДАРИЖА

Кириш сўзи	3
Ислом динида бидъат деб ҳисобланган мажусийлик давридаги сигнадиган жойларни маҳаллий одат сифатида тикланганлиги тарихи	урф 10
Сипёвуш, Кайхисравлар афсонавий ёки тарихий шахсларми?	11
Ҳонмарди қассоб	18
Қўчқор ато	21
Ҳожа Ғойиб	24
Бурқи Сармаст	25
Бухоро ва унинг атрофларидаги аёл авлиёлар тарихи	30
Чилдухтарон	30
Қиз биби ёки ҳазрат биби деб аталган авлиёлар тўғрисида афсоналар ва ҳақиқат	32
Биби махсуманпоқ	34
Исломдаги диний-фалсафий оқим сўфизм (тасаввуф) билан боғлиқ бўлган авлиё, қадамжолар тарихи	38
Абдул Қодир ал Желоний	44
Абу Ҳамид Ал Ғаззали	46
Юсуф Ҳамадоний	49
Ҳожа Али Рометани	52
Бобойи Самосий	53
Ҳожа Муҳаммад Баҳоуддин	58
Ҳожа Порсо	75
Ҳўйборий шайхлар нақшбандлик тариқатининг давомчиларидирлар	79
Маснавий	88
Халифа Худойдот	о 95
Айрим подшо ва амалдорларнинг илоҳийлаштириш сабаблари	98
Ҳунармандларнинг айримларини илоҳийлаштириш тарихи	11
Уста Руҳи мозори	12
Ҳожа Булғор	12
Навбатул Навси (Насихо)	12
Маҳмуд Таробий	12
Аҳли Намадпўш	13
Шукурбек қабрини илоҳийлаштириш тарихи	13
Ҳўюса	14

